

МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ

# ЖАВЗО ТАШРИФИ



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2008

Масъул муҳаррир:  
**АҲРОР АҲМЕДОВ**

**Матназар Абдулҳаким.**

**Жавзо ташрифи. Шеърлар, дostonлар.** / М. Абдулҳаким; Масъул муҳаррир А. Аҳмедов — Т.: Шарқ, 2008. — 336 б.

Китобга Матназар Абдулҳакимнинг турли йилларда нашр қилинган тўпламларидан шеърлар, шунингдек, таржималаридан намуналар киритилди.

**ББК 84 (5Ў)6.**

**ISBN 978-9943-00-256-2**

© «Шарқ» НМАК Бош таҳририяти, 2008.

МАТНАЗАР  
АБДУЛҲАКИМ

ЖАВЗО  
ТАШРИФИ

ФАСЛАД  
ДУШИҒИ



## ИРОДА

Фасл танламаймиз. Ҳаммаси баҳор,  
Қовжирайди фақат ёлғон-яшиқлар.  
Биз абадий неқбин. Мангу умидвор.  
Биз — кўнгли совишни билмас ошиқлар.

Қишлар ва баҳорлар, ёзлар ва кузлар  
Биз учун баробар янгроқ торлардир.  
Ерга ёға олмай ёнган юлдузлар  
Бизлар қаловини топган қорлардир.

Тоғдек тоқатлардан мумиёдек сирқиб,  
Дўстларга аталган дил розларимиз.  
Қанотимиз пўлат. Ҳеч бўлмас қирқиб.  
Жаранглаб туради парвозларимиз.

## ТАСАЛЛИ

*Йўлдош Эшмуродовга*

Оддийгина осмон остида,  
Оддийгина шу замин узра  
Бетимсол бир қиз яшайди деб  
Ишонгинг ҳам келмайди сира.

У қиз эса яшайди, ана,  
Йўлиқасан гоҳ эрта, гоҳ кеч.  
Ҳар кун, ҳар кун уни кўрасан  
Ғафлат қурсин, танимайсан ҳеч.

Тани, фақат таниб олсанг, бас,  
У қиз маъюс ўйга толади,  
Ҳамма сени, оддий ўзингни  
Бир кун қаттиқ севиб қолади.

Шундай қаттиқ севадики, у  
Яшолмайди сенсиз бир замон.

Мўъжизага айланади ер,  
Мўъжизага айланар осмон.

Сўнгра термулмайсан, чақнайсан,  
Айтилмас, йўқ, ёнади сўзинг.  
Мўъжизага айланиб кетиб,  
Танимайсан ўзингни ўзинг.

Сўнгра неки юрагингга зид  
Бўлар инкор, бўлиб кетар рад.  
Қарабсанки, турган-битганинг  
Бахтдан, фақат бахтдан иборат.

### ХАБАРИНГ ЙЎҚ

Зоримни сезиб, титради дутор, хабаринг йўқ,  
Фафлатда сену, мен бунда бедор, хабаринг йўқ.

Оламни босар зулмат агар лаҳза юмилса  
Ул кўзларинг, эй кўзлари хуммор, хабаринг йўқ.

Ишқ бўлмаса қошонаи бахт кунпаякундир,  
Ишқ туйғусидир энг буюк меъмор, хабаринг йўқ.

Ҳам менинг, ҳам қолди куни ишққа заминнинг,  
Иккимиз ҳам йўқса у бемор, хабаринг йўқ.

Қалбингдаги ишқ қатрасини офтоб олгач,  
Атрофида ер айланади зор, хабаринг йўқ.

Бахтингни кутиб вақт ўтишин тезда тиларсан,  
Умрингни ўғирлайди у айёр, хабаринг йўқ.

Дебсанки, хабарсиз Матназар жабрима маҳкум,  
Бундан хабарим алақачон бор, хабаринг йўқ.

## ДИЙДОР

Мукаммал бу гўзаллигингни  
Ёниб қилгим келади таъриф.  
Бироқ, не қилайки, қошингда  
Энг қудратли каломлар ғариб.

Висолингни қилсам-да ҳавас,  
Меҳрим изҳор этмадим ҳеч вақт.  
Сен билан бир ҳаводан нафас  
Олиш ўзи менга катта бахт.

Бир қайрилиб ташласанг нигоҳ,  
Юрак тўлар сўнмас зиёга...  
Сени бир бор кўриш-чун фақат  
Келиб кетса арзир дунёга.

## ОТАЖОН ОҒА ДИЙДОРИ

*Дунёга борлигиндан қувонадирман*  
Сайфи Нажмий

Келаётир эдим Ҳазораспдан жим,  
Тирбанд автобусда ҳорфин, асабий,  
Худди бу тирбандлик, тўпалон учун  
Бошқалар олдимда гуноҳкор каби.

Кимдир сўкинарди, нўноқ киссавур  
Чўнтагига қўшиб танин кесгандек.  
Ҳар бир янги бекат биз учун жавр,  
Ҳар янги ҳамроҳдан роса безгандик.

Автобус ойнаси диққинафасдан  
Ботганди кўзёшдек-кўзёшдек терга.  
Аёвсиз бир қарғиш лаҳза тинмасдан  
Кимнидир топтарди тенг қилиб ерга.

Билмадим, гуноҳи не эди унинг,  
Ҳеч ким ҳам ҳеч кимнинг айбин билмасди.  
Шу пайт битта йигит магнитофоннинг  
«Чирқ» эткизиб ногоҳ тугмасин босди.

Қоронғу дилларни ёритиб бирдан  
Жаранглай бошлади нурафшон сўзлар.

Аланглаб турди-да бундай сеҳрдан,  
Мўлтираб қолдилар ўқрайган кўзлар.

Хонанда чекарди кассетада оҳ,  
Кимнингдир кимгадир зорлиги учун.  
Юракдан ҳайқириб қувонарди гоҳ  
Бировнинг дунёда борлиги учун.

Илғаб ҳар бир сўздан қутлуғ зиёни,  
Кўзларини очди бир парча воҳа.  
Ҳар юракда пинҳон минг бир дунёни  
Ёритиб юборди Отажон оға.

Сароб йўқолгандек шу бир нафасда,  
Кетди андуҳларни янгроқ куй олиб.  
Боя маймунлардек эдик қафасда,  
Энди-чи, турардик мулзам, уялиб.

Йигитни индамай тушундик бизлар,  
Билдик ғамимизни еганлигини.  
Англадик, дунёда мусаффо ҳислар  
Абадий барқарор эканлигини.

Йигит бир бекатда тушиб қолган сўнг  
Бир-бировга боқиб жим ўйга толдик.  
Энг бахтли туш бирдан келган каби ўнг,  
Машина кенг экан биз пайқаб қолдик.

Эсладик: ҳамиша шодланганмиз-ку,  
Кимнингдир бизларга зорлиги учун.  
Ҳозир ҳам сафарга отланганмиз-ку,  
Кимнингдир дунёда борлиги учун.

Шундан бери мени қийнар ўзга ҳол,  
Ўзга уқубатдан юрагим ғам ер.  
Баъзан ҳаволаниб гар сурсам хаёл  
Ўша автобусга менгзаб кетар Ер.

Тўғри, сайёрамиз ҳудудсиз, лекин  
Кўнгиллар торлиқдан унда мотамлар.  
Офтоб бепул, ҳаво бўлмаса текин  
Қирилиб кетгудек шўрлик одамлар.

Бир чимдим тупроққа кўзи тўйгувчи  
Юҳофеълар ҳамон яшар қалашиб.  
Ўз ўрнин эплашга етмас-ку кучи,  
Чанг солар ўзганинг ерин талашиб.

Ғаддор режалардан турмасак огоҳ,  
Ер ҳам бир тугмага боғлиқ тақдир-ку.  
Тугмани мен боссам... янграса ногоҳ  
Бомбалар ўрнига меҳрбахш бир куй.

Анғласалар ҳамма беизох, бешарҳ,  
Менинг кўнглимдаги орзуни ҳам жим.  
Ахир, она замин яшар уриб чарҳ,  
Одамнинг одамга зорлиги учун.

## ГУЖУМЛАР ҚЎШИҒИ

Хоразмда гужумларни «Шаҳар мўйловдори» деб  
аталган зараркунадалар ғажиб битирмоқда.

### 1

Биз ҳеч бевафолик қилмаймиз,  
Бош олиб кетмаймиз ҳеч ерга.  
«Қизил китоб» олис. На чорамиз бор?!  
Балки кириб қолармиз... шеърга.

Балки сўнги бора шовулламоқда,  
Бизнинг бағримиздан яшил оҳ.  
Энди ҳомий бўла олмайсиз бизга,  
Сизга биз азалдан бўлсак-да паноҳ.

Ўзига маҳлиё қилолмас бизни  
Ёт тупроқ, ўзга халқ, бегона юртлар.  
Хоразмда қоламиз,  
Ғажиб турса ҳам  
Азим танамизни шилимшиқ қуртлар.

### 2

Наҳот, соямизда тебранмас бешик,  
Такрор пичирлашиб кирмаймиз тилга.  
Аъзой баданимиз илма-тешик,  
Нақ ўққа тутилган.

Бизларга юраклар камроқ ачийди,  
Тўлдириб бўлмайди бизларга план.  
Юртлар оша келган қуртлар ғажийди  
Иштаҳа билан.



Қутқаринг! Куйламанг шунчаки мақтаб,  
Йўқса, биз кўрк эмас, болталар сопи.  
Даҳшатга солади бизни биз ҳақда  
Беозор қўшиқлар азоби.

### САФАР ТААССУРОТИ

Нечоғлик шод эдим,  
термуларман деб  
чорлоқлар ўлкасин шукуҳ-шонига.

Кўллар кўмилибди...  
Келибман бугун  
мовий қўшиқларнинг қабристонига.

Энди хотирада варанглайди ўқ,  
тасаввурда қулар ойдинга\* ғозлар.  
Оққушлар  
кўзларим ўнгидамас,  
йўқ,  
хаёлимда қилар кўкка парвозлар.

Бу қурбонлар учун  
тошбағир замон  
қайтмас кўрки билан товон тўлагай...

Кимнингдир кўзидан ёш оқар ҳамон,  
кимнингдир оғзидан эса — сўлакай.

### АРМОН

Сен ҳақда қўшиқлар куйласайдим шўх,  
Қани эди сени гул деб хушласам.  
Лекин сен гул эмас, сен бир лаҳча чўғ,  
Қўлларим қуяди ушласам.

Сен ҳақингда сира бўлмас гап очиб,  
Ловулар куйлаган овозлар...

Чўғни ўйнар оғзидан сочиб,  
Фақатгина масхарабозлар.

---

\* *Ойдин (шева)* — кўлларнинг ўртасидаги ўсимликсиз, очиқ сув майдони  
(Муаллиф.)

## ЭРТАК

Бир уй бор.  
Бу уйда,  
қачон қараманг,  
совуқ ҳашам ҳоқим,  
ва қаттиқ тартиб.  
Бу уй жуда тоза.  
Кирадилар унга  
фақат юракларга оёқни артиб...

## БЕДОРЛИК

Юлдузларга лойиқ исмингга  
Муносибмас сўнган сўзларим.  
Сенга юлдуз кашф этай десам,  
Иложсиздир менинг кўзларим.  
Бу орзудан воз кеча олмай  
Нигоҳимни кўкка қадайман.  
Иккиланмай Қутб юлдузин  
Сенинг исминг билан атайман.  
Бу бахтдан у чарақлаб кетар,  
Ишваланиб сирли бир рангда.  
Энди ҳамма-ҳамма юлдузлар  
Айланади сенинг тегрангда.

## ПУШАЙМОН

Иқбол бўлиб келган эди бизларга,  
У софдилни синаб берганди тақдир.  
Биз шўрликлар бунни кечикиб биддик,  
У энди бир умр биздан йироқдир.

Ҳисларни топтадик, оёқлар ёнди,  
Ҳаяллаб туташди жонларга олов.  
Мажруҳ ғуруримиз аянчдир энди,  
Бамисли латтадан қилинган ялов.

У биз учун энди бахтли хотира,  
Ўнгидан келмаган лаззатли бир туш.  
Бизнинг-юракларда илон бор эди,  
Бизнинг юракларда яшолмасди қуш...

## ТУРНАЛАР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Турналар жуда ҳам донишманд қушлар,  
Улар садоқатли, меҳрибон, марддир.  
Улар биладилар, ватан дийдорини  
Қўмсаб азоб чекмоқ улуғ бир дарддир.

Юрагида юксак-юксак туйғулар  
Билан бу диёрни соғиниб қайтиш  
Учун олисларга кетади улар.

Ақл бовар қилмас зийрак бу қушлар  
Изғириндан ҳуркиб кетмайди асло.

Ватанни тарк этиб алақайларга  
Чекинган баҳорни олиб келиш-чун  
Улар ҳар куз учиб кетиб қолади.

Агар улар иссиқ ўлкага эмас,  
Тўлсин деб эмас бу осмон офтобга,  
Учиб кетишса гар абадул-абад  
Кириб қолиш учун «Қизил китоб»га,

Кимдан ўрганамиз сидқу виқорни,  
Ким олиб келади кетган баҳорни?

## ҲАЗИЛ ЭМАС

Ана, оқ тут қоқаётирлар,  
Ошпоқ тутга тўла ҳаммаёқ,  
Одамлар тут емоқда тўйиб,  
Дарахт тўйиб емоқда... таёқ.

## ВИСОЛ ҚЎШИҒИ

Ёнма-ёнлик — олис,  
Ёнма-ёнлик — оз.  
Бизлар бир-бировда яшашимиз шарт.  
Фақат шу.  
Бошқаси — жудолик, холос.  
Бошқаси даволаб бўлмайдиган дард.

Илтижо эмас,  
Йўқ,

Афсун қиламан:  
Сен меңда,  
Мен сеңда бўламыз.  
Бошқаси бедаво дард. Мен биламан.  
Бу дардни бир чексак,  
Ўламыз.

## ПОЕЗДА

Дим вагонда кетиб борардик,  
авжда эди ёзнинг ҳовури.  
Пармаларди қулоқ-миямни  
қартабозлар ғала-ғовури.  
Шу пайт  
кимдир  
тиниқ осмонда  
ногоҳ чақин чаққандек гўё,  
деразага талпиниб,  
деди:  
— Дўстлар, ана, қаранглар — дарё!  
Мен ялт этиб қарадим шунда.  
(Кимдир лоқайд боқиб ётарди.)  
Дарё эса зилол ва шитоб  
узун ўйдек оқиб ётарди.  
Гўзалликдан баҳраманд бўлмоқ  
душвор, ахир, учқур поездда.  
Ўтиб кетдик.  
Оний иқболдек  
қолди фақат ул дарё эсда.

Биласанми,  
сени ҳам шундай  
йўлиқтирдим оддий бир дамда.  
Ва инондим  
тип-тиниқ бир бахт  
барқарор деб ёруғ оламда.  
Ғалвалардан безиб,  
мунтазир,  
кутганимда порлоқ бир зумни,  
сени кўрдим.  
Узолмадим сўнг  
на умидим ва на кўзимни.  
Ул дарёдан айрилганимга

Ўқинардим боладек ҳамон.  
Барҳам топди ўшал жудолик  
сен учраган саодатли он.  
Пок бир висол,  
тиниқ бир бахтдан  
энди сўнгги дамгача мастман...

Сен дарёмас, поездмас, ҳаёт,  
мен ҳам ўксиб ўтиб кетмасман.

### **МАЖНУНТОЛЛАР**

Не-не умид билан кўз тутдим,  
Кутганларим бўлди уволлар.  
Мен ақддан озмай кетаман,  
Мажнун бўлиб қоласиз, толлар.

Шиша эмас, тош эди кўнглим,  
У барибир сиңди, билмайсиз.  
Йўл бўйида тураверасиз,  
Йўл бўйидан сира жилмайсиз.

Телбаларим, наф йўқ. Санаманг  
Ҳар қайси бир аср — кунларни,  
У бошқага олиб ўтади  
Менинг учун ўсган гулларни.

### **ФАСЛАР ҚЎШИҒИ**

*Туркум*

### **ДИЙДОР**

Билмадим, айланди неча бир фасл,  
Неча бир асрлар шамолдек елди.  
Мен кўнгилма-кўнгил наслма-насл  
Сени излаб ўтмиш қаъридан келдим.

Ва бир жуфт ғазалга илтижо айлаб  
Топиб олдим азал ва абад ичра.  
Биласан ким сени кетганин жойлаб,  
Қорачиқларимдан қилмайсан ҳижрат.

Мана, чақнаяпсан тун бағрин үйиб,  
Ўз бахтингдан ўзинг сўнгсиз хайратда.  
Бу бахт булбулларни лол қилиб қўйиб,  
Кўқда юлдузларни чах-чах сайратди.

Қани эди, сени майин мақтасам,  
Бўлмаса кўксимда ҳар бир сўз тошдан.  
Йўлимга кўз тутиб яшамоқдасан  
Неча асрларки ўн саккиз ёшда.

Энди тош сўзлар ҳам бошлар-ов кўчки  
Ҳаётимга солиб тинмай зилзила.  
Лекин менга таскин беролмас ҳеч ким  
Бошимни бир умр мутгасил силаб.

Ошиғинг — мангулик сени қиймайди,  
Бўлгиси йўқ сенга хазон харидор.  
Мени аёв билмай ёмон қийнади  
Гўзаллигинг билан сенинг бу дийдор.

Дийдоринг бўлмаса ҳаётим барбод,  
Дийдоринг бўлмаса мен забун кимса.  
Ўзимни тилайман сенга умрбод,  
Илдизи юракда ўсимлигимсан.

Мен рашқда қоврилган мағрур ноламан,  
Менда муҳаббат бор, йўқ менда шафқат.  
Сени мангуликдан тортиб оламан,  
Қанча севсанг, шунча яшайсан фақат.

### **БАҲОРГА САФАР**

Энди сира менинг кўнглим бўлмас гаши,  
Интизорлик менга бахш этди шиддат.  
Туғёнга айланди баҳорни кўмсаш,  
Бирдан ўз кучини йўқотди муддат.

Сабр деган олтин чиқиб қолди мис,  
Қуруқ тоқат мени қилмайди бахтли.  
Бошдан новда ўсар, оёқдан илдиз  
Кутиб тураверсам агар шу тахлит.

Дарахтлар баҳорни кутар шу ҳолда,  
Менинг эса дарахт бўлгим йўқ бугун.  
Ахир, елкамдаги эмас-ку халта  
Қанотдан иборат бору йўқ юким.

Қаттиқ севганимни сездириб қўйдим,  
Фурурланиб келмай кетди ёнимга.  
Фақат орзулардан эса мен тўйдим,  
Фақат умид эса тегди жонимга.

Баҳор ҳақда энди сўз сўзламайман,  
Тилим тўла сукут, мен жим кетаман.  
Гўзал ўйларимни кўз-кўзламайман,  
Қўшиқларда эмас, йўқ, чин кетаман.

Мен муштоқ бормасам, бормасам ташна,  
Баҳор баҳорлигин эсламайди ҳам.  
Қайлардадир юрар парвосиз яшнаб,  
Юракка ташрифин тезламайди ҳам.

Ўтиб кетар фарқсиз яхши-ёмонга,  
Бир маром, бир зайл, бир хил, бир йўсин...  
Йўқ, ўзим кетаман баҳор томонга,  
Баҳор ҳам ўзини бир кўриб қўйсин!

## ЭТЮД

Ҳайрон бўлиб турар дарахтлар  
Ошпоқ хиёбонлар сенга зор.  
Ўйлабмидим мен авжи мартда  
Мана шундай ёғади деб қор.

Бу умидли, тансиқ кунларга  
Қаҳратонни енгиб етгандик.  
Баҳор сени излаб келгану,  
Топа олмай қайтиб кетгандек...

## БИР СЎЗ

«Бир сўз топмадингиз», «Борми шундай сўз»  
«Нигоҳингиз ҳорғин» — «Йўлингда толди».  
Сенга тугавериб-тугавериб кўз  
Умид боғларимга куз келиб қолди.

Кечикиб бўлса ҳам хуш келдинг, ахир,  
Бу қадар ҳаяллаб келарми бахт ҳам.  
Аяма. Тўкилган мевалар тахир,  
Қадамларинг бўлсин шафқатсиз, шахдам.

Нечун ҳар қадамда доводирайсан сен,  
Хазон эмас, гўё япроқларим чўғ.  
Кўзларинг ёш тўла, жовдирайсан сен,  
Излайсан, излайсан, ўшал бир сўз йўқ.

Олдинга чиқаман руҳим тўла мунг,  
Ҳорғин кўзларимга ботган сўз билан.  
Қўлингдан ушлайман мен соқов, мен гунг,  
Юрақда мағиздек қотган сўз билан.

Бошқа сўзларни-ку осон сўзлайман,  
Сўзлайман, минг тавба, баъзан эрмакка.  
Бу бир сўзни эса қандай бўзлайман  
Сенинг ҳаётингга бермакка.

Сўз ўрнига умрим бераётир рўй,  
Айтилмаган сўздир қутлуғ ҳар лаҳза.  
Дард чеккан табибим, энди билиб қўй,  
Йўқ мен учун сўздан офирроқ нарса.

Мен сенга аталган шундай меваман,  
Юрагимни ушат, ол бир сўзимни.  
Сендан аямайман, сени севаман.  
Мен узиб бераман сенга ўзимни.

## ВИСОЛ

Кўзларимда чақнаб жуфт бардош  
Чек қўйди ғамларнинг барига.  
Оғир эди ҳижрон деган тош —  
Чўқтирдим ўтмишнинг қаърига.

Борлигимни васлинг ёқаркан,  
Унут бўлди ўкинч, нолалар,  
Ёдимда йўқ, нега оқарган  
Менинг бошимдаги толалар.

Шаҳзодага теккан алвасти  
Изтиробим, бас-э, талтайди.



Ишонмайман мен унга асти,  
У ёсуман ёмон алдайди.

Уқубатлар — ғурбат сипоҳи,  
Қилаётир бир-бир жон таслим.  
Салом, менинг хазонрез чоғи  
Ғолиб келган ям-яшил фаслим.

Не фаслсан, қомати шамшод,  
Ипак сочи тарам ва тарам.  
Энди чексам чекаман ғам шод,  
Севги деган бир дардга қарам.

Юрагингда жон қушим тутқун,  
Бу қафасдан кетмайман ҳеч ҳам.  
Сен ҳақда кўп бийрондир нутқим,  
Жимлигим ҳам сен ҳақда чечан.

Мен учун сен жон билан тенгсан,  
Менга сирмас кулфатнинг ҳадди.  
Мени кимки, нимаки енгса  
Сендан жудо қилиб енгади.

## СИР

Кўрганимдан сени ҳаёт билан тенг  
Ҳаётимни кўрдим сен билан баҳам.  
Пешонам кенг менинг, бардошим ҳам кенг.  
Лекин сирмай қолдинг иккисига ҳам.

Соғиниш бу — асов дардлар уюри,  
Борлигимни тинмай юлқилар топтаб.  
Бор-йўғи бир лаҳза ташриф буюриб  
Умримни қолдирдинг сўнгсиз азобда.

Юрагимда йўқдир, ахир, пўлат зирх,  
Бардош беролмадим бундай зарбларга.  
Лекин мен қудуққа сўйламадим сир,  
Сени айтдим фақат жим-жит ҳарфларга.

Ҳаловатга келди шундан сўнг қаҳат,  
Муқаддас телбалик бошланди сўнгра.  
Яшадим, исмингни отиб қаҳқаҳа,  
Яшадим, исмингни мен ҳўнграб-ҳўнграб.

Йўл кўрдимми, тамом, тикавердим кўз,  
Муштоқликдан бошқа эътиқодим йўқ,  
Менга шафқат қилма, айтилган эй сўз,  
Менга шафқат қилма, отилган эй ўқ.

Мен сени на дўст, на ганимга айтдим,  
Раво кўрганим йўқ ҳар ким-ҳар кимга.  
Айтсам, сени мен ўз шаънимга айтдим,  
Отсам, сени оддим ўз юрагимга!

## ДАЪВАТ

*Хуршид Давронга*

Не керак заминни титратмас сурур,  
Кўкни зир титратмас оҳни нетамиз.  
Кўп ҳам давроннишин бўлаверма, юр,  
Ҳазрат Навоийга кетамиз.

Ўтмишни унутиб қўйсақ, тушов шу —  
Келажакка елган хаёл — Фиротга.  
Ҳеч маҳобат қилмай, кўтармай шов-шув,  
Бир бориб келамиз қадим Ҳиротга.

Теран бир андуҳга қиламиз сафар,  
Жўнаймиз, дўстгинам, юксақ бир бахтга.  
«Ўн миллион, юз миллион ва миллиард нафар»,  
Ҳаммамиз сизгамиз шеърият — тахтга.

Ҳали жабру ситам кўҳнайгани йўқ,  
Бир қиз бор, азоби ўлимдан ёмон.  
Кетдик, «Чор девон»да ҳар бир киприк — ўқ,  
Кетдик, «Чор девон»да ҳар бир қош — камон.

Аста қилич серпаб қиё қарашлар,  
Юракка солади ҳеч битмас яро.  
Лекин зид келса ҳам дунёқарашлар  
Бизни дорга тортмас Ҳусайн Бойқаро.

Ҳикматга йўғрилган унда ҳар бисот,  
Қароққа жойлаймиз бари-барини...  
Бир бориб келамиз. Тўшимда ул зот  
Қаттиқ соғинибди набираларни.

## ТОҒ СОҒИНЧИ

Кунлар ўтаётир мисли йилдирим,  
Сен ҳақда индамай куйлар ҳар тошим.  
Айрилиққа қаттиқ ғазаб билдириб —  
Ўқрайган қўшиқдир менинг бардошим.

Муқаррар бўл, эркам, бамисли баҳор,  
Ном-нишон қолдирма қаҳрларимдан.  
Лойиқдир эриса бошимдаги қор,  
Чечаклар унса ёнбағирларимда.

Шунда пинжимдаги қушлар, оҳулар  
Йўлингга мен билан тенг термулади.  
Асрлар дастидан нурамас тоғлар,  
Тоғлар лоқайдликдан емирилади.

## ВETERАН

*Раҳим Бекниёзга*

Зирқиратар эски дардлар хуружи,  
Юракларга яқин суринар ўқлар.  
Бизни Буюк Ватан уруши  
Унутиб қўймас, йўқ, ҳар куни йўқлар.

Йўқлар гоҳ тантана, гоҳ қатъий ҳакам,  
Гоҳ яратиш, гоҳи завоқлар бўлиб.  
Умида ҳеч қачон уруш кўрмаган  
Фарзандлар бергувчи савоқлар бўлиб.

Ўчира олдик-ку мажруҳ бадандан  
Тигланиб битилган жароҳатларни.  
Лекин мотамзада она Ватандан  
Чизиб ташлаб бўлмас қора хатларни.

Муқаддас орзу ва қайтмас раъйимиз —  
Шинелга дўнамасин бу коржомалар.  
Чақирув қоғозин эслаб титраймиз,  
Учрашувга келса таклифномалар.

Сўнди қуроқларнинг муҳлик садоси,  
Ўқ эмас, қарсақлар қарсимлар фақат.  
Кексалик келаркан оҳиста босиб,  
Йўлни тўсар сизнинг меҳр, оқибат.

Қутлуғдир тинчликда кечган ҳар нафас,  
Энди хотирада кирамиз жангга.  
Суяниб яшаймиз ҳассага эмас,  
Ўзимиз қутқариб қолган Ватанга.

### ТҶРТЛИКЛАР

Қаламнинг ичида қора тош эмас,  
Ёзилажак қўшиқ ётибди ухлаб.  
Шу қадар қаттиқки унинг уйқуси,  
Уйғотса бўлади фақатгина тиглаб.

\* \* \*

Шоир қалам олса — синиб олтин қафас,  
Сўз кўкда чарх уриб яйраётгани.  
Шоир қалам олса — булбул шохга эмас,  
Шох булбулга кўниб сайраётгани.

### ҚОР ҚЎШИГИ

Лаҳза тиним билмай кутдим бу кунни,  
Бугун орзуларим, мана, ушалди.  
Сен атайин ухлаб ўтказдинг тунни,  
Мен-чи ёғавердим, мен-чи тўшалдим.

Бўронларда елиб, ҳовлингга келиб,  
Уйингни айланиб кездим жон ҳалак.  
Ниҳоят, ниҳоят, уйғотдим сени  
Деразанга бўлиб гирдикапалак.

Ёғдуга кўмилди бедор ҳисларинг,  
Улар боис бўлди оппоқ фаҳримга.  
Оҳиста-оҳиста босган изларинг  
Ўйилиб-ўйилиб қолди бағримга.

Истасанг, дўстингга от. Турибман шай.  
Ахир нечун бундан қилай орлар ман.  
Севиб, шодлигимдан осмонга сифмай,  
Сенга зорлар бўлиб ёғган қорлар — ман.

Мен учиб кўнайин, сен қувна ял-ял,  
Сен сира қилмагин шодликни қанда.

Кечир кўзёшинга ўхшаб қўйсам сал,  
Кипригинга аста қўнаётганда.

Шодлигинга қисқа умримни бериб,  
Оҳ-фигон қилмасдан, нолимасдан, жим,  
Аста ер қаърига кетаман эриб  
Сенга атаб гуллар юбориш учун...

### ҲИКМАТ

Йиғласа ёш тўкмай йиғлайди қушлар,  
Қушлар бир ҳикматни сезади.  
Беҳуда тўкилган кўзёшлар  
Даставвал қанотни эзади.

### ЖАСОРАТНИНГ ИЗИ

*Шоир дўстларимга*

Жамолин нурига мангулик тўлар,  
Шу қадар нурафшон у фахр.  
Лекин... чўнтақдамас, юракда бўлар,  
Шунинг учун уни кўрсатмоқ оғир.

Орзу қилар зотлар, кимсалар, каслар,  
Мафтун ким довруғи, кимдир — фахрига.  
Бироқ кўп ҳам қучоқ очавермаслар,  
Ташланавермаслар унинг бағрига.

Азозил шаклида турган фаришта —  
Навоси нафисмас, сўзи эмас бол.  
Бағри юмшоқ эмас, йўқ, бағри дағал,  
Осмони мовиймас, осмони қаттол.

Қай бирини танлайсиз, айтинг-чи, ўзи,  
Шунча хислатидан, айтинг, қайсини?  
«Лайли юзин кўрсин Мажнуннинг кўзи,  
Фақатгина мажнун кўзлари Қайснинг».

Уни сўйлагувчи — Машрабдек юрак,  
Куйлагувчи — Аҳмад Зоирдек марддир.  
Уни қучмоқ учун Матросов керак,  
Унга учмоқ учун Гастелло шартдир.

Мукаммал бир ошиқ, тугал бир жасур  
Умид-орзусидир кўп замонларнинг.  
Истайманки, бўлинг Қайсларнинг Қайси,  
Қаҳрамони бўлинг қаҳрамонларнинг.

Унга учмоқ, уни қучмоқ, кўрсатмоқ,  
Уни жо қилмоқни мард сўзингизга.  
Ҳам... куйлаб ўлмаслик бахтин тилайман  
Сизнинг ёлғизгина бир ўзингизга.

### **ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ**

Анор гуллаганди чўғдек қип-қизил,  
Бахш этиб дилларга сўнмас бир фараҳ...  
Афтидан, шу гул деб аллақайдадир  
Бир булбул тинимсиз қиларди чах-чах.

Чирқилларди чўчиб, келолмай яқин,  
Кўҳна ишқ достонин қайта тўқирди.  
Аммо... кўрқмай-нетмай бир сурбет чумчук,  
У гулни бемалол чўқирди.

### **ЖАЛОЛИДДИН**

Наҳот, энди боғлар сўлади,  
Ариқларда, наҳот, оқар қон.  
Шаҳидларга майдон тўладир,  
Қўзғунларга тўладир осмон.

Унутмайман ёт тупроғида  
Хоразмнинг кўзёш, хунларин.  
Мен соғиндим, қаттиқ соғиндим  
Жайхунимнинг ўз тошқинларин.

Қилич серпаб, довулдек елиб,  
Кўп жонларни адо қилдим мен.  
Салтанатда дунёга келиб,  
Балки, мудҳиш хато қилдим мен.

Ҳаёт — жумбоқ. Йўқдир ечим.  
Бу хатони ўлим тўғирлар.  
Ишонаман, эртами-кечми,  
Даф бўлади юртдан мўғуллар.

Мардлик ҳамда номардлик чекин  
Илғамадим, тўкиб шунча қон.  
Тавба деган ҳасса бор... лекин  
Таянмайман унга ҳеч қачон.

Жанг тўхтади. Олар барча тин.  
Лаб теккизди отим майсага.  
Мен ҳоридим. Ёмон чарчадим.  
Суянаман бирпас найзага.

## ЎЛЧОВАЛАР

Хиром этар товус чаманда  
Ғамдан фориг ва холи дарддан.  
Зўрман деб ўйламас, чамамда,  
У ўзини, дейлик, қаптардан.

Нола қилиб титрайди дутор  
Гоҳ сурурдан, гоҳ изтиробдан.  
У хушовоз санамас, зинҳор,  
Ўзини, айтайлик, рубобдан.

Кўз қувнатиб, барқ уриб ўсиб,  
Бўйи кўкка бориб етса-да,  
Толдан балаңд санамас ўзин,  
Дейлик, гужум, ё, дейлик, сада.

Муқаддас бир беғаразлик жо  
Табиатнинг ҳар бир ишига.  
Буюклиги кирмайди асло  
Етти ухлаб унинг тушига.

Наҳот, найлар найни бўғса ва,  
Наҳот, гуллар сўлдирса гулни.  
Йўқ... йўқ... ҳали бирон бир саъва  
Чўқиб ўлдирмади булбулни.

Бизлар бўлсак бўй-энимизни  
Ўлчаб кетмоқдамиз йўлларда.  
Салмоқлаш-чун ўз «мен»имизни  
Тарозу шай доим қўлларда.

## ОҒРИҚ

Дейлик,  
қўли кесиб ташланган одам  
йўқ қўл зирқирашин ҳис қилар эмиш.

Севгилим,  
мен сени соғиндим қаттиқ.

Азоб чекмақдаман.  
Оғрияпсанми?

## ЎСПИРИНЛИГИМ АФСОНАСИ

Ҳовуз бўйи. Минг йиллик чинор  
Кексалиқдан бошини эгган.  
Ой нурига чўмилиб, биллур  
Сув сатҳига соясин тўккан.

Пайдо бўлди сувнинг бетида  
Қаёқдандир жуфт севишган роз,  
Шўнғидилар. Сўнг ўпишдилар  
Ва жим туриб айтишдилар роз.

Ичга ютди нафасин дунё,  
Бу бахтдан лол қотди у жуда.  
Ҳуркитмай деб қушларни оқшом  
Ўтди аста оёқ учида.

Бир пайт ногоҳон ўқ отилди,  
Ўз жуфтидан айрилди эр роз.  
Гир айланиб марҳум теграсин,  
Тик тепага қилди сўнг парвоз.

Кўтарилди фалакка ул роз...  
Кўтарилди... чирт юмди кўзин  
Қанотларин йиғди-да бирдан,  
Қаро ерга ташлади ўзин.

Ем қилмади уларни тулки,  
Ҳажимади шоқол, бўрилар.  
Зиёфатда еди уларни  
Ўзимизнинг эзгуликхўрлар.



## САЙРИБОҒ

Музлабди шошқалоқ анҳорлар,  
дарахтлар зимдан қалтирар,  
гарчи ҳайкалларни қоплаган қорлар  
пўстиндек таассурот қолдирар.

Сен олис-олисда. Ёзмайсан ҳамон.  
Сен — янграб тинган бир қўшиқдек.  
Жим кезиб юрибман мен. Ҳализамон  
ёри келадиган ошиқдек...

## АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК

Севги эмас эди бизларнинг сеvги,  
Бизларнинг дардимиз дард эмас эди.  
Башорат қилмоққа ушбу кулфатни  
Пайғамбар бўлиш ҳам шарт эмас эди.

Биз-чи, бир-бировга талпиниб етмай  
Мўлтуруаблар юрдик фаромуш —  
Ўртадаги қалин тиниқ шишани  
Фаҳм этмаган икки шўрлик қуш.

## ҲАЙКАЛ

Нега шарафлайсиз?  
Мақтовларсиз ҳам  
бу ҳайкал муқаддас,  
абдий бир ганж.  
Шундай муқаддаски,  
ҳамду санолар  
унинг ҳузурида  
қўланса,  
жирканч.  
Шоҳсупаси унинг —  
муқаддас сукут.  
Сиз унга ошкор дўст,  
пинҳона ёвсиз.  
Ҳар айтган сўзингиз унинг пойидан  
бир гиштни кўчирар  
аёвсиз.

## ЭВРИЛИШ

Қаҳратонда сени кўмдим қиш бўлиб,  
оппоқ хаёлимни устинга ўртдинг.  
Баҳор бўлдим — яшил орзуга тўлиқ,  
уйғондинг ва сўнгра... оҳиста бўртдинг.  
Ёз бўлиб яшнатдим. Ҳар бир жилвангдан  
ўт бўлиб ёндилар не-не муз диллар.  
...Хомуш қайтмоқдаман бутун мен жангдан —  
куз бўлиб ўзгалар уздилар.

## СЕН, ЖОНИМ, МАНА ШУ БОҒЛАРНИКИСАН

*Туркум*

### 1

Мафтун бўлиб, бўлиб ташнадил,  
Диёрингда кезган чоғларим,  
Ажиб сеҳр билан яшнади  
Боғот далалари, боғлари.

Ўзи келган эдим бир малҳам истаб,  
Қилганидан соғинч кўксимни чоклар.  
Чаноқлар чарақлаб оҳиста,  
Тим-тим кўзёш тўка бошлади тоқлар.

Юрагим шундан бахт улгиси,  
Шундан кўзларимда фусунлар.  
Пахталар — чаноқлар кулгиси,  
Токнинг кўзёшлари узумлар.

Улар озод бежиз дард, ғашдан,  
Улар бекор йиғлаб кулмайди.  
Улар йиғлаб кулиб ишлашдан  
Бошқа ҳеч нарсани билмайди.

Биз шодмиз, ғамгинмиз деймиз-у,  
Беҳуда куламиз, куямиз.  
Токзорлар кўзёшин еймиз-у,  
Чаноқлар кулгисин киямиз.

## 2

Боғот боғларининг ўрнида бўлсам,  
Сермева хаёллар суриб турган жим,  
Сен билан Урганчга келардим,  
Боғларга чўмарди Урганчим.

Ё кўнглинг бошқа бир манзилни қўмсаб,  
Бағримни тарк этган заҳотинг,  
Йиғлаб эргашардим изингдан  
Хувиллаб қолса ҳам Боғотинг.

Сафар чоғи ерда қолдирмас эдим  
Илтижо, ҳасратлар, оҳларни.  
Етаклаб қайтардим Боғотга  
Сенга мафтун бўлган боғларни.

Келар эди улар гурас ва гурас  
Воҳалар, водийлар, тоғлардан.  
Боғот пахтазордан эмас, йўқ,  
Иборат бўларди боғлардан.

Лекин... ўзбилармон ҳаёт бу,  
Ишлар иш, сўзлар сўз ўрнида.  
Мен Боғот боғлари эмасман,  
Қўзғалмас боғлар ўз ўрнидан.

## 3

Мен ҳавас қиламан — каттаю кичик,  
Мен ҳавас қиламан — ёш-қари  
Дийдорингга ҳар кун мушарраф бунда  
Ва бахтлидир ҳаддан ташқари.

Сен нафақат менинг юрагимдаги  
Умрбод қолгувчи доғларникисан.  
Сен, жоним, мана шу элнинг умиди,  
Сен, жоним, мана шу боғларникисан.

Гарчи саховатда етти иқлимга  
Кетган бу боғларнинг овозалари,  
Сени излаб келсам ёпилиб қолди  
Уларнинг шафқатсиз дарвозалари.

Мен на-да ёлвордим уларга,  
Мен на-да уларга бош урдим.  
Фақатгина сенсиз ўзимни  
Мен ўз юрагимга яширдим.

Фақатгина — кетдим айрилиқзада,  
Сўлдирмай умидим боғини,  
Яшаш учун сени менга бермаган  
Богот боғларини соғиниб.

#### 4

Қорақум — оғир ўй. Унга ботганман,  
Ифтихор этганман фарзанд атаниб.  
Қаър-қаърига ўқдек илдиз отганман,  
Буюк бу ташналик — менинг ватаним.

Ўқрайган турқимдан оҳудек ҳурқар  
Боғ-бўстонга чўмган сўлим бу юртинг.  
Юпун юрагимни меҳрга бурқаб,  
Ўзинг хаёлимга ташриф буюрдинг.

Мени йўқлаб келдинг не журъат билан  
Борлигим аёвсиз ҳувиллаган пайт.  
Бу қадар тап тортмас бўларми гул ҳам,  
Бу ер саҳро. Келган йўлингга тез қайт.

Хатарнок хўмраяр саноқсиз бархан,  
Қумтўзонлар сўраб турмайди изн.  
Берадилар сенинг кўркингга барҳам,  
Кўмиб ташлайдилар сени, азизим.

Сенга ярашади шабада ва сарв,  
Менга эса — фақат ёвшан ва довул.  
Ахир сен ниҳоят нафис бир гулсан,  
Мен бўлсам бор-йўғи саксовул.

#### 5

Ям-яшил боғларинг — саррин салтанат,  
Меҳрим — ловулаган маъводир.  
Сен лаҳза ҳам тинмай гулламоғинг шарт  
Жазирамдан олмай хавотир.

Самумдек хавф солиб бу шаън ҳаётга  
Гарчи бу ерларда елмайман,  
Гарчи ҳар лаҳзада минг яшнаётган  
Чаман хаёлингга келмайман.

Ошиққа дийдордан ўзга не тамаъ,  
Дийдорингда, ахир, менинг бор ҳақим.  
Мен сени ашаддий умид этаман,  
Боғ орзу қилгандек Қорақум.

Севгим гуноҳ бўлса, айрилиқ — жазо.  
Гирифторман бу жазонинг.  
Етмаса бас ундан сенга ҳам азоб,  
Хазонимдир сенинг хазонинг.

Сен ногаҳон сўлсанг, боғлар ҳоли танг,  
Қовжирайди толе қароргоҳлари.  
Бахтимга бор бўлсин мангу волиданг —  
Боғотнинг барқ урган боғлари.

## 6

Боғларда хазонлар сипоҳи  
Азалдан музаффар бир лашкар...  
Бугун менга қарши аңдуҳлар  
Бирлашган... бирлашган... бирлашган...

Бирон-бир меҳрибон кўринмас  
Навоий куйлаган саф аро.  
Япроқлар тўкилар тинимсиз —  
Заъфарон... заъфарон... заъфарон...

Аста-секин қош ҳам қорайди,  
Ҳамроҳдирман ёлғиз менга ман.  
Бир куйни куйлайман тинимсиз —  
Енгаман... енгаман... енгаман...

Сокинликдан қаттиқ димиққан  
Борлиғим шаҳд тилар, ғулу тилар.  
Ёғиб ёғмас, тарқаб тарқамас  
Булутлар... булутлар... булутлар...

Ҳали юдузлардек чарақларим бор  
Бордир булутлардек бўзларим.  
Бўлгим келаётир осмоннинг  
Кўзлари... кўзлари... кўзлари...

Ўкинч, андуҳлардан воз кечиб, ташлаб,  
 Борлиғим сен билан тўлмоқни хоҳлар.  
 Йўлимга хазондан пояндоз тўшаб,  
 Хайрлашиб қолар мен билан боғлар.

Боғлар меҳрибондир, боғлар раҳмдил,  
 Боғлар юрагимни тергашмас.  
 Боғлар билар. Боғлар нозикфаҳмдир.  
 Боғлар менга сира эргашмас.

Ёлғиз йўл оламан хаёлларингга,  
 Озорлайди ҳатто гуллар таъқиб.  
 Хаёлларинг кучоқ очарлар менга,  
 Хаёлларинг боғлар рақиб.

Хаёлларинг — хазон, хаёлларинг — куз.  
 Бу ерда ҳам совуқ бошланган.  
 Орзуларинг япроқ тўкканлар маънос,  
 Умидларинг кўмиб ташланган.

Йўқ... энди қилмайман яқо чок зорлар,  
 Бардош бераман бу фироққа.  
 Фақат баҳоргача тоқзорлар  
 Кўмилиб ётади тупроққа.

## 8

Бунча ҳасадгўйсан, қаҳратон?  
 Изғиринлар, бунча бахилсиз?  
 Қанча увилламанг, барибир,  
 Умрлик боғларим даҳлсиз.

Уларни урмади қаҳрингиз,  
 Хазонлар ҳижрондан бошланди.  
 Менга муштоқдирлар боғларим,  
 Боғларим бўлмайди ташландиқ.

Йўлга чиқмоқдаман мен бутун,  
 Бораман боғларим бағрига.  
 Боғлар юрагимдек интизор,  
 Боғлар юрагимдек оғриган.

Улар ташрифимдан энтикиб,  
Бағримга ўзларин ташларлар.  
Қучоғимда яшил таъналарини  
Мастона шивирлай бошларлар:

«Кеча келсайдингиз... бу ерлар  
Оп-опшоқ, оп-опшоқ қор эди.  
Кўрардингиз, қандай изғирин,  
Шафқатсиз қаҳратон бор эди...»

\* \* \*

Умрим бор экан, ҳамнафасинг мен,  
Роз сўйлар эсанг, инжа сасинг мен.

Ишқ бошқа, ҳавас бошқа эмас, йўқ,  
Ҳам ишқинг ўзим, ҳам ҳавасинг мен.

Парвоз қилавер қуш каби озода,  
Кўксимда экансан, қафасинг мен.

Мен ҳақда мудом эзгу умид эт,  
Барча тасаввур, фаразинг мен.

Кўп ёқди яноғинг Матназарни,  
Аждодлари оташпарасинг мен.

### ТАЪБИРСИЗ ТУШ

«Тушда оқ от кўрсанг агар — бахт, —  
Бувим тушни шундай йўярди.  
— Балиқ кўрсанг уқубат бўлар,  
Худо сақласин», — деб қўярди.

Ғалати туш кўрдим тунов кун  
Мизғирканман пешинда ҳориб:  
Каттакон бир лаққа балиқни  
Борардим оқ отга ўнгариб...

### ТУЛПОР ДЕЙДИКИ

Йўллар бўлсин, майли, чигал, тор,  
Фовлар қўйинг, майли, сиз йўлга.  
Тизгинимни зинҳор ва зинҳор  
Бера кўрманг журъатсиз қўлга.

Депсиниб шўҳ ва кишнаб янгроқ,  
Гижингласам, у дил ҳовучлар.  
Чавандозман деб ўйлар, бироқ  
Жиловимни зир титраб ушлаб.

На қиз қувиб ўлич олар у,  
На улоққа ўзини чоғлар.  
Эгаримга боғлар-да парқу,  
Пилдиратиб йўртгирмоқ хоҳлар.

Менинг эса елгим бор тўйиб,  
Шу бахт насиб бўлмаса бу чоқ.  
Раҳм-шафқатни бир четга қўйиб,  
Майли, тортинг бўғзимга пичоқ.

Майли, чиқсин ҳаётим йўққа,  
Учолмасам, ҳилпиратиб ёл.  
Сингим келаётир уфққа,  
Токи қувиб етмасин хаёл.

Имиллашдан ор қиламан, ор,  
Умид билан чиқяпман йўлга.  
Тизгинимни зинҳор ва зинҳор  
Бера кўрманг журъатсиз қўлга.

\* \* \*

Баҳор,  
Ёз барқ уриб яшнаган япроқ,  
Куз келгач, узилиб тушди сарғайиб.  
Шамолда шитирлаб кезди-да ҳар ёқ,  
Чириди... тупроқда бўлди зим ғойиб.

Тан олгим келмади буни сира ҳам  
Азалий бу ҳолдан оғриндим нолиб.  
Шунда гужум деди оҳиस्ताгина:  
«Қайтармаслик уят, болам, қарз олиб...»

## ТОШЛАР ҲАҚИДА ШЕЪР

Мен ҳам золим, тўнг кимсаларнинг  
Бағрин тошга этардим қиёс.  
Тавоф этгач Мамай қўрғонин  
Бу қиёсдан кечгим келди воз.



Бунда тошлар жанг тафсилотин  
Васф этиш-чун кираркан тилга,  
Ажаб эмас тош қалбларни ҳам  
Айласалар тилка ва тилка.  
Бунда тошлар фидойи — жангчи,  
Ҳамлага шай арслон мисоли.  
Бунда тошлар — муҳаббат рамзи,  
Тошлар бунда нафрат тимсоли.  
Фарзанд доғи — сабаб, тош қотган  
Она бунда унсиз чекар оҳ.  
Бунда буюк зафардан сўйлар  
Инсон забон бахш этган бир тоғ.  
Бордир бахти, фоже ва дарди  
Шаксиз бунда ҳар битта тошнинг.  
Ўй-хаёли, ёниқ қалби бор  
Ҳар бир тошда ҳайкалтарошнинг.  
Шу боис бу тошлар қошидан  
Таъзим қилиб ўтгай асрлар.  
Золимларни тошбағир деманг,  
Токи тошлар оғринмасинлар.

## ҲАЗАЛ

Бугун лоқайдгина ёнимдан ўтди,  
Бу бепарволиги жонимдан ўтди.

Пушаймон этдим, қайрилди бир бор,  
Мисоли бир қошиқ қонимдан ўтди.

Қоронғу бу кўнгилга тушди кўзлар,  
Чақин чақнаб, зимистонимдан ўтди.

Узилдилар нурафшон кўп умидлар,  
Сўниб юлдузлар осмонимдан ўтди.

Агар ғамгин кўринсам, айб эмасдир,  
Бу айб сарви хиромонимдан ўтди.

Ажабланманг қаламнинг ноласига,  
У тиғданмас, у ҳижронимдан ўтди.

Эл ишқимдан хабарсиз Матназарман,  
Ғариб достони достонимдан ўтди.

## РАШК

Ҳазил

Мен севган қизларнинг тўйлари бўлса  
Юрагим қуш бўлиб кўкка чоғланур.  
Лекин оғир бир тош келиб қайдандир  
Унинг оёғига дарров боғланур.

Мен севган қизларнинг тўйлари бўлса  
Бу ҳол қанча эриш туюлса ҳамки,  
Юрагимнинг ярми бўлади ҳурсанд,  
Юрагимнинг ярми бўлади ғамгин.

Балки бу тўйларни олқишлаш зарур,  
Балки бу тўйларни лозим қоралаш.  
Мен севган қизларнинг тўйида, хуллас,  
Қорлар ёғиб турсин ёмғир аралаш...

## САРУПО

«Олинг. Маҳалламиз аҳлидан. Холис...»  
Тушунмади. Лекин чопонни кийди.  
«Одоблироқ бўлинг энди. Илтимос».  
Тилини тийди.  
Чопонмисан чопон. Асл беқасам.  
Қуёшда товланиб тўратар нурлар.  
«Муборак бўлсин, ҳо, муборак бўлсин».  
Духобадан жияк. Ипақдан қурлар...  
Тўйларда ғалва йўқ, Зиёфатлар тинч.  
Оқсоқол хотиржам. Ҳеч ғам емайди.  
Ёмонга ёмонсан демайди ҳеч ким,  
Аблаҳга аблаҳсан демайди.  
Ҳамма оғиз-бурун ўпишган. Ялло.  
Фалонга «фалон» йўқ, пистонга «пистон».  
Опоқ-чопоқ ҳатто ит билан мушук,  
Хуллас калом, олам гулистон.  
«Наҳотки, сарупо қилгандим тамаъ»  
У бирдан жирқанди. Дили ғашланди.  
— Ол-е чопонингни!...  
улоқтирди у.  
Яна бошланди.

## ЙЎЛОВЧИ ҚИЗ

Ўтасан сумкангни кифтингга илиб,  
Кенг кўча. Одамлар. Салом ва алик.  
Тўхтаб қолмас ҳеч ким ҳайрон тикилиб,  
Лоқайд бўладими эл ҳам шунчалик.

Духобага дўнмас сен юрган йўллар,  
Дарахтлар қолади изингдан кетмай.  
Гулдек қизарсанг ҳам совқотиб, гуллар  
Кўмилиб ётади уялмай-нетмай.

Сўнг бекат. Чиқасан автобусга жим.  
Пассажирлар лоқайд. Зотан, сан  
Улар учун ҳамроҳ ёки йўловчи,  
Хуллас, одатдаги одамсан.

Шунда бирдан чиқиб кетади жаҳлим,  
Ногаҳон келаман ларзага.  
Сен деб айланаман шу заҳот, бахтлим,  
Ҳамма одамга ва ҳамма нарсага.

Халойиқ бўламан — ошуфта, сармаст,  
Гул бўлиб, шафақранг ўйга толаман.  
Дарахтман. Ёнимдан ўтиб қолсанг, бас,  
Эргашиб, изингдан мен йўл оламан.

Тутқич бермай кетиб қоласан бироқ  
Хиромон-хиромон, сокин, оҳиста...  
Мендан бахтиёрроқ ва муносиброқ,  
Ўзингдек мукамал бир ҳамроҳ истаб.

Майли. Ҳар қадаминг мен учун фахр,  
Сира элаштириб\* билмайман сани.  
Тушунаман, севиш оғир... кўп оғир  
Ҳамма одамни ва ҳамма нарсани.

---

\* Элаштирмақ — Хоразм шевасида ёзғирмоқ, айб изламоқ деган мазмунни беради. «Элаштирманг» — «Кечиринг» дегани (Муаллиф).

## БУ УЙ

Навой театрнинг олдида бир йигитча  
«Адабиётчилар уйига қандай борса бўлади?»  
деб сўради.

«Бўлса ҳамки асл раҳнамолар мўл,  
Қилгандек юлғундан най тамаъ,  
Келиб-келиб мендан сўрадингми йўл,  
Энди чидаб эшит. Айтаман.

Устозлар — руҳингда,  
Бораркансан якка,  
Бу йўлда бўлмоқ шарт ҳар қадамда пок.  
Йўқса, заҳматларинг чиқар чипшакка,  
Бу йўл шундай қалтис, хатарнок.

Довюракми ёки шаҳди камроқсан,  
Сен бу йўлда ўзинг ўзингга соқчи.  
Бу йўлда ўзинг ўзингга ҳамроҳсан,  
Бу йўлда ўзингга ўзинг қароқчи.

Бу йўлда умид бор, шиддат, ғулу бор.  
Руҳ — дилингда яра. Ярангга эм — руҳ.  
Сен ўзинг бу йўлда ўзингга тулпор,  
Сен ўзинг бу йўлда ўзингга Семурғ.

Асл туйғуларинг қилмаса ғамза,  
Устозлар ночордир, рағбатлар нимжон.  
Ёрдам беролмас на асосчи Ҳамза,  
На Ғафур Ғулом, на Ҳамид Олимжон.

Бўлсалар омонат, майда, бесубут,  
Кўчкида тошлардир чўққилардан даф.  
Бўлмаса виждонинг асли ўзи бут,  
Йўқ қуруқ насиҳат, ваъзлардан ҳеч наф.

Сен балки шодликсан, балки ноласан,  
Башорат ортиқча... шояд, бир куни  
Насиб қилса, ўзинг англаб оларсан  
Бу уй юрагингда турганлигини».

## ШОҲСУПАДАГИ ЛОЧИН

Дўстим Жуманазар Урганч аэропорти бўсағасида  
кўрғазмага қўйилган самолётга бағишлаб бир  
шеър ёзинг, деди...

Шухратдан маст бўлиб тўхтаган довул  
Харсангбанд қилинмай шу ерда —  
Экилган бўлсайди фақатина гул,  
Зирқираб турмасдим, эҳтимол, шеърда.

Энди кўкда қилмас бу лочин сайр,  
Энди ўз-ўзини кўз-кўзлар фақат.  
Унинг учун осмон — шу бир парча ер,  
Шу баланд шоҳсупа эса — нафақа.

Музтар турибди у, турибди толиб,  
Нолон юлқинмайди, чекмайди нидо.  
Учмайди-кетмайди кўтариб олиб  
Шоҳсупани лаҳм ўлжа ўрнида.

Воз кечиб ғазабнок бўрон баҳсидан  
Кишанланиб қолган турғун омадга.  
Сафдошлар учса ҳам нақ тепасидан  
Унинг қулоқлари келмас қоматга.

Майдоннинг гавжум ва сўлим экани  
Уни боғлаб қўйган. Буни билмайди.  
Парвоздан бошқаси ўлим экани  
Ҳатто хаёлига келмайди.

Агарчи шарафли кечмиши мавзу,  
Мангу жаранглаган минглаб навога,  
Ичида инсон йўқ, англай олмас у  
Фурур душманлигин кибру ҳавога.

Лочин ўтмишга ўч бўлмаслиги шарт,  
Лочиннинг бўлиши зарур бутуни.  
У эса осмонни унутиб яшар  
Кечаги обрўга карахт юкиниб.

Энди хаёлларга солмас қалдироқ,  
Уни сармас қилмас энди мовий ранг,  
Ҳавас қилмай бўлмас лочинга, бироқ  
Лочин бўлсанг — бундай лочин бўлмасанг.

Шундай лочин бўлсанг, қилганда ҳамла  
Изингдан осмонни бошласанг олға.  
Шоҳсупани эмас, толганинг дамлар  
Кимсасиз қояни қилсанг қўналға.

Шундай лочин бўлсанг — қузғунларга кенг  
Осмонни абадий қилиб қўйсанг тор.  
Тутсанг ўзни булбул, қумри билан тенг,  
Бир қанотинг — номус, бир қанотинг — ор...

Илтифот кутмасанг бирон-бир жондан,  
Қудрат вужудингни ногоҳ тарк этса,  
Қанотингни шартта йиғиб, осмондан  
Юракларга қараб шўнғисанг-кетсанг.


\* \* \*

Чайир қанотингиз шамширдек кескир,  
Ҳадемай етасиз иссиқ элларга.  
Лекин бўлаверманг бу қадар сезгир,  
Менсимасдан қаранг совуқ елларга.  
Сиз ҳақ. Бунга ҳеч ким шубҳа қилмаган.  
Бугун мен илк дафъа шубҳа қиламан.  
Турналарим. Тўхтанг. Мен сиз билмаган  
Қутлуғ бир ҳикматни биламан.  
Ахир мен сиз келгач барқ уриб неча,  
Сиз кетгач неча бор сўлиб кўрганман.  
Сизни танимадим бугун ё кеча,  
Мен сизнинг юракда бўлиб кўрганман.  
Турналарим, кетиб қолмасангиз, бас,  
Шундай бир мўъжиза беражақдир юз —  
Бошланишга қишнинг юзи чидамас,  
Тамом бўлай деса, уялади куз...

МАТНАЗАР  
АБДУЛҲАКИМ

ЖАВЗО  
ТАШРИФИ

# ОЙДИЧЛИК



## АГАВА ДАРАХТИ

Агава умрида фақат бир марта гуллайди,  
сўнгра у қуриб қолади...

Уш кўришдик! Ниҳоят, келдим  
Неча шодлик, неча ғам оша.  
Агаванинг гули бу — завқдир,  
Агаванинг гули — томоша.

Ачинмайман кетган фурсатга,  
Ҳар бир лаҳза гарчи хазина.  
Агаванинг гули бу — зебдир,  
Агаванинг гули бу — зийнат.

Кечикмадим, не бахт, улгурдим,  
Раво бўлди олий дақиқа.  
Агаванинг гули бу — чин сўз,  
Агаванинг гули — ҳақиқат.

Мени зарра қўрқитолмади  
Йўл азоби солса ҳам таҳдид.  
Агаванинг гули бу — орзу,  
Агаванинг гули бу — умид.

Чақнанг, чарақланглар, кўзларим,  
Қутлуғ бўлсин ноёб салтанат.  
Агаванинг гули бу — тўйдир,  
Агаванинг гули — тантана.

Минг дардга ҳам гирифторлигин  
Минг кўрсанг бас, қилиб бўлмас рад.  
Агаванинг гули бу — қайғу,  
Агаванинг гули бу — ҳасрат.

Юзим тушгач бу гулга бўлди  
Ҳар томирим бир олов дарё.



Агаванинг гули бу — доддир,  
Агаванинг гули бу — фарёд.

Тоқат қилдим гулдаста тузмай  
Андишадан қўйиб олдга гов.  
Агаванинг гули — имтиҳон.  
Агаванинг гули бу — синов.

Илож қанча қисмат ҳукмини  
Қийғос гуллар қилмоқда ижро.  
Агаванинг гули бу — висол,  
Агаванинг гули бу — ҳижрон.

Керакмикан дод-фарёд, асли,  
Ҳаёт, ўлим чамбарчас, зотан.  
Агаванинг гули бу — аза,  
Агаванинг гули бу — мотам.

Бир севмак ва бир ўлмак бахти  
Насиб этмас ҳар бир ошиққа.  
Агаванинг йўриғи — бўлак,  
Агаванинг йўриғи — бошқа.

Бу — Қайс гули, бу — Мажнун гули,  
Гар узатсам қоврилгай қўлим.  
Агаванинг гули бу — бир бахт,  
Бу — мангу бир ҳаётбахш ўлим.

\* \* \*

Макрни касб қилиб олган ғаддорлар  
Эзгу меҳрингизга солганди қутқу.  
Шундан бери, мана, икки қалъада  
Ёлғиз бир ўзингиз яшайсиз тутқун.

Вужудингиз яшар бир хонадонда  
Аччиқ фаровонлик таъмини тотиб.  
Биров учун — келин, биров учун — қўшни,  
Биров учун эса — қумридек хотин.

Гўшангизда, афсус, ғаразлар тўрда,  
Пойгаҳда мум тишлаб ҳақ, инсоф жимдир.  
Меҳр-муҳаббатдан, самимиятдан  
Бошқа ҳамма нарса тўкин-сочиндир.

Сиз тараф отланар бўлсам, йўллар берк,  
Ҳар қадамим учун шаънингиздир бож.

Мен тушлар кўраман — пойингизда тахт,  
Мен тушлар кўраман — бошингизда тож.

Мен тушлар кўраман, қолмасин деб эл  
Адолат аталган олий урфсиз,  
Золимлар ичинда кирдикорларин  
Махфий ва батафсил билиб юрибсиз.

Мен тушлар кўраман, ўқиркансиз ҳукм,  
Ҳар сўзда адолат кўрсатар талъат.  
Илҳақ уйғонаман — хаста юрагим  
Сиз қамалиб қолган бошқа бир қалъа.

Шундай муҳташам бир ёлғизлик билан  
Кунларим ўтмоқда шиква-ноласиз.  
На у қалъангиздан бўласиз халос,  
На бу қалъангиздан хабар оласиз.

Сиздан бошқа ким ҳам англасин мени,  
Юрагимга йўлни бошқа ким билсин.  
Бу мажнун қалъанинг ҳар қопқасида  
Муҳаббат аталган муқаддас тилсим.

Маликам! Етибми илтижоларим,  
Воқифлар бўлибми бебаҳо сирдан,  
Ўзингизни йўқлаб келинг... тилсимлар  
Жаранглай бошлади ҳозирдан.

## АРМУҒОН

Қайси эзгулигим бадалига бу,  
Қандай хизматимнинг эвази,  
Ниманинг ҳосили, ақлим етмас сира,  
Қайси эккан боғим меваси?

Не яхшилиқ қилган эдим дунёга,  
Кўргазган эдим мен қандай каромат?  
Қайси чўнтагига киритдим  
Бу даража улкан даромад?

Қайси фалокатдан асраб қолдим уни,  
Бунча улкан қилди бахт улушини —  
Ёлғиз кетаётсам, армуғон этди  
Нотаниш қизнинг бир кулишини!

## БЕҲИ

Бир жуфт беҳи келтирган эдинг,  
Бир-биридан хушбўй, муаттар.  
Мен уларни қаттиқ соғиндим  
Ва сарғайдим беҳидан бадтар.

Мана, яна беҳилар пишди  
Фироқ фасли, ҳижрон мавсуми.  
Меваларнинг энг бир ҳазини,  
Меваларнинг энг бир маъсуми.

Кезмақдаман беҳизорларни,  
Бир беҳи йўқ бошин эгган.  
Заъфарон бу мевалар сағир,  
Ҳеч бирига қўлинг тегмаган.

Сенсиз бутун дунё бежизим,  
Сенсиз бутун дунё беҳудам.  
Ҳамуқубат, ҳамдардим билиб,  
Ҳол сўрайман ҳар бир беҳидан.

Хаёлимда бошқа мевалар  
Минг бор инкор, минг бор рад бўлди.  
Дунёда бор ҳикмат якуни  
Жуфт беҳидан иборат бўлди.

Келмасанг-да тонглар отмоғи  
Ва кунларнинг ботмоғи мумкин.  
Лекин менга тинчлик бермайди  
Келтирганинг жуфт беҳи тун-кун.

Айлади ул бири қуёшим,  
Айлади ул бири ойимга.  
Армон билан бошқа беҳилар  
Тўкилади бир-бир пойимга.

\* \* \*

Кабутардек учиб келдинг сен,  
Кийикчадек келдинг сен елиб.  
Ва — термулдинг. Майин нигоҳинг  
Юрагимга санчилди келиб.

Янглишмасдан урдинг ўқингни,  
Ортиқча бир ҳунар, санъатсиз.

Ва — мен энди чалажон, беҳол,  
Ва — мен энди мувозанатсиз.

Билмаганга солиб ўзингни  
Куляпсан лаъла... куляпсан ақиқ...  
Бизда, ахир, хабаринг йўқми,  
Арслон ови қилинган тақиқ.

\* \* \*

Лабингдаги кулгудан келсам,  
Дилимдаги оҳдан келасан.  
Мен ҳамиша тоғдан келаман,  
Сен ҳамиша боғдан келасан.

Бу гўёки бир нодонликдир,  
Гўёки бу жўн бир жаҳолат.  
Лекин мудом таскин беради  
Юрагимга менинг бир ҳолат.

Бизга мансуб бу зиддиятнинг  
Қовушмоқ бор охирларида...  
Сен келган боғ мен келган тоғнинг  
Жойлашган ёнбағирларида.

\* \* \*

На Мажнун бўлмоқлик даъвоси дилда,  
На юракда Фарҳод бўлмоқлик баҳси.  
Юргандим, манглайда ажин, сочда—оқ,  
Минг хил ғалва билан чалғиб, алаҳсиб.

У ҳам ўзи билан ўзи овора,  
Юрганди куй куйлаб, эртақ эртақлаб.  
Бир-бирова қошига бизни шафқатсиз  
Нима учун келдинг етақлаб.

Нима гуноҳ қилди сенинг олдинда  
Яноқлари бир жуфт қизил олма қиз...  
Менинг-чи, менинг не айбим бор эди,  
Ялмоғизсан, муҳаббат, ялмоғиз...

\* \* \*

Севгилим! Ҳажрингда ўлмадим,  
На-да алқа, на-да бер жазо.  
Шундоқ ҳам ташрифинг — бир кўклам,  
Шундоқ ҳам ташрифим — бир хазон.

Бугун мен кўп ҳориб келганман,  
Юрагим ташнадир, ташнадир.  
Ялиниб-ёлвориб келганман.  
Кўзларинг чашмадир, чашмадир.

Мусаффо чашмингга, зилол чашмингга  
Борлигим ютоқиб ҳовуч урар.  
Бўғзимда қўшиқлар ёзар барг,  
Бўғзимда сукунат қовжирар!

\* \* \*

Йўлингга кўз тутиб туним тонг бўлди,  
Йўлингга кўз тутиб бўлди кеч куним.  
Пойингга чечаклардан гилам ёзолмадим,  
Бўлмаса ҳам сендан бошқа ҳеч кимим.

Ўз вақтида келдинг, хижолат тортма,  
Гуллаб яшнамади агарчи ҳеч ер.  
Золим қиш ўз вақтида кетмади, холос,  
Баҳорим, сен бу сурбет қорларни кечир.

\* \* \*

Кун ҳам ботиб бўлди. Юлдузлар беҳол.  
Ўтинаман, берсин, ёр, хайримизни,  
Ёлғиз қолсин бир жуфт мажнунтол,  
Тутатайлик энди боғ сайримизни.

Чинорлар оҳиста ҳазон сочмоқда,  
Битмоқда заминга заъфарон хатлар.  
Сўзлар ўзларини олиб қочмоқда,  
Тилга кираётир бу сукунатлар.

Ўз ҳолига қолсин яқин ва йироқ,  
Ҳар лаҳза биз учун бебаҳо тортиқ.  
Кўзларингга навбат бермай минг чироқ,  
Кўп узоқ порлади... олсин-чи ҳордиқ.

Қулоқ тутмай кузнинг мангу сирига  
Тан олмай хазоннинг ғолиб бу фаслин.  
Икки асов юрак бири бирига  
Оҳиста-оҳиста бўлмоқда таслим.

Бахтимизни қуюқ оқшом тасдиқлар,  
Бу бахт кўп соддадир, бу бахт кўп чигал.

Ҳижронда тош қотган совуқ ёстиклар  
Билсанг эди, ҳозир қандай кўпчиган...

\* \* \*

Қачон сен додимга етасан,  
Бир учқун бахш этиб кўзингдан.  
Бораман. Ўзингдан кетасан.  
Ўзингни топмайман ўзингдан.  
Мўъжизалар бари сенсиз — жўн,  
Уволлар бўлади фарёд ҳам, оҳ ҳам.  
Кел, биргина нафас ерга қўн,  
Маъбудам, фариштам, илоҳам  
Назарга мени бир дам ил сен,  
Бўлмай турсин олам бир нафас қафас.  
Бир нафас осмонни ер қил сен,  
Ерни осмон эттигил бир нафас!

### МЕВА

Қошлар — ажиб япроқ, кокиллар — сунбул,  
Қорачиқлар чарос, яноқлар олма.  
...Сендан нолимайман, менинг юрагим,  
Менинг юрагим, сен мендан нолима.

Сенинг гуноҳингми, менингми айбим,  
Бир-биридан ғамгин наво тузамиз.  
Мева узар бўлди бу боғдан бошқа,  
Биз энди... биз энди... умид узамиз.

### АЙРИЛИҚ

Юрагим вайрона — кўзда ёш — тахир.  
Қутлуғ тасвирингда холи қорачиқ.  
Авваллари ҳатто қил ўтмас эди,  
Энди ора очиқ... энди ора очиқ...

Яхши қол! Ўсмоқда айрилиқ тоғи,  
Дилингда дилимни яширдим.  
Мен кетдим ўзимдан. Сени ўзимга,  
Ўзимни худога топширдим.

## СЕВГИ

Ёмон масхарабоз бўлиб чиқди севги,  
У аввал куттирди сизни интизор.  
Ҳазаллар тўқитди, шеърлар ёздирди.  
Қўшиқлар қуйлатди жон нисор.

Шундай соғинтирди... нима десам экан,  
Гўёки – мен вужуд, гўёки – Сиз жон.  
Гўёки – мен зулмат, гўё Сиз – зиё,  
Гўёки – мен шароб, гўёки – Сиз жом.

Ва етаклаб борди мени қошингизга,  
Шивирланди қутлуғ «меникисан» сўзи...  
...Бекинмачоқ шундан кейин бошланди,  
Қайга гумдон бўлди, билмайман, ўзи...

\* \* \*

Ўйин тамом бўлди. Энди уй-уйга,  
Ҳам чекканга солма ўзингни.  
Элга келган тўй бу. Демак, сен эдан  
Яшириб ҳам юрма кўзингни.

Ишқ деган мулкда ҳам гуноҳ йўқ асли,  
Диллар, ахир, ундан нечун нолисин.  
Қайдан олсин ҳар кун Фарҳод-Ширинни,  
Лайли ва Мажнунни қаердан олсин?!

\* \* \*

Сен ёнимга тушдинг тонг пайти, эй ой,  
Сен қошимга келдинг саҳарда, моҳим.  
Мени деб ердасан... баланд маснадинг  
Бундан-да баландроқ бўлсин, илоҳим.

Тилим калимага келмас. Титрайман.  
Ёниб турган андуҳ азоби жонда.  
Висол соатлари ўтади бир-бир,  
Юрагим — қўлингда, бошим — осмонда.

Билмагандек, ҳолин сўрайверасан  
Лабларимда кулгу, кўзда ёшимнинг.  
Оғриқлари билан нима ишим бор  
Осмон-осмонларда юрган бошимнинг.

Яхшиси, сўрагил, сарвиқоматим,  
Яхшиси, сўрагил, нозик ниҳолим.  
Шундоққина қўлингда, шундоқ кафтингда  
Типирчилаб турган юракнинг ҳолин.

Мангу бир дийдорга эришмак, ахир,  
Насиб бўлмагайдир на сен, на менга...  
Қошимни бир кун тарк этганингдан сўнг  
Ботиб-ботиб кетгай бошим заминга.

Хавфсинма. Биз ҳам бир ишқибозлармиз.  
Шундайдир даврнинг ялпи ҳолати.  
Билмаган ишқ дейди... билганлар эса  
Мийиғида кулиб қўя қолади.

### МАЪСУМА

Ҳали сал вақти бор... ҳали сал эрта...  
Сен мағрур ўтавер, сен қиё боқма.  
Ҳали тушма. Ҳали ҳеч гап йўқ ерда,  
Сен қанот қоқ, сен чарақда, сен — чақна.

Тушар гоҳ жазава, гоҳи ларзага  
Ошкор мухлиснинг кўп, кўп ошкор қулинг.  
Ҳозир жамолингдан бошқа нарсага  
Маъқулдир етмасдан тургани ақлинг.

Ҳозир сен — қалдирғоч, ҳозир сен — қумри,  
Рухсоринг қуёшдан нусхадир.  
Бу ерда кўп узоқ машаққатнинг умри,  
Гўзалликнинг умри қисқадир.

Ҳозир ҳеч қолишмай Қайсдан, Ғарибдан  
Шайнингга очмоқда ҳамма даҳо лаб.  
Бир-икки йил ўтсин, ўз таърифидан  
Улар куладилар хахолаб.

Ҳозир сен шарафлан, ҳозир сен мақтал.  
Сўнгра уқубатлар бошланар узун...  
Икки йилдан кейин сен ҳақда куйлар  
Фақат чақалоғинг, юлдузим.



\* \* \*

Алла айт,  
аллангдан тоғлар юксалсин.  
Алла айт,  
алланг ёв кўксин тивласин.  
Алла айт,  
аллангдан улғайсин борлиқ.  
Кўксингдаги боланг эса —  
ухласин.  
Тингласин коинот,  
тингласин олам,  
алланг — фарёдингни  
алланг-нолангни.  
Ўз аллангдан ўзинг ухлаб қолма фақат,  
босиб ўлдирасан  
болангни.

\* \* \*

Неча йил бўлди-ку, қадди ниҳол, кўзи қаро келмас.  
Бирон бир лаҳза йўқдир-ким, кўнгилга можаро  
келмас.

Унинг ноз бирла битган сўзлари ўқларга тимсолдир,  
Келар... лекин бутун борлиқни қилмасдан яро келмас.

Мени беҳуда кутманлар висол айшида хушчақчақ,  
Агар тўй бўлса бир уйда, унга мотамсаро келмас.

Тўқардим ёш, тиниқ кулгулари келди хаёлимга,  
Бирон зулмат топилмас, қаъридан бир кун зиё келмас.

Соғинтирганда инсофни унутди икки шаҳлоси,  
Агарда даҳрий эса одам, хаёлига Худо келмас.

Унинг лоқайд дилидан мен муҳаббат илтижо этдим,  
Агарчи қулф эшикка нон тилаб ҳеч вақт гадо келмас.

Демиш ул ошиғим ишқимда минг дардга гирифтормир,  
Кўйинг, дўстлар, тасалони, унинг сўзи хато келмас.

\* \* \*

Ёғар ёмғир... баҳорим шодми йиғлар,  
Ё гулларни бериб барбодми йиғлар.

Тўқарми ёш кўриб умримни вайрон,  
Ҳаётингни кўриб ободми йиғлар.

Фироқ бўлмас адо бу кунларимга  
Сенингсиз ҳар нафас иснодми йиғлар.

Бу найсон сувлари бахтдан далилми  
Тополмасдан ва ё исботми, йиғлар.

Қоқиб қарс қалдироқ, чақнар чақинлар,  
Чекиб ҳолимга кўк фарёдми, йиғлар.

Кўринмиш томчилар киприкларингда,  
Уриб кўксимга тийғ, жаллодми, йиғлар.

Халоссан хоҳласанг сен Матназардан,  
У сендан бўлмайин озодми, йиғлар.

\* \* \*

Кетар бўлдинг... керакмас, ёр, тасалли,  
Фироқ энди ўзи ғамхор тасалли.

Тасаллисан, юпандинг жабр этиб лек,  
Тасаллига нечун даркор тасалли.

Рақибга хат битибсан. Ҳеч бўлурму  
Гар иймон бўлмаса, туммор тасалли?

Юракда бир тикан озори тун-кун,  
Агарчи кўзга минг гулзор тасалли.

Иковлон бир-бирова далдадирмиз,  
Бўлур беморга бемор тасалли.

Азиз тут васлидан ёр сочларини,  
Бўлур ҳижронда йўқса дор тасалли.

Хароба бўлди дил, кел, муҳташам қил,  
Бўлур вайронага меъмор тасалли.

Ўзинг тоғ бўл, суянгил ўз-ўзинга,  
Йўқ эрса, Матназар, бекор тасалли.

\* \* \*

Ғариб бошимда гиргиттон чарх урган фалақдирсан,  
Ғаҳи офтоб, ғаҳи моҳтоб бўлиб тун-кун ҳалақдирсан.

Сени деб гоҳи йиғлаб, гоҳи кулдим — ҳеч тафовут йўқ,  
Балолардан хабарсанми, ва ё бахтдан дарақдирсан.

Ғаҳи оқшомлари истаб, соғиндим гоҳ саҳарларда,  
Зиё бирланми ё зулмат билан, айт, муштарикдирсан.

Бериб мен кўнглинга озор, дедим андишасиз сўзлар,  
Бир иблисни севиб қолган ажойиб бир малақдирсан.

Билолмам борми даркорим санго бир озгина, асло,  
Билиб қўй, қомати шамшод, манго сен кўп  
керақдирсан.

Яро дилни ширин тил бирла қаттиқ айладинг аччиқ,  
Билолмасман, шакарсанми, билолмасман,  
намақдирсан.

Тўкиб ёш сен қадам ранжида қилдинг, лекин атворинг  
Бу тош бошимни ёш бошинг билан кўп  
ўйнамақдирсан.

\* \* \*

Сабрсизликларим тоқат бўлиб, бардош бўлиб чиқди,  
Уқубатлар бари муштоқ кўзимдан ёш бўлиб чиқди.

Ўзимни мен халос айлай дедим ўю хаёлингдан,  
Сочингга бир умр фикрим чигал чирмош бўлиб чиқди.

Оғир савдо тушиб бошимга мендан тондилар ногоҳ,  
Улар сўнг кўз экан билсам, улар сўнг қош бўлиб  
чиқди.

Баҳорда барғни уйғотган шамоллар, бу не ҳикматким,  
Хазон фаслида япроқ 1ўплаган фаррош бўлиб чиқди.

Ақиқ янглиғ эди лаблар, тишинг ўхшар эди дурга,  
Улар ҳақда менинг айтган сўзим бир тош бўлиб чиқди.

Бутун борлиқ азалдан сақлаган асрор эдинг, жоним,  
Мени кутган бу қутлуғ сир қошимда фош бўлиб  
чиқди.

Дединг: «Осмоңда мен кимман ва ерда севганим  
кимдир?»  
У ҳижрон ичра минг юдуз билан сирдош бўлиб  
чиқди.

\* \* \*

Минг азоб бирлан қишу, наврўзу, ёз, кузлар келур,  
Айрилиқнинг дастидан дардли ташаббуслар келур.

Осмонимдан, қуёшим, кетдингу, рашк этмадинг,  
Ҳар маҳал ғуж-ғуж бўлиб, бошимга юдузлар келур.

Қаҳратон хатлар келур сендан юракни яхлатиб,  
Навбаҳор Жайхундан оқиб санг келур музлар келур.

Кўп ёмон бир мунтазам дардлар чекарман соғиниб,  
Бу уқубатга қачон, билмам, танаффуслар келур.

Жилдирар сув, тол шивирлар ҳам гужумлар оҳ чекар,  
Ишқда борлиқ ёдига турлик талаффузлар келур.

Банди зиндон эрди қиш фаслида минг гул, минг чечак,  
Сенга пешвоз очилиб, собиқ бу маҳбуслар келур.

Бахт муқаддас салтанатдир, хос эмасман унга мен,  
Эҳтимол, бу мулкка бир кун хосу махсуслар келур.

\* \* \*

### *Машрабга татаббуъ*

Менга даркордир малак, Мажнун учун Лайло керак,  
Менга даркордир фалак, Мажнун учун сахро керак.

Таъриф этсам маҳвашим кокиллари занжирини,  
Йилда уч юз олтишу беш зим-зиё ялдо керак.

Дардларимни тингламақдан тортадир озор ёр,  
Нолалар фарзандиман мен, унга шўх ялло керак.

Ошиқнинг дунёси ишқдир, булҳавас дунёси мол,  
Унга у дунё керакдир, бунга бу дунё керак.

Аҳли ишқ кўз ёшлари, ёр ҳуснига ташбиҳ учун  
Биргина офтоб билан минг-минглаган дарё керак.

Мен-да тайёрман муҳаббат йўлида бермакка жон,  
Еттали бу бахтга ёрдан биргина иймо керак.

Бошига кийди жаҳонни булбули беандиша,  
Гўё ёлғиз ўзига ул гули раъно керак.

Бизни ошиқ, сизни маъшуқа яратмишдир худо,  
Ҳукм ўқилган, иккимиздан энди бир ижро керак.

Эй кўнгил, ишқингни айтсанг, бўлмай олам ичра фош,  
Бир худо, бир иккимиз фаҳм этгучи маъно керак.

\* \* \*

Умрбод қилдингу оввора, кетдинг,  
Сочи эй тим қаро фаввора, кетдинг.

Бўлиб қолдим алам-андуҳга ибрат,  
Бўлиб ўрнак жафо-озора, кетдинг.

Ки маъсумликда, ёр, мусичадексан,  
Жудолик номли бир шунқора кетдинг.

Ахир ҳар кун ботишда кун чиқиш бор,  
Кетишда бўлса, қайтмоқ зора, кетдинг.

Иков жуфт порасимиз бир юракнинг,  
Қолиб мен пора, оҳ, сен пора кетдинг.

Нигорим, яхши бор. Бўлсин йўлинг оқ,  
Ки йўқса энди бахтим қора кетдинг.

Дебон «Қол!» бунда мен қолдим-да кетдим,  
Раъйимга бормадинг-да, бора кетдинг.

\* \* \*

Фақат сенмас, ҳузуримга бутун олам келур, келсанг,  
Ки бўғзимга юракда қотганим-нолам келур, келсанг.

Унутгандим недур фарёд, унутгандим недур кўзёш,  
Солиб ларза кўнгил осмонидан жолам келур, келсанг.

Асадларда қуриб, ақрабда қақраб зор кутгандим,  
Хазон барҳам топиб мен водийга лолам келур, келсанг.

Юсуфдан айрилиб қолган ғариб Якуб мисолиман,  
Келур дийдамга нур келсанг агар, болам келур,  
келсанг.

Қадам ранжида қилгай тантана ғам остонига,  
Аламлар хонадонига эса мотам келур, келсанг.

Хаёлимга парипайкар, фаришта келса, наф йўқдир,  
Бир одам қошига, не бахт-ки, бир одам келур, келсанг.

Ўзидан кетди кўнглим, оҳ, сени излаб йироқларга,  
Ўзига сен билан қайтиб ул афтодам келур, келсанг.

\* \* \*

Хаётим бўлди сен жононга маҳкум,  
Ва сен жонон билан ҳижронга маҳкум.

Хаёлимда ёруғ рухсоринг ҳар дам,  
Қуёш бўлган каби осмонга маҳкум.

Сени топдим бало-офатлар ичра,  
Бўлар мардлар мудом майдонга маҳкум.

Билолмам, не гуноҳдир бу муҳаббат,  
Юрақдир бир умр зиндонга маҳкум.

Гирифтормиз умрбод бир-бирова,  
Жоним танга, танимдир жонга маҳкум.

Ажабландик, сен ишқдан, мен ҳусндан,  
Бир ҳайрон бўлди бир ҳайронга маҳкум.

Тутарман кўз сени ҳозир келар деб,  
Ўтар умрим бўлиб ёлғонга маҳкум.

\* \* \*

У келар жим, серхаёл... ўнгимда рўё бошланур,  
Қоп-қаро тун қаърида бир зумда Зухро бошланур.

Талпинурман лол қолиб, ҳайратда чақнар кўзларим,  
Неча йиллик ташнаман, қаршимда дарё бошланур.

Бошланур ноёб бир ҳолат, дамда минг мўъжиза кашф,  
Соб бўлур маълум бу дунё, бошқа дунё бошланур.

Истагим минг-минг менинг, қалқмас тилимга ҳеч  
бири,  
Кўзларимдан кўзларига минг тавалло бошланур.

Шеърларим хомуш эса, руҳимга ташланглар нигоҳ,  
Одам ўғли ҳеч ёзиб билмас бир иншо бошланур.

Оқил эй ҳамроҳларим, кирмоқдаман Қайс қавмига,  
Ортга қайтинг энди сиз, бу ёқда саҳро бошланур.

Ишқ-муҳаббат бўлди айб, ҳижрон жазосин тортаман,  
Хайр деб ёр ҳукм этар, шафқатсиз ижро бошланур.

\* \* \*

Бизга етказган азобидан фароғатландилар,  
Бу азобдан кўнглимиз қаттиқ жароҳатландилар.

Номамизда номини ёзганда қилдик зарнигор,  
Номасида номимиз бизнинг қаро хатландилар.

Қалбини забт этгали қилдик муҳаббатни курол,  
Қаршимизга қаҳрини айлаб яроғ, отландилар.

Ишқи йўқлар, билмадик, дунёга келдилар нечун,  
На азоб чекди улар ёки на роҳатландилар?

Шаънимизга туҳмат айтиб бетиним аҳли фасод,  
Ўзларига орттириб кулфат, қабоҳатландилар.

Кетдилар айлаб хиёнат бизга орому сурур,  
Изтироб-андуҳга таҳсин, кўп садоқатландилар.

Сарвиноз бўй торттилар деб ҳеч қувонманг, эй кўнгли  
Меҳри топмасдан камол, жабри балоғатландилар.

\* \* \*

Жимжит оқиб ётар ариқларда сув  
Саодат бахш этиб ўтга, ўланга.  
Нақадар гаройиб ёз фасли бу боғ  
Сирлар ўлкасидир ҳар бир кўланка.

Толе тамасида толлар тўлганар,  
Қушлар қий-чувлашар бахт илинжида.  
Барқ уриб ям-яшил ором олади  
Гужумлар бир-бирин пинжида.

Оvloқ-овлоқларда ошиқлар сархуш,  
Бўсалар жимгина ҳайқирар.  
Фаррош кампир ёлғиз... кузда хазонларни  
Қандай супуришни қайғурар.

## САВДО

*Абдулла Қодирийни ўйлаб*

Ватанни сотаман. Олинглар.  
Қуёш — тилло танга, ой — чақа.  
Лекин... булар камлик қилади,  
Бўла билмас ҳатто чойчақа.

Ватанни сотаман. Олинглар.  
Сотаман ҳайқириб. Сотаман жўшиб.  
Баҳосини келишсак бўлгани,  
Жонимни бераман ватанга қўшиб.

## НИЦШЕНИ ЎҚИБ

Нималарни кечинаётир  
Маҳбус бўлиб танамда руҳим...  
Гоҳ бадарға бўлмоқни истар  
Гоҳ истайди бўлмоқни қувфин.

Ёки унга осмонми қутлуғ,  
Юз ўтиришми невчун бадандан.  
Ватанига кетмақдами руҳ,  
Кетмақдами ёки ватандан.

Қандай англай жону дилимни  
Зирқиратган мунглиғ садони.  
Юртсеварни олқишлайми ё  
Жазолайми ватангадони.

\* \* \*

Азал-абад истеҳзоларин  
Ўйлай-ўйлай мен жим бўлурман.  
Маймун эдим, сўнг одам бўлдим,  
Одам эдим, сўнг ким бўлурман?..

## ПИЙР

Бу пийр виқор билан ёш-ялангларга  
Мўйсафид тилаклар тилайди.  
Сон-саноксиз эгик бошларни  
Меҳрибонлик билан силайди.



Сўнг уйга шошилар қўл ювиш учун  
Чимирганча бароқ қошларини...  
Зудлик билан тарқалар ёш-яланглар ҳам  
Ювиб ташлаш учун... бошларини.

### **МАСЛАҲАТ**

Вазифангни айтиб таништирдилар,  
Яъни – манфаатли қисмингни.  
Қистириб ўтдилар гап орасида  
Туғилганда отанг қўйган исмингни.

Иложи борича ўлмаслик керак,  
Бўлмаслик лозимдир бу элда нобуд.  
...Айтиб йиғланади марҳум мартабанг  
Кўтарилар мансаб юкланган тобут.

### **ЛАПАНГЛАГИЧ**

Ҳар бир инсон менинг тасаввуримда  
лапанглагич бўлиб туюлар гоҳи.  
Унинг бир ёғида ўзи ўтирар,  
нарёғида эса – димоғи.

### **ЁВШАН**

Арча, сенга осон, арча, сенга маза,  
Ҳамма фасл сенинг пушти паноҳинг.  
Либосинг ям-яшил хоҳ тўй, хоҳ аза,  
Совуқ ҳам, иссиқ ҳам суянган тоғинг.

Менинг ҳар бир новдам тезроқ униб, ўсиб,  
Тезроқ яшаб қолиш учун ошиққан.  
Узоқ бир умрга етмайди кўзим,  
Менинг ҳеч кимим йўқ баҳордан бошқа.

### **КЎЗБОЙЛОҚЧИ**

Қомати келишган, истара иссиқ,  
Бекаму кўст, силлиқ сиёғи.  
Қулоқлари шалпанг эмас мутлақо,  
Кўзга кўринмайди туёғи.

Нақ одам. Думи ҳам кўринмас,  
Нигоҳлари тўла гўё меҳрга...  
Шундай бир афсунгар — махлуқдан чиққан,  
Ҳайвондан тарқаган шундай сеҳргар.

### НАТИЖА

Боғлар — чўл, тоғларинг талқона чиқди,  
Рост деб айтганларинг ёлғона чиқди.  
Дарё деб қазганинг дўнди захкашга,  
Қаср деб қурганинг — молхона чиқди.

### КУНДАЛИК ШЕЪР

Бахт уйлари кўпдир, бахтли бўлмадим,  
Оромгоҳлар кўпдир, олмадим ором.  
Ўғрилар тўғридир, тўғрилар ўғри,  
Ҳаромлар ҳалолдир, ҳалоллар — ҳаром.

Сабрим чидамади сабр қилмоққа,  
Тоқатим етмади қилмоққа тоқат.  
Ҳеч ким ор этмагач шармисорлиқдан,  
Энг шарманда юмуш бўлгач садоқат.

### ТИЛАК

*Юсуфжон қизиқ хотирасига*

«Тила тилагингни»  
деди худойим,  
«Бахтли бўлишинг-чун,  
айт,  
нима қилай?»  
«Худойим,  
минг шукур марҳаматингга,  
амр эт,  
инсон бўлиб  
туғилай».

Раҳмдил худойим  
келажагимга

ажиб бир саодат муҳрини  
босди.  
... Бўлажак онамга  
бўлажак отам  
шу кун  
йиғлаб-йиғлаб  
бир мактуб  
ёзди.

## ҚОР

Кажрафтордир чиндан ҳам дунё,  
Азал-абад телбадир қисмат.  
Салом, муштоқ бўлиб кутганим,  
Салом, эй қор, салом, эй исмат.

Поксану ҳам оёқостисан,  
Оппоққинам, юмшоғим, эркам.  
Нечун ердан осмонга учмай,  
Ёғмоқдасан осмондан ерга?..

## МАНФААТ СИЁСАТИ

Энг муқаддас китобимиз — пул,  
Ахир, бошқача бўлсин нега.  
Бу майдонда мен эга, сен — қул,  
Бу майдонда мен қул, сен — эга.

Қашшоқларни эзар бойроқлар,  
Кичикларни эзар катталар.  
Латгалардан бўлган байроқлар,  
Байроқлардан бўлган латгалар.

Мақтовларга берилганда эрк,  
Гарчи осмонларнинг ойимиз.  
Қарғасалар, қарғиш теккудек,  
Йўқдир бирон ҳалол жойимиз.

## САХОВАТ

«Қўй жигари ёқиб қолди қўноққа.  
Минглаб қўй жигари қоврилди».  
Хасис боболарнинг шу афсонаси  
Билан қанча аср соврилди.

Шундан ҳам саховат бўлдими,  
Юраверган экан-да Хотамлар.  
Фақат қўлимизмас, мана, бизларнинг  
Оғзимиз ҳам очиқ, одамлар.

Дейлик, тилимизни ширин деса меҳмон,  
Чек қўйиб қўшиққа, навога  
Оламиз-да шартга суғуриб,  
Шу заҳот ташлаймиз товага.

\* \* \*

Мен сўнгсиз бир азоб, муҳташам бир дард,  
Қўрғошиндек овир хаёлга ўғил.  
Ўйлайман... қорачиққа поёнсиз нафрат,  
Киприкларга меҳр қалқади, мўғул,

Бобом Шайх Нажмиддин Кубро қўлида  
Ғижимланиб қолган манфур туғларинг.  
Чириб-чириб ётар Урганч йўлида  
Қатлимга қайралган қаттол тивларинг.

Мен қанда қилмайман тиг чиритмоқни,  
Сен урқолар солиб, елдек эасан.  
Бўйнимга Чингизхон урган сиртмоқни  
Заҳириддин Бобур бўлиб кесасан.

Хаёллар гоҳ қипчоқ, гоҳ ўғизимда,  
Дил — Тўмарис меши. Қонга тўлади.  
Билмайман қўлдами ёки бўғзимда  
Исфаҳонми ёхуд Дамашқ пўлати.

Аср-асрларни сен талай-талай,  
Айқаш-уйқашлайсан зулмат-зиёни.  
Денгизга тегмайсан, раҳмат, ҳар қалай,  
Ташлаб кетадирсан икки дарёни.

Икки дарё мадҳи битилган шеърлар  
Белга ёр боғлаган қийиқларимда.  
...Мен тушлар кўраман. Манглайим терлар.  
Мудҳиш бир истехзо мийиқларимда.

## ФАХРИЯ

На-да мағрур қилди ва на-да маҳзун  
Кимдандир қолганим, кимдан ўзганим.  
Ўзимни ер билдим ҳамиша,  
Шер билдим ҳамиша ўзгани.

Умрим ўтаётир... эзгулик  
Юрагимнинг тенгсиз мулки бўлиб...  
Лекин... алам қилар шер деганларим  
Чиқиб қолса ногоҳ тулки бўлиб.

\* \* \*

Табиат, мен сени севаман,  
Тилайман мангу бир омонлик.  
Сенда — яхшиликка яхшилик мудом,  
Сенда — ёмонликка ёмонлик.  
Фақат эзгуликлар, фақат покликлар  
Мангу бўстонида ўса олади.  
...Гулга ниш урмайди асалари ҳеч,  
Асалари гулдан бўса олади.

\* \* \*

Сира ҳам унутиб бўлар эканми,  
Ёдимда ҳар лаҳза, ҳар бир дақиқа.  
Хоразм эмасдир менинг ватаним,  
Ватанимдир менинг — ҳақиқат.

Чангаллаб олади ўйлаганим сари  
Юракни кун-кундан бадтар ғам...  
Эсимни танибман-ки,  
Яшайман  
Қувғинди қилиниб,  
Бўлиб бадарға.

\* \* \*

Ҳар бир кечган лаҳзанг ҳаётбахш бўлсин  
Сен сўлма, заҳарли дарахтлар сўлсин.  
Тўлар бўлса ногоҳ сабринг косаси,  
Паймонанг тўлмасдан бурунроқ тўлсин.

## ҚАРЗ

Болақай, минг раҳмат одобинг учун,  
Илтифотинг учун минг-минг ташаккур.  
Азалдан абадга мерос бўлаётир  
Камёб бир холислик, тансиқ тиниқ нур.

Шунга муносибдир. Бу эзгу қарзни  
Жон билан узаман бир кун, ҳойнаҳой.  
Менга автобусда ўрнингни бердинг,  
Сенга ер юзидан бўшатаман жой...

## ФАЛАБА БАЙРАМИДА

Жасур кўзёшларинг фироқни енгди,  
Қаҳрамонлар қилди ҳижронни тор-мор.  
Учрашдик. «Йиғлагим келяпти, оға...»  
Лекин кўзингга ёш келмади зинҳор.

Кўзёшларинг сенинг буюк жангчи эди,  
Севгилим, улардан бўлдинг жудолар.  
Ғалаба байрами!.. Оҳ, бу байрамда  
Иштирок этмайди фидолар

\* \* \*

Ассалому алайкум, мунисим Қоплон,  
Қорни тўйса — байрам, қорни тўйса — ийдим.  
Вовуллашни тўхтат, сабрда тоблан,  
Ҳадеб итлингига бораверма, итим.

Занжирингни ечай. Кета бер. Йўл ол.  
Чорлаётган бўлса, майли, қай тараф.  
Агар жуда зарур бўлса, тишлаб ол,  
Лекин ҳураверма одамга қараб.

## ИШТАҲА

Гуллари шаҳидлар қабрида қолган,  
Парлари сабода соврилган...  
Олдимга қўйдилар бир товоқ булбул —  
Чўққанинг ёғида қоврилган.

Хизматчи маъноли кўз қисиб қўяр,  
«Булар сайроқи бир ширкат аъзоси.  
Яна тагин сиздан яхшироқ куйлар,  
Шунинг учун бердик жазосин.

Қолаверса, ҳаёт нимага керак  
Булбулларга фасли хазонда.  
Тўймасангиз яна буюраверинг,  
Ҳали жуда кўпдир қозонда!»

Қошимдаги хушбўй ҳар бир парча гўшт  
Ёвузликнинг тенгсиз санъати.  
«Лаънати — буларни тутган овчилар,  
Буларни пиширган ошпаз — лаънати»

Гарчи жирканишдан, гарчи нафратдан  
Гарчи изтиробдан дил дабдала, хит,  
Булбулларни паққос туширишимга  
Бу ҳислар негадир бермас халақит.

## ДАЪВАТ

Ушбу гулбоғисиз бепоён юртнинг  
Умргузаронлик қийин, тушунинг.  
Ш гужумлар, тошлар, шу эл бўлмаса,  
Бошқа ҳаммаси бир тийин, тушунинг.

Эсингизни сал-пал йиғиштириб олинг,  
Саодатсирайверманг, бахтсирайверманг.  
Муяссар қилгансиз барча тилакларга,  
Тўкин эллар ҳақда алаҳсирайверманг.

Эришган чўққимиз шул эрур бизнинг,  
Оғзингизга қараб гапирингиз.  
Шунга ҳам шукрингиз бўлмаса,  
Шунга ҳам чидамаса сабрингиз.

Шундай афсунгарлар кўрар бизда иш,  
Минг кулфат даф бўлар бир иймосида.  
Минг дори жудолик дардига малҳам,  
Оғриқни ўлдирар минглаб восита.

Фарқлаб ололмайсиз шунда дафъатан  
Нимадир офату, нимадир роҳат.

Виждон виждонсизлик бўлиб туюлар,  
Эзгулик туюлар бўлиб қабоҳат.

Ҳали айтди дерсиз, сеҳрланиб қолгач,  
Ўзни нақ арш узра сиз ҳис этасиз.  
Чексангиз ҳам қулфат билан аламни,  
Шодлик ҳамда бахтни куйлаб кетасиз.

\* \* \*

Ер тагида илон қимирлаганини  
Бориб турган айёр илғайди баъзан.  
Униқидан ошиб тушади макринг,  
Яъни — у илонни сен юргизасан.

Юргизиб турганинг пинҳон илоннинг  
Заҳарли экани сенга ёқади.  
...Барибир соддасан. Билмайсан шўрлик,  
У фақат ўзингни чақади.

### ҒОФИЛ

Уйқуга кетасан — тўрт мучанг ҳам бут,  
Уйқуга кетасан — кўнглинг, қорнинг тўқ.  
Уйғониб қарайсан — қўлларинг кесик,  
Уйғониб қарайсан — оёқларинг йўқ.

Даҳшатдан тегрангда бутун бир замин  
Ё метин ёки тош қотган бўлади.  
Қўл-оёқ ўрнига тўрт улкан илон  
Вужудингни чирмаб ётган бўлади.

Тўртовлон бошингни талашар тинмай,  
Тингламасдан фарёд ва нолишини...  
Истайсан на бошинг ғажилишин сен,  
Ё на илонларнинг оч қолишини.

### АРЗ

— Уйим куйди менинг, хон оға!  
— Не бўлди? Ким бузди инсоф — бурчини?  
— Карвонсаройда бир ухлаб — уйғонсам,  
Ёнимда йўқ тилло тўла хуржуним.  
— Шунчалик ҳам қаттиқ ухлайсанми, ғофил!



Қиласан-а яна уялмай ҳасрат.  
— Бир қошиқ қонимдан ўтингу, лекин.  
Сизни уйғоқмикан дебман, онҳазрат.  
— Донишманд экансан. Раҳмат, мусофир!  
Энди саройимда бир кун меҳмон бўл...

Эртаси уйғонса хуржун ўрнида,  
Устида чопилган бир жуфт қўл...

...Бизлар ҳам кўп ёмон қаттиқ ухладик.  
Доҳийлар уйғоқ деб кўнгил бўлгач тўқ.  
Уйғониб қарасак — йўқдир дарёлар,  
Уйғониб қарасак — денгизимиз йўқ.  
Лекин бир ғаройиб фарқи шунда-ки,  
Барин ухлаб ётиб ичган ўзимиз.  
Бугун башарият олдида, мана,  
Оқ пахта деб қаро бўлди юзимиз.  
Қолаверса, қани, не чорамиз бор  
Айбни бир-бировга тўнкашдан ўзга?  
Кимга ҳам ёқарди олтин қўлини  
Кестириб ташлатиш денгизга.  
Сув эмас, қўлларга тўлмасми Орол  
Ногирон қолдириб ёш-қаримизни.  
Қармоқ солиб сўнгра балиқ ўрнига  
Тутиб емаймизми қўлларимизни?.

## ШУНДАЙ ОДАМ

Шовқинлардан безган, боқмасдан қўйган,  
Дўстлик, душманликка, омадга.  
Эришган бир бахти — кимсасизлик ҳам  
Келтирар қулоғини қоматга.  
На-да доноликни олқишлар,  
На-да лаънатлайди у жаҳолатни.  
Қўмсар ёлғизликдан, кимсасизликдан,  
Узлатдан баттар бир ҳолатни.

## ВАСВАСА

Эзгулик дегани — қуруқ сафсата,  
Самимият — ниқобланган ваҳшийлик..  
Беғараз келмаган, холис келмаган,  
Дунёга ҳеч қачон яхшилик.

Инсоннинг манглайига битилгани шу,  
Шулдир одамзодга азалдан буйруқ.  
Самода чарх урган ер курраси ҳам,  
Шудгордаги қуйруқ...  
Шудгордаги қуйруқ...

## БОҒ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

*Ражаббой Матрасуловга*

Қишлоқда бор эди қутлуғ бир бўстон,  
На боши кўринмас ва на оёғи.  
Замин меваларин хил-хили унда,  
Номи ҳам жўнгина — Гўжанинг боғи.

Босмачилар унга тегмагандилар,  
На-да оқ, на қизил томон эди боғ.  
Мудҳиш қаҳатчилик йиллари омон,  
Қирғин йиллари ҳам омон эди боғ.

Шоҳона муҳташам, тун-кун ораста  
Кўшу айвонлари бўлгувчи эди.  
Авазват овчининг тозиси ҳурккан  
Йиртқич ҳайвонлари бўлгувчи эди.

Кибрни билмасди соҳибкор чоллар,  
Кўп камсуқум эди сарвар диллари.  
Ёдда Оллоҳберган заргар бобонинг  
Ғуж-ғуж, сўлқим-сўлқим марваридлари.

Алпомишлар билан баҳс боғлатсанг ҳам  
Иложи йўқ эди ҳеч ҳоритишнинг.  
Холис меҳнатлари унут бўларми  
Қабрингга нур тўлғур Карим Мортишнинг.

Ҳар анжир — бир офтоб, ҳар олу — бир тун,  
Чайқалиб турарди ноқлари ларзон.  
Бошланиб кетдию ялпи лоқайдлик,  
Боғни сал вақтда йўқ этди хазон.

Ўтқаздилар кейин на бир туп ниҳол,  
Ақали на битта данак қадалди.  
Айланди шип-шийдам, катта майдонга,  
Ва «Ғалаба» номи билан аталди.

Ям-яшил намойиш тарқалди бунда  
Алвон шиорларнинг тантанасидан.  
Зирқираб кетаман ҳар гал ўтганда  
Дарахтлар руҳининг дард, таънасидан.

Ном берган дономи ё нодонмиди,  
Юраги дардлими ё бедардмиди —  
Билмайман... лекин бу марҳум бўстонни  
«Ғалаба» деб аташ шунча шартмиди?

Каммиди шу номда яшаб тургани  
Минг-минг хиёбоннинг, минг-минг кўчанинг.  
Қайтадан тикланса бўлмасмиди боғ  
Ҳам — аталса номи билан Гўжанинг.

Йўқ! Томоқдан ўтмас еган нонимиз  
Ҳар кун кўксимизга минг муштламасак.  
Хунук қилғилиқ, бадкирдикорларни  
Улуғ номлар билан хаспўшламасак.

Охири вой бўлса қилган ишимиз,  
Гўзал ваҳҳ, карсонлар топиштирамиз.  
Ҳар бир шармандалиқ, шармисорликка  
«Ғалаба» номини ёпиштирамиз.

Қалқон бўлиб қолган кўп қутлуғ номлар  
Ҳар айёр, ҳар иблис, ҳар бир шайтонга.  
...Айланмаса эди бир куни ватан  
«Ғалаба» номли тап-тақир майдонга.

## ВИДО

*Рўзмат Отаев хотирасига*

Қўлларимнинг патлари йўқлар,  
Суякларим — қўрғошин йирик.  
Мени бунча ёмон чорлайсан,  
Жоним осмон, бу не кўргулик?

Самараси узоқ куттирди  
Умид билан эккан мевамнинг.  
Кўчмоқдасан гумбазларига  
Сендан улги олган Хивамнинг.

Тун-кунларинг талашадилар  
Ғамларимни — аламларимни.  
Тортишарлар чексизликларинг  
Поёни йўқ оламларимни.

Ҳар тонг тиниқ мовийликларинг,  
Нигоҳимни бир ёритади.  
Сен тортасан хаёлларимни,  
Вужудимни замин тортади.

Юрагимни тортар бир юрак  
Мендан олис-олис ерларда.  
Мен мисралар билан дардлашиб  
Саргардонман ғариб шеърларда.

Ишқдан бўлак титроғим йўқдир,  
Йўқдир шеърдан бўлак ҳеч ларзам.  
Дўстларимдан бошқа ҳеч кимим,  
Ердан-кўкдан бошқа ҳеч нарсам.

Дўст меҳрини парҳез тутмадим,  
Нодўст дунё гарчи ғамхона.  
Ўлдирса ҳам, олдим-да едим,  
Луқма тутгач хаста ҳамхонам.

Сиз ҳам тутманг меҳримни парҳез,  
Жоним таңдан бўларкан жудо...  
Меросдирман ҳаммангизга тенг,  
Тенг егани тенг кўрар худо.

Кўрингизлар баравар баҳам,  
Дардманд сўзим шеърники бўлсин.  
Руҳим бўлсин сеники, осмон,  
Ва жасадим — ерники бўлсин.

Дўстларимга бахшида бўлдим  
Уммон эдим, қолмай бир қатра.  
Юрагимни тортган ошуфта  
Юракники бўлсин хотирам...

## ИЛТИЖО

Дунё на зар, на-да зўрники,  
На-да толиқар у елиб-югуриб.  
Шиддати — ялт этган нурники,  
Борар мангуликка улгуриб.

Денгизлари қуриб, дарёлари тошиб,  
Тоғлари емирилиб, боғлари ўсиб,  
Гоҳ тўғри йўл топиб, гоҳо адашиб  
Чарх урар... бир лаҳза илғамас кўзим.

Борар ерга кириб, учиб осмонга  
Сувда чўкиб борар, борар ўтга ёниб.  
Дийдорига тўйиб олай бир лаҳза,  
Бир лаҳза тинч қўйинг дунёни.

## СЎНГГИ ЖАНГЧИ

Денгиз кетиб қолди аста —  
Секин кетиб қолди чечаклардан ҳид...  
Ҳали ҳаёт экан, хайрият,  
Уят, ор туйғуси — энг сўнги умид.

Сен қизариб кетдинг. Яноқларингда  
Кўрдим ловуллаган оловни.  
...Байроқдорлар ҳалок бўлаётиб ҳам  
Қўлдан қўймадилар яловни.

## ҚАРҒА

Булбуллар кетгандир бу гўзал ердан,  
Гўё бу боғ, гўё бу гуллари йўқ  
Бўстонда дард билмай яшайди қарға,  
Осонлари йўқдир, мушкуллари йўқ.

Нолалар чекмайди, фигон тортмайди  
Ўқрайиб-ўқрайиб қағиллар гулга...  
Заҳарлаб навқирон меросхўрларни,  
Шум кампир эгалик қилмоқда мулкка.

## ЧАҚАЛОҚ

Бир кулса, минг бахтни қилганча тортиқ,  
Қиқирлаб бир қучоқ, гўлпи, бақалоқ.  
Қўзиқориндек тез, пўлатдек қаттиқ,  
Дам сайин улғайиб борар чақалоқ.

Кечалар кундузлар ёниб ўчади,  
Тонглар отар — олов, шомлар сўнар — кул...  
Фасллар аридек қўниб учади,  
Меваланиб борар инсон деган гул.

\* \* \*

Руҳни йўқламайди саноксиз юдуз,  
Хаёлим ёришмас тонгларга ўхшаб.  
Ҳозир барибирдир кечами, кундуз,  
Юракда рўз йўқдир, юракда йўқ шаб.

Чарақлаб-чақнамай офтоб мисоли  
Очиқ кўзларимда ухлар қорачиқ...  
Унут бир туш каби моҳтоб висоли,  
Осмон билан энди гўё ора очиқ...

## ҚАРСАКЛАР

Сен ишондинг бу қарсақларга  
Ва кеккайдинг бамисли хода.  
Сотдинг, сотиб қўйдинг ўзингни,  
Яна — жуда арзон баҳода.

Фаросатинг етмади, афсус,  
Бу қўллар қарсилаб толмайди.  
Талтайтириб отар осмонга,  
Лекин — ҳеч вақт илиб олмайди.

## ҚУТЛОВ

Унар тошни тарс ёриб майса,  
Ожиз бир қудратдан дараклар.  
Таҳдид солиб мижғов аламга,  
Чарх уради кўқда варрақлар.

Тилга кириб кетар чаҳ-чаҳлаб,  
Қушларнинг энг зўр, сайроқлари.

Ранглар ғужғон ўйнар... пойингда  
Ҳамма давлатларнинг байроқлари.

На-да қилич тақдинг, вожаб,  
Ва таажжуб, на-да, от эгарладинг.  
Кентлар, улуслар, ўлкаларни  
Жангсиз, жадалсиз эгалладинг.

Ҳайратланмай бўлурми сира  
Кўриб туриб муҳаббат васлин.  
Асирдирлар кўзлар кўзларга,  
Юракларга юраклар таслим.

Замин, замон тантана билан  
Енгилмоқда, демасдан бир сўз...  
Навбатдаги ғалабанг қутлуғ,  
Жаҳонгир Наврўз!

### **КЎРПА ҚАВИЛАЁТГАНДА**

Энам кўрпа қавиб ўтирибдилар.  
Бу бахтни кузатиб, ақлим лол қолар.  
Игна шўнғиб чиқар дам-бадам тинмай,  
Ялт-юлт пайдо бўлар, ялт-юлт йўқолар.

Товланади қизғиш атлас жимирлаб,  
Қизартирган гўё сув сатҳин шафақ...  
Илон қувиб борар думидан тишлаб,  
Шўнғиб-сапчиб қочар кумушранг чавак...

### **СУБУТ**

Ўз дардингдан улғай, ўз дардингдан ўс,  
Ўзгалар дардидан хино қўймагил.  
Сенга бошқа бино қўйса, не чора,  
Сен ўзинг ўзингга бино қўймагил.

Ўзингни ҳамроҳ қил йўлга чиққанда,  
Нуқсон, фазилатни олмагин қарзга.  
Гар ўзингдан кетсанг, барча манзиллар  
Бир кун айланажак Борса келмасга.

## ТЎРТЛИКЛАР

Бу даврда сирлар бўлиб бўлган фош,  
Гулдонлардан гуллар йўқолган.  
Улоқтирмақ учун бир-бировга тош,  
Бир-бировга отмоқ учун ўқ қолган.

\* \* \*

Яшолмасдан ўтган умр ёдимда,  
Ёдда сўнган олов — ёнмасдан ҳали...  
Минг-минг ранг қабри бор қорачиғимда,  
Бўғизимда минг-минглаб қўшиқ ҳайкали.

\* \* \*

Сирли шитирлайсан менинг пойимда,  
Сарғайганча қилиб ўз новдангни тарк...  
О, тиз чўкиш мумкин бўлсайди сенга,  
Куртакка йўл очиб берган ғамгин барг...

\* \* \*

Фалак турли-турли нафас қилади,  
Кўкдан гоҳо ёмғир, гоҳо қор инган.  
Тупроқдаги данак ҳавас қилади  
Лаҳзада ер ёрган кўзиқоринга.

\* \* \*

Гуноҳ овоздами, қулоқда  
Мени қийнайди шул сир гоҳи.  
Қуёш нури — қўшиқ. Юлдузларники  
Туюлади бўлиб хиргойи...

## КЎЧКИ

### «Ятим ад-даҳр»\* оҳангларида

#### *Муқаддима ўрнида*

Элимга қул сўраб келмадинг  
Элимга пул сўраб келмадинг.  
Элимга ул сўраб келмадинг,  
Элимга бул сўраб келмадинг.

---

\* Абу Мансур ас-Саолибийнинг буюк тазкираси. Ўзбек тилида нашр қилинган. (Муҳаррир).



Сен мол сўраб келган йўқ эдинг,  
Дунё сўраб келган йўқ эдинг.  
Денгиз сўраб келган йўқ эдинг,  
Дарё сўраб келган йўқ эдинг.

Тогни кемирмоққа келмадинг,  
Сувни симирмоққа келмадинг.  
Етим ҳақин, есир ҳақин еб,  
Тўймоқ, семирмоққа келмадинг.

Додлар солиб келди кимлардир,  
Отлар солиб келди кимлардир.  
Охир мағлуб кетмоқлик учун  
Аввал ғолиб келди кимлардир.

Очиқ эди сенга тўрт жониб,  
Ойдин эди сенга тўрт тараф.  
Дониш излаб келдинг, донишманда,  
Нақл излаб келдинг, эй араб!

Хоразм пок умидинг эди,  
Умидингга, не бахт, етдинг сен.  
Ватанимга келдинг, хайрият,  
Ватанимдан, афсус, кетдинг сен.

Сени ўқиб нидолар топдим,  
Ўзимдан кўп хатолар топдим.  
Алангали қўшиқларимга  
Хаёлимдан садолар топдим.

Минг тулкини тилкалаган шер,  
Юрагимдир сенга толиб уй...  
Ассалому алайкум, ҳазрат  
Абу Мансур ас-Саолибий!

\* \* \*

«Ёшлик — бахтдир. Бетимсол иқбол,  
Тотлидир шодлигу ғамлари.  
Ўтар, дариф, ёр қўйнида ҳам  
Тўхтамасдан унинг дамлари.  
Ёшлигим бир азим дарахтдир.  
Ишқ меваси —шоҳларида.  
У ўсади ҳаёт ва ўлим  
Саҳросининг воҳаларида».

\* \* \*

«Кўқартирди майсани ёмғир,  
Кўз ёшимдан унди меҳрлар.  
Дийдор афсун қиладир мени,  
Мени юз кўришув сеҳрлар.  
Телбаландим. Ёдимдан чиқди  
Йўқ нимаю, бор нима эди.  
Қиш нимаю, ёз нима эди,  
Ёмғир нима, қор нима эди...»

\* \* \*

«Ота ўғли! Қисикмас тилинг,  
Лекин — сўзи жуда қисқасан.  
Сен падари бузрукворингдан  
Аниқ олинган бир нусхасан.  
Ул зотга мен қадрдон эдим,  
Шукур, умид эмасдир сароб.  
Келдинг, ёди дилимга тўлди  
Қуюлгандек қадаҳга шароб».

\* \* \*

«Саодатинг менинг бахтимда,  
Бахтим ишва ва нозинг ичра.  
Ишва-нозинг вужудингдадир,  
Вужудинг, оҳ, либосинг ичра.  
Мен бир лаҳза талпинмай қўйсам  
Сим-сиёҳ чўғ қароқларингга,  
Либосингни тиккан игналар  
Санчилсинлар оёқларимга...»

\* \* \*

«...Раҳмат, дўстим! Ишратдан мастман,  
Бўлар бўлсам шунчалар бўлдим.  
Ям-яшил бир шонадир шодлик,  
Мен ичинда гунчалар бўлдим.  
Сурур билан ўтган лаҳзалар  
Айландилар куёшларимга.  
Ўзга дамлар, ўзга нафаслар  
Айландилар кўзёшларимга.  
...Йўлга солмоқ истаса кимки  
Қайси хасис, қайси суллоҳни  
Ҳузурингга борсину бошлаб,  
Тани, десин, Убайдуллоҳни».

\* \* \*

«Сен ой каби олислардасан,  
Сен ой каби яқинсан кўзга.  
Ишқдан бўлак иложим йўқдир,  
Чорам йўқдир севмақдан ўзга.  
Билмадим, ким сари талпинар  
Оқ сийна остинда юрагинг,  
Демоқчийдим қулоқларингга,  
Чаён бўлиб чақди зирагинг».

\* \* \*

«Тотмагандим бахтнинг таъмини,  
Елдек ўтиб кетиб бораман.  
Эй камончи, нишонинга мен,  
Айтгил, қачон етиб бораман.  
Мўлжалингдир сенинг бир юрак,  
Шу мўлжалда хаёлим — ёдим  
...Юрак билан бир бўлиб қачон  
Ором оларқанмиз, сайёдим!»

\* \* \*

«Фазна аҳли, эй шимолликлар,  
Сизни Ҳақ ардоқлар. Бу — ҳақдир.  
Қутлуғ бўлсин муборақ қисмат,  
Муборақ бўлсин қутлуғ тақдир.  
Жўнатамиз тиллоларни биз,  
Хазинада йўқу борларни.  
...Эвазига изғирин йўллаб,  
Жўнатасиз совуқ қорларни».

\* \* \*

«Нолиганим йўқдир даврдан,  
Деганим йўқ замонни ёмон.  
Шундай бўлса ҳамки шаънимга  
Раво кўрди ёмонни замон.  
Бир ўқ узди қоқ юрагимга,  
Қоқ бўлинди меҳр ва қаҳр.  
Ярми унинг Хуросон бўлди,  
Ярми эса — Мовароуннаҳр».

\* \* \*

«Ишқ, қушларинг гала-галадир,  
Ишқ, қушларинг тўда-тўдадир.  
Бари юрагимга кечадир,  
Бари юрагимга ўтадир.

Пароканда бўлар бу бахтдан  
Айрилиқнинг алам-озори.  
Бошланади юрагимизда.  
Муқаддас бир қушлар бозори».

\* \* \*

«Дарахт таги — ола кўланка,  
Тўшалгандек йўлбарс териси.  
Сутдек ойдин... кел, эй маҳбубам,  
Хўп де, худо хайрингни берсин.  
Райҳонлардан, шудринг сувидан  
Шароб қилиб қуйгим келяпти.  
Айрилиқнинг, ҳижроннинг ҳолин  
Хароб қилиб қўйгим келяпти».

\* \* \*

«Сузар қарвон-қарвон булутлар.  
Топиб бўлмас юлдузлар элин.  
Лоҳас кезиб борар тўлин ой.  
Оқ юз, қора чодрали келин.  
У эртами-индин туғади,  
Ечилади қоп-қора чодра.  
Осмон билан бир бўлиб шунда  
Ойваччалар кетарлар потраб...»

\* \* \*

«Қандай қилиб тилингиз борди  
Синди дея айтишга созни.  
Уялмайсиз, ўлди дейсизлар  
Азиз дўстим Абул Аббосни.  
Ўлди дейиш шарт бўлса агар,  
Сўзингиздан хўб, қайтмангизлар,  
Фақат... мени айтинг ўлди деб,  
Абул Аббос деб айтмангизлар».

\* \* \*

«Ё раб! Мана, кўтарилди чанг,  
Бўлмоқчидек осмонга нарвон.  
Ё раб! Дўстлар отланмоқдалар,  
Ё раб! Йўлга чиқмоқда қарвон.  
Қолмоқдамиз йўл бошида зор  
Йиғлаб-йиғлаб, ўксиб-ўксиниб,  
Ёқасини чок этар кимдир,  
Кимдир эса йиртар кўксини».

\* \* \*

«Гуноҳимми менинг интилсам  
Чўққиларга, нурга, зиёга.  
Лочин бўлиб туғилдим, ахир,  
Шунқор бўлиб келдим дунёга.  
Мен истасам, истамасам ҳам  
Тўрт тарафга шоним тарқалар...  
Сизларга ҳеч ёмонлигим йўқ,  
Бунча қағилламанг, қарғалар».

\* \* \*

«Мендан ўзиб бораётган зот,  
Қанотингни кергил яна кенг.  
Шаҳдамлик касб этсин қадаминг,  
Бўлгил тулпор, лочин билан тенг.  
Учсанг оёқ, елсанг қанотинг  
Борсинлар чарчашмай-толишмай.  
Лекин... мен ҳам, мен ҳам илойим,  
Учай сендан сира қолишмай».

\* \* \*

«У чиндан ҳам ҳаммадан баланд,  
У ҳаммадан, чиндан, юқори.  
От ҳуркитар савлати унинг,  
От ҳуркитар унинг виқори.  
Ҳамма гўё кемтигу, фақат  
Фақат ўзи бутундек баланд...  
Аслида-чи саладаги чанг,  
Гулхандаги тутундек баланд».

\* \* \*

«Икки қатра кўз ёш мисоли  
Икки ёнга кетдик ажралиб.  
Икки зилол сув томчисидек  
Икки ёққа кетдик сачралиб.  
Кўз олдимдан кетмайди сира  
Яноқларинг қизил олмадек.  
Учрашди жуфт қатра кўзёшим,  
Бизлар эса учрашолмадик».

\* \* \*

«Меъда чирир секин ва аста  
Йўқолади эс-ҳуш, хотира.  
Бир қултуми бу ёқда турсин,  
Ичма ундан ҳатто бир қатра.

Шоҳ бўлсанг ҳам обрўйинг тўкиб,  
Маҳрум этар тожу тахтлардан...  
...Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри  
Шароб топилмаган вақтларда».

\* \* \*

«Ёнғоқ мағзи деб эдим сени,  
Тотли ўйлаб-ўйлаб сен ҳақда.  
Тарқатгандим хуш-хуш хабарлар  
Алқаб-алқаб ва мақтаб-мақтаб.  
Соф юраклар ҳақда, сўнг билсам,  
Кўп қуланса сўзлар дегансан.  
Айтганларим ҳамон рост... фақат  
Пуч ёнғоқнинг мағзи экансан».

\* \* \*

«Тўғри, болдир булбуллар саси,  
Тўғри, қанддир қовунлар таъми.  
Тўғри, набот нокларнинг тоти,  
Тўғри, шарбат шудринглар нами.  
Тўғри, жон ҳам ширин... туғилгач  
Неча йил ўтса-да орадан...  
Лекин бир заҳар, айрилсам  
Суяклигим Даҳҳазорадан...»

\* \* \*

«Қошларини қилич этиб у,  
Бўлиб юрмас бекор оввора.  
Киприкларин наштар ҳам қилмас,  
Айламакка юракни пора.  
Шундоққина бир қиё боқиб  
Қўйса, шунинг ўзи етади.  
Кўзларингдан тирқирайди ёш,  
Бўғзингдан қон сачраб кетади...»

\* \* \*

«Киприкларинг майсадек момик,  
Кўзларинг ҳам чашмадир — зилол.  
Сочларингнинг райҳони хушбўй,  
Икки қошинг эса — жуфт ҳилол.  
Бардош беролмайман бу бахтга,  
О, гўзаллик! О, кўрк! О, ҳусн!..  
Ижозат бер қўйиб юборай  
Бу ўтлоқда кўнглим оҳусин...»

\* \* \*

«Ҳаммаёқ оқ, ҳаммаёқ оппоқ,  
Ақлни лол қолдиргай бу кун.  
Туя кўпик сочмоқда гўё,  
Гўё кампир эламақда ун.  
Кечагидек шағол увиллаб,  
Дўқ урмайди, қилмас дағдаға.  
Қор ёғмоқда гоҳ майда-майда,  
Қор ёғмоқда гоҳ паға-паға».

\* \* \*

«Кетдинг. Қолдим. Кетди изингдан  
Мени ташлаб иккита кўзим.  
Бўғзим кетди, юрагим кетди,  
Йўл бўйида турибман ўзим.  
Ўкраяпман. Гарчи бўғзим йўқ,  
Дил йўқ. Ғамдан эгик бошларим.  
Кўзларим йўқ... ювар кўзимни,  
Минг таажжуб, кўзим ёшлари».

\* \* \*

«Икки қошинг — иккита қилич,  
Икки қошинг — иккита шамшир.  
Гоҳ титрайди, гоҳи ўкрайди,  
Юрагим ҳам охудир. Ҳам шер.  
Тонгда сенга талпинган дилга  
Ушмундайин бир чора қилдим —  
Қўлга олиб шамширларингни,  
Ўз кўксимга минг пора қилдим».

\* \* \*

«Дилни сенга отдим, юлдузим,  
Берар дея юз берса не ҳол.  
У чирпираб қуёшга дўнди,  
Қўнди юксак чўққига беҳол».

\* \* \*

«Гоҳи-гоҳи дунёни кўрмак  
Истаги жой олгач дилимдан,  
Донишманд дастёрлар ёлладим  
Китоб-дафтарлардан, илмдан.  
Кимсасизлик улфатим бўлди,  
Ғаройиб бир ҳикматга молик

Ёлғизликдан орттирдим ошно,  
Содиқ ёрим бўлди танҳолик.  
Дўст тутундим жудоликни мен,  
Бунёд бўлди ноёб бир ҳашам.  
Барини чорлардим базмга,  
Хаёлдан уй қуриб муҳташам.  
Чиқаётир авжига ишрат,  
Келиб кўкрак юракларга тор.  
Базмимизга халақит берманг,  
Ўтинамиз одамлар зинҳор!»

\* \* \*

«Ҳид билмайди. Чаманлар қийғос,  
Ўнглаарида ва сўлларида.  
Қўлидан-ку ҳеч иш келмайди,  
Лекин ҳамма иш — қўлларида.  
Аёлларни қулфлаб кеккаяр,  
Калитларни белга нақ осиб.  
Эришмак-чун висолга, йўқдир  
Калитлардан бошқа вақоси».

\* \* \*

«Олиб борган эдим сенга гул,  
Босган эдинг бағринга маъсум.  
Кўчган эди рухсоринга ул  
Бўлиб мийиғингда табассум.  
Табассум гулини соғиндим,  
Менга олиб кел-чи шу гулни.  
Мендан сенга элчи шу гулни...  
Сендан менга элчи шу гулни...»

\* \* \*

«Дилга тоғдек залварли, оғир  
Муҳаббатнинг юкини ортдим.  
Шўрлик бирдан инграб юборди,  
Ва мен — ғам чекишдан бош тортдим.  
Ғам ҳам айёр. Анойи эмас.  
Заҳар қотди ичган ошимга.  
Тарк этди-да юракни дарров,  
Келиб тушди энди... Бошимга.  
Ғам чекишдан мен бош тортгандим,  
Соб бўлганди дилнинг бардоши.  
Нени тортсин энди шўрлик бош,  
Йўқ-ку, ахир, бошимнинг боши...»



\* \* \*

«Ўлганимда тирилтирдилар,  
Тагин — инъом этдилар тортиқ,  
Бундан ортиқ эзгулик борми,  
Саховат борми бундан ортиқ.  
Сувод ёки Рабобдан сақла  
Арбобларга иш тушса доим.  
Убайдуллоҳ ибн Аҳмадга  
Раҳматингни ёғдир, худойим.  
Тарк этмасин уни сира тож,  
Тарк этмасин уни сира тахт.  
Ҳузурига қиёматгача  
Зиёратга келиб турсин бахт».

\* \* \*

«Дарахтлар кўл нодондир, гулим,  
Гуллашса ҳам ял-ял, қулф уриб.  
Бир дона ҳам мева бермайди  
Гулларини тўкмасдан туриб.  
Сенга, тенгсиз эй сарви нозим,  
Бетимсол бир фазилатдир хос —  
Дув-дув мева туккан вақтингда  
Гуллаб-гуллаб турасан қийғос...»

\* \* \*

«Ёруғ дунё ёруғмас, асли,  
Абадийдир унинг зулмати.  
Бу дунёда ким эзгу, ким пок,  
Унинг бахти зинҳор кулмади.  
Дунё молин берсанг-да бахт йўқ,  
Алам — текин, ғам-кулфат — текин...  
Дунё — зиндон... Шунинг учун ҳам  
Унда кунлар ўтади секин...»

\* \* \*

«Яқинларим йиғлаб бўлгандир,  
Умри тугагандир мотамнинг.  
Шунчалик ҳам чўзиладими  
Уқубати ўлган одамнинг.  
Марҳумманми — йўқми ҳар қалай,  
Қучоғинга олдинг-ку бироқ,  
Шунча қаттиқ соғинганмидинг,  
Хуш кўришдик, азизим тупроқ».

\* \* \*

«Керак бўлса, шартга чиқариб  
Керак жойга мардона санчар.  
Бошқа вақтда пинҳон сақланар  
Мард йигитда ҳамиша ханжар.  
Иккита қин бўлар ханжарда,  
Билмоқ бўлса агар тилагинг —  
Бир қин бу — ўз қинидир унинг,  
Иккинчиси ёвнинг — юраги...»

\* \* \*

«Ватанимдан хабарлар келди,  
Ватанимда қаҳат, тақчиллик.  
Икки дарё қуриб боряпти,  
Келаётир бир қурфоқчилик.  
Икки кўзим икки дарёни  
Изтироблар билан этар ёд...  
Ватанни тарк этиб кўзимга  
Кўчмақдами ё икки дарё».

\* \* \*

«Яхшилар ҳамиша яхшидир,  
Улар мангу. Биз — бир замонлик.  
Кўникканмиз уларга лекин,  
Улардан ҳеч келмас ёмонлик.  
Улар хурсанд қилмайди бизни,  
Бу не кулфат, бу не ваҳшийлик —  
Биз миннатдор бўламиз фақат  
Ёмонлардан келса яхшилик».

\* \* \*

«Менга биров яхшилик қилди,  
Билмай қолдим — ким ул — худойим...  
Қайси Хотам, қайси Жавонмард,  
Қандай ғаний. Қайдай фидойи.  
Икки кунки, худойим, мана,  
Юрагим ғаш, руҳим булутдир...  
...Мендан кимки яхшилик кўрса,  
Энди менга барин унуттир...»

\* \* \*

«Қўй, мақтама ҳаддан зиёда  
Ўз туғилиб ўсган ерингни.  
Оқ йўл бўлсин! Олис сафарга  
Боғлабдирсан, йигит, белингни».

Элингда гар бўлса номус-ор,  
Кўтармасди душманлар туғин,  
Қилмас эди ўз бағридан у  
Сенингдек бир фарзандни қувғин».

\* \* \*

«Менинг руҳим — само қаъринда,  
Менинг руҳим — тупроқ ичинда.  
Аниқроғи, севгилим, сендан  
Мен абадий фироқ ичинда.  
Бир кун сени ларзага солиб,  
Бир кун юрагингни ёқаман.  
Ер қаъринда зилзила бўлиб,  
Самоларда чақмоқ чақаман».

\* \* \*

«Етуклигинг ҳаммага ойдин,  
Етуклигинг ҳаммага аён.  
Эл айниган шу мудҳиш кунлар  
Бир фазилат сенда намоён.  
Бир кун фазлинг билан қутқаргунг  
Юраklarни ўкинч-доғлардан...  
Босқин вақти жавоҳирларни  
Асрайдилар саждагоҳларда».

\* \* \*

«Дунёда ким энг ёмон бўлса,  
Унинг билан тенг ёмон бўлдим.  
Энг ёмонлар ичинда ҳатто  
Аслида мен энг ёмон бўлдим.  
Шодланмадим очилишдан ҳеч,  
Фам чекмадим ҳеч вақт сўлишдан.  
Табриклайман. Барингиз озод  
Дунёда энг ёмон бўлишдан».

\* \* \*

«Ниқобингни кўтарган эдинг,  
Қош қиличинг яланғочланди.  
Қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган  
Фаройиб хунрезлик бошланди.  
Дастингдан бу кўксим бўлди чок,  
Силқиётир юрагимдан қон.  
Сочларингдан ип олиб ўтказ,  
Киприкларинг игнадир, инон.

Игналар санч омонлик учун  
Дилингга раҳм солса гар оҳим.  
Ўламанми ё қоламанми,  
Қўлингдан энди, жарроҳим».

\* \* \*

«Отанг вафот этди. Кўксингни  
Ул раҳматлик учун қабр қил.  
Сочинг юлма. Юзингни йиртма.  
Ҳар бошда бор бу дард. Сабр қил.  
Шуълалар соч ғариб ерларга,  
Зулматдаги нурдек етим бўл.  
Бебаҳолик касб эт оҳиста,  
Садафдаги дурдек ятим бўл.  
Қарочиқдек асра яроғин,  
Тулпор, пўстин ҳам чўгирмасин.  
Қиёматда учрашганингда  
Токи сендан юз ўгирмасин».

\* \* \*

«Устингда бирпас ёнбошладим,  
Ажаб эмас инграб юборсанг.  
Минг йилларни кўрасан олддан,  
Башоратгўй, қадрдон харсанг.  
Ал-қасос ул мин ал-ҳақ нақдин  
Ястаниб хуш кўраётирсан.  
Қабрим тоши бўлажагингни,  
Эҳтимол, туш кўраётирсан.  
Ҳам хотирлаб мени ўша кун,  
Менинг учун андуҳ еб ҳамда  
Ҳозир меңдек ясланиб олиб  
Ором олажаксан тепамда».

\* \* \*

«Ҳижрон тоқатимни тоқ қилгач,  
Хатлар ёздим сенга минг ғамда.  
Ҳасрат билан мактуб кутаман,  
Мактубингдан қўрқаман ҳамда.  
Номаларинг ардоқлармикан  
Юрагимни — мунис қумрини?..  
...Жавобларинг кечикмоқдалар  
Узайтириб умид умрини».

\* \* \*

«Мен қуёшни севаман жондан,  
Порлаб турсин дейман у доим.  
Тонг отади ҳар куни тонгда,  
Ранжитмайди мени худойим.  
Кимдир менга раво кўрмайди  
Чарақлаган шу кун, кундузни.  
Зулумотни бошимга ёпиб,  
Сочмоқ истар минг-минг юлдузни.  
Қилмоқ истар қуёшдан маҳрум,  
Қилмоқ истар офтобдан жудо.  
...Кун ботади. У одамни ҳам  
Ранжитмайди, негадир, худо».

\* \* \*

«Михламади тўшагимга дард,  
Ланг бўлмадим, шол бўлганим йўқ.  
Юрагимнинг санчиқларидан  
Мен бунингдек ҳол бўлганим йўқ.  
Токи уни тушимда кўрдим,  
Тўшак бўлди муқим бир жойим.  
Кеча-кундуз менга уйқу бер,  
Сендан ўтинаман, худойим.  
Тушларимда ул сарвинозим  
Кўринмайин қолган чоғида  
Дунёдан ҳам бир хабар олай,  
Уйғотиб ҳам тургин гоҳида.  
Ухламоқ бахт. Бахтдир уйғонмоқ,  
Гоҳ шод, гоҳ чекиб қайғуни.  
Муддатидан беш кун ортга сур  
Фақатгина сўнгги уйқуни».

\* \* \*

«Бу элда энг ҳаёли одам  
Ечинади чиқиб майдонга.  
Бу элда энг соддадил одам  
Дарс беради тўда шайтонга.  
Бу элда энг ҳалол одамнинг  
Сон-саноксиз ҳаром ери бор.  
Энг вафодор ҳар бир хотиннинг  
Камида ўн-ўн беш эри бор.  
Бу ерда ҳар қарич тупроқда  
Минг ўлим чанг солар тирилиб.  
Бир-бирининг қучоқларида  
Кетаётир бари қирилиб...»

«Ишонмангиз дабдабаларга,  
 Шоирларга ишонмангизлар.  
 Диёрларга кўз олайтирган  
 Диёрларга ишонмангизлар.  
 Ўз бурнидан нарини кўрмас  
 Аймақларга ишонмангизлар.  
 Талончилар тилидан томган  
 Қаймоқларга ишонмангизлар.  
 Минг хил гараз билан берилган  
 Баҳоларга ишонмангизлар.  
 Эл қонига байроқ бўялган  
 Даҳоларга ишонмангизлар.  
 Душманларга бошин силатган  
 Шод қулларга ишонмангизлар.  
 Эътиқодин ақчага сотган  
 Сотқинларга ишонмангизлар.  
 Ишонмангиз жазаваларга,  
 Асло хуружларга ишонманг.  
 Ватан деган — тақдир инъоми,  
 Инъомфурушларга ишонманг.  
 Ҳаммасида айниши мумкин  
 Адлу инсоф, вафо, диёнат.  
 Ҳеч гап эмас содир бўлиши  
 Улардан энг жирканч хиёнат.  
 Сергак бўлинг. Ёлғонга учманг.  
 Ўтрик сўзни ҳам демангизлар.  
 Ҳалол бўлса, не есангиз энг,  
 Фақатгина панд емангизлар.  
 Ҳалол меҳнат, содиқ дўст, чин ёр  
 Ростакам бахт, асл оромдир.  
 Золим учун қилинган меҳнат  
 Тўнғиз гўштидан ҳам ҳаромдир.  
 Ҳикматини унутмангизлар  
 Авлиёлар айтган пандининг.  
 Руҳини шод этиб, яшанг Шайх  
 Баҳовиддин Нақшбандийнинг.  
 Парво этманг, такрор айтаман  
 Бахт ҳақдаги кўпик гапларга.  
 Ишонингиз иш билан машғул  
 Тарс ёрилган қутлуғ қафтларга».

\* \* \*

«— Мўйсафидим, излабсен ёшлик,  
Мўйсафидим, ҳусн излабсен.  
Бўябдирсан соч-соқолингни,  
Билмам — кимдан, нени гизлабсен.  
« — Айланайин қайғуришингдан,  
Айланайин кўзёшларингдан,  
Соч-соқолим оқин гизладим  
Сенинг ёш-ёш кундошларингдан.  
« — Кундошларимдан айланайин,  
Кесиб ўтмас ҳеч вақт йўлимни.  
Бир тилагим сен ўлмагайсан,  
Кундош деб билганман ўлимни.  
Ўлим сени олиб кетгали  
Кесиб ўтмаса бас йўлимдан.  
Бўёқ билан соч оқларини  
Гизлаб билармисан ўлимдан?..»

\* \* \*

«Эзгуликни ёқла ҳамиша,  
Унинг билан ўзинг ҳам ёқлан.  
Майли, минг дардга бўл гирифор,  
Фақатгина ғафлатдан сақлан.  
Айтгил, ўзи, нимадир ғафлат,  
Айт, у қандай кўрсатар нишон...  
Кундуз — туннинг ҳушёрлигидир,  
Ғафлатидир кундузнинг оқшом».

\* \* \*

«Заминдир бир очилмаган сир,  
Пинҳон эрур кўздан сиёқи.  
Тун пардаси билан беркиниб  
Ётар, яна, бошдан-оёғи.  
Тонг отару секин-оҳиста,  
Тоғлар сири фош бўлар унинг.  
Тоғлар саррин-саррин чеккувчи  
Оҳлар сири фош бўлар унинг.  
Чўққилардан оқаётирган  
Дарёлари фош бўлар унинг.  
Дарёлари таралиб кетган  
Дунёлари фош бўлар унинг.  
Гулзорларда куй куйлаётган  
Қизлар сири фош бўлар унинг.

Қизларга зор, маҳдиё боққан  
Бизлар сири фош бўлар унинг.  
Тонг ёриша боргани сайин  
Сирлар шундай фошлана бошлар.  
Ахийр яна бота бошлар кун,  
Сирлар тагин... бошлана бошлар».

\* \* \*

«Қиш. Дарчадан термуламан жим.  
Эмас бугун кўча кўчадек.  
Қор остида ётибди дунё  
Тухумнинг ичида жўжадек.  
Ҳеч вақт ҳеч ким оёқ босмаган  
Каби тим-тирс ҳовли йўлаги.  
Пиёлада товланади чой,  
Эриб тушган офтоб бўлаги».

\* \* \*

«Сухбатларда рағбатланмас ҳеч,  
Китобларда сўкилади рашк.  
Жоним, мен бўлсам бир дарахтман,  
Қилт этсам дув тўкилади рашк.  
Яна-тагин гуллай бошлайман.  
Билмагайдир бу аҳвол тиним.  
Бергим келмас ҳеч кимга сени,  
Сени топган қулман, олтинман».

\* \* \*

«Заҳарлаб ўлдирдинг Алпомишларни,  
Улар ичган сувлар эди оғули.  
Иржайиб қулмоғинг энди ортиқча  
Муродга етдим деб ўйлаб, доғули.  
Хайрият деб бекор тин олиб юрма,  
Сендан ўч олмоқнинг тез етгай гали.  
Боқиб турибдурман кўзларингга тик,  
Мана, мен қасоснинг тирик ҳайкали.  
Шоҳсупада туриб ўч олгич ҳайкал,  
Аъло билгич ким дўст — ёғийлигини.  
Мангу яшайман деб керилмаёқ қўй,  
Унутма умримнинг боқийлигини».



\* \* \*

«Сенинг холинг ажиб афсунгар,  
Сенинг холинг — сеҳргар уруф.  
Уруф эмас, йўқ, у — муҳаббат,  
Муҳаббат ҳам эмас, йўқ, у — руҳ.  
Кимдир уни яноққинангда  
Унутганча ташлаган-кетган.  
Билибми ё билмайми, неча  
Қаро кўзни ёшлаган-кетган.  
Бу тун менинг хаёлимда ҳам  
Холинг мижжа қоқмай тунади...  
Энди ҳамма юракларда у  
Минг изтироб бўлиб унади».

\* \* \*

«Келаман деб ваъда бергандинг,  
Тухфа этиб сонсиз орзулар.  
Кўп шамоллар эсди шундан сўнг,  
Шундан бери оқди кўп сувлар.  
Майсазорлар йўқ эди, мана,  
Улар пайдо бўлди ҳар қайда.  
Бутун борлиқ ям-яшил эди,  
Бутун борлиқ энди саргайди.  
Инқирозга юз тутди борлиқ,  
Наф бермади афсус, аттанг ҳам.  
Таназзулдан четда қолмади  
Келаман деб берган ваъданг ҳам».

\* \* \*

«Мен бир қизнинг пок хаёлида  
Янгроқ қўшиқ бўлиб куйландим.  
Фироғида қовридим дастлаб,  
Сўнгра тўй қилдим уйландим.  
Шароб кўммоқдаман тўй куни  
Бирам гулгун, мусаффо бирам.  
Бугун сенинг қайғунгни едим,  
Бир кун туғилажак набирам.  
Йил-йилдан май поклана боргай,  
Торта боргай ақиқ каби ранг.  
Нафсингни тий, хуштаъмроқ бўлгай,  
Ичса агар буни набиранг.  
Илож топса, ичмасин у ҳам  
Умид-ла маст бўлиб қарисин.  
Яхши кунда олий шаробни

Унинг набираси сипқорсин.  
Бўлсангизлар чинакам оқил,  
Бўлсангизлар чин эҳтиёткор,  
Май очилмай, нодон бобонгдан  
Сизга қолсин абадий ёдгор...»

\* \* \*

«Сенга бизнинг мактубимиз шул,  
Шулдир сенга бизнинг номамиз —  
Бизнинг ҳирқамиздир эзгулик,  
Самимият бизнинг жомамиз.  
Юракларга кийилгай улар,  
Сен бўлсанг — бир қутлуғ жомадон,  
Қутлуғ шаҳар, эй уммилбилод,  
Жонимдан севганим Ҳамадон.  
Сенинг кабир жигарбандларинг  
Минг туман кўз қорасиндадир.  
Шулардан энг мумтоз битгаси,  
Мана, бизнинг Хоразмдадир».

\* \* \*

«Яхши билан ёмон бўлди тенг,  
Буғдой билан сомон бўлди тенг.  
Замон бошдан-оёқ дард эрур... демак,  
Дардинг умри замон билан тенг».

\* \* \*

«Манглаймнинг шўри ҳарбу зарб,  
Кеча — уруш, кундуз ҳам — уруш.  
Кеча-кундуз дўсту душманнинг  
Юрагида ғазаб ва хуруж.  
Фурсат йўқдир қинга солмоққа  
Ҳар бир лаҳза тинчликка хилоф.  
Қиличимга кечаю кундуз  
Фақатгина қон бўлди филоф».

\* \* \*

«Сўзларида — эзгу бир ният  
Кўзларида мусаффо матлаб.  
Қашшоқликни алқаб куйлар у,  
Куйлар у бойликни лаънатлаб.  
Юрагимга босай дейману,  
Ҳар каломи дардга дорунинг...  
Қўшиғига ишонолмайман,  
Овозида шира бор унинг».

\* \* \*

«Бутун умрим вафодор дўстлар  
Билан ўхшар маҳкам боғлиққа...  
Улар нималари биландир  
Ўхшаброқ кетишар соғлиққа.  
Яъни улар ёнимда бўлса,  
Оғринмайман, ўртаниб дарда.  
Бир кун кўздан қочирсам борми,  
Йўқликлари билинар шартга».

\* \* \*

«Ҳаёт билан қўшиб бизларга  
Кўп чарчоқлар қилинган тортиқ.  
Асли ўлим — чинакам қурол.  
Асли ўлим — чинакам ҳордиқ.  
Бошқа изоҳ, бошқача талқин  
Мантиқлардан мутлақ ташқидир.  
Уйғонмоқ бу — тирилмоқ, демак,  
Уйқу эса — ўлим машқидир».

\* \* \*

«Илм-ҳикматни бошқага берсанг,  
ўзингда ҳам кўпаяр —  
Ажаб —  
бу тақводор, бу олимники  
тамом бўлак, тамом бошқача.  
Бир қарасанг, —  
фазилатдан сўз.  
Бир қарасанг —  
илмдан нафаслар.  
Хаёлидан чиқариш учун  
сенга фазилатларни  
ваъзлар.  
Жоҳиллашар,  
илм ўргатиб,  
ахлоқсизлашар  
чорлаб хулққа.  
Кунда шу ҳол.  
Яқин ўртада  
айланади тамом махлуққа».

\* \* \*

«Тантаналар шунчаки боис,  
Жўн баҳона кентлар, шаҳарлар.  
Оқшомлар ҳам шунчаки сабаб,  
Шунчаки бир рўкач саҳарлар.  
Асрлар ҳам ашаддий бидъат,  
Хурофотдир ҳар бир дақиқа.  
Ҳақиқатдир сенинг жамолинг,  
Жамолингдан ҳайрат ҳақиқат.  
Кун сени деб чиқади уфқдан,  
Тонг сени деб ҳар тонг отади,  
Раҳми келиб сўнг юлдузларга,  
Шўрликлар кўрсин деб ботади.  
Мабодо бир келмасмикан деб  
Бунёд бўлган Хива, Сайрамлар.  
Сени кўриб қувониш учун  
Келар ҳайит, келар байрамлар.  
Дийдорингдан телбалар бўлиб  
Оламнинг чарх уриб бормоғи,  
Ушлай деса, ёқаси йўқдир,  
Тишлай деса, йўқдир бармоғи».

\* \* \*

«Қоматингни сарв атайдилар,  
Сочларингни атарлар сунбул.  
Сенинг жамолингнинг олдида  
Ой шунчаки эмиш бир думбул.  
Бармоқларинг — ҳусайни узум,  
Лабинг — гунча, яноғинг — гулмиш.  
Сенинг оғзинг қошида pista  
Ўз оғзини катта деб кулмиш.  
Айтилмасди бу гаплар агар  
Ҳақиқат ёлғонни енгсайди  
Ўхшамайсан, асли, уларга  
Асли улар сенга менгзайди.  
Мукамалдир ҳуснинг. Таърифга  
Қилади кўп гўрлик шоирлар.  
Улуғлайман деб сени нуқул  
Камситади шўрлик шоирлар».

\* \* \*

«Сенинг, ахир, топталган еринг,  
Қумлар, саҳроларинг топталди.  
Боғингда ёв мевалар еди,

Ўчофингдан душман тафт олди.  
Кўп кеккайма, мағлуб чавандоз,  
Ахир, қасос қани? Ўч қани?  
...Илк мартаба кўриб туришим  
Отни миниб олган чўққани...»

\* \* \*

«Сен ҳайвонсан. Қорнинг тўйса бас.  
Сен ҳайвонсан. Бас — тўйса қорнинг,  
Қадрин билармидинг ғурурнинг,  
Қадрин билармидинг виқорнинг?  
То боғлиқсан — ювошгинасан,  
Ипни узсанг — пишламоғинг бор.  
Чиранганча омочни судраб,  
То ўлгунча ишламоғинг бор.  
Йўқдир даҳшатлироқ фожианг  
Адлу инсоф, виждон баҳсидан.  
Ирғишлайсан, ликилатиб дум,  
Фаровонлик васвасасидан.  
Ўз йўлинг, ўз йўригинг йўқдир,  
Нася олдинг ирганч йўриқни.  
Жонингдан ҳам азиз кўрасан  
Халачўпни, бўйинтуруқни.  
На-да ўкинч қийнайди сени,  
На-да қийнар энди пушаймон.  
Чеки борми бу даҳшатларнинг,  
Қачон одам бўласан, ҳайвон?  
Узр... сенга гап қотиб қўйдим,  
Ёд-хаёлинг охурда пайтинг.  
Қорнинг мешдек қаппайиб тўйган,  
Қутлуғ бўлсин катта ҳайитинг!»

\* \* \*

«Кўзларингда ёшлар кунидир,  
Юрагингда тошлар кунидир.  
Иккимизнинг бу ҳолни кўриб,  
Рақиб хандон ташлар кунидир.  
Висол боғин заъфарон кун,  
Фироқ, боғин сўлим кунидир.  
Сен Урганчдан кетадиган кун,  
Яъни бугун... ўлим кунидир».

\* \* \*

«Каллаварамликда чекинг йўқ,  
Поён йўқдир нодонлигинга.  
Қандай изоҳ бўлиши мумкин  
Мотам куни шодонлигинга.  
Қутуртириб юборар сени  
Оз-моз танқид ёхуд сал таъна.  
Золимдирсан бунинг устига,  
Эй шармисор, шўрлик салтанат.  
Тупургандир мазлум фуқаро  
Қоғозларда қолган адлингга.  
Эгов қилиб тош юрагингни  
Қиличини қайрар қатлингга.  
Ўз мадҳингга сарфлаётирсан  
Хайқириқ, сас, товуш, унингни.  
Мангулик деб этдинг овоза  
Аллақачон битган кунингни».

\* \* \*

«Қирон тилаб зурёдларимга,  
Қовжиратдинг майсаларимни,  
Кўзларимни ёдингга тут, ёв,  
Унутсанг ҳам найзаларимни.  
Нафсинг сенинг ўпқон очгандир,  
Ютоққансан, юҳофеъл мечкай.  
Заминдаги жирканч чигалсан,  
Сен чигални ҳалокат ечгай.  
Наслинг — очкўзлигингга ворис,  
Ютгансизлар наҳру баҳримни.  
Фарзандларга мерос қолдирдим  
Сенга бўлган чексиз қаҳримни».

\* \* \*

«Фарёд чекиб куйлаган эдим  
Забонимда ҳар товуш чўғ зум.  
Ўзим айтган қўшиқларимдан  
Ловуллайди ўзимнинг бўғзим.  
Авайладим мен бу ёнфинни,  
Ёнфин — умид, ёнфин бу — орзу.  
Шиддатли парвозлар пайтида  
Гоҳ-гоҳ ичдим қатра-қатра сув.  
У ҳам жигилдоним учунмас,  
Асрадим мен уни лой учун.

Туфилажак палапонларга  
Ихчамгина иссиқ жой учун.  
Мукофотлар дарё ва дарё,  
Мен уларга қиё боқмайман.  
Қабул қилсам борми уларни,  
Тамом, бўғзимни ҳеч ёқмайман.  
Тухфа очни тўйдираверсин.  
Ташналарни қондираверсин,  
Ловуллатиб менинг бўғзимни,  
Қўшиқларим ёндираверсин».

\* \* \*

«Сендан умид, сендандир орзу.  
Сендан мурод. Сендандир илинж.  
Бир қўлингда дўстларингга гул,  
Бир қўлингда — душманга қилич.  
Қўшиғимиз, наволаримиз,  
Агар билсанг шулар ҳақдадир.  
Қиличинг кўп сабрли. Гулинг  
Қўлимизга шошилмоқдадир».

\* \* \*

«Ҳа, гадонинг душмани гадо,  
Лекин лаънат душман гадойга.  
Қавми билан нафрат бобида  
Қилаверса жирканч бир пойга.  
Гадоликни тарғиб этганлар  
Ўз қавмини ўзи қопдилар.  
Нима бало, не офат топса,  
Аввал ўзларидан топдилар.  
Нега ҳар хил туҳмат ёрлигин  
Ҳалол меҳнат бойларга тақмоқ?  
Душман бўлмас донога доно,  
Душман бўлар аҳмоққа аҳмоқ.  
Уммон каби яшанг гувиллаб,  
Дарёлардек оқиб яшанглар.  
Унутманглар, бой бойга боқар,  
Бир-бирингга боқиб яшанглар».

\* \* \*

«Соҳибжамолимнинг ҳуснига  
Уялмасдан бақрайиб не бор...  
Тез бўл, дарров қулоғингни тик,  
Унга тўйиб шивирлай, девор.

Кўзларингни юмиб ол, кўрпа,  
Бу тун тошга айланма, ёстиқ.  
Менинг бахтим қарор топмоқда,  
Саодатим бўлмоқда тасдиқ».

\* \* \*

«Чарақлаган оппоқ бир кулгу  
Юракларга бахт ёрлиғидир.  
Шунингдек, у инжу тишларнинг  
Лаъли лаб билан ҳамкорлиғидир.  
Тишларингни дур қилиб, сўнг — кул,  
Кўзларингни нур қилиб, сўнг — кул.  
Муҳим шартни унутмагил ҳеч,  
Юрагингни ҳур қилиб, сўнг — кул.  
Ҳозир эса довдир бир кулгу  
Талмовсирар, ҳайиқиб мунгдан.  
Тўймикан деб, азага келган,  
Масхарабоз каби — лабингда...»

\* \* \*

«Дилдан эзгулик қилиб эдинг,  
Дилинг яро бўлди, азизим.  
Оқ кўнглингдан чиққан ният деб  
Юзинг қаро бўлди, азизим.  
Булар тилин тийган бўларди  
Бўлса эди ўй-андишаси...  
Нур сочаман деб дудга тўлган,  
Эй бегуноҳ чироқ шишаси».

\* \* \*

«Ҳаммага тенг меҳр кўрсатган  
Мард ҳолатинг билан улуғсан.  
Сен тахтга чиққанинг учунмас,  
Адолатинг билан улуғсан.  
Алл ила шоҳ дурдир, гавҳардир.  
Зулм ила шоҳ харсангдир, тошдир.  
Осмонга чиққани учунмас,  
Нури билан қуёш — қуёшдир».

\* \* \*

«Мен ошиқман, аҳволи забун,  
Сен, маъшуқам, қумрим, жайроним.  
Ҳилолимсан, ойим, моҳимсан,  
Қилдинг ҳайрон, бўлдинг ҳайроним.



Жафокашим, жоним-жаҳоним,  
Югурасан, елаверасан,  
Келасану кетаверасан,  
Кетасану келаверасан.  
Руҳимдаги саноқсиз гуллар  
Айрилиқда қолар сўлишиб.  
Гоҳ ой каби ботиб кетасан  
Ва чиқасан аста тўлишиб.  
Минг умидга айлаб мени банд,  
Маҳкум қилдинг минг-минг орзуга.  
Сувдан олиб ўтга соласан,  
Ўздан олиб соласан сувга.  
Мен қулинг ҳам, дард тилса дилни,  
Бағри ёмон қаттиқ бир тошман.  
Худо кўрсатмасин, бир ботсам,  
Қайтиб чиқмайдиган қуёшман».

\* \* \*

«Мен тоғларга юксалмоқчи эдим,  
Кўрай деб тош жилоларини.  
Осмонўпар чўққиларидан  
Олмоқ бўлиб тиллоларини.  
Ғамгин-ғамгин қайтдим водийга.  
Дол букчайиб, ёйдек эгилиб.  
Бош устимга эгилди фалак  
Янги туққан ойдек эгилиб  
Тоғ фатҳига етмади қурбим.  
Қилсам ҳамки жонимни фидо.  
Надоматдан бошим чангаллаб  
Фарёд чекиб тортдим бир нидо.  
Ва у тоғда бошланди кўчки,  
Қошларимга тошлар келдилар.  
Гоҳ таҳлика, гоҳи ҳайратдан  
Кўзларимга ёшлар келдилар.  
Ё на олтин эди у тошлар,  
Ё на эди у тошлар ёқут.  
Ёки на-да мармар эдилар,  
На оддий тош эдилар ёҳуд.  
Келмасдилар лаълдайин кўчиб,  
Келмасдилар зардайн кўчиб,  
Келардилар момиқдай кўчиб  
Келардилар пардайн кўчиб.  
Ҳар тошда мен минг битик кўрдим.  
Водий узра бўлди ҳаво дим.

Ўқимасам, армонлар бўғди,  
Ўқий десам, йўқдир саводим.  
Зир титради мижжаларда ёш,  
Битик билмас кўзлар кўчкиси.  
Осмонўпар тоғдек ўкинчдан  
Тушиб келди сўзлар кўчкиси.  
Энди узр сўраш ортиқча,  
Гуноҳлари учун, зотан, ман  
Шахсан тоғнинг ўзи тошбўрон  
Қилган одамман...»

\* \* \*

«Ёш чоғимда торларим аро  
Мудом қувноқ ун эди менинг.  
Сочларим тим қора тун эди,  
Соқолим ҳам тун эди менинг.  
Ял-ял ёниб очилган ҳар гул  
Кўксимда минг гулхан ёқарди.  
Энди бўлса сочларимда ҳам  
Соқолимда тонглар оқарди.  
Бу тонгларнинг савдоси ёмон,  
Отмагайлар бу тонглар текин.  
Эвазига умрим қуёши  
Ботиб-ботиб бормоқда секин».

\* \* \*

«Кўп оғирдир менинг гуноҳим,  
Йўқ, бепарво қайрилиб кетма.  
Афв этиб сен менинг жонимга  
Кўп аёвсиз бир зулм этма.  
Мислсиз айб этдим қошингда,  
Бузиб қўйиб юрак аҳдини.  
Муяссар қил энди бошимга  
Қаттиқ жазо тортмоқ бахтини.  
Тиз чўкишга ғурур йўл қўймас.  
Тиз чўкишга етмайди кучим...  
Кечирилмоқ каби даҳшатли  
Жазо йўқдир энди мен учун».

\* \* \*

«Гуллар қўрқа-писа очилар,  
Бағри доғлар, бағри куюклар.  
Улар — бориб турган беозор,  
Улар — гўё юввош кийиклар.

Атроф жим-жит, теварак тим-тирс,  
Чаман ичра ютган ноласин,  
Кезинади муаттар нозбўй —  
Хурковуч кийикнинг боласи.  
Шамол — қашқир келади ҳозир,  
Кўринмасдан, оғзини очиб,  
Тишлаб олиб, кўтарар кетар  
Кийикчанинг қонини сочиб...»

\* \* \*

«Менинг уйим жуда мухташам,  
Сенинг уйинг жуда ҳам вайрон.  
Сен уйимга ҳайрон боқасан,  
Мен бўйингга боқаман ҳайрон.  
Ёшлиқдан зўр ҳашамат йўқдир,  
Келажакка, оҳ, волидасан.  
Мен уйингнинг аҳволидаман,  
Сен уйимнинг аҳволидасан».

\* \* \*

«Дилга нечук ором ёр бўлсин,  
Нечук унга жо бўлсин тиним.  
Мен қовунга пичоқ урганда  
Раҳми келиб йиғлар хотиним.  
Шундай кўнгилчан бир хотинга  
Минг фарёд чектирдим. Минг нола.  
Қовун сўйиш ҳолва... туғдирдим  
Шу хотинга бир этак бола».

\* \* \*

«Бу подшоҳнинг қилиқларини  
Қаттиқ қийин қилмаслик иншо.  
Этган иши телба-тескари,  
Кўп қизиқ, кўп ғалати бу Шоҳ.  
Ўнг қўл вазир билан иши йўқ.  
Ўзга бир майл, ўзга таъсирда.  
Фикри-зикри, ўй-эътибори  
Каллаварам чап қўл вазирда.  
Шоҳимизнинг бу нуқсонини  
Агарчи мен қилмоқдаман қайд,  
Бу айб учун шоҳни айбламанг  
Чунки... Шоҳнинг ўзи чапақай».

\* \* \*

«Бу қофия кўп гўзал эди,  
Поклик билан кўзим ёшлади.  
Сўнг талтайиб кетдию, афсус,  
Шеърдан шеърга ўта бошлади.  
Бинойидек эди эс-ҳуши,  
Фикр билан келгач қуйилиб,  
Саҳифадан саҳифага у  
Бораверди кам-кам суюлиб.  
Кечиш ҳам кў-ўп қийиндир... бироқ,  
Кечмай ҳам бўлмайди аҳмоқдан.  
Йўқса... китобимнинг сўнгида  
Ном-нишон қолмайди ахлоқдан».

\* \* \*

«Гулдираган қаҳқаҳанг билан  
Ларза солиб осмон-фалакка  
Отангни ҳажв қилганинг тўғри,  
Тўғридир қилганинг калака.  
Агар чиндан ақли бўлсайди,  
Бўлса эди фаросат-фаҳми,  
Туғдирмаган бўларди асло  
Онангга сендайин аблаҳни».

\* \* \*

«Болаликда кўнглим оқ эди,  
Сочим эса эди тим қора.  
Кўп яхши, кўп ёмонни кўрдим,  
Кездим сарсон, кездим оввора.  
Нега урди маккорлар нуқси,  
Умр деган жуда ғаройиб.  
Сочим энди оқариб борар,  
Кўнглим эса борар қорайиб».

\* \* \*

«Аламларга ғамим аңдоза бўлди,  
Кўнгил ором киридан тоза бўлди.

Тунаб қолдик ғариб дўстимникида,  
Ажиб меҳмоннавозлик роса бўлди.

Чалиб чиқди чибин фингилабон соз,  
Бу созга бургалар раққоса бўлди».

\* \* \*

«Айлангандир бошим чарх уриб,  
Бошим менинг гир-гир айланган.  
Чунки шўх-шаън замонамизга  
У бечора маҳкам бойланган.  
Чирпирак бир парраклигимга  
Ўзга бирон шарҳ йўқ, шарҳ бу замон.  
Фақат... шўх бир мушукваччанинг  
Қуйруғига ўхшар бу замон».

\* \* \*

«Мен кетаман. Бу даврда — бир фиск.  
Мен кетаман. Бу даврда фасод.  
Ҳамма гаплар жонимга тегди,  
Дарҳол шартдир бўлмоғим озод.  
Ҳазабимни қўзғатар бу ер,  
Нафратимни қўзғатар бу жой.  
Оёғимга кишандир лекин  
Қўлимдаги бир пиёла чой».

\* \* \*

«Оппоқ либос кийган фаришта янглиф  
Келдингиз... кўрдингиз... кетдингиз.  
Халос этиб мени биргина дарддан,  
Минг-минглаган дардга дучор этдингиз.  
Кокиллари узун-узун табибим,  
Кўзларида сеҳр, фусун табибим.  
Мени бошдан-оёқ ёқмоққа келган  
Бошидан оёғи ҳусн табибим!..»

\* \* \*

«Тарож этиб келади фироқ,  
Ҳижрон келар шафқатсиз талаб.  
Ўкинч келар минг-минг от солиб,  
Қилич сермаб, найза ўқталиб.  
Ҳамла қилар жонга ғам шўрлик,  
Қашшоқлик ҳам қилади ҳужум  
Изтироблар ташланиб қолар,  
Юрагимни забт этмоқ учун.  
Муслимларга қирон солмоқчи  
Бўлгон янглиф қаттол кофирлар,  
Ғалабаларимнинг устига  
Маълубият саф-саф ёприлар.

Қасдидадир ҳамма-ҳаммаси  
Юракдаги ёлғиз жон қушин...  
Билишмайди, пистирмададир  
Шароб деган енгилмас қўшин».

\* \* \*

«Тўғри, рубоб товуши нозик,  
Тор сеҳрлар, тортилиб таранг.  
Ўтга-сувга солар юракни,  
Гоҳ янграб, гоҳ инграган жаранг.  
Ҳар бир парда афсунлар қилиб  
Минг юракка солар сўқмоқни...  
...Шу ҳарир бахт учун усталар  
Қанча тўқиллатган тўқмоқни».

\* \* \*

«Таҳсин бўлсин донолигинга,  
Ақлингга шон-шарафлар бўлсин.  
Сенга садқа, йўлингга қурбон  
Ҳамма-ҳамма тарафлар бўлсин.  
Бизга бугун кўрсатиб бердинг  
Бу заминнинг фарбу шарқини,  
Билдик дум ва бош тафовутин,  
Жаллод билан жарроҳ фарқини.  
Устодликда этсанг гар давом,  
Ҳар сўзингдан ёғду сачратиб,  
Ажаб эмас осмондан ерни  
Ахийр бир кун олсак ажратиб».

\* \* \*

«Тўдаларинг фахрланмасин,  
Ифтихорлар этмасин галанг.  
Соат сайин қуриб денгизинг,  
Заҳарланиб бормоқда даланг.  
Иқбол тилаб рўйи заминга  
Сажда қилиб турганди бир кун...  
Нима топдинг бобогинамни  
Қилиб олис ерларга сургун.  
Ўзгаларнинг тупроқларини  
Еб-ютганинг билан йириксан.  
Аслида сен инсониятнинг  
Вужудига тушган чириксан».

\* \* \*

«Тақиллади эшик ногаҳон,  
Ҳали қуёш тиф ёрмаган вақт.  
Чиқиб дарров эшикни очсам,  
Остонада турар эди... бахт!  
Дабдурустдан довдираб қолдим,  
Қалдиради танглайда сўзим.  
Кўзларимга ишонганим йўқ,  
Ишонарли эмасди, ўзи.  
Турар эди сарвқад, гулюз,  
Нигоҳида чароғон зиё...  
« — Ие?!.. Қайси шамол учирди,  
Йўлларингдан адашдингми ё?!..»

\* \* \*

«Ҳаловат бу қайсар бир бахтдир,  
Малҳам бўлгич дилда ярога.  
У ҳеч қачон тенг берилмайди  
Ҳам подшоҳга, ҳам фуқарога.  
Ҳаловат — бир нурафшон толе,  
Балолардан қутқарган жонни.  
У шундай бир ёритқич, ҳеч вақт  
Ёруғ этмас икки осмонни.  
Ҳаловатга макон ё кишвар,  
Ёки — сарой. Билиб қўй шуни.  
Шоҳда ором бўлса, улуснинг  
Ҳолига вой. Билиб қўй шуни».

\* \* \*

«Қаҳатчилик аланга янглиф  
Ямлаб олди шўрлик бу элни.  
Кўп одамлар қайтмас сафарга  
Богладилар иложсиз белни.  
Қорнимиз тўқ бирон наҳор йўқ,  
Йўқ биронта қорнимиз тўқ шаб.  
Кўринади тандирнинг оғзи  
Аждаҳонинг комига ўхшаб».

\* \* \*

«Жудолаша олмайди улар,  
Бўлишолмас лекин ҳамнафас.  
Бири учун бири тузоқдир,  
Бири учун биттаси қафас.

Тарозининг жуфт палласидир  
Рухларининг зидлиги сири.  
Бири кўтарилган вақтда  
Аста тушиб кетади бири».

\* \* \*

«Юзим тушса, сазовор бўлсам,  
Мўъжаз кунлар бир насиб этса.  
Бир кун эмас, бир кун, ниҳоят,  
Бошим сенга, эй осмон, етса.  
Ўзгармайсан тирноқчалик-да,  
Тор бўлмайсан, кенг ҳам бўлмайсан.  
Шу қолишда қолаверасан,  
Бошим билан тенг ҳам бўлмайсан.  
Сенга етмак умидиндаги  
Юрагим бахт билан тўлади.  
Осмон! Бошим бўлмайсан асло,  
Фақат... бошим осмон бўлади!»

\* \* \*

«Сен тортинчоқ, ғам ҳам тортинчоқ,  
Мен биламан бу сирингизни.  
Биргалиқда зериктирасиз,  
Шак-шубҳасиз, бир-бирингизни.  
Кўп қалинмиз андуҳ билан биз,  
Қил ўтмагудек орамиздан.  
Бир-бировни англаб оламиз  
Сезилмас бир ишорамиздан.  
Ўтирманглар эзилиб бундай,  
Ғам мен билан кетаверсин, қўй.  
Бир ердан олинган лойимиз,  
Шодлик эса... кўпга келган тўй.  
Шодлик билан қолсангиз, иков  
Муродларга етажаксизлар.  
Опоқ-чопоқ бўлиб лаҳзада  
Тил топишиб кетажаксизлар».

\* \* \*

«Сен ажойиб бир файласуфсан,  
Дўст излайсан — мақтов суймовчи.  
Дўст излайсан, нуқсонин айтсанг  
Лунжин осиб, қовоқ ўймовчи.  
Сўнгра мақтов суймовчи дўстга  
Лойиқ мурчдек сўзлар ахтариб,



Қаттиқ ёқиб қолмоқчидирсан  
Авра-астарини ағдариб.  
Етмоқ учун бу бахтли кунга  
Тоқати йўқ, сабри йўқ, шайсан...  
Бу дунёдан армонлар билан  
Ўтиб кетадиганга ўхшайсан».

\* \* \*

«Рухсорингсиз чарақлаб, мени  
Қуёш нури қилар ҳақорат.  
Билмам, сенсиз нега отди тонг,  
Қилмоқчи у кимни зиёрат.  
Чопқиллаб кел менинг ёнимга  
Унут ўзга яқинларингни.  
Баҳонада сочларинг ўпсин  
Муштоқ-муштоқ тақимларингни.  
Ялтилаган кумуш халхоллар  
Айрилиқдан тоқай нолисин.  
Шўх силкиниб турган зулфларинг  
Улардан ҳам бўсалар олсин.  
Кокилларинг тўпиқлар билан  
Тотлиф-тотлиф суҳбат қурсинлар.  
Оёфинг бош бармоғиндаги  
Узукни ҳам ўпиб турсинлар».

\* \* \*

«Ўлиб бўлдик гоҳ қоралана,  
Ўлиб бўлдик гоҳи оқлана.  
Қачон насиб этаркан яшаш  
Одамларга ўхшаб — оқилона.  
Кериламиз ўпкамиз шишиб,  
Кибр-ҳавони иззат-нафс атаб.  
Ўқчитади сўнгги йўқ ваъзлар,  
Жонга тегар қуруқ сафсата.  
Гоҳи ерга урамиз ўзни,  
Чарчаб ғурур — зил юкимиздан.  
Ўз бетимиз тўлиб кетгандир  
Ўзимизнинг тупугимиздан».

\* \* \*

«Дебон, замин оёқ остимда  
Ўйга берилмаёқ қўйсинлар.  
Шох, амир ё султонмиз дея,  
Бунча керилмаёқ қўйсинлар.

Минг жавоҳир қадалган бўлсин  
Маҳкамланган бўлсин минг олтин,  
Улар шунчаки бир ўйинчоқ,  
Мен шу сирни фаҳмлай олдим.  
Бари сенинг мулкингдир мангу,  
Бари сенга мансубдир якка.  
Барин олган подшоҳлар сендан  
Беши-ўн йил ўйнаб бермакка».

\* \* \*

«Насибангдан қочма ҳеч қачон,  
Қувма, сендан насибанг қочса.  
Лекин нафсинг олдида бўлма  
Бамисоли таслим ожиза.  
Бил, одамни одам севади,  
Енголмайди одамни одам.  
Душманлардан қўрқма ҳеч қачон,  
Сен ҳамиша қўрққил худодан».

\* \* \*

«Соғиндим мен маржонларингдек  
Тизим-тизим тизимларимни.  
Узумларим совуқ едилар,  
Совуқ еди узумларимни.  
Жунжикмасдан қучоғимга кел,  
Сийнангда, оҳ, севган нигорим,  
Совуқ урмас бир жуфт узумча  
Яратгандир парвардигорим».

\* \* \*

«Таслим бўл сен. Танинг мамлакат.  
Мамлакатим, улус — эли жим.  
Таслим бўл тез, дедим душманга,  
Сафар қилмай унга қиличим.  
Фаросатсиз чиқиб қолди ёв,  
Чиқиб қолди, афсус, гап уқмас.  
Мени кечиринглар, ёронлар,  
Тигимдаги шароб юқимас».

\* \* \*

«Ажиб меҳмоннавозлик бўлди,  
Бўлди ғаройиб бир зиёфат.  
Билмадим, бу бахтми эди бир,  
Билмадим, ё — эдими офат.

Бофингдаги осмонўпар кўшк,  
Шинам эди, эди шоҳона.  
Ҳамма нарса муҳайё эди,  
Етишмасди бир пашшаҳона.  
Олдимизга таомлар қўйдинг,  
Ҳамма олинг-олинг дедилар  
Бизлар едик ноз-неъматингни,  
Бизни пашшаларинг едилар».

\* \* \*

«Йиғламагил, азиз болажон,  
Йиғламагил, кичкинтой одам.  
Фигон чекма бузрукворим деб,  
Фарёд чекма деб — отам, отам,  
Ҳузурига чорлади Аллоҳ,  
Ким ҳам бундай меҳмонга бормас.  
Аллоҳ эса беҳад меҳмондўст,  
Отангни ҳеч қўйиб юбормас».

\* \* \*

«Улуғ шодлигим ғамдир менинг,  
Керак эмас чучмал ғамхўрлик.  
Очлик — ҳалол луқмамдир менинг,  
Энг юқори мартабам — хўрлик.  
Иттифоқчим энг ғирт низолим,  
Сукунатдир — янграган созим.  
Айрилигим — менинг висолим.  
Яланғочлик — башанг либосим.  
Баҳорим — куз, ёзим эса — қиш,  
Азон — оқшом, оқшом — азоним.  
Хазонимдир яхшилик менинг,  
Менинг яшиллигим хазоним.  
Осмон ўпган чўққидир чоҳим,  
Одоб, икром — дўқим, дағдағам.  
Шоҳим гадо, гадодир шоҳим,  
Чеккан оҳим эса — қаҳқаҳам.  
Дўстлар душман, душманлар — дўстим,  
Тутруқсизлик маънолигимдир.  
Донишмандлик телбалигимдир,  
Телбалигим — донолигимдир.  
Енгилимдир зилдек оғирим,  
Манзилим ҳам, демак, йўлимдир.  
Бошланишим менинг охирим,  
Туғилишим эса — ўлимдир».

\* \* \*

«Кўзларимнинг ёшларидасан,  
Юлдузларнинг қошларидасан.  
Тоғлар сенинг пойингда эмас,  
Сен тоғларнинг бошларидасан».

\* \* \*

«Мард йигитнинг бўлгани янглиф  
Жондан севган азиз бекаси,  
Ҳар юлдузнинг, шубҳасиз, бўлар  
Ушлаб тургувчи ўз эгаси.  
Юлдуз сўнди. Тушди-кетди у.  
Қолди ғамгин, нурли йўллари.  
Фалақдаги қай чароғбоннинг  
Чарчаб қолди экан қўллари?..»

\* \* \*

«Сен кўз юмдинг. Тарк этдинг бизни.  
Кетдинг-қолдинг сўрамай-нетмай.  
Турибман мен ёлғиз. Бош эгиб.  
Қутлуғ қабринг қошидан кетмай.  
Ёш тўлдирад фотиҳа учун  
Очилган азадор қўлимни...  
Дийдор учун энди сенимас,  
Мен кутмоғим керак ўлимни...»

\* \* \*

«Ўтганларни хотирлайверсанг  
Хаёлингга келмайди нелар.  
Дунё элак... одамларни у  
Бир лаҳза ҳам тинмасдан элар.  
У тинимсиз чайқалиб турар,  
Чайқалиши азоб-зулмдир.  
Бу элакнинг устида ҳаёт,  
Бу элакнинг ости — ўлимдир.  
Бу элакнинг устини кўринг,  
Кўрингизлар сиз тағларини...  
Унларни қор каби ёғдирад,  
Қолдиради кепакларини...»

\* \* \*

«Бизда бордир бўри ҳақиқат,  
Бизда бордир қуён ҳақиқат.  
Бизда бордир у ён ҳақиқат,

Бизда бордир бу ён ҳақиқат.  
Оқшом ҳақиқатимиз мавжуд,  
Мавжуд тагин саҳар ҳақиқат.  
Асал ҳақиқат бор бизларда,  
Бизларда бор заҳар ҳақиқат.  
Бизларда ҳақиқат — юзлаган,  
Бизда бор мингларча ҳақиқат.  
Бўлак-бўлак ҳақиқат бордир,  
Бордир парча-парча ҳақиқат.  
Биз ҳақиқат ясаб берамиз  
Истасангиз агар қай тахлит.  
Фақат ягона ҳақиқат йўқ,  
Йўқдир бизда ҳақиқат — яхлит».

\* \* \*

«Юрагим вайрона, кўзда ёш — тахир,  
Қутлуғ тасвирингдан холи қорачиқ.  
Авваллари ҳатто қил ўтмас эди,  
Энди ора очиқ... Энди ора очиқ...  
Яхши қол! Ўсмоқда жудолик тоғи,  
Дилингга дилимни яширдим.  
Мен кетдим ўзимдан. Сени — ўзимга,  
Ўзимни — Худога топширдим».

\* \* \*

«Мен ҳақ сўзни айтай. Сен чида.  
Мен рост сўзни сўзлай. Қаҳр этма.  
Ўтмиш ўтмишники, азизим,  
Ўтмиш билан қуруқ фаҳр этма.  
Ўтмишинг бор. Бу, шаксиз, толе,  
Ўтмишинг бор. Бу бахт, албатта.  
Ўтмиш атлас, ўтмиш духоба,  
Лекин сен ҳам бўлмагин латта.  
Ўтмиш билан чалғиб, унутма  
Бу кунингни бор қилишни ҳам.  
Қойил қилдинг мағрурланишни,  
Ўрганиб ол ор қилишни ҳам».

\* \* \*

«Сендан хат келтирган каптарнинг  
Тўшин ўпиб, айладим тавоф.  
Лекин... қандай бериб юборай  
Мактубингга бу қушдан жавоб.

Яллиғланган чўғдир ҳар сўзим,  
Ҳажр осмони бўлса ҳам муздек.  
Қушчанг ёниб қулаб тушмасми  
Фалаклардан... сўнган юлдуздек».

\* \* \*

«Гарчи намоз, гарчи тиловат  
Жуда савоб, жуда фахр иш.  
Мен қашшоққа, мен камбағалга  
Тоат-ибодат кўп офир иш.  
Меҳнат қилдим. Раво кўрмади  
Рўшноликни ҳеч ҳаётимга.  
Сажда қилсам худога, аввал  
Қашшоқлигим тушар ёдимга...»

\* \* \*

«Гўзалим, сен жуда гўзалсан,  
Сачратма ҳар сўзингдан илм.  
Минг хаёлдан бошим офриган,  
Бир аёлга ташнадир дилим.  
Совуқ, лоқайд бўлма бунчалик,  
Бўл сал яшин, бўл сал чақмоқроқ.  
Бунингчалик ақлли бўлма,  
Бўл сал тентак, бўл сал аҳмоқроқ.  
Сен ақлингни намойиш этгач,  
Бошимга тоғ гўё қулади.  
Бир бошингга ҳам кўрк, ҳам ақл,  
Ўлай агар, кўплик қилади.  
Қопга солиб калтакланмоқчи  
Жуфт мушукдек бўлиб нетайлик.  
Кел, ё ақлинг, ё мен, яхшиси,  
Хаёлингдан чиқиб кетайлик».

\* \* \*

«Уялинглар! Аёллар билан  
Баҳслашманглар, қилманглар пойга.  
Лекин барча ғалабаларни  
Ташланглар уларнинг пойига.  
Аёлларга кетмон бермангиз,  
Аёлларга берманг белкурак.  
Аёлларга кўнгил беринглар,  
Аёлларга беринглар юрак.  
Маҳкум қилманг темир-терсакка  
Ҳеч Моҳирўй, ҳеч Турсунойин.

Аёллари эркакшода халқ  
Хотинчалиш бўлади доим».

\* \* \*

«Кўзларингдан оққан кўзёшнинг  
Сув эканин ўйлаганимда.  
Жон, жаҳонга ҳаёт бахш этган  
У эканин ўйлаганимда,  
Бошқа ҳамма ғам-ташвишлардан  
Холи бўлиб қолгим келади.  
Балиқ бўлиб қолгим келади,  
Шоли бўлиб қолгим келади...»

\* \* \*

«Шўрлик товук, қўрқма қақолаб,  
Ҳайиқмасдан, тўйиб жўжа оч.  
Бизлар сенга тегмаяжакмиз,  
Юмurtқанга эмасмиз муҳтож.  
Сен ҳам, қуён, қалтирайберма,  
Шалпанг қулофингни динг қилиб,  
Болалайбер дала-даштингда  
Биргина ўзингни минг қилиб.  
Биз агарчи раҳмдилларнинг  
Яхшиларин яхшиларимиз.  
Йиртқичлардан баттар йиртқичмиз,  
Ваҳшийларнинг ваҳшийларимиз.  
Сиртлонларни кабоб қиламиз  
Ўрмонларда гулханлар ёқиб.  
Тимсоҳларнинг тухумларини  
Нонуштага ичамиз чақиб.  
Келиб мунис қумрилар билан  
Бўлурмиз бир ғамгин суҳбатдош.  
Оҳуларни қучоқлаб олиб,  
Ўкраб-ўкраб тўкадирмиз ёш».

\* \* \*

«Мол жамғаргил ёғдайга қараб,  
Дунё ғамла қараб ҳолингга.  
Лекин, нима бўлганида ҳам,  
Ҳирс қўйма ҳеч йиғган молингга.  
Англамасанг айтганларимни,  
Жонзотлардан олабер нусха.  
Бир кунлик ем тўплайди арслон,  
Бир йиллик ем ғамлар қумурсқа».

\* \* \*

«Жоним, сени жондан севаман,  
Бўлсанг ҳамки гарчи муваққат.  
Ёд-хаёлим, фикрим ва зикрим  
Кеча-кундуз сен билан фақат.  
Чексиз гарчи ишқимиз... гарчи  
Меҳримизнинг поёни йўқдек...  
Лекин бир лаҳзадир васлимиз,  
Бамисоли ёй билан ўқдек...»

\* \* \*

«Шаробсиз кун кун эмас сира,  
Май бўлмаса, бурро ҳаёт жим.  
Сенинг гапинг мутлақо ўтрик,  
Эй бераҳм фалакиётчи.  
Коинот тор, фалак чекланган,  
Поёнсиз жой —шиша ичидир.  
Соат эмас, бўшаган қадах, —  
Вақтнинг аниқ кўрсаткичидир.  
Ойлар умр узайтирмайди,  
Йиллар йилигингни сўради.  
Умр кўрмас инсон фалон йил,  
Фалон шиша умр кўради».

\* \* \*

«Қўй, йиғлама. Ғам-алам, кулфат  
Сен йиғлаган ҳамон кулади.

Бардошли бўл — метин, мустаҳкам,  
Йўқса замин-замон кулади.

Шовуллаган гужум бўлсанг ҳам  
Устингдан бир сомон кулади.

Сен тарафга қиё боқмас бахт,  
Боқиб нокас томон кулади.

Кошкийди бир шунчаки кулса,  
Кулганда ҳам ёмон кулади».

\* \* \*

«Кабутардек учиб келдинг сен,  
Кийикчадек келдинг сен елиб.  
Ва... термулдинг. Майин нигоҳинг  
Юрагимга санчилди келиб.



Янглишмасдан урдинг ўқингни,  
Ортиқча бир ҳунар — санъатсиз.  
Ва — мен кетдим чалажон, беҳол,  
Ва — мен кетдим мувозанатсиз.  
Фурур билан тикилиб қолдинг  
Лаблари лаъл... лаблари ақиқ...  
Бизда, ахир, хабаринг йўқми,  
Арслон ови қилинган таъқиқ».

\* \* \*

«Бу одам ер. Эксанг унмас ер.  
Дарё. Лекин қақраган дарё.  
Бу одам шер. Қафасдаги шер,  
Фарёд. Лекин бўғиқ бир фарёд.  
Бу одам — бахт. Лекин — қорá бахт.  
Бу одам — мушт. Лекин — чўнтақда.  
Бу одам — шахд. Лекин сўнган шахд.  
Доно. Ихтиёри — тентақда.  
Жуда ҳушёр... сергақдир. Лекин  
Ҳушёрлиги ўшар мастликка.  
Бети қалин. Лекин — уятчан.  
Уялади уялмасликка.  
Тўйдир. Лекин охири — аза.  
Паймон. Ёлғон пайпон бу одам.  
Бир сўз билан не десам экан...  
Одам. Лекин ҳайвон бу одам».

\* \* \*

«Куну тун, шом, азон кетади,  
Боғларингдан хазон кетади.  
Лекин бахтинг — нозик бир меҳмон,  
Қийин келиб, осон кетади».

\* \* \*

«Қўнғироқдек жаранглаб куйлаб,  
Торлар каби титраб рақс этдинг.  
Гаров боғлаб булбул билан гоҳ,  
Гоҳо товус билан баҳс этдинг,  
Бир тикилдинг чала қайрилиб,  
Қақраб-қақраб қуриди шўрим.  
Гумдон бўлди сиполик, виқор,  
Малайингга айландим, чўрим».

\* \* \*

«Бизга дийдор насиб этмади  
Сўнги висол — ўчмас хотира.  
Азоб билан қалқиб тушдилар  
Кўзларимдан пок икки қатра.  
Қўшилдилар яноқларимда  
Ёдга солиб бизларнинг аҳдни.  
Бизга тақдир раво кўрмади  
Икки қатра кўзёшдек бахтни».

\* \* \*

«Қўйнимдаги бир қучоқ нурнинг  
Кетажагин фаҳм этмадинг сен.  
Борми, ўзи, зарра инсофинг,  
Иккимизга раҳм этмадинг сен.  
Мен билмайман, чалкаш дунёда  
Ким? Не? Кимнинг? Неники эди?  
Биламан, сен ҳамманикисан,  
Дилдор фақат меники эди.  
У кетади энди. Сен чиқдинг.  
Кўзларимга қалқаётир ёш.  
Ўзга маконларда чақнасанг  
Ўлармидинг, ҳасадгўй қуёш.  
Не бўлдинг, айт, юлқилаб олиб  
Бебаҳо бир бахтнинг пок тотин,  
Соҳибжамол рақибаларни  
Юмдалашни касб қилган хотин!»

\* \* \*

«Қуёшни афв эта қолайлик,  
Турмасин осмонда осилиб.  
У ҳам, ахир, қанча бир умид,  
Неча бир меҳнатнинг ҳосили.  
Гарчи алпомишлар ошиқлар,  
Гарчи маъшуқалар малақдир,  
Муҳаббат бир бойўғли, жоним,  
Муҳаббат бир кўршапалақдир...»

\* \* \*

«Кўзга кўринмас эй чаросим,  
Сўлдирмайди қишлар ва кузлар.  
Новдаларинг осмон-осмонда,  
Меваларинг эса — юдузлар.  
Қолдиради борлиқни ҳайрон

Ҳар мевангни минг жамоллари.  
Дув тўкилар бироқ барчаси,  
Эсан маҳал тонг шамоллари.  
Лекин қайсарлардир ашаддий.  
Бир кундаёқ уриб тагин барқ,  
Меваларинг қуёш ботган сўнг  
Яна пишиб тураверар фарқ».

\* \* \*

«Айрилиқнинг даъватларига  
Илож қанча, кўндим, унадим.  
Оқшом билан рўдапо ғамнинг  
Қучоғида оҳ деб тунадим.  
Севгилим бир нақш олма эди,  
Тиш тегмаган, таранг, юмалоқ,  
Ғамни эса неча минг йигит,  
Неча минг бор қўйган уч талоқ.  
Улар такрор уйланмоқчими,  
Кулфатлари қолганми чала?  
Ғам билан жуфт ўтган бу кечам,  
Наҳотки, бир мудҳиш ҳалала?..»

\* \* \*

«Кетиб қолди омонат дўстлар,  
Кетиб қолди омонат ёрлар.  
Юрагимда уқубат қолди,  
Юрагимда қолди озорлар.  
Меҳрларим яқунландилар,  
Барҳам топди муҳаббатларим...  
Бошга кулфат тушди. Тегди ўқ.  
Қушман. Тўзғиб кетди патларим».

\* \* \*

«Тавба... булар ер талашмоқда,  
Заҳарга фарқ бўлган бир ерни.  
Икки хотин эр талашмоқда  
Аллақачон ўлган бир эрни.  
Юмдалашиб валақлашмоқда  
Тилга келган қарони, оқни.  
Бир-бирига сочмоқда улар  
Қўлларидан кетган тупроқни».

\* \* \*

«Сўзида йўқ одобдан нишон,  
Феълида икромдан асар йўқ,  
Ёмонларга йўқ ундан нафрат,  
Яхшиларга ундан назар йўқ,  
Иймон йўқдир унинг руҳида,  
Вужудида йўқдир таҳорат.  
Бу одамни ҳайвон деб сўкманг,  
Ҳайвонларни қилманг ҳақорат».

## ҲАЗАЛЛАР

*Мирзо Абдулқодир Бедилдан*

\* \* \*

Пирпираб, дилларни зир титратувчи мужғони бор.  
Тим қаро ҳар толалардан кўзда ғуж-ғуж кони бор:

Чекмангиз ғам. Чин саодат — ёр учун бўлдим ҳалок,  
Шул сабабдан тупроғим ҳар заррасининг жони бор.

Ожизу парвоз талабмен, маъно йўқ учмоғима,  
Гар қанотим куйса, майли, ишқининг осмони бор.

Навбаҳор завқ-шавқларин йўқ тоти кўп вақтдан бери,  
Диляроман... кулса, туз сепгувчи лаъл туздони бор.

Чархфалак шифти бало ёғдургувси қай вақтгача,  
Кўп ёвуз мезбон бу уй, ҳар лаҳза минг меҳмони бор.

Икки дунё аҳли ҳайрон, қилса ноз кўзгу олиб,  
Авжланур ҳолбуки нози, токи бир ҳайрони бор.

Эй чаман, даҳшатлисан, ҳар ғунча бир қонлиғ юрак,  
Гулларингнинг хул сабаб гулбарг тўкиб, гирёни бор.

Кўп қийин киприк кўтармак кўргали рухсорини,  
Кўз деган зимдан ҳалок қилгувчи жуфт посбони бор.

Гарчи Бедил ҳар юракдин ҳайдалиб мискин, гадо,  
Муҳташамдир руҳи, чунки дил деган вайрони бор.

\* \* \*

Тортдию ранг, айлади лабларни гулрухсор қизил,  
Гўё кўрсатди ғунча пардаи зангори қизил.

Сен сира алданмагил наргис кўзин хумморидан,  
Бир бало топғусидир бўлса кўзи хуммор қизил.

Бу баҳор кўп нозли келди, мен-чи — ҳасратхонада,  
Гулларим расми тушиб бўлсин эшик, девор қизил.

Аҳли дил қотиллик арбобига ҳеч қилмас ҳавас,  
Барҳаман гар қилса-да қонга бўйаб, зуннор қизил.

Қатнасанг, золига арз айтиб, иши — рад айламак,  
Ўчмагунча то гиламдан топталиб бисёр қизил.

Шавқ ўтидан мен жигар қонимни тўкмак истадим,  
Топмадим лекин сира кўзимда ёш зинҳор қизил.

Заъфарондир бу вужудим хасталиқдан қон қочиб,  
Қилмасанг бўлмас уриб тийфингни бир миқдор, қизил.

Гар қалам зар нақш ила сатримни иншо айласа,  
Шуъларанг руҳни кўчиргач, бўлғуси туммор қизил.

Ошиқ аҳлин дард, азоби, қисмати қондир мудом,  
Гул эса киймиш бошига шунчаки дастор — қизил.

Қонли фарёд тингламак истар чаманда лолалар,  
Чундигин\* тўти ва булбул айламиш тайёр қизил.

Навбаҳор, Бедил, унутма — бахт сира ранг танламас,  
Бўлди кулфат аҳлининг кўзёшидан гулзор қизил.

\* \* \*

Ҳар тун оқшом оҳ чекарсан, хушчиroy булбулгинам,  
Маст қилур шабнамми гул ё кўқда ой, булбулгинам.

Аҳли маъшуқ аҳли муштоқни, бас-э, қилгай асир,  
Гул ҳидидан ўзга занжинг йўқ, ҳой булбулгинам.

Ёр оёгин нақшидан бошим бўлибдур баҳраманда,  
Сенга соя солса гул мисли ҳумой, булбулгинам.

Бахту кулфат шунда-ки, гулшандамиз. Лекин қанот  
Синганидан дилда нола, дардга бой булбулгинам.

Мавжланиб, ранглар жило бермиш саҳар гул баргига,  
Бу дуоинг давлатидан, ҳойнаҳой, булбулгинам.

---

\* Чундук — тумшуғи (Муаллиф изоҳи).

Ишқда ор бўлсин, қара, дийдор ризосини олмагач,  
Гул қошида машғулотинг вой-вой булбулгинам.

Донг таратган меҳрга муҳтож эмаслик бирла кўрк,  
Ким сени кўргай раво гулга, гадой булбулгинам.

Бедилинг гул ортигин\* ғафлатда кўп қилди талош,  
Унга бер иссиқ қанот остинда жой, булбулгинам.

\* \* \*

Агар сен бўлмасанг дилга нетиб бахт, гулғузор, келгай,  
Агар келсанг сурур келгай, беҳишт келгай, баҳор  
келгай.

Қадам ранжида қил, чиққай чаманлар қошинга  
пешвоз,  
Олиб ибрат бу ташрифдан товуслар пурвиқор келгай.

Адам тупроғини ҳар қанча уйса чарх ғуборимдан,  
Бу тупроқдан униб гулдек юзинг, эй шаҳсувор, келгай.

Бу дашт сероб эрур ҳар хил ғараз махлуқлари бирлан,  
Жунун тозиси ночор, гарчи қилмоққа шикор келгай.

Бўлурми дарё ҳеч дарё ки жуфт қирғоғи йўқ эрса,  
Иков бир бўлмасак, бахтим нетиб, сарви нигор,  
келгай.

Қаро бўлди фироқ аҳлин куни, парвардигорим, айт,  
Қуёшинг кўнглига невчун бунингдек ихтиёр келгай.

Боқиб муштоқ кўзларга, чаман тушгай таажжубга,  
Ки наргислар бу кўзларни кўрай деб, интизор келгай.

Қўлингда Бедилингнинг минглаб ойна топар сайқал,  
Қачон унга, худоё, ул паричеҳранг дучор келгай.

\* \* \*

Улуғвор дил сира шонсиз бўлурми,  
Биёбон ҳам биёбонсиз бўлурми.

Кўзимга қатра ёш қалқди – гуҳар бу,  
Бу дарё дурри ғалтонсиз бўлурми.

---

\* Ортиқ — ёпинчиқ (Хоразм шеваси)

Фақирлар фахр этар қашшоқлигидан,  
Отар тонг нури осмонсиз бўлурми.

Қани, хоҳи қадах, хоҳ кўза синдир,  
Шаробхўрлик пушаймонсиз бўлурми.

Ғамингни чек, бироқ ғам ема... тандир  
Егайми нон? Ва ё — нонсиз бўлурми.

Юракка нур сочар эрк моҳитоби,  
Зулумот моҳитобонсиз бўлурми.

Шифо уммиди йўқ ишқ дардидан ҳеч.  
Агарчи дард дармонсиз бўлурми.

Фироқ ичра ишим оҳ бирла фарёд,  
Ки қиш фасли зимистонсиз бўлурми.

Юракдан хун тўкар Бедил қилиб ёш,  
Бу қурбон байрами қонсиз бўлурми.

\* \* \*

Тупроғим кўкка ўзин то тортади,  
Кўзига сурма Сурайё тортади.

Иштиёқим ваҳшати тугён қилур,  
Дилни, кун-кундан бўлиб жо, тортади.

Телбалик — тоғ, ақлимиз водийсидан  
Пок этакни тинмай асло тортади.

Қочгувси уйқучи уйғоқдан мудом,  
Соя нурдан ўзни ҳар жо тортади.

Бағри қонлар дард аро андишасиз,  
Ерга бошни, эсла, мийно тортади.

Тоғ тоғни тарк этиб кетган кун,  
Ўзни меңдан кўзи шахло тортади.

Бўлгувси бийрон енгилтаклар, бу — рост,  
Ўзга тус, мавжланса дарё тортади.

Қилгувси толедан очкўзлик жудо,  
Бу наҳанг кўп ташна — дарё тортади.

Зарпарастлар дилни қилгайлар сиёҳ,  
Ушбу сафро, асли, савдо тортади.

На илож, Бедил, мажолсиз елкамиз,  
Соя тушса, юкни гўё тортади.

\* \* \*

Кўп узун занжир тузди оҳимиз,  
Сочлари орзусининг ҳамроҳимиз.

Дарду кулфат бахт-саодат биз учун.  
Ойна янглиғ жилвагардир доғимиз.

Дилни кўлдан бой бериб ҳижрон аро,  
Ахтариб кўзгуда, ишқ гумроҳимиз.

Қилсак ҳам шабнам тўкиб, дарддан халос,  
Бошпаноҳ бўлмас сира бул боғимиз.

Бошдаги тождир оёқ остида хор,  
Бахт эрур чин кўл қабартмоқ чоғимиз.

Бормиз ҳар жойда мудом, қоққач қанот,  
Ечди дунё тилсимин учмоғимиз.

Олам ичра кийин, ҳасад йўлбошчидир,  
Қилма ғафлатдан халос, Аллоҳимиз.

Оҳимиздан кўк қаро, дил беғубор,  
Бедил, оҳ, ишқ мулкининг фаллоҳимиз.

\* \* \*

Кўзим ёши менинг девоналарча,  
Жигар ўтим эса — сўзоналарча.

Сўз айтсам гар батар жўшгай вужудим,  
Тилимдир телбавор — мастоналарча.

Дилинг ишқ оташи эрмас дедингиз,  
Қанотим куйди-ку парвоналарча.

Кетиб қолгаймидим ташлаб ўзимни,  
Вужудим тўлмаса паймоналарча.

Фигоним боисин сўрмоқ на даркор,  
Азизлар бўлдилар бегоналарча.

Кўзимдан туз сепай, санч кипригингни,  
Жигар бўлсин кабоб афсоналарча.



Дилим синди, тегиб харсанг азобинг,  
Бироқ сабр айладим мардоналарча.

Оқармай соч қаёқдан фаҳм этарман,  
Бу дунё бир ўйин — тифлоналарча.

Нетай, Бедил, бориб — обод Каъба,  
У бўлмас дилдаги вайроналарча.

\* \* \*

Бошлатар ҳайрат навосин сарви мавзунинг сенинг,  
Мен қаро бахтли, иложсиз, зор, маҳзунинг сенинг.

Бошга сочгум бу чамандан мен оёқ тупроқларин,  
Дилга-чи бўлгай либос ул пойи гулгунинг сенинг!

Нозу истиғноларинг фарёдларимни янгратар,  
Тор этиб тортиб таранг томирни қонунинг сенинг.

Ўзни мен фаҳму фаросатда санарман сарбаланд,  
Давраларда ўқигач тенгсиз бу афсунинг сенинг.

Тинмайин қилдим сўроғ, сўнг шундайин топдим жавоб  
Икки олам тиз чўкиб қошингда, Мажнунинг сенинг.

Сабр этарман, телба дил, оҳ, кўзларим оҳусини,  
Айламиш тутқун, таажжуб дашти Ҳомунинг сенинг.

Бедил, орз айладинг пешвоз чиқиб, дийдорини,  
Шунчалик бегонами мантиққа мазмунинг сенинг.

\* \* \*

Қанотин руҳ кериб ёзсин жаҳона,  
Қурибдир нафс дилимда ошиёна.

Ки борлиқ нафс дилимда ошиёни,  
Бўлурми нолазиз фарёдхона?

Кезиш боғларни, саҳрони қилиш сайр,  
Ўзимдан кетгали жўн бир баҳона.

Кўзимдан ёш бўлиб чиқдим ўзимдан,  
Қошинга бўлгани хоқдан равона.

Бу борлиқ бир кибр, умри — дақиқа,  
Адам уйқуси мангу... чал тарона.

Кесиб чиқмоқ қийиндир нафс тузоғин,  
Қанотинг бўлса ҳам гар ханжарона.

Ғубор боғлабди Бедил кўзларини,  
Куйингдек кўринар саҳрову хона.

\* \* \*

Мисоли ғунча — ғамгинман, ки менда тор ватан  
бордир,  
Очилсам, дашту саҳро қон бўлиб кетгай, чаман  
бордир.

Бу масқанда тутаб, исфанда каби ёндим, сен ичгач май,  
Сенинг ҳуснингни асраш бахтидан мангуга шаън  
бордир.

Ёниб дудга дўнарман, чок кўксимдан юракни кўр,  
Булултар тирқишидан офтобдек бир ҳашам бордир.

Сени ёнимда деб суҳбат қурарман ўз ўзим бирлан,  
Муҳаббатда мени Мажнун қилишдек илму фан  
бордир.

Нақш банд айладим, барҳам топар ишим қиёматда,  
Бу улгуларда баҳс, шаксиз, ики олам билан бордир.

Шаҳид бўлдим, вужудимга бу саҳро бир тўшак бўлсин,  
Не ғам, кўзда ғуборимдан вужудимга кафан бордир.

Дилим кўзгу, уни оғритма тийра айлаб, эй ғофил,  
Ахир унда, ўзи, аввалдан ҳам доғ, ҳам тикан бордир.

Гар огоҳман ва гар ғофил, бўлурми ҳасратим зое,  
Ғубор сурма. Ки сийнам ичра минг доғи кўҳан бордир.

Фигоним бирла ноламдан, ки Бедил, эҳтиёт бўлғил,  
Олов пурковчи мендек дод солиб, дунёда кам бордир.

\* \* \*

Қай дил сени деб зору паришон бўлажақдир,  
Обод эса ҳам, охири вайрон бўлажақдир.

О, қайси юрак ишқинг аро тушди оловга,  
Ойна каби чехрангга ҳайрон бўлажақдир.

Хоқимни сочиб тўккали бахт бу фалак энди,  
Соянгда сенинг мангуга сарсон бўлажақдир.

Сен кетдингу, найлаб тўкадир соя бу қомат,  
Ўғрилгувчи то хуршиди тобон бўлажақдир.

Икки жаҳон бир-бирига қолмади ҳайрон,  
Икки кўзинг ўзингга ҳайрон бўлажақдир.

Туғёнда юрак таслим этар жон, не ажаб бу,  
Қурбон бўлажақдир санго, қурбон бўлажақдир.

Тўлғай юракда титрагану, парпираганда,  
Ларза солур руҳима мужгон бўлажақдир.

Ишқ ҳақда ки тебрат қаламининг Бедил, ҳамиша,  
Айт, ўзга не ойнаи девон бўлажақдир.

\* \* \*

Жаҳон доғ... унда доғдан не хабардир,  
Мисоли лола — доғдан беҳабардир.

Чаманзорга мушаррафман, ёруғ дил,  
Зулумот остида ёғду — саҳардир.

Қуёш кетса, келар зулмат изидан,  
Чироқдир бир аланга, дуд — асардир.

Куйиб бўлдим, кигиз куйдирмагинг не,  
Азиз кафтларда кул — бизнинг жигардир.

Қоронғуда кўрингай доғдек анжир,  
Фироқ аҳлига бол дунё — заҳардир.

Ки ўз доғи биландир лола, лола,  
Ки Ҳақ тақлил қилинмас бир гуҳардир.

Умр ҳайрат ибодатгоҳи эрди,  
Келиб нафс ёқди — кўп мудҳиш сафардир.

Ярога марҳам эрмас, чиф босарман,  
Жудодирман умиддан, не зарардир.

Бирор гулда вафонинг ҳиди йўқ деб,  
Юракда доғ кун-кундан батардир.

Ечиб ол доғдан мотам либосин,  
Қараб ёр, Бедил, ойна жилвагардир.

\* \* \*

Фоний бўлсам-да бақо шул ердадир,  
Бахту кулфат мутлақо шул ердадир.

Ўз дилимни тарк этиб кетгум қаён,  
Бор умид, бор муддао шул ердадир.

Ғам матоимдир, дўконим — саждагоҳ,  
Кетма саргардон, зиё шул ердадир.

Бўлма ғофил йўлларингнинг чангидин,  
Кўзларимга тўтиё шул ердадир.

Ғунча дилни этма тарк, энг хушчиroy,  
Энг муаттар ошно шул ердадир.

Покдил, ҳуррам яша борлиқ аро,  
Гарчи ҳусни бевафо шул ердадир.

Йўқ бунингдек фазлу нуқсон, изла минг,  
Минг саодат, минг бало шул ердадир.

Тонг ели тўзғитди хок... сен беҳуда  
Бўлмагил мағрур. Ҳаво шул ердадир.

Зорман... дийдорга элтар карвон  
Қўнғирогидин садо шул ердадир.

Етгали васлингга Бедил дод этар,  
Додига етгил, нидо шул ердадир.

\* \* \*

Ҳар тун-оқшом ишқ лафзин дил чекиб озор, тўкар,  
Лол шамъ ҳайратда ҳар сўзни ёниб бедор, тўкар.

Дид ваҳм ойинаси, гар қўлга олсанг, шул заҳот,  
Борлиқ ҳақда лофу қоф тимсолни бемеъёр тўкар.

Нотавонман, қисматимни нақш этар қутлуғ қалам.  
Нолалар тортиб, муборак патларини зор тўкар.

Соя мисли айланурман, ишқ-муҳаббатдан жудо,  
Бош-оёқимга қароликни қуёш беор тўкар.

Сув каби ғойиб бўлурман, миннат этмай хизматим,  
Ҳуснини мақтаб чаман, гул юзларин минг бор тўқар.

Чўғда ўчган доғман, шавқинг ҳароратлар берур,  
Сачратиб шундан учуқлар юзга, ул озор тўқар.

Умрим ўтди-ю, бироқ ундан сира из қолмади,  
Ойинам ҳам йўқлик аксин кунда кўп миқдор тўқар.

Бу саҳар вайронаман, кулфат ё шодлик не дема,  
Соврилиб хоким шамолга, ерга бахт тақрор тўқар.

Биз қанот қоққан билан тобора юксалган сайин,  
Ерга осмон қонимизни тинмайин, бисёр тўқар.

Бедил, ошиқмиз, агарчи тилларидан қонни  
Тухмат айтиб, гап сотиб, минг-минглаган маккор  
тўқар.

\* \* \*

Бу ҳаёт нақли туман озордир,  
Қанча кам қилсанг ҳисоб — бисёрдир.

Не ажаб, бўлмаса жам ҳеч бир дил,  
Қатма-қат ғунча каби дастордир.

Умримиз тўлса-да манманликка,  
Бир нафас бирла бари бекордир.

Буюрибдур хокисорлар ташриф,  
Шу сабабдин бу замин гулзордир.

Ҳуснимизга не учун лоқайдсиз,  
Кўзингизни сал очинг — дийдордир.

Бу қафасдан-ки шикоят қилмам,  
Индамаслик бамисол туммордир.

Ғунчанинг хандаси парвоз айлар,  
То қанот чундигимга дастёрдир.

Мурда ҳам маҳшар учун оввора,  
Ором олмоқ не қадар душвордир.

Зулф ила тун не қародир, Бедил,  
Сўра тақдирдан, у — санъаткордир.

\* \* \*

Бу йўқликнинг сабаб — бурҳони йўқдир,  
Замирин топмоқ ҳеч имкони йўқдир.

Очиқ ҳам берк — ажиб жумбоқ бу олам,  
Сира ошкори йўқ, пинҳони йўқдир.

Харидор излама манманлигинга,  
Касод бу мол, анинг дўкони йўқдир.

Яланғич ўзгалардан кулма, эй тонг,  
Ўз устингнинг этак — домони йўқдир.

Гумондан ўзга мактуб ўқимайсиз,  
Ваҳолан-ки, анинг унвони йўқдир.

Ҳовуч тупроқ сочилгач бўлди бир чанг,  
Ўзин жам қилмаганнинг шони йўқдир.

Нечун елга совурмай ваҳшатимни,  
Жунун дафъин бўлак осони йўқдир.

Ўзаллардан мурувват кутмангизлар,  
Фарангистон элин имони йўқдир.

Бу дунё дўзаҳу жаннатга боис,  
Бирор йўқдир — сира эҳсони йўқдир.

Ҳамма Хизр эрса ҳам алдоқчи дунё,  
Топилмас ҳеч киши — ёлғони йўқдир.

Тириклик — дард. Шифо ахтарма, Бедил,  
Ўлимдан бошқа ҳеч дармони йўқдир.

\* \* \*

Ики кўз гавҳарингдан ком олурман,  
Ики дунёга жуфт бодом олурман.

Ғадодирман ғаразсиз, шафқатингдан  
Ялинмасдан тилаб, илҳом олурман.

Сенинг базмингда ухлабман, бу ҳам — бахт,  
Оёқ қўй бошимга, илҳом олурман.

Бўлиб мажнун машрабларга улфат,  
Урарман тошга шиша, жом олурман.

Мусаффоликда ҳар қатра терингдин  
Саҳар шабнам каби андом олурман.

Айиқ нафсимни боғлаб, овлаб анқо  
Охир мен хомхаёл деб ном олурман.

Садоқат ва меҳр майдони ичра  
Шаҳид бўлдим... абад ором олурман.

Аёвсан, лек қиё боқмайди олам,  
Хавотир бундан ҳар айём олурман.

Солиб, Бедил, ўзимни билмаганга,  
Ҳамма васл истаса, ором олурман.

\* \* \*

Менинг кўнглим учун, бил, ғам яралган,  
Ики кўзим туфайли нам яралган.

Қанот қоққан эдим бир субҳидамда,  
Кечикмасдан, қафас шул дам яралган.

Ҳаёда терладим шудринг ва гулман,  
Пешонамдан тиниқ шабнам яралган.

Жило истайди дур, ойина — сайқал,  
Умидсиз дил жаҳонда кам яралган.

Саноқсиз доғ бағри лолаларнинг,  
Баробар тўй билан мотам яралган.

Тополмас мушқулига банда чора,  
Яралган гоҳ зиёд, гоҳ кам яралган.

Яралган, минг шукур, олам деб олам,  
Менинг-чун, хайрият, мен ҳам яралган.

Жаҳон хунрез, ўзингни эҳтиёт қил,  
Тўкилса қон, бўлур хуррам яралган.

Ечиб бўлмас тириклик тилсимини,  
Қилинғач бир нафас, мубҳам яралган.

Илож топмас юрак дардига Бедил,  
Илож топмоқ учун Хотам яралган.

\* \* \*

Қайда бўлса белига боғлар ўшал жонон қилич,  
Гунгу лол, ял-ял ёниб, айлайди шўх туғён қилич.

Тийғ керишди майга хуммор, ҳар қадахдир бир яро,  
Ялт этиб келсин қадахга, бўлсин, оҳ, меҳмон қилич.

Ё хиёнат кўрдими, кечмиш у дўсту ёрдин,  
Ўзни узатди синай деб, қийин аро пинҳон қилич.

Зебу зийнат бирла гойиб бўлмагай мардоналик,  
Дастаси олтин агарчи, дамда минг қурбон қилич.

Ору номус, шаҳд-шижоат бирла гарчи дам урар,  
Дурри маъни ҳақда гап очмайдир ҳеч бийрон қилич.

Ўкрашинг ўтсин фалақдан, то жаҳон арслонисан,  
Бошпаноҳ этмас ўзига ҳеч қачон қалқон қилич.

Аҳли ишқ дийдор умидиндан фидо бўлмиш бари,  
Киргали ишқ мулкига, бўлмиш улуғ остон қилич.

Навбаҳор ишрат тифидан бўлди тан алвонранг,  
Арғувон ҳол айламишдир Бедилин паррон қилич.



МАТНАЗАР  
АБДУЛҲАКИМ

ЖАВЗО  
ТАШРИФИ

# ҚОР ҚУШИҒИ



## ОНАГИНАМ

Бахт изладим мен дала-дашддан,  
Орзуим бол, умидим асал.  
Онагинам! Сени алдашдан  
Ҳалокатни санадим афзал.

Сармаст қилди чаманлар васли,  
Қайғурмадим ризқи рўзимни.  
Яшадим мен бағишлаб, асли,  
Фақат ўзгаларга ўзимни.

Билмам, учдим қанчалаб чақрим,  
Гоҳ мағлуб, гоҳ ғолиб келдим мен.  
Бол деб меҳрим, асал деб фаҳрим,  
Топганимни олиб келдим мен.

Гуллар ичдим ичгандек қасам,  
Лойиқ бўлдим заҳматкаш сафга.  
Балки... балки янглишиб баъзан  
Қўниб қўйдим сассиқ алафга.

Ноз бўйлардан уйғониб саҳар  
Учмоққа йўқ, эҳтимол, ҳаққим.  
Балки, асал деганим заҳар,  
Бол деганим, эҳтимол, заққум.

Хуллас, ўзинг биласан, онам,  
Сен минг сирдан хабардор ҳақийм.  
Хоҳла, мени қабул эт, мана,  
Хоҳла, бошим узиб ташлагин.

## ОРЗУ

Тиниб қолди сен ҳақда қўшиқ,  
Сўниб қолди ранглар сен ҳақда.  
Ҳуснинг фақат дилда жилвали,  
Исминг дилда жарангламоқда.

Йўллар висол ҳақда куйламас,  
Шивирламас бахт деб бирон барг.  
Сўзлар шеърмас, товушлар қабри,  
Мўъжизалар бўлди жувонмарг.

Дийдор энди бахш этмас иқбол,  
Айрилиқ ҳам келтирмас зиён.  
Бу кулфатга чидаб бўлмайди,  
Кўтараман мен унга исён!

Енгаман. Сўнг орзуларимда  
Келтирасан сўлмаган гуллар.  
Сен келар йўл чанглари висол  
Алангаси бўлиб ловуллар.

Айтмаганинг розларни тинглаб,  
Хаёлингни қилгум тавофлар.  
Сўзсиз мактуб жўнатиб сенга,  
Олажакман сўзсиз жавоблар.

Мўъжизалар ҳаётга қайтиб,  
Йўлларингга энтикиб қарар...  
Қанча амри маҳол бўлмагин,  
Сен келасан, бахтим, муқаррар.

\* \* \*

Куйлаб юборсанг бас – қўшиқлар бисёр.  
Юлдузлар милтирар. Ҳилпирар майса.  
Ҳеч ким жаранглатиб сочмайди зиё.  
Ҳайқиргинг келади. Ҳайқиролмайсан.

Наъралар қулоққа шипшиб айтилар,  
Ҳолбуки, замона муҳтож ларзага.  
Пўлатдек бўғизлар ярамайдилар  
Егулик ютмоқдан бошқа нарсага.

Қизларнинг ям-яшил руҳи сарғайди,  
Қўмсаб ошиқларнинг мард навосини.  
Арслондек йигитлар жимжит қарғайди  
Юракда гужанак ўз овозини.

## МУАЛЛИМ

*Собир дорбоз дорга кичкинтойларни  
кўтариб чиқиб, қалтис машқлар намойиш  
қиларди. Томошабин ота-оналар бу билан  
фахрланар эдилар.*

Қариялар ҳикоясидан

Собир дорбоз дорни баланд қурган кўп,  
Арқонларни тортган таранг ҳам пухта.  
Дорга чиқса улкан лангар — майда чўп  
Ва ўзи кўринган бамисли нуқта.

Гоҳ у чарх ураркан дорда қушсуръат,  
Гоҳ илиб қоларкан, ташлаб ўзини.  
Тевага боқишга қилолмай журъат,  
Довюралар ҳам ерга олган кўзини.

Муслим мадад тилаб парвардигордан  
Кўкка инонгандек нолаларини,  
Эл ишониб унга шу баланд дорда  
Опичлатиб қўйган болаларини.

Сўндирмаслик учун кифтга танғилган  
Бир жуфт мурғак кўзлар маёғини у,  
Кўзни боғлаб на-да йўлин ёнгилган,  
На мункиган, боғлаб оёғини у.

Ўз қалтис йўлидан қиларкан ҳаво,  
Солса ҳам минг-минглаб дилга хавотир,  
Бир қалбда мардликдан чиқарган савод,  
Тарбиялаб берган халққа бир ботир.

Муаллим ҳам шундай мовий диёрда,  
Энг юксак ишончлар ўлкасидадир.  
Фарзанд борки, унинг ихтиёрида,  
Фарзанд борки, унинг елкасидадир.

У кенг майдонларда қуриб баланд дор,  
Хатарнок ўйинлар кўрсатмас гарчи.  
Лекин... ташласа бир қадамни хато,  
Бутун бир келажак бўлар чилпарчин.

Шу боис ҳам ҳар гал эслаган нафас  
Муаллимга халқим қўйган ихлосни.  
Кайковус ё Юсуф Хос Ҳожибнимас,  
Мен ўйлайвераман Собир дорбозни...

## МУҲАББАТ

Ёнма-ёнлик — олис,  
Ёнма-ёнлик — оз.  
Бизлар бир-бировда яшашимиз шарт.  
Фақат шу,  
Бошқаси — жудолик, холос.  
Бошқаси — даволаб бўлмайдиган дард.

Илтижо эмас,  
Йўқ,  
Афсун қиламан.  
Сен менда,  
Мен сенда  
Бўламиз.  
Бошқаси — бедаво дард. Мен биламан.  
Бу дардни бир чексак  
Ўламиз.

## МАНГУЛИК ЧОПАРЛАРИ

*Солиҳ Қодировга*

«Жасорат кўрсатдинг жангда, Фидипид.  
Бордир сенга энди фармони олий.  
Ана, Доро қочди мисли ўғри ит,  
Номус азобидан кўнгиллар холи.

Бироқ... биласанки, она Афина  
Ҳамон таҳликада шому саҳарлар.  
Бўлмагай ёвга у ганжи дафина,  
Бундан хабар топсин тез ҳамшаҳарлар.

Биласан, йўл олис. Тойгансан ҳолдан.  
Очсан, нон тугади. Эл ғамини е.  
Бор, ўғлим, ўзғир бўл учқур шамолдан,  
Юрт таланмас, қизлар... хўрланмайди де!»

Жангчи кўзларида чақнайди учқун,  
Йўл хавфли, лекин у қўрқувдан кечиб  
Милгаид айтгандай, бўлиш-чун учқур,  
Дубулға, совутни ташлайди ечиб.

Олдида ёвлар бор, ғовлар бор қатор,  
Тоғлар, боғлар оша елиб кетар у.

Қирқ чақирим босиб, ҳорғин, бемадор  
Марафондан Афинага келиб етар у.

Сўнгра бир жуфт сўзга ҳаёти тенгдек,  
Қилаётса ҳамки танини жон тарк.  
У хитоб қилади. «Қувонинг — енгдик!»  
Ва... устундек қулаб, бўлар шодимарг.

... О, ҳайкаллар, ғолиб тош қотган жонлар!  
Сиз ҳақда ўйларга толган кезлар ман.  
Юнон мулкида шул қадим замонлар  
Бўлган воқеани мудом эсларман.

Сизнинг ғалаба ҳам қутлуғ, мўътабар,  
Етдингиз, фашистни енгиб, ниятга.  
Бундан авлодларга бериш-чун хабар  
Йўл олибсиз, мана, абадиятга.

Аждодингиз гарчи мард эди сизнинг,  
Яралмаган эди метин бардошдан.  
Тошдан бўлишингиз шарт эди сизнинг,  
Бўлдингиз тошдан.

Асрлар кексайсин, тоғлар қарисин,  
Қаримасин сизнинг сафарларингиз.  
Чопарларим менинг, жаранглаб борсин  
Лаҳза ҳам тинмасдан зафарларингиз.

### КУЗ

Шаклланиб қолди айрилиқ —  
Қадди дол, заъфарон қиёфа.  
Бу боғ мени мева ўрнига  
Ҳижрон билан қилар зиёфат.

Мухрланса ҳамки умрбод  
Ғариб юрагимга меҳр таъми,  
Ёдингдан аёвсиз чиқаман,  
Азизим, бутунми-эртами.

Чирпираб чирқирар япроқлар,  
Хиёбонлар тўлди оҳларга.  
Энди ҳузуримга қайтмайсан.  
Қайтмас бу хазонлар боғларга.

## ШУНҚОР

Жонзот борки, дуч келдим қарийб,  
Бино бўлиб ҳамлакор умрим.  
Лекин ҳеч вақт сенингдек ғариб,  
Мунис бир қуш кўрмадим, қумрим.

Мажақланди не-не вужудлар  
Қон қақшатқич зарбаларимдан.  
Ўрмонларда тинди қий-чувлар  
Элас-элас шарпаларимдан.

Яшасам-да дахлсиз, озода,  
Чекдим парвоз озорларини.  
Қилдим пароканда ва касода  
Кўп қушларнинг бозорларини.

Кўлагамдан ёғдириб ғазаб,  
Булутларни тўзғитиб ҳатто,  
Даҳшатли бир айлана ясаб,  
Ўлжаларга ташландим қаттол.

Осмон олди қудратимни тан,  
Қабул этди хунхорлигимни.  
Ор этмадим йиртқичлигимдан,  
Авайладим шунқорлигимни.

Гарчи ётдир менга ўкинч, ғам,  
Ҳасратларга душман мен гарчи.  
Қаҳр қилсам ўз қавмимни ҳам,  
Қиймалаган қушман мен гарчи.

Бу сафар ҳам гарчи мен жангга  
Учган эдим қонлиғ ов учун.  
Сени кўргач, ёзолмай чангал,  
Довдирадим, жон ҳурковучим.

Дабдурустдан етмади фаҳмим,  
Рухда бу не ғолиб машаққат.  
Устун келди нафсимдан раҳмим,  
Шиддатимни енгди бир шафқат.

Аста майин тортиб қолдилар  
Ҳалокатли чўнг панжаларим...  
Сени эса чирмаб олдилар,  
Юракдаги исканжаларим.

## ТУШ

Душман даф этилган жангтоҳда  
Жамланган эмишимиз голиб йигитлар.  
Ярадор эмишимиз кўпчилигимиз —  
Майдондан чиқишга мажолимиз йўқ.  
Бир қиз, соҳибжамол, жасур ҳамшира,  
Ҳаммага бирдайин эмиш гиргиттон.  
У ҳаммани севиб таскин берармиш,  
Парваришлар эмиш ардоқлаб, суйиб.  
Ниҳоят... ниҳоят, хочнинг тасвири  
Туширилган мўъжаз халтасин осиб  
Келар эмиш менинг бош устимга ҳам  
Бошида оқ дурра, кўзларида ёш.  
Қақраган лабимга тутиб намақоб,  
Ярамга тинмай туз сепаверармиш.

## АГАР

Кўкка боқиб энтиқилмаса,  
Суртилмаса кўзга тупроқлар,  
Хазон йиғлаб, куртак кулмаса,  
Лоқайд бўлса яшил япроқлар,  
Буғдой бўлиб янчилмаса сўз,  
Хирмон бўлиб йиғилмаса шеър,  
Сиёҳ билан ёзилса, холос,  
Дил қонидан туғилмаса шеър,  
Юраккамас, фақат майдонга  
Ўрнатилса қутлуғ ҳайкаллар.  
Илм ўргатиб соҳир қўшиқлар,  
Янграмаса қўшиқдек фанлар,  
Самимият маҳзун юрсаю,  
Кек-адоват турса ҳиринглаб,  
Илму амал мум тишлаб қолса  
Гапирганда олтин жиринглаб,  
Керилсаю хомсемиз ёлгон,  
Таъзим қилса хипча ҳақиқат,  
Фироқ йиллаб дилни қилса қон,  
Висол «даврон сурса» дақиқа,  
Хатчўп эмас, эгалласа пул  
Ўқилмаган китоб қатини,  
Икки юрак бир-бирин севиб



Айтолмаса муҳаббатини,  
Ятилилаган яшин деб эмас,  
Тушунилса қанд деб чақмоқлар,  
Доноларнинг устидан шунда  
Қаҳ-қаҳ уриб кулар аҳмоқлар.

### ҲАЁТ

Бундай яққол эмасди ҳеч вақт  
Ҳислар эди мўътадил, майин.  
Кулфатми бу, билмадим, ё бахт —  
Соат сайин, ой-кун, йил сайин  
Кескинлашиб висол ва фироқ,  
Чиқишолмай қувонч билан дард,  
Ишқ бўсаси куйдирар кўпроқ,  
Нозбўйлар ҳам баттар муаттар.  
Қизларнинг ҳам муҳаббатлари,  
Кеткизгудек ўзингдан ўзга.  
Камроқ келаётган хатларни  
Кўпроқ суртнинг келади кўзга.  
Ҳаёт шундай сахий ва даҳо,  
Неъматлари серфайз, сертуғён.  
Унинг ҳар лаҳзаси — бебаҳо,  
Арзир берсанг фақатгина жон.  
Шунинг учун унинг олдида  
Йўқдир қарздор бўлмоқ иложи.  
У ҳисобдан янглишмас. Билар,  
Бир кун қилар орани очиқ!..

### КАЙФИЯТ

Бугун келмай қолдинг илк дафъа,  
Ҳайратдаман, бу қандайин ҳол.  
Мана, отаётир тонг хафа,  
Эсаётир йиғлоқи шамол.

Кезаётир аччиқ ун чекиб,  
Нола қилиб. Дайдиб. Увилаб.  
Ҳозир қуёш чиқар жунжикиб,  
Атроф бўм-бўш. Атроф ҳувиллар.

Қаҳқашонлар гуллаган эрам —  
Фалак сўлиб-сўлиб бормоқда.

Кўкни булут босмоқда. Ер ҳам  
Жудоликка тўлиб бормоқда.  
Айрилиқдан бўлибми зада,  
Тинаётир бийрон туйғулар.  
Баҳор келаётган бўлса-да,  
Япроқ тўкиб дарахтлар йиғлар.

Сўнаётиб, кулгунг ёдимда  
Аранг-аранг жаранглар бу кез...  
Бугун — куз фасли ҳаётимда,  
Бугун — юрагимда хазонрез.

### ИФТИХОР

Билмадим, бу қандай уқубат,  
Билмадим, бу қандайин иқбол.  
Бизлар ҳақда «хоразмлик» деб  
Ёзмоқдалар таржимаи ҳол.

Энди эгик бошлар — осмонда,  
Санчиб кетар севинчдан бағир.  
Бизга маҳкум бўлди умрбод  
Шу зирқираб тургувчи фахр.

### ДЎСТИМНИНГ БОШИ

Боши сирпанчиқмас. Қўнар бахт қуши.  
«Бош эмас, — ўйлар у, — осмонбоп юлдуз».  
Қўйиб юбормайди лоши бошини,  
Оёқлари ерга отади илдиз.

Бахт қуши қайсардир. Юлар-да, учар.  
Кўкка парвоз қилар дангал у.  
Бош ҳам анойимас, бош ҳам кўп ўжар.  
Қитиқлай бошлайди қушининг чангалин.

Уринса ҳам жиддий бўлай деб қанча  
Кулиб юборади бечора панжа.

Бош унга сўнгги бор тиржаяди қув,  
Кўз қисиб қўяди, «қалайсан, аҳа!»  
Сўнгра шиддат билан тушиб кетар у  
Ва портлайди қутлуғ қаҳқаҳа.

## ҚИЁФА

Сенинг дийдорингсиз офтоб ҳам барбод,  
Ёғдуни зулмат деб олажакман тан.  
Ўтинчим — юрагимга қуёш бўлиб бот,  
Тонг бўлиб от сўнгра қўшиқларимдан.

## ЙЎЛ

Икки ёғи қатор-қатор гужум — йўл...  
Мен ишга хаёлчан шундан ўтаман.  
Қутлуғ бир мўъжиза — ҳар кунги дийдор,  
Кўзларимга ишонмай кетаман.

Укалар варракка топмаган шамол  
Бизни ахтарибми, унда еляпти.  
Мана, оғочларни уйғотиб бунга,  
Ҳаяжонга тўла баҳор келяпти.

Асфальт остидаги ниш урган уруғ  
Ҳужум бошлагандир оҳиста... тошга.  
Бахтига чидолмай қушчалар бунда  
Осмонни кўтариб юборди бошга.

Қаттиқ соғинишдан мунглиғ кўзларим  
Ноёб дийдорингга термулиб тўймас.  
Юрак сирим бўлган муҳаббатимни  
Яшил борлиқ энди фош қилмай қўймас.

Мутолаа қилиб ўтасан бундан  
Яшил япроқларни — ишқдан дарсликни.  
Мен эса хавотир билан кутаман  
Сени бунда ногоҳ учратмасликни.

Бир йўлга маҳкуммас инсон умрбод,  
Юравериб-юравериб, ахир, толасан.  
Сен туфайли севиб қолган йўлимдан  
Бир куни аёвсиз ўтмай қоласан.

Дарахтлар барг тўкар кўзёш ўрнига,  
Тўкилган япроқлар ерга қорилар.  
Сўнг бу йўл бизларни туш кўрар фақат  
Ҳазин-ҳазин ёғиб турганда қорлар.

Қисмат висолми ё ҳижрон — билмайман,  
Қайда бўлсак ҳамки икков у пайтда —  
Бизни эслаш учун бу йўлга ҳар йил  
Баҳор келаверар қайта ва қайта.

\* \* \*

Шовулар осмонни елпимоқчидек,  
Бир зум гала-ғовур тинмас қошида.  
Тумшукларин суйкаб, лаҳза турмай тек,  
Чумчуқлар чирқиллар унинг бошида.

Гужум мурод қилар: «Турналар қўнса,  
Синдирса ҳам майли эди учимни...»  
Кўз илғар-илғамас турналар бўлса,  
Юксаклардан ўтар, кўрмай гужумни.

\* \* \*

Майлига — даъват қил. Майлига, унда.  
Борай десам, йўқдир иложим.  
Бўрон меҳмон бўлган бир вақтлар унда,  
У ерга бир вақтлар қўнгандир лочин.

Юксак орзуларни қилмасман қанда,  
На лочин ва на-да, бўронман бироқ...  
Бораман бўрондан қаттиқ эсганда,  
Учганда лочиндан баландроқ.

\* \* \*

Мени ёна-ёна севганда  
Айрилиққа бўлганча маҳбус,  
Муз ташлаган оташ меҳрингга  
Қаердадир, кимдир айтган сўз.

Ишонаман, чиққансан йўлга  
Келиш учун қошимга дарров.  
Лекин сени тўхтатиб қолган  
Қаердадир, кимдир қўйган ғов.

Сўнг бир қушдан жўнатгансан хат,  
Мумкин эмас ёзмаслигинг, йўқ,  
Лекин ўшал қушни ўлдирган  
Қаердадир, кимдир узган ўқ.

Бу ёғига сен хотиржам бўл,  
Бу ёғига ҳаловатинг нақд.

Мендан сени қутқариб қолгай,  
Қаердадир, кимдир берган бахт.

## БОТАЁТГАН КУН

*Ҳожихон Болтаева*

Ботаётир кун «Гиря» айтиб,  
Борлиғида қонгалаш бир дард.  
Нафақат уфқ, юрак-юракка  
Чўка бошлар нурафшон ҳасрат.

Юрак пардамизни ёргудек  
Ловулайди уфқда бир хитоб.  
Хоразмни бошига кийиб,  
Яллиғланиб куйлайди офтоб.

Чиқишини билсак-да тонгда,  
Юракни изтироб қийнайди.  
Она қуёш имиллаб ботар,  
Урмимизни кўзи қиймайди.

Илож топмай у муштипарни,  
Кузатамиз маҳзун, ўйчан, жим.  
Гарчи сўнгсиз умри қошида  
Бизнинг умр денгиздан томчи.

Инсон билан қуёш бир-бирин  
Қайғуришар шундай азалий.  
Тонг отгунча юлдузлар сўйлар  
Жимирлаган совуқ тасалли.

## СОҒИНИШ

### 1

Кўзларингда зангор тиниқлик  
Қийнар қушдек безовта жонни.  
Лоқайдгина ерга бир қараб,  
Сен яширдинг икки осмонни.  
Бир маҳаллар порлоқ бу осмон  
Сачратганди юлдуз-юлдуз чўғ.  
Учмоқ истар кўксимдаги қуш,  
Жавдирайди... осмонлари йўқ.

2

Туйгуларим висол пайтида  
Жуфт юракка тугён солдилар,  
Айрилиққа дуч келиб энди  
Бирдан ювош тортиб қолдилар.

Куч берганди уларга меҳринг,  
Лоқайдлигинг, балки, ўлдираар.  
Оҳу бўлиб қолган арслонлар  
Юрагимдан сенга мўлтирар.

3

Наҳот, шунча мукамал бўлса  
Фариштамас, оддий бир одам.  
Сўзинг ёниқ булбулларники,  
Ўзинг бошдан-оёқ тиллодан.

Бу дийдорга тўйиб бўлмайди  
Шеърлар ёзиб, торларни чертиб.  
Юрагимга жо қилай энди  
Кўзларимда сени эритиб.

4

Кел, яхшиси, севгимдан ҳайиқ,  
Бир умр бўл мендан эҳтиёт.  
Яширмайман, мен бахтга лойиқ,  
Лекин... лекин сен бахтдан зиёд.

Такрорланмас энг авж пардасан  
Қилар бўлсам ўртаниб наво.  
Сен шу қадар юксаклардасан —  
Ўзимга ҳам кўрмайман раво.

5

Ёмғир маҳзун-маҳзун ёғади,  
Ҳар бир томчи дилга ташлар нур.  
Нимқоронғу, ҳазин айёмда  
Нурафшон бир суҳбат бошланур.

Теграмдами ё хотирамда  
Уйғонади шивир-шивирлар.

Ёғаётган ёмғир эмас, йўқ,  
Ёғаётган саноқсиз сирлар.  
Дийдорингга ташна юрагим  
Бу сирларни бир-бир теради.  
Унутилар борлиқ...  
Сен ёққа  
Кетиб қолгим келаверади.

## 6

Сени соғинганимдек, балки,  
Соғинади бармоқлар торни.  
Соғинади қушчани осмон,  
Соғинади дарахт баҳорни.

Меҳрибоним! Шафқат қил ўзинг,  
Шунда тағин титрай бошлар тор.  
Учиб чиқар қушча осмонга,  
Гуллатади дарахтни баҳор.

## ЭРТАК

Сарвиқоматимсиз яшайман,  
Яшайман мен қаро кўзимсиз.  
Гул юзимсиз яшайман энди,  
Яшайман мен менинг ўзимсиз.

Ёниб келди. Ёқди. Сўнг кетди  
Ташрифидан пушмон еганим.  
Ёмон соғинтирди ўзини  
Бир бор экан, бир йўқ эканим.

Энди мени мендан изламанг,  
Ўз-ўзимга бўлмайман маскан.  
Хаёлига кетдим бош олиб,  
Кетдим энди борсакелмасга.

## УМИД

*Бобохон Полвоновга*

Ардоқланар момик деб тўғри,  
«Оқ олтин» деб, тўғри, мақталар.  
Бир кун мен кашф этдим заводда,  
Қаттиқ экан юшкоқ пахталар.

Аёв билмас, сўқир тасодиф  
Тирсиз кесди оёқларимни.  
Бир той пахта устимга қулаб,  
Ногоҳ эди оёқларимни.

Соғинаман энди гоҳ чигал,  
Гоҳ равон, гоҳ тор йўлларни мен.  
Ўн йил бўлди босмаганимга  
Қадамимга зор йўлларни мен.

Зангори экран... чарх урар қизлар  
Ловуллатиб яноқларини,  
Тақиб олиб чаккаларига  
Лўппи пахта чанокларини.

Ҳаприқаман, санчади юрак  
Сигдиролмаёй ўкинч, зоримни.  
Соғинаман «Лазги»ни, дўстлар,  
Соғинаман гулрухсоримни.

Қомат кериб, шаҳдам одимлаб  
Юришларим не бир фахр эди.  
Ҳозир эса оқшоми билан,  
Оёқларим қақшаб оғрийди.

Бу умидбахш оғриқ ҳам, дариг,  
Гоҳ-гоҳида камроқ сезилар.  
Қайтмаса деб оёғимга жон  
Шунда юрак-бағрим эзилар.

Зирқирасин, майли, борлигим,  
Азоб ва дард айб эмасдир.  
Энг муҳими, мажруҳмас иймон,  
Эътиқодим майиб эмасдир.

Мен севаман — юрагим бахтли,  
Шеър ёзаман — бахтли қўлларим.



Бироқ баъзан йиғласа керак  
Ўн йил юрмай қўйган йўлларим.

Кўзёш тўкса керак гоҳида  
Курашимни кўрмаган майдон.  
Менинг эса лабимда кулгу,  
Мен биламан, ноумид — шайтон.

Шодлик қилиб куйлайман ҳали  
Ҳеч қачон чекмаган ноламни.  
Оппоқ пахтама каби чарақлаб  
Айланаман бутун оламни.

Фарзанд кўриб, улашаман бахт  
Ўғилларим ва қизларимга.  
Тўлиб кетар бутун Хоразм  
Гурсиллаган рақсларимга!

### МАКТУБДАН СЎНГ

Жудолик бу — мудҳиш бир хато,  
Бу хатога икков йўл қўйдик.  
Аччиқ-аччиқ мактублар ёзиб,  
Биз уларга шартта қўл қўйдик.

Муҳаббатни бердилар барбод  
Маъшуқона низоларимиз.  
Чаён бўлиб чақар умрбод  
Бизни энди имзоларимиз.

### АРМОН

Сени қаттиқ соғинганимдан  
Термулгани тўйиб-тўйиб ман.  
Рухсорингни ҳижронда нимта  
Юрагимга ўйиб қўйибман.

Энди, майли, умр адоғида  
Гўзалликдан қолсин бир қарзим.  
Чизилмаган чехранг доғида  
Мўйқаламим сочдек оқарсин.

\* \* \*

Кетяпсиз ўкинч, зорларсиз,  
Кетяпсиз фиғон, ноласиз.  
Кетиб бормоқдасиз оҳистагина,  
Кетяпсизу, лекин... қоласиз.

Йўқ, тўхтанг демайман. Демай ман: «Қайтинг!»  
Ахир Сиз алвидо дедингиз.  
Лекин юрагимдан бошқа, қани, айтинг,  
Қаерга ҳам борар эдингиз?..

### ТАЪНА

Хоҳла, севганимни билмагин,  
Ўзга билан, хоҳласанг, аҳд эт.  
Севаман деб миннат қилмагин,  
Кетаман деб қилмагин таҳдид.

Мен, уқубат чеккан бир одам,  
Билдим, гоҳ ишқ тонмоқ учундир.  
Тарих учун эмаслар, зотан,  
Қўшиқларим ёнмоқ учундир.

Унутилмоқ учунман ўзим,  
Сўнмоқ учун — қалбим ҳислари.  
Ой эмассан. Ойда ҳам, кўзим,  
Бор бегона оёқ излари.

### МЕРОС

Докторлар чиқарди машъум ҳукмини...  
Бермайлик деб хаста кўнглига озор,  
Унга бир оғиз ҳам индамадилар.

Барибир пайқади,  
Бу сўнгги баҳор.

У ҳовлига чиқди тўшакдан туриб,  
Хира кўзларини тикди осмонга.  
Назарида сўнгги бора турналар  
Парвоз қилар эди бизлар томонга.

Новдаларга ҳолсиз термулди... сўнгра  
Бирдан тўлқинланиб кетди жонсарак.  
Ўғли, ёлғиз ўғли қувноқ қийқириб,  
Илк дафъа учириб турарди варрак!

### МАКТУБ

Йўлларингда куйлаб толмаган  
Севгим эди урён, очиқ ва ойдин.  
Меҳрми, қаҳрми, англаб бўлмаган  
Тугёнларинг билан бойидим.

Қўшиқлардан қутқардим розимни  
Ором олди нўноқ тилим ҳам.  
Ясантирдим янгроқ эҳтиросини  
Сукунат билан.

Сенингдек қаҳратон кунларга  
Баҳор умидида термулдим маъсум.  
Ғамларим совқотди. Уларга  
Кийгизиб қўйдинг сен табассум.

«Келмадинг». «Мен қаттиқ изтироб чекдим».  
«Нега хат ёзмадинг?» ва ўзга  
Уқубатларимни бекитдим  
Салом деган муҳташам сўзга.

Муштоқлик, ҳаяжон, андуҳ ва тамаъ  
Яшириниб олди қалбда.  
Севгимда бор энди бошпана,  
Энди менинг севгим... олифта.

### МАНЗАРА

Гулларга кўмилган кунлар бирпасда  
Бизларни қолдириб кечаётирлар.  
Гуллар кўмилмоқда... дарахтлар аста  
Келинлик либосин ечаётирлар.

Улардан кўз узиб бўлмайди энди,  
Қорачиқлар яшил бахтга тўлади.  
Мева тугмоқдалар оҳистагина,  
Дарахтлар ҳадемай она бўлади...

Мана, энди мен ҳам хазон фаслиман,  
Сен яшил. Мен бўлсам заъфарон бу кун.  
Баҳорим, барибир, юракларимиз  
Севиб яшамоққа қилинган ҳукм.

Майин сочларингни силагим келар,  
Кўксимга бош қўйиб айтгинг келар роз.  
Боргим келар — дариф, ўртамизда қиш,  
Келгинг келар — дариф ўртамизда ёз.

Лекин... бутун дунё шубҳа қилса ҳам  
Баҳорим муқаррар бизнинг васлимиз.  
Нифоқмас, мустаҳкам иттифоқ бўлмай  
Икки ўртадаги икки фаслимиз.

Ёз ҳовридан тушгай. Қиш кетгай эриб.  
Ахийр бир кун бизни тушунгай улар.  
Шафқатга муносиб ҳислар бор, жоним,  
Бордир мурувватга лойиқ туйғулар.

Мен шу туйғулардан тинглайман тунлар  
Сирли бир қўшиқни, маҳзун олиб тин.  
«Хазонрез куз билан ям-яшил баҳор,  
Қаранглар, бир-бирин севиб қолибди».

Ва тўшалиб кетар сен тарафга йўл,  
Бир йўлким — ёғдудан, нурдан, зиёдан...  
Куз эканим худди тонг отганидай  
Аста кўтарилиб келади ёддан.

### **БАХШИНИНГ ЎЙЛАРИ**

Баъзан базмларга таклиф қилишар,  
Келишмаса савлат тўккан ҳофизлар.  
Мен қариб қолганман, яхши билишар  
Билишмас — қалбимда навқирон ҳислар.

«Волга» юбормаслар ҳеч вақт мени деб,  
Яшасам-да азим шаҳардан четда.  
Одамлар қалбига бермоқ учун зеб  
Аста йўл оламан велосипедда.

Дилда ловуллаган олов дostonлар  
Халқим кечмишини қилсин дейман шарҳ,  
Менга азиз куйга зор остоналар,  
Лекин гоҳо совуқ қарши олишар.

Эъзозлай олмаса давралар, наҳот,  
Қутлуғ бобо мерос эҳтиросимни.  
Оғир янгратаман борганим заҳот  
Фарзанддек бағримга босиб созимни.

Кўпларга хуш келмас залворли бу куй,  
Қисталанг қилишар «Уни, бунни чал».  
Шўрликлар... шўрликлар билмайдиларки,  
Буюртма қўшиқлар созимга ажал.

Гоҳ ногоҳ янгротсам тумтароқ куйлар,  
Руҳим кузда гулдек қолади сўлиб.  
Нодонлар олқиши шунда туюлар  
Менга доноларнинг қарғиши бўлиб.

Майли, кимларгадир бўлмай мен манзур,  
Қай бировга, майли, созим ёқмасин.  
Достон айтсам фақат тийрак кўзда нур,  
Зукко ақларда қуёш чақнасин.

Шундагина менга кулиб боқиб бахт,  
Дилдаги ҳасратни буткул аритар...  
Йўқ! Мени ҳеч қачон кексайтирмас вақт,  
Фаҳмсиз тингловчи мени қаритар.

### **БАҲОРНИНГ СЎНГИ ҚЎШИҒИ**

Ям-яшил ўйларга толиб кетаман,  
Хазон бўлмай ҳар йил фолиб кетаман.

Гарчи менга андуҳ буткул бегона,  
Лоқайдлардан нолиб-нолиб кетаман.

Умидворман, бир кун мен уларни ҳам  
Муҳаббат дардига чалиб кетаман.

Борлиқ бери турсин, ҳар бир юракка  
Минг-минглаб мўъжиза солиб кетаман.

Мени бир ўйлаб кўр зерикканингда,  
Олис-олисларга олиб кетаман.

Ўтиб кетади деб ким айтди мени,  
Сенинг юрагингга қолиб кетаман.

\* \* \*

Юрагим симчиноқ... симчиноқ...  
Жонингдан, жоним, жон уланган.  
Бу мўъжиза чиноқ, бу тилсим чиноқ  
Кўксимни тўлдирди шуълангга.

Сим-сийҳ атрофим чарақлаб,  
Чекинди оқшомнинг зулмати.  
Ёришмади фақат овлоқлар,  
Фақатгина зулматлар кулмади.

Мангу нурафшон бўл!.. Сенинг-да,  
Ҳаётинг ёрдуга қорилсин.  
Паймонам тўлса, сен узилма,  
Майлига — юрагим ёрилсин.

\* \* \*

Ҳали кечагина юдузлар билан  
Чақнашиб турган бу кўзларинг.  
Ёвуз бақрайганлар билан мардона  
Тўқнашиб турган бу кўзларинг.

Бугун, мана, ўргимчак уяси,  
Чунки яшаяпсан шунчаки.  
Жирканч вимирлайди соққаларингга  
Тўқлик ўргимчаги, айш ўргимчаги.

Чандиб ташлангансан ғафлат қурумига,  
Тунми Кун? Тафовут қилмайсан вақтни.  
Шодликни куйлайсан. Дунё ғам чекар.  
Дунё кулфат чекар. Куйлайсан бахтни.

Ҳолбуки, Алпомиш ҳис-ҳаяжонлар,  
Жалолиддин туйғу, Темурмалик руҳлар  
Найзасини шундоқ ёнига қўйиб  
Сенинг юрагингга донг қотиб ухлар.

Ҳолбуки, кўзларга бедорлик дармон  
Ҳолбуки, кўзларга уйғоқлик малҳам.  
Уйғот ҳаяжонни. Туйғуни. Рухни  
Уйғот. Кеч бўлмади ҳали ҳам.

Уйғот. Уйғотмоқ шарт. Зудлик билан.  
Дарҳол.  
Олмоқ шарт ўргимчак жонини.  
Йўқса... сўриб ичар паҳлавон руҳларнинг  
Қорачиқлардаги қонини.

### ҚЎРҚОҚНИНГ ҚЎШИҒИ

Келар эдик тўйдан қишлоққа қайтиб,  
Отам билан икков кечиб пўрсанг, чанг.  
Кимдир жуда ҳам шўх бир қўшиқ айтиб  
Келаверди, қўйиб овозини ванг.

Сўлим оқшом ичра поёнсиз адир  
Ойдинда сут янглиғ ялтирар эди.  
Лекин... қўшиқчининг саси негадир  
Алақандай мудҳиш қалтирар эди.

Нақ қулоқни ёрай дерди овози  
Ўзи кўп узоқда бўлса ҳам.  
Дадил, жасур каби эди навоси,  
Аслида қалбаки сохта бўлса ҳам.

Ғамгин тортиб қолдим. Рухдан кетди нур.  
Отам кўп донишманд одам эдилар.  
«Болам, бу қўшиқда хосият йўқ, юр,  
Бошқа йўлдан кетамиз, — дедилар, —

Тун ваҳмидан қўрқиб куйлаяпти у,  
Шундай одамлар ҳам бўлади.  
Ҳозир салом берсак, чиқиб рўбарў,  
Юраги ёрилиб ўлади».

Кетдик. Шундан бери ўтди кўп замон.  
Қўшиққа тош отиш, ахир, эриш гап.  
Куйлаган кимсани кўрганим ҳамон  
Мен оғиз жуфтлайман салом беришга.

Қўшиқда бўлмас жасорат ва шахд,  
У топган завол ҳам бебаҳо бир ганж...  
Қўрққанингдан қўшиқ айтсанг, бу — даҳшат  
Қўрққанингдан қўшиқ айтсанг, бу — жирканч.

### ТОҒ МАНЗАРАСИ

Бунда ҳамма нарса гўзал, виқорли,  
Хунуклик сифмайди тоғнинг бағрига.  
Ёнбағирлар кўм-кўк, чўққилар қорли,  
Сўнган барглар маҳкум еллар қаҳрига.

Фақат тасаввурга сифишга қодир  
Ҳайбатли қоялар тиклаб турар қад.  
Дарё тўлқинланиб шовуллаётир  
Абадият билан қурганча суҳбат...

### ҚАЙРОҚЧИ ҚИЗ

Лол қотганман ошуфта ҳолда  
Лекин, мени илмасдан кўзга,  
Рақс этади у тирбанд залда  
Ҳеч ким йўқдек ўзидан ўзга.

Ҳасратларим яна тирилар,  
Бедардлигим қочади йироқ,  
Кулиб ҳолимга гоҳ қиқирлар,  
Қаҳқаҳ урар гоҳида қайроқ.

Қайроқ билан тенг титрар бу қалб,  
Энди унга ҳаловат ётдир...  
Тош бағрини қўлига олиб,  
Чулдиратиб сайратаётир.

### ФЕВРАЛ ОСМОНИ

*Музаффар ва Умарбекка*

Қиш чиқар-чиқмасдан  
чиқар далага  
гала варрак,  
гала жажжи хуморвоз.



Варраklar учади  
гоҳи жимгина,  
гоҳи нола тортиб  
қилади парвоз.

\* \* \*

Жаҳонгаштамасман...  
Билмам,  
қай элда  
баҳордан  
қай элчи элтар дараклар...  
Бизларнинг осмонга  
турналар эмас,  
бизларнинг осмонга қалдирғоч эмас,  
ташриф буюради аввал  
варраklar.

\* \* \*

Февралда фалакка  
оқ,  
қора,  
қизил —  
таралади таранг турфа толалар.  
Сизнинг варраklarни  
кўриб кетай деб  
турналар келади ҳали — кўрасиз,  
қалдирғоч келади ҳали — кўрасиз,  
кўрасизлар ҳали, болалар.

\* \* \*

Шамоллар эсади.  
Шамоллар тўхтар.  
Вақт эса билмайди  
не ором,  
не тин.  
Дунёга келгансиз,  
болаларим, сизлар  
қалдирмаслик учун  
осмонни  
етим.

## ЎРГАТИЛГАН ҚУШ

«Сизга эрк бердилар. Бердилар осмон,  
Ана. Юлдузларни дон қилиб теринг.  
Эвазига — фақат сўйламанг ёлғон,  
Эвазига — фақат ҳақ сўз айтиб беринг!»

...Йўқ! Чучмал чулдираш тинмади бир дам,  
Ширин-ширин сайради ҳавасга.  
Ўргатилган қушни минг ҳайдасанг ҳам,  
Ураверар ўзин қафасга.

## БАҲОРГА ДЕГАНИМ

Ўтинаман, баҳор,  
ўзинг мадад бер,  
сен ўзинг тушунтир,  
англат сен ўзинг.

Ахир,  
ям-яшилдир илтижоларинг,  
ўтинчинг лоладир,  
райҳондир сўзинг.

Мен бир айтиб кўрдим,  
унда йўқ шафқат.  
Чақинингдан тездир жаҳдин суръати.  
Фақатгина сени,  
сенигина фақат  
рад қилишга, балким,  
етмас журъати.  
Сенга ёлбораман,  
тезроқ йўлга чиқ.  
Бор,  
гўзал хабарчим,  
хазонсиз элчим.  
Юраги муз. Эрит.  
Бағри тош. Юмшат.  
Жимгина кет тезроқ  
ва қайтиб кел жим.  
Баҳорни рад этган юракдан фақат  
совиса арзийди,  
арзир кечса воз.

Ташрифингни ерда қолдирадими  
ёки йўқми,  
шуни билиб бер, холос.

## ФАРОСАТ

*...тушунишингиз керак.*  
Эрнест Хемингуэй

Ҳамма-ҳаммасини тушуниш мумкин,  
Жазоирда ёққан қалин қорни ҳам.  
Йўқни ҳам тушуниш мумкин ўйласанг,  
Ўйласанг, тушуниш мумкин борни ҳам.

«Салбий муҳит» ёки «ёмон тарбия»  
Ўғрини тушуниш мумкин бир куни.  
Ўғрини тушуниб бўлгач, албатта,  
Тўғрини тушуниш мумкин бир куни.

Аблаҳнинг қалбида ногоҳ уйғонган  
Диёнат, тушунсанг, ҳайрон қолдирмас.  
Ўзингни бахш этган бир инсон қилган  
Хиёнат, тушунсанг, ҳайрон қолдирмас.

Фаҳм этсанг, сотқин хом сут эмган жон,  
Англасанг қотил ҳам эмас ҳеч эриш.  
Тушунсанг, тушунсанг, тушунаверсанг,  
Ҳамма-ҳаммасини зарур кечириш.

Тушуна олди дунё. Лекин бунинг-чун  
Ким уқубат чекар, ким тортар азоб.  
Хоинлар, сотқинлар қилмиши учун  
Ким олади, ахир, олий бир жазо!

Тушунсанг, кўзларинг олдига келар  
Ҳам дўзах, ҳам жаннат, ҳамда аросат,  
Оёғи шоҳсупа, бўйни сиртмоқда,  
Манглайин милтиққа тутган Фаросат!..

## ТЎРТЛИК

Муомаласи эди чин дўстларга хос,  
Мен ҳам меҳр билан қўйгандим ихлос.  
Бошимга тушдингу, қочди у мендан  
Раҳмат, кулфат, қилдинг номарддан халос.

## ЭНДИ

Масрур кишнамаслар сени кўрганда,  
Сени йўлатмаслар ёнига яқин.  
Тулпорлар сендан юз ўтирди буткул,  
Тулпорларки — шамол, тулпорлар — чақин.

Улар эъозларди сени бир вақтлар,  
Сени буркар эди учқур бир шонга.  
Бир сизга қўшиққа сизарди улар,  
Бир сизга сизарди улар осмонга.

Олов кўзларига кўзбоғич боғлаб,  
Оёғин тушовлаб эътиқодларнинг,  
Сен бугун бозорга солдинг уларни,  
Жойи бозормиди, оҳ, у отларнинг.

Энди довул билан басма-бас  
Елган бахтларингдан умидингни уз...  
Юз ўтирса майли сулув дилдори,  
Йигитдан тулпори ўтирмасин юз.

Тулпорлар осмонга учиб кетдилар  
Қуёшга айтай деб ўкинч, розларни...  
Улар нафратланар аспжаллоблардан,  
Улар севадилар чавандозларни.

## БУГУНГИ ОДАМ

Сира татимайди яшнаб-яйраса  
Бера олмас чигал азобларга чап.  
Тинчликсевар унинг ҳар ҳужайраси,  
Лекин... қуролланган тиш-тирноқча.

Бахтли келажакка қалбининг  
Гоҳо шубҳаси йўқ, гоҳ у гумонли.  
Ўзи алпдир. Ўзи шу алпнинг  
Оёқ остидаги чумоли.

## ХОТИРА

### Ҳазил

4-синфда ўқирдик,  
Терим, ахир, умум маърака.  
Биз ҳам четда қолмасдик. Лекин —  
Қўлимда йўқ эди барака.

Хаёлпараст эдим. Фазаллар  
Олган эди хаёл-хушларим.  
Дўстлар дерди: «Биз пахта терсак,  
Матназар санайди қушларни».

Хаёлдаги қушларни эса  
Тарозуга қўйиб бўлмасди.  
Мени ёқтирмасди муаллим,  
Бордек эди қасоси, қасди.

Мен-ку хафа эмасман ундан,  
Бор эди-да, ахир, кам-кўстим.  
Лекин бир кун, «На оз тердинг!» деб,  
Шаппат урди, қулоқдан чўзди.

Кўкармади, шишмади чаккам,  
Қон ҳам оққани йўқ тирқираб.  
Йиғлаб чиқдим оқшоми билан  
Фақат қулоқларим зирқираб.

Бугун миллий бойлигимиздан  
Мен астойдил сўрайман узр  
Тан оламан у — бизнинг фахр,  
Тан оламан у — бизнинг ҳузур.

Лекин шеърлар ёзганимда ҳеч  
Бўлолмади илҳом булоғи.  
Нима қилай, пахта десалар  
Қаттиқ оғрий бошлар қулоғим...

## ҚАРЗ

Баҳром Рўзимуҳаммагга

Бир кун мени чинор йўқлаб келганди  
назар-писанд қилмай ниҳоллигини...  
Сира унутмайман, оддий кун эди,  
қуёш қиздирарди аёвсиз,  
қақраган эдим мен келмагандан сув.  
Бўртай-бўртай деган куртақларим ҳам  
яшар эди хазон арафасида.  
Беҳол аланлардим... қарасам — чинор  
шундоққина келиб жилмайди майин,  
шовулламади, гувилламади,  
ҳатто сенсираб ҳам ўтирмасдан, секин  
шивирлади: «Ахир, уялмайсизми,  
сувнинг келишини кутиб турмасдан  
илдизни чуқурроқ отсангиз — тамом...»

Кетди-қолди. Мен ҳам қувониб кетдим.  
Қандайдир куч топиб ўзақларимдан,  
узата бошладим илдизларимни,  
айлана бошлади улар томирга,  
тирила бошлаган куртақларим ҳам  
аста барг бўлдилар,  
баргларим — япроқ.

Дарахт бўлиб қолсам эртами-индин,  
чинор олдидаги қарзим узай деб  
излаб кетажакман ниҳолчаларни.

## ОСМОНГА ХАТ

Болалигимизда варрак ипларига қоғоз ҳалқачалар  
тизиб, шамолда уларнинг шиддат билан  
осмонга қараб сирғалишларини кузатар эдик.  
Бу — «осмонга хат» деб аталарди...

Мен осмонга мактублар ёздим,  
Руҳи юксақ, сўзлари олий.  
Хаёлларим самовий эди,  
Мактубларим эса — хаёлий.

Лекин хаёлдамас, асли ҳам  
Сал самовий бўлгим келарди.

Гужфон ўйнаб, чарақлаб турган,  
Тиниқ, мовий бўлгим келарди.

Тингламади осмонни осмон  
Ё меҳримдан ризо бўлмади.  
Ўртамизда на бир иттифоқ  
Ва ё на бир низо бўлмади.

Менга рад жавобин элтишга  
Қай бир юлдузларки кўндилар,  
Пушаймондан ярим йўлдаёқ  
Ёниб, адо бўлиб сўндилар.

Тугамади менинг ёнганим,  
Тугамади менинг куйганим.  
Осмон мени севмаса ҳамки,  
Яшайвердим унга суйканиб.

Яшайвердим муҳаббатимни  
Англаса деб бир кун ниҳоят.  
Насиб бўлса юксаклик зора  
Ва тиниқлик юқса деб шояд.

Шаънимни ҳеч урмади ерга  
Хокисор бир ошиқ эканим.  
Осмонга бош эгмак — бу бошни  
Доим баланд тутмоқ дегани.

Мафтун, мағрур қўшиқларимни  
Қайта-қайта бошлайвердим мен.  
Таг-туби йўқ, чексиз бағрига  
Кўзларимни ташлайвердим мен.

Умид билан сочмоқда ёғду  
Нурли чопарларим — кўзларим.  
Улар энди сўнмас... Элчига  
Ўлим йўқ-ку, ахир, дўстларим!

\* \* \*

Тарқалиши бунчалар қийин,  
Салга тинар боди сабодай.  
Қани энди юқумлиликда  
Эзгулик ҳам бўлса... вабодай.

## ТАРАДДУД

Сен фаришта — осмон фарзанди,  
Беланчак ер ошёнинг сенинг.  
Сигмас сенга ўлимнинг ҳадди,  
Йўқдир чекинг, поёнинг сенинг.

Семурғлар ҳам боғлай олмас баҳс,  
Инсон деган калом — таърифнинг.  
Пок бўлсанг бас, озод бўлсанг бас,  
Йўл азоби — ожиз ҳарифнинг.

Лекин узоқ шайланасан сен,  
Тараддудинг топмас ниҳоя.  
Етмай қолган бу ишга ўтмиш,  
Келажак ҳам қилмас кифоя.

## ЭЛЕГИЯ

Қўлларда тор. Қўшиқ айтамыз.  
Май ичамиз. Қўллардадир жом.

... Мағрибда бир япроқ узилса,  
Узилади машриқда бир жон.

Роҳатдамыз гоҳо Урганчнинг,  
Гоҳ Тошкентнинг Дўрмонларида.

... Бир-бир узилади япроқлар  
Шарқ ва ғарбнинг ўрмонларида.

## ГИРЯ

*Евгений Евтушенкодан*

Момиқ патларида қотган лахта қон,  
Кўзлари чирт юмуқ. Жим. Афтодаҳол.  
Қайиқда чайқалиб ётибди бу он  
Битта ғоз — қорамтир бир кумуш мисол.

Виллой бўйлаб учар эди икковлон,  
Битгаси парвозда ногоҳ ўқ еди.  
Қайиқ тепасида бошқаси нолон  
Чарх уриб, армонда зор бўзлар эди.



Кумушқанот укам,  
Тухум пўчоғин  
Пачақлаб чиққандик муборак бир тонг.  
Онам сени мудом очиб қучоғин  
Аввал тўйғизарди,  
мени эса — сўнг.

Кумушқанот укам, сен эдинг бир зар,  
Осмонга кўрк бўлиб қилардинг парвоз.  
Рангпарроқ эдим мен. Нозанин ғозлар  
Сени кўп севарди,  
мени эса — оз.

«Кумушқанот укам,  
Мард атардилар  
Сени  
Ёт элларга борганимиз пайт.  
Ўша юрт ғозлари кузатардилар  
Сени кўп маҳлиё,  
мени-чи — лоқайд.

Парвоз қилар эдик тинмай бир замон  
Қаро булутлардан салгина пастда,  
Жала қуйса, сендан сувлари осон  
Дув тўкилар эди,  
мендан-чи — аста.

Изтироб чекапман,  
Пушаймонлар еб  
Сенсиз бахт мен учун йўқолган сароб.  
Сен мендан-мен сендан  
Устун бўлай деб  
Сен кабоб бўляпсан,  
мен эса — хароб.

Чўқишардик,  
Шафқат келмасди, ҳайҳот,  
На менинг ёдимга,  
Сенинг эсинга.  
Суяниб яшасак бўлмасди, наҳот,  
Сен, укажон, менга,  
мен эса — сенга.

Жондан тўйиб,  
Ҳасаддан кечганимда воз  
Момиқ тўшгинангга келиб тегди ўқ.

Тақдир олди мендан мудҳиш бир қасос —  
Сени ўлдирдилар,  
Мени...  
Эса...  
Йўқ...»

\* \* \*

Туш кўрдим. Тушимда чексиз бир майдон,  
На қилт этган жон бор. На тиқ этган товуш.  
Унда жой йўқ ҳатто игна тушгудек,  
Унда миллион-миллион тўғирланган товуш.

### САБОҚ

Қилган ишинг бўлсин мукамал, кўркам,  
Қилган ишинг бўлсин юракдан.  
Бош эгмакни мажнунтолдан ўрган,  
Бўй чўзмоқни эса терақдан.

### 1930-ЙИЛЛАР

Хон чигит нон берганда тотдик,  
Куйлаб, унга нафрат уйғотдик.  
Сўнг ўзимиз едик кунжара,  
Бу ҳақда ким миқ этса — отдик.

### ЮЗГА АЙТСАНГ

Нуқсонларни юзга айтсанг етар,  
Фармон бергач одил ҳақ онга,  
Шу заҳоти ёпиша кетар  
Биров ўз ишига, биров ёқанга.

### МИНОРАГА МАКТУБ

*Анвар Обижонга*

Ватандошмиз иккимиз, дўстим,  
Шаклдошмиз, ҳатто, начора.  
Фақат қисматимиз бошқача,  
Мен мўриман, сен-чи минора.

Гарчи мен — тунд, гарчи мен — хунук,  
Гарчи сен — кўрк, гарчи сен — мовий.  
Менинг битта афзаллигим бор.  
Сен кўҳнасан, мен — замонавий.

Юксалгансан сен ҳам самога,  
Мен ҳам кўкка чўзгандирман бўй.  
Иккимиз ҳам бўш вақтлар бирга  
Ўй сурамиз, ўй сурамиз, ўй.

Дардларимни тўкиб солмоққа  
Ушбу мактуб боис, баҳона.  
Менинг ичим қоп-қора қурум,  
Сенинг ичинг эса — поғона.

Темир менинг турган-битганим,  
Сенинг эса борлигинг — тошдан.  
Сен мангусан, мен-чи — омонат,  
Мен — сабрсизлик, сен — бардошдан.

Мендан аввал туғилган эдинг,  
Мендан сўнг ҳам қолгунг бу ерда.  
Эрта келдинг, кеч кетасан сен,  
Кеч келгандим, кетаман эрта.

Кеча-кундуз меҳнат қиламан,  
Кеча-кундуз қиласан тоқат.  
Мени кўриб толиққан одам  
Сени кўриб топади роҳат.

Туну кун сен дардга мубтало,  
Туну кун мен меҳнат деб ҳалак.  
Машгулотинг сенинг ҳам — осмон,  
Машгулотим менинг ҳам — фалак.

Умид билан ёритар бизни  
Меҳрибон тонг, мунис саҳарлар.  
Таралади сендан ибодат,  
Сочилади мендан заҳарлар.

Мовий осмон сира тушимга кирмас  
 Тушимга кирмайди жаннатмакон юртлар.  
 Тушимга киради такрор ва такрор  
 Манқуртлар, манқуртлар, манқуртлар.

Уйқу бўғаверар сиртмоққа ўхшаб,  
 Тилкалайди ҳар тун ёвуз бир рўё.  
 Уйғоқ пайтларимда кўз ўнгимда улар  
 Тўда-тўда бўлиб юрмагандек гўё.

Гўё ўтмиш руҳи билан чамбарчас  
 Боғлангандек менинг ҳар битта сўзим.  
 Гўё улар бошқа, гўё мен бошқа,  
 Мансуб эмасдекман уларга ўзим...

### ЎРИНЛИ ТАЪНАГА ЖАВОБИМ

Ўтга-чўққа урсам-да, ўзни,  
 Дўстим, мен эришган нарса кам.  
 Маҳқумдирман, лекин барибир  
 Бир умрлик қутлуғ ларзага.

Кечган йўлда изим йўқ. Бўм-бўш.  
 Насиб этсин ўзинга бақо.  
 Яхлит мағлубият ҳаётим,  
 Гапинг тўғри. Ҳақсан мутлақо.

Таъна қилма бунчалар қаттиқ,  
 Шафқатли бўл. Юмша. Сал эри.  
 Афсус, Моцарт бўлолмайсан сен,  
 Бўлолмайман мен ҳам Сальери.

Азобингдан топмай тасалло,  
 Яшайдирман ғаразсиз, кексиз.  
 Такаббур бу дамларингда ҳам.  
 Сендан менинг умидим чексиз.

Мен чақмайман. Сўзларим холис.  
 Қўшиқларим доғули эмас.  
 Ушбу қадаҳ чин юракдан. Ол.  
 Қалтирама. Оғули эмас.

Биз ўлимдан тубанроқ кетиб  
Бир-бирова қилмайлик ҳужум.  
Бир ичайлик юраги тоза  
Одамларнинг соғлиги учун.

\* \* \*

*Бир ўлкаки...*  
Ойбек

Бир ўлкаки, қаро, тимқаро,  
Кўзлари оқ, оқдир тишлари.  
Бир омади — совқотмайди ҳеч,  
Терга ботиб ўтар қишлари.

Шундай қизгин меҳнатга ёрдир,  
Бир лаҳза ҳам бекор вақти йўқ.  
Ҳамма-ҳамма нарсаси бордир,  
Бечоранинг фақат... бахти йўқ.

### СУНБУЛА

Шодликни опкетар чалсам ҳар наво,  
Қуйласам ҳар қўшиқ келар ғам олиб.  
Боғлар жизғанақда топмоқда завол,  
Йўқдир эпкинлари, йўқдир шамоли.

Хаёлларим сизга тақалаверар  
Парвона ургандек ўзини шамга.  
Сўзласам, шон-шараф ўқилаверар,  
Сизнинг ҳар хаёлда барҳаёт шаънга.

Шаънингизга эса шон-шарафлар кам  
Бир шўх эсмайсизми, шаън елмайсизми?  
Очилиб-сочилиб биз тарафларга  
Ёзда баҳор бўлиб бир келмайсизми?!

Фироқ дамларида ҳар лаҳза, ҳар он  
Бир-биридан бадтар руҳсиз ва ҳазин.  
Ям-яшил бу борлиқ сўлгин, заъфарон,  
Келинг, эй шабада, келинг, эй насийм.

Бошимда харосдек айланар само,  
Ўлкамга ўт қўйиб қуёш ловулар.

Келинг, ахир, бўлиб нажоткор шамол,  
Шаддатланинг, бўлиб қаттиқ довуллар.

Айтингиз, ёлғизлик биздан азизми,  
Наҳот, саодат йўқ дийдор ганжида?  
Ҳал этингиз, ташриф буюрасизми,  
Ёки қиласизми қадам ранжида!?

Агар келмасангиз, вужуд бир жасад  
Майли — таъна қилиб, майлига — тергаб.  
Қаттиқ зада қилди димиққан Асад,  
Дув тўкилгим келиб турибди ерга.

Сизсиз тўкилмакка қайда, гулим, йўл  
Қора ва Қизилқум воҳаларинда...  
Келинг, ирим учун бир узатинг қўл,  
То мен қуриб қолмай шохаларимда!

## ИЛОН

*Ўғлим Умарбекка*

Илон қолди бизларда қишлаб,  
Бир бор кўрдим бор-йўғи ҳали.  
Оқшомлари қўяр вишиллаб,  
Шифтдан ўтар сирли сирғалиб.

У билади, ўлдирмаймиз, йўқ,  
Жонзотларга меҳримиз балаң.  
Шунинг учун бу мунис махлуқ,  
Келиб қолган бизларни танлаб.

Журъат қилиб яшайди ҳамон,  
Бордир ахир унинг боиси.  
Ўғлим уни кўрмайди ёмон,  
Қўрқмас ундан ҳатто ойиси.

Ликиллатиб думини гўзал,  
Вужудини минг тусда товлар.  
Бир айби, бир гуноҳи бор сал,  
Калтакесак ва сичқон овлар.

Қилманг ундан, илтимос, гина,  
Ёнингиздан ўтиб қолса у.

Қўрқитади фақат озгина,  
Фақатгина турқи сал совуқ.

Гоҳ кўтарар қизларим вой-вуй,  
Қизларимни опам койийди.  
«Тентакларим, илон кирган уй  
Бир кун бахтли бўлар, бойийди».

Бойликка ўч эмаслигим бахт,  
Жон сақлашга етар ойлигим.  
Қирда майса, ўрмонда дарахт,  
Уйда илон менинг бойлигим.

Бойлик агар комига тортса  
Душман йўқдир ундан ваҳшийроқ.  
Бойлик агар меҳнатсиз ортса,  
Ундан ҳатто илон яхшироқ.

Яшириниб, ўзини гизлаб  
Қилмай таҳдид, қилмасдан ваҳма.  
Бор-йўғи бир бошпана излаб  
Келибди-ку. Шунга ҳам раҳмат.

Бизга сўзсиз ташаккур айтиб,  
Бахт ҳақида тарқатиб эълон,  
Уйимизда илон яшайди —  
Келинчақдек тортинчоқ илон.

Илон борки, бизга толе ёр,  
Энди бахтимизнинг кулгани...  
Боғимизда битта кирпи бор,  
Шунга инсоф берса бўлгани.

## **Хўжа НАСРИДДИННИНГ ЁДНОМАСИ**

Ёт элларда мусофир, саргардон кезиб,  
Дуч келганда ҳамки неча кўққис кўним.  
Сен билан шод эдик, кечир, келиб-келиб  
Бунда хафа қилдим сени, эски тўним.

Бир келиб қолдик-да. Аразлама, қўй,  
Сен содиқ дўстимсан. Сендан кечмайман.  
Эски тўним, энди чида. Бу ер тўй.  
Қўй, хавотир олма. Сени ечмайман.

Тарк этмай сен билан пок туйғуларни,  
Икков ҳаққа бирдек биз мубталомиз.  
Ҳеч кутмаган жойда билдик буларни,  
Энди бошларига битган баломиз.

Булар шундай қаллоб, булар шундай каж,  
Отлари йўқ, Бари тилло эгарда.  
Жилпанглаб келарди дарров сени кўргач  
Янги бўлсанг эди агарда.

Ҳаммаси оп-ойдин. Ўрин йўқ баҳсга.  
Сен буларга ачин. Буларга огир.  
Гўрга эди сифинсалар ҳаттоки шахсга,  
Булар сифинади янги тўнга, ахир.

Холис хизматчи йўқ бунда босавоб  
Булар ўсган, оёқларни ялай ва ялай.  
Булар ким? Ортиқча савол ва жавоб.  
Булар бир югурдак. Булар бир малай.

Минг тараддуд билан энса қашийдилар  
Минг алфозга солиб қовоқларини.  
Гоҳ қуюқ, гоҳ суюқ қилиб ташийдилар,  
Тўнга қараб тўлган товоқларини.

Тўй бу. Ош эмас, йўқ дийдорга тўямиз,  
Булар хушомадни кўйсин жойига.  
Биз эса войибона гуллар қўямиз  
Хўжа Насриддиннинг пойига.

## АТИРГУЛ

Сўққабошнинг остонасига  
Бекитиқча ташланган етим...  
Сени кўриб, тушдим ларзага,  
Сени кўриб, титрадим-кетдим.

Кўрмагандим кўп вақтлар бўлди  
Бундай алвон, сўлим дийдорни.  
Борми, ахир, бундан ортиқ бахт,  
Бундан ортиқ саодат борми?

Ким хаёлга келтирди экан  
Бу ерларга сени экишни.



Мен лол қотдим... билмаётирман  
На қувониш, на ғам чекишни.

Ағдар-тўнтар бўлди борлигим,  
Бу қандай ҳол, бу қандай фасл.  
Салом сенга, қатағон ишқнинг  
Эй ловуллаб турган меваси.

Чигит кўмилганди бағримга  
Ҳар эгат бир дардли сатр-ку.  
Уруфингни қайси бир лайлак  
Ташлаб кетди, айтгил, атиргул.

Ҳеч ким сени топтамай ўтсин,  
Илтижоман, ўтинч, ноламан.  
Юз йил боши ғўзадан чиқмай.  
Бир атиргул унган даламан.

Бўғзимдаги сиртмоқ кесилди,  
Билдим, надир толе, надир гул...  
Гала-гала лайлақлар келсин.  
Атиргулим, жоним атиргул!

### ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Кўринмасдим ҳар ким-ҳар кимга  
Мен — саҳарлар уфурган нафас.  
Гардсизлигим, тозалигимга  
Чексизликлар қиларди ҳавас.

Бир тонг ногоҳ бўлдим мен шабнам,  
Сўнг булутга, ёмғирга дўндим.  
Майсаларга айландим кам-кам,  
Тупроқ бўлиш дардига кўндим.

Минг йилликлар туркум ва туркум  
Қорилдилар зулмат, зиёга.  
Саодатли қандайдир бир кун  
Дарахт бўлиб келдим дунёга.

Ҳаёт бир йўл — сўнгсиз, бетимсол  
Минг тирилиб, минг ўлиб чопдим.  
Насиб бўлди ноёб бир висол,  
Жонзот ўлиб таваллуд топдим.

Қаноатлар, тоқат, сабрлар  
Гилдираги айланди гир-гир  
Кечди, неча туман даврлар,  
Инсон бўлиб туғилдим, ахир.

Эндигина ором топиб жон,  
Етти десам толега хуш гал,  
Ҳар тўқисда неча минг нуқсон,  
Ҳар тўқисда — неча минг ишқал.

Зулмат тўйди, ютиб зиёни,  
Зулматларга зиё ҳам тўйди.  
Дийдорига тўйдим дунёнинг,  
Дийдоримга дунё ҳам тўйди.

Қўйинг, сўйлаб бўлмай мен нолон,  
Сиз ҳам тинглаб бўлмангиз ҳалак.  
Шу ўзингиз билган тўполон,  
Шу ўзингиз билган чархпалак.

Номард бўлай агар нолисам,  
Бошқа тирилмайман, ўлмайман.  
Бир қутулсам, бир кетиб олсам,  
Дунёга мен бошқа келмайман.

### **АЖАЛ МИНОРАСИ**

Мудҳиш минор,  
ажал минори,  
ёвуз маскан,  
шафқатсиз маскан.  
Ҳақми ундан,  
ноҳақми ундан  
ташланарди бир вақтлар  
пастга.

Сукут сақлаб,  
кўзни чирт юмиб  
қурбонларни қилмоқдасан ёд.  
Қулофингга фарёд  
келади.  
Кўз оддингга  
келади  
жаллод.

Қуюқ-қуюқ киприкларингта  
инжу-инжу тизилар  
ёшлар.  
Кўз олдингда жудолик,  
фироқ  
минорага айлана бошлар.  
Ўзингсан шоҳ,  
ўзинг гуноҳкор,  
ўзинг жаллод.  
Сен ўзинг – минор.

Ўзингни сен олиб чиқиб шаҳд,  
ўртаб тергай бошлаётирсан.  
Ўзингни сен ҳукм этиб ўзинг,  
ўзингни сен ташлаётирсан.  
Тўхта, эй шоҳ,  
тўхта, эй минор.  
тўхта, жаллод,  
тўхта, гуноҳкор!

Бахтим менинг,  
нобуд бўлмайсан,  
юрагимда бўлмайди аза.

...Кутлуғ бўлсин,  
кўзларингни оч!

Омон қолдинг,  
қучоғимдасан!

### ҚЎШИҚ

*Балаңд чиқиб назар солсам ҳар ёққа,  
Ёр қораси кўринмайди кўзимга.  
Қорақалпоқ қўшиғи*

Хоразмда ошиқ-маъшуклар  
Муштоқ бўлиб кутганда ёрни  
Балаңд чиқиб назар солмоққа  
Танлайди бир юксак минорни.

Минорлардан кафтдек кўринар  
Бутун йўллар, бутун Хоразм,

Энтикарлар ёр келмоқда деб  
Кўринса бир йўлчи қораси.

Соғинишда ўтди кўп ойлар,  
Соғинишда ўтди кўп йил ҳам.  
Биз ҳам чиқдик, биз ҳам юксалдик  
Минорларга муштоқлик билан.

Чечаксифат, лолаларсифат  
Азобларни қилиб дилга нақш —  
Ҳижрон шундай меҳрибон эди,  
Ҳижрон эди шундай умидбахш.

Ҳижрон энди шафқатсиз, ёвуз  
Ҳижрон энди бамисли ўлим.  
Сендан умид узиб бу замон,  
Ёмон тушган аламга йўлим.

Афв эт мени. Энди қайтмайман,  
Ҳижронлардан юрагим ҳорган...  
Умидингни узавер, жоним,  
Сен чиқавер Калта минорга.

## ХАСТА

Ажиб бемор, фаройиб хаста,  
Қилмайди аҳд, қилмайди паймон.  
Парҳези ҳам жуда ғалати,  
Ғам ейди-ю, емас пушаймон.

Ажиб бемор, фаройиб хаста,  
Наволардан даволанади.  
Ер ёрилар. Лекин у қайсар.  
Ерга кирмас. Ҳаволанади.

Фариштамас мутлақо. Лекин —  
Йўқдир нафси. Йўқдир қорни ҳам.  
У арғумчоқ қилиб учади  
Қатлига қурилган дорни ҳам.

Ним табассум билан эшитар  
Пўписа, дағдаға, дўқларни.  
Ковлаб олиб, пистадек чақар  
Юрагига кирган ўқларни.

Жуда кўпдир унга аталиб  
Қазилган гўр, тикланган қабр.  
Барин бир-бир томоша этар  
Қилиб тоқат ва айлаб сабр.

Довдирамас бу ҳолдан сира  
Сеҳргарлик қилади, лекин.  
Яъни барча қабрларни у  
Марҳумларга улашар текин.

Биладики, бу қабрларни  
Фараз қазган, тиклаган ҳасад.  
Биладики, тирилиб чиқар  
Қўйилса гар уларга жасад!

### БУЛАРНИНГ ДАВРИ

Булар учун яна қаро кун,  
Элнинг тўйи буларга аза.  
Кеча-кундуз тинмайдилар ҳеч,  
Кеча-кундуз иши талваса.

Сенга кулфат тиларлар ҳамон,  
Сенга улар ҳамон ранж тилар.  
Яна ўтмас пичоқларини  
Ўлмас юрагингга санчдилар.

Корчалонлик қилмасин қанча,  
Бозорлар барибир касод.  
Иши бўҳтон, юмуши туҳмат,  
Касби иғво, ҳунари — фасод..

«Даврлари ўтган буларнинг»,  
Дейсан менга маъсум жилмайиб.  
Даврлари ўтармиди ҳеч,  
Даврлари мажруҳ ва майиб.

Даврлари ташламас қадам,  
Даврлари чарчаган, толган.  
Даврлари қат-қат ёғ боғлаб,  
Оғирлашган, ҳансираб қолган.

Бир амаллаб кўтариб қўйсанг,  
Ўтказиб юбормоқ пайида  
Депсинганча, оғир лорсиллаб  
Тураверар турган жойида.

## ПЎСТИН

Содиқжонга

Кун бўйи қорбўронлар  
Изғидилар, елдилар...  
Дадам эса қўрқинчли  
Пўстин кийиб келдилар.

Ваҳимага тушади  
Уни бир кўрган одам.  
Айиқ ечиб берганмиш,  
Шундай дедилар дадам.

Дадамлар кўп раҳмсиз,  
Жуда ғалати ўзи.  
Пўстин не керак эди,  
Бор эди-ку пальтоси.

Уйимиз қишда ёздек  
Уст-бошимиз ҳам иссиқ,  
Айиқни ечинтириб  
Кийганлари қизиқ.

Айиқполвон очқамас,  
Топиб ер бир овқатин.  
Лекин юрмаганмикан  
Қаҳратонда совқотиб.

Маймоқвой пўстинини  
Нима учун ечдийкан.  
Бечоранинг ўрмонда  
Ҳоли нима кечдийкан?

### ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Сипқордингиз тун-кун ароқни,  
Бўлиб ҳоли хароб — ичдингиз.  
Тақиқлагач уни донолар,  
Сиз қўлбола шароб ичдингиз.

Бизга ман қилдилар худони,  
Не қилайлик, тор бўлгач олам,  
Қўлбола бир худо ясадик —  
Сталинга сиғиндик, болам.

## ИТДАН ХАФА БЎЛГАНИМ

Мен, гавфодан толган бир одам,  
Банди бўлдим тагин ҳайратга.  
Сен бир итсан, зоти вафосиз,  
Тишларингни дўстга қайратган.

Нафратимга қорилар ғазаб,  
Ғазабимга нафрат йўғрилар,  
Гижгижлади каззоблар сени,  
Сени олқишлади ўғрилар.

Энди карахт аланглайдирсан,  
Қулоқларинг аянч ҳолдан динг.  
Эй шўрлик ит, фаҳмсиз лайча,  
Бир парча гўшт билан алдандинг.

Ўтаётган оғир бу карвон,  
Кўрган сендай неча минг-мингни.  
Ишлатасан каллани эмас,  
Ё тишингни ёки думингни.

На қополдинг, на ҳура билдинг,  
Акилладинг чорасиз, холос.  
Нафратимни қайтиб оламан,  
Ғазабимдан кечаман мен воз.

Сенга ғазаб ҳайфдир. Нафрат ҳайф.  
Ерда қолган матоҳмас юрак.  
Келиб-келиб сен учун энди.  
Нега мен ғам чекишим керак.

Пешанангга кулфат ёрлигин,  
Бугун тақдир ўзи михласин.  
Одамман. Куламан ҳолингга.  
Ҳолингга маймунлар йиғласин.

## БАҲОР

Адашиб келиши мумкиндир, балки,  
Темир излардаги қаторлар.  
Қуёш чарақлаши мумкин адашиб,  
Адашиб ёғиши мумкиндир қорлар.

Не балосиз ўзи, қандай офатсиз,  
Муз каби совуқ ва оташдек ёниқ.  
Сизни севиб бўлар, тушуниб бўлмас,  
Мажнундек телбасиз, Суқротдек аниқ.

Ном-нишон йўқ сизда кибру ҳаводан,  
Лекин кўп мағрурсиз, азизим.  
Сўрамайсиз ҳеч вақт келганда рухсат,  
Сўрамайсиз ҳеч вақт келганда изн.

Доно бўла туриб телбасиз,  
Телба бўла туриб доносиз.  
Сизга таклифнома битмоқчи эдим,  
Ўйлаб кўрсам, бу иш маъносиз.

Сизнинг халоскор бир иродангиз бор,  
Хоҳишингиз бордир енгилмас сизнинг.  
Ҳар йили келасиз ғазабларидан  
Тап тортмай аёвсиз аямажужзинг.

Келасиз ваъдасиз, келасиз онтсиз,  
Миннат ҳам қилмайсиз ёндим деб дарда.  
Ҳар йил ташрифингиз муқаррар сизнинг  
Биринчи мартда!

## ХИВА ЙЎЛИ

Инқилоб номидан муртад ҳакамлар  
Юртга солиб даҳшат, дард, ларзаларни,  
Бу йўлга бир вақтлар тош тўшаганлар  
Майдалаб метиндек мадрасаларни.

«Оқ йўл!» деган гўзал шиор осифлиқ,  
Нақд яхмалак бу йўл текис ва равон.  
Оқ бу йўл, оҳ, бу йўл бунчалар силлиқ,  
Оқ бу йўл, оҳ, бу йўл бунча фаровон.

Бу йўлда автолар қушдек еларлар,  
Билмасдан ҳорганлар, толганларини.  
Ажнабийлар тилло тўлаб келарлар,  
Бир кўрай деб омон қолганларини.

Хоки пок гиштларни қилиб шағал тош,  
Билмам, қай бир жирканч орзу ушалган.



Мен бир сирни сизга қилиб кетай фош,  
Хива йўлларига имон тўшалган.

Ялт-юлт қолиб кетар кент, ўрамлар зор,  
Ҳар бир жон йилдирим ўқдек бу йўлда.  
Филдирак остида мовий осмон бор,  
Қаро ер мутлақо йўқдек бу йўлда.

Беҳабар еламиниз бамисли жайрон,  
Босқилаб муаззам харобаларни.  
Боболар кўрса кўп қоларди ҳайрон  
Бу сўқир, ҳовлиқма харобаларни.

Бу йўлда сал янглиш қилади пачоқ,  
Бир ўйлаб кўрайлик — қайдан, қайга биз.  
Кетмоқда даҳшатли бир қувалашмачоқ,  
Қандай тугар ҳаёт-мамот пойгамиз.

Чарх уриб еламиниз сарсон, мутассил,  
Қурб етмас босмоққа юраклар ҳоврин.  
Бу йўлда бировнинг мақсади — манзил,  
Бу йўлда бировнинг мақсади — соврин.

Қилт этмай еламиниз. Ҳар учқур жусса  
Момиқ ўриндиққа маҳкам ёпишар.  
«Жигули» файласуф... қанча тез учса  
Заминга шу қадар қаттиқ қапишар.

Биз эса тобора ҳаволанамиз,  
Унутиб заминни, ўзлик асосни.  
Нуқул кайфланамиз, сафоланамиз,  
Хаёлга келтирмай мудҳиш қасосни.

Андишасиз елиб борамиз ҳамон,  
Бу йўл, ахир, ҳаёт, бу йўл — тириқдир.  
Йўл эмас бу йўл, йўқ, келажак томон  
Азиз вужудлардан бўлган кўприқдир.

Хива — юрагимиз. Лекин ярми йўқ,  
Маънос эгилади мағрур бошимиз.  
Қулатса келажак бизни... борми-йўқ  
Йўлга тўшалмоққа лойиқ тошимиз?

## ТАЗАРРУ

Етар энди лоқайдлик, гафлат,  
Етар энди лол, карахт ухлаш.  
Демак керак забунни — забун,  
Улуғларни эса — улуғлаш..

Минбарлардан ўтмиш у-бу деб,  
Бийрон сайрар минг-минглаб саъва.  
Кўп муқаддас яловлар бугун  
Муртад оёқларда пайтава.

Рухлар танбал, туйғулар лаванд,  
Фасод кескир, бўҳтонлар — бурро.  
Юз ўгирган шу сабаб бизда,  
Ана, Шайхи Нажмиддин Кубро.

Ўтмиш ҳам бир хом сут эмган жон,  
Гоҳ дард чеккан, гоҳ қилган роҳат.  
Айбдир унга сифиниш, балким,  
Лекин камситиш бу — қабоҳат.

Чунки ўтмиш қуролсиз одам,  
Қошимизда ҳайрон, лол турган.  
У ўзининг ҳимоятини  
Сенга, менга, бизга қолдирган.

Мушкул савдо тушса бошига  
Паноҳ истаб елажаги — биз.  
Биздан бошқа кими бор унинг,  
Биз ўтмишнинг келажагимиз!

## КЎРИК

Бўлса ҳамки эрку ихтиёр,  
Айта билмай рост гапни бетга.  
Тил тилинган бақариб шиор,  
Бўғзим менинг йиртилиб кетган.

Билмам, келди қандайин фурсат,  
Бермоқчилар қай дардга барҳам:  
«Оғзингни оч, тилингни кўрсат»,  
Дейди табибдан бошқалар ҳам.

## ИСТАРА

Юрагимда минг этик изи —  
Жуда ёмон қаттиқ топталган.  
Бу истара яна қаердан,  
Билмам, яна қандай тафт олган.

Қандай ўлмас умиди борки,  
Чарақлайди бу чарослар шўх?  
Қандай қилиб ўчмасдан турар  
Бу муборак, бу муқаддас чўғ?

## КЕКСА АРИ

Мени кечир. Афв эт. Маъзур тут,  
Дарздаман. Қилмагин зулм.  
Тиканларим бор, мана, холос,  
Юлиб олиб қолинган гулим.

Қанотларим титилиб кетган,  
Келганим йўқ сенга ёғмоққа.  
Тарож бўлган асалим менинг,  
Нишим қолган фақат чақмоққа.

## БИЗ

Кўз қамашди. Бу қандай пайсал.  
Ҳаяллама. Тушир пардани.  
Ҳа? Намунча ўдағайлайсан?  
Ўзингни бос. Унут зардани.

Тилингни тий. Кет бу ердан. Тур.  
Бузма ором, бузма асабни.  
Ҳақ гапга сен ё бошингни ур,  
Ё бошингга ургин ҳақ гапни.

Ҳақ гапни қўй. У жон қасдида.  
Ҳар унига солинган занжир.  
Янчиламиз унинг остида  
Тош тагида қолгандек анжир.

Шундай ширин, шундай юмшоқмиз,  
Ҳар ўй — думбул. Ҳар бир хаёл — хом.

Қўл кўкрақда. Боши ошоқмиз,  
Кайфимизни кўтарар ёлғон.

Қамраб олар ширин оҳанги,  
Қилмас ҳеч бир дилни сиёҳ ва  
Аллалайди... биз шундай банги,  
Бизлар ана шундай гиёҳванд.

### СУКУНАТ

Бу диёрга кимлар сепди сув,  
Қайда у руҳ — кабир ва малик.  
Бўри тортиб юборгудек ув  
Даҳшатли бир осойишталик.

Жимжитлик бир қаҳратон савол,  
Жавоб душвор совуқ саволга.  
Музлаб қолган минглаб забон — лол,  
Минг-минг оғиз мум тишлаб олган.

Сукут бу — мол, сукут бу — дунё,  
Сукут — олтин. Сақлайди ватан.  
Пинҳон ётар тоғларда гўё  
Бизлар чўқмор қуйғувчи маъдан.

Ва у тоғлар ётарлар карахт,  
Ер қаърида — баҳайбат бир чўғ.  
Ҳали улар ғазабланиб шаҳд,  
Тупроқ ёриб чиққанича йўқ.

Ёлғон оғриқ юракни эзар,  
Дард — қалбаки. Дармон ҳам — сохта.  
Алплар олис. Алпомиш эса  
Улардан ҳам баттар узоқда.

Лекин борлиқ шундай жимликки,  
Шундай ютилганки нафаси,  
Гўё ҳужум бошлаймиз ҳозир,  
Гўё ҳозир жанг арафаси!

## БУ ТУЙҒУ

Юрагинг тошдан ҳам бешбаттар қаттиқ,  
У шунчаки юмшоқ кўнгилмас.  
Унда бир туйғу бор — ҳаддан зиёд қайсар,  
Унда бир туйғу бор — енгилмас.

Яширмоқчи бўлсанг мабодо,  
Унга темир қин ва метин филоф кийгиз.  
Одоб халтасини, икром қопини  
Тешиб чиқаверар. У бигиз.

## МЕҲМОН

Меҳмон меҳмонлигин билса бўлгани,  
Унга жонинг садқа, унга минг қуллуқ.  
Унинг оёғига иқбол тўшалсин,  
У меҳмон, чиндан ҳам, отангдай улуғ.

У бир фариштадир — осмондан тушган,  
У — толенинг нафис санъати.  
Лекин... меҳмонлигин унутган одам  
Ота душманингдек лаънати.

## ЭЛЬДОРАДО

*Шоир бўлиб шодлик ва бахтни  
Куйламаклик зўр саодатим.*

Ҳамид Олимжон

Рухингни гар қилса қоронғу  
Манглайингнинг қорайишлари,  
Вужудингга тўлдирса оғу,  
Оқ олтиннинг қора ишлари.

Тий андуҳнинг лаънати нафсин,  
Тишлатиб қўй фарёдларга мум.  
Ва — сабр қил. Бошлайман афсун.  
Ўзни унут. Кўзларингни юм.

Таъқиб йўқ сўз деганинг учун,  
Шафқатли бир мамлакат, мана.  
На миннат бор еганинг учун,  
На ичганинг учун бор таъна.

Фуқаро бўл. Иккиланма. Кел.  
Қадамингга зордир бу диёр.  
Сени четлаб қўймайди бу эл,  
Дахлсиздир бунда ихтиёр.

Шавқ дилингга жилолар қалар  
Чарақлаган ситоралардан.  
Керак эмас рухсатномалар  
Махсус-махсус идоралардан..

Луватида йўқдир изтироб,  
Кулфат бунда кўп фавқулодда.  
Барқарордир қонунларида  
Ёлғиз бир боб, танҳо бир модда.

Бунда фақат баҳор, фақат куз,  
Кўзлар чарос, лаблар ақиқдир.  
Ман қилинган ишқдан бўлак ҳис,  
Бахтдан бўлак тақдир — тақиқдир!

### НАВОЙНИ ҲҶИБ

Минг машаққат билан чиқдим мен,  
Қирқ йил тирмашдим бу чўққига.  
«Шоирмассан. Тушавер қайтиб!»  
Шундай бўлди ҳукм — ўқилган.

Теграмга бир боқди у ютоқиб  
Дунё кўриб олмоқ гамида,  
Ерга қайтиб тушмогим учун  
Яна қирқ йил керак... камида.

### ОДОБ ҲАҚИДА

Хушомадгўй эмас, инсонсан,  
Виждон эмас, азизим, нон е.  
Оддийгина яшайбер ҳар кун,  
Унутабер шараф не, шон не.

Жасоратнинг шохи бўлмайди,  
Жўн инсоф ҳам — тенгсиз бир фахр.  
Жилпанглайсан фақат оғанга,  
Уқангга ҳам салом де, ахир!

## уйқучи

Пинакка кетди у ишнинг устида  
Балқиб турганида моҳтоб тўлиниб,  
Кўрак чувадиган темир машина  
Ямлаб кетди битта олтин қўлини.

Шундан бери, мана, иқтисоди ярим,  
Юмушлари — жўлда, бахти — чаладир.  
Қарсақ зарур бўлса катта мажлисларда  
Манглайига уриб чалади.

\* \* \*

Менинг Лайлию Ширин ўрнида сен сарвинозим йўқ,  
На Фарҳодга, на Мажнунга, илож қанча, қиёсим йўқ.

Сен ҳар бир илтифот этган кўнгил осмонда лочиндир,  
Қолиб четда нигоҳингдан, менинг бу имтиёзим йўқ.

Кўзимдан кўнглима ботди умидлар сен кетиб қолгач,  
Қуёш янглиғ ловуллашга туганмас эҳтиросим йўқ.

Сен айтган таъналарга тоғ чидар, тошлар берар  
бардош,  
Менинг бўлса вужудим тоғ эмас, тошдан либосим йўқ.

Қаён кетмак керак сенсиз, билолмасман сира,  
лекин —  
Минг илдиз отганим бу элда бир лаҳза туросим йўқ.

Сени севдим ва сенсиз мен чақинман, нури йўқ  
зарра,  
Сени севдим ва сенсиз қалдиरोқман, гулдуросим йўқ.

Унутдинг ногоҳон сен Матназарни, бу азобингга  
Сени ёд айламақдим ўзга ҳеч бир эътирозим йўқ.

\* \* \*

Сирлашиб фикрчагу сетор энди,  
Сен билан мен каби бедор энди.

Майлига. Айлама рад. Нолада най.  
Ўрганиб ишқига иқроп энди.

Тинмайин муштраб ўзин, рашкини,  
Жанг қилиб, чанг қилар изҳор энди.

Ақлидан озди қиқирлаб қайроқ,  
На илож, тошга темир ёр энди.

Бағрини тонгга қадар тирнайди  
Инграй-инграй, оҳ, қаранг, тор энди.

Тортди дил пардасини доирага,  
Аҳли ишқ ўтда жарангдор энди.

Матназар қалбини бир шарҳла сен ҳам,  
Қаламим, бўлма кўп абгор энди.

\* \* \*

Ўт чақнади ногаҳон юракда,  
Нурланди бутун жаҳон юракда.

Зангор кўзинг чарақ-чарақлаб  
Бўлди-ку, нишон-нишон юракда.

Юракми ё самода бу кун  
Ваёким осмон юракда.

Юракда бўл ҳамиша, жоним,  
Бўлғуси ҳамиша жон юракда.

Меҳринг бўладирми фош, дили тош,  
Ниҳон, ахир, фиғон юракда.

Зоҳирда кўринди Матназар тинч,  
Ҳар лаҳза минг имтиҳон юракда.

\* \* \*

Минг тикан ўқталди биргина бўстон ҳаваси,  
Ҳар тикан нешида минг жабру ситам, кон ҳаваси.

Бир санам солди манго макру муҳаббат кишанин  
Ҳажрида васл ҳаваси, васлида ҳижрон ҳаваси.

Жон бериб дўст деб эдим мен, не қилай, бўлди ахир  
Мен билан дўстлигининг боиси бир нон ҳаваси.

Қуригай қанча тиниқ, пок эса-да, жилға агар  
Унинг ҳар қатрасида бўлмаса уммон ҳаваси.

Бахт эрур қилса агар ёв қўли бўғзингни ҳавас,  
Шарт шуки, бўлса фақат ҳасрату армон ҳаваси.



Урмагай меҳварида ер фалак ҳукми била чарх  
Уни айлантиради, аслида, инсон ҳаваси.

Матназар, сурма хаёл орзу ҳавас ҳақда бугун,  
Йўқ-ку эгнингда қанот, айт, бу не осмон ҳаваси.

\* \* \*

Қимтиниб қумри каби ёр келди,  
Бу саодатга юрак тор келди.

Чидадим сенга нигор келгунича,  
Энди сен, ғам, кетавер, бор, келди.

Билмадим, хаста ҳузурига табиб,  
Ё табиб қошига бемор келди.

Гарчи емирилган эдим ҳажрида  
Муҳташамман яна, меъмор келди.

Кўз чарос, лола яноқ, қомат сарв,  
Бизни деб боғ ила гулзор келди.

Меҳри йўқ, севгиси йўқ, дардсизлар,  
Барчаси дунёга бекор келди.

Ўзни ҳижрон неча тасдиқламасин,  
Матназар қилгали инкор келди.

\* \* \*

Кулиб лоқайдгина ёнимдан ўтди,  
Бу бепарволиги жонимдан ўтди.

Пушаймон этдими, қайрилди сўнгра,  
Мисоли бир қошиқ қонимдан ўтди.

Қоронғу бу кўнгилга тушди кўзлар,  
Чақин чақнаб, зимистонимдан ўтди.

Агар ғамгин кўринсам айб эмасдир,  
Бу айб сарви хиромонимдан ўтди.

Ажабланманг қаламнинг ноласига,  
У тифданмас, у ҳижронимдан ўтди.

Эл ишқимдан хабарсиз Матназарман,  
Фариб достони достонимдан ўтди.

\* \* \*

Ловиллар лолалар тоғлар тарафда бир фасл, жоним,  
Хазон умри муҳаббатдан баҳордир муттасил, жоним.

Бўлиб тутқун қутулгим йўқ, муқаддас бир  
қафасдир ишқ,  
Халос бўлмоқни хоҳларми кўнгилли ҳеч асир, жоним.

Сени севгач мен ўз қалбимга ҳам бир эътиқод қўйдим,  
Билингай ўтда олтин сохтами ёки асл, жоним.

Сўзингдан ғам, кўзингдан нур умрбод ёдгор қолди,  
Тиканлардан тикан, гулдан қолур гуллар насл, жоним.

Баҳор ўхшар, қуёш ўхшар, чаман ўхшар жамолингга,  
Фироқ ичра ширин борлиқ қилар аччиқ ҳазил, жоним.

Чекиб озорлар, торларга жо қилдим наволарни,  
Юраклардан қўшиқ элчи, фалаклардан — расул,  
жоним.

Бугун гарчи фироқ тақдир, жудолик бўлса ҳам қисмат,  
Юракда орзу — дийдор, умидимдир — васл, жоним.

\* \* \*

Сенинг мадҳингга машғул хоҳи носир, хоҳи нозимдир,  
Мен ҳам шарҳ айламоғим бу кўнгилни сенга  
лозимдир.

Мени чорлаб эди, борсам кетибди севги қалбингдан,  
Ўзи таклиф қилиб қочган ажиб меҳмоннавозимдир.

Сукунатга қулоқ тут, бу жаранглаб илтифотингдан,  
Кейин жабринг туфайли ногаҳон сўнган овозимдир.

Бўлиб саф-саф кўнгил сўрғай дарахтлар бир ўзим  
ўтсам,  
Ҳаётсан-ку, ахир, жоним, бу не янглиф маросимдир.

Кўнгил узмакка қўймасдан чарақлар кўзларинг  
тинмай,  
Умидим боғида унган узилмас жуфт чаросимдир.

Кўнгил бир салтанатдир, сен агар лоқайд бўлиб  
Таназзул бундан ортиқ бўлмағай, бу инқирозимдир. қолсанг,  
Билиб қўй, Матназар айтган қўшиқдан ҳеч бошинг  
Бу оз меҳринг учун сендан олиб тинмас қасосимдир. чиқмас,

\* \* \*

Билмадинг... сенга ёмон зор бўлдим,  
Бир бу жонимга минг озор бўлдим.

Кўзларимда бир умр бўлдинг ёш,  
Кипригингда лаҳза мен қор бўлдим.

Мен неча бор дедиму, бўлдинг йўқ,  
Сен неча йўқ дедингу, бор бўлдим.

Айрилиқ — бу не ғариб юксаклик,  
Ҳам азиз бўлдим, ҳам хор бўлдим.

Сен сабаб севги деган кулфатдан,  
Не саодатки, хабардор бўлдим.

Қил сабр, сўнги нафас узгайман,  
Сенга мен жон ила қарздор бўлдим.

## ОРОЛ ҚЎШИҒИ

Тоғлар бошида эриди кўп қор, болам,  
Қатрангта бироқ бўлдим ҳануз зор, болам.

Гар тўлмаса бағринг, кўп уят осмонлик,  
Йўлингда кўзим телба ва шунқор болам.

Денгиз мен ўзим, чанқасам, оҳ, чорам йўқ  
Дарёсан, ахир, ташна болам, зор болам.

Маснади осмон эса ҳам ер бўлмай,  
Кимки азизларни қилар хор, болам.

Ёки ҳаёт, ёки мамот — ҳал бўлғай,  
Номус болам, обрў болам-а, ор болам.

Бахтдан умид, жондан умидим сенсан,  
Сен сира йўқ бўлма, менинг бор болам!

\* \* \*

Бездим аччиқ сўзидан, энди юрак бол истар,  
Буни айтганда тилим бўлмоғин у лол истар.

Кўрмаса бизни аланглар эмиш-у ҳар ёнга,  
Бўлмаса қошида, қурбонини қаттол истар.

Ишқ бозори тангу тор меҳр аҳли учун,  
Нечалар, камдек ўзи, ўртада даллол истар.

Ёр дийдори умидимдиру, бир умидга  
Аҳли шеър неча туман ташбиҳу тимсол истар.

Сўзласин ҳуснини тору, бўзласин васфини най,  
Зор кўнгил бошқа на бахт, бошқа на бир фол истар.

Қилма пеш ақлу ҳушинг, қўй мени ўз ҳолимга,  
Ишқ аро ҳар киши, бил, ўзгача бир фол истар.

Неча кун ғунча очилмоғига муштоқ булбул,  
Матназар тоқати тоқ, василни дарҳол истар.

\* \* \*

Кўнглим... чарчадинг — толдинг...  
сафо қилсанг бўлмасми,  
Ўз жонингга ўзинг кам вафо қилсанг бўлмасми.

Муҳташам бир манзил деб вайрон бўлиб турибсан,  
Ўзингга сен ўзингни маъво қилсанг бўлмасми.

Тарозу бўлсанг бошинг тошдан чиқмайди асло,  
Ўлчовсиз бир умрни раво қилсанг бўлмасми.

Итлак суяк, нодонлар обрў талашгай доим,  
Хокисорлик тахтини даъво қилсанг бўлмасми.

Қўрқинчли сулдорингга тор келганда самолар,  
Ёмон қаттиқ қичқириб наво қилсанг бўлмасми.

Насиб этсин ҳамиша ҳар кимга ўз-ўзлиги  
Минг дардга бир даво шу, даво қилсанг бўлмасми.

\* \* \*

Муҳаббат бир ғариблиқдир, муҳаббат бир виқор  
ҳар кун,  
Юракда барқарордир ҳам азоб, ҳам ифтихор ҳар кун.

Фироқ масканларида сенга тимсол қанча мажнунтол  
Қараб сувга тараб сочин, йўлимга интизор ҳар кун.

Умр бўйи азиз номинг менинг қалбимда пинҳондир,  
Расмдир аҳли дард кўксинда бўлмоқлик тумор  
ҳар кун.

Агарчи йилда бир келдинг, бу дийдорга шараф бўлсин,  
Баҳорга ўхшадинг-қўйдинг, келиб турмас баҳор  
ҳар кун.

Рақиб ишқингда ўлдим дер, ишонма, чунки ўргимчак  
Тирик қолмоқ учун кўргай ўзига-ўзи дор ҳар кун.

Фазалар элчидир сендан, уларни нобуд этмасман,  
Хаёлда Кўҳна Урганчу, хаёлда Ўтрор ҳар кун.

Кўнгил оқ бўлса ҳам қат-қат аламдан дилсиёҳ бўлдим,  
Шу боис Матназар, толгай бу дафтар эътибор ҳар кун.

\* \* \*

Бўлиб қадди ниҳолга мубтало дўст,  
Бу бир бошимга ортти минг бало дўст.

Нафас олсам қаро сочи муаттар,  
Булар райҳон билан боди сабо дўст.

Умидим бир ажойиб тор — узилмас,  
Агар билсанг, шу боис бир наво дўст.

Висол дўст бўлмасин невчун юракка,  
Мудом малҳам билан, охир яро дўст.

Ўзи бўлди кўзим оқу қароси,  
Бўларкан оқ билан, тавба, қаро дўст.

Ситам айлар санам гоҳ, гоҳи шафқат,  
Гоҳи шайтон дўстдир, гоҳ худо дўст.

Қўшиқлар кетди ташлаб Матназарни,  
Қочар, тор бирла бўлмас ҳеч садо дўст.

\* \* \*

Бўлган янглиф баҳор келганда боғим ям-яшил,  
Ташласанг сен қайга кўз бўлсин, илоҳим, ям-яшил.

Соғиниб хўрсинганимда чайқалур райҳонларим,  
Ёки бу тонг елими, ё бўлди оҳим ям-яшил.

Ям-яшил ўйлар суриб ёнмоқдаман сен ҳақда, ёр,  
Лоладан бил — шоҳидим алвон, гувоҳим ям-яшил.

Ям-яшил боғларни кездим, ҳеч гумоним сўлмади,  
Ям-яшилдир, бил, савобим, бил гуноҳим ям-яшил.

Боғман теккан хазон, эй навниҳол, бағримга кел,  
Заъфарон бўлсам-да, мен, бўлсин қучоғим — яшил.

Туш кўрарман гоҳида, Жайхунману, кўпмиш сувим,  
Талпинармишман санго — икки қироғим ям-яшил.

Матназар, бу боғ менинг, ҳар баргида бор минг ҳаёт,  
Ишқ бир офтоб, урмагай, чунки паноҳим ям-яшил.

\* \* \*

Айладим ҳар лаҳза васлингни гулираъно, умид  
Ишқ — муқаддас салтанат, бўлмоқ гуноҳдир ноумид.

Ишқ умиддир, бахт умид, чун сен умидсан, дилбарим,  
Кўр, нечоғлик давлатим кўп, менда бир дунё умид.

Бўлдингу қалбимга ҳамроҳ, кўп ўлимдан сақладинг,  
Не қилиб қарзимни мен сендан узарман, о, умид.

Тут мени маъзур, сиғиб ҳаддим, умид этдим сени,  
Қилгани янглиф чаманлар васлини саҳро умид.

Сен фиروق ичра хаёлимни умид қилдингми, ёр,  
Чақнамоққа тунни айлар ҳар маҳал Зухро умид.

Икки дил бор бўлмаса, шаксиз муқаррардир фиروق,  
Қутқаролмас бу балодан, бил, сени ҳатто умид.

Токи мавжудсан ҳаётда, бил, умид ҳам барқарор,  
Барқарорсан, Матназар, бордир ҳаётдан то умид.

\* \* \*

Қилар гоҳи юракни қон тартиб,  
Ўзи шоҳу, ўзи зиндон тартиб.

Ғазаб қилдинг кетар чофингда, маҳваш,  
Чиқар вақтинда қилмас жон тартиб.

Мудом тартибни ўргангил жаҳондин,  
Ғалаён ошкор, пинҳон тартиб.

Қилур вайроналарни гоҳи обод,  
Гоҳ ободни қилур вайрон тартиб.

Қуриб-қақраб қолар эрди муқаррар,  
Агар билса эди уммон тартиб.

Муҳаббатда нечун ором олай мен,  
Мисоли ўт ва сув жонон, тартиб.

Бузиб ёз, Матназар, сен интизомни,  
Берар бўлсанг агар девон тартиб.

\* \* \*

Куйласам, кўнглимда соз, чалсам қўлимда тор йўқ,  
Дилда меҳрим бир жаҳон, иқрор бор, изҳор йўқ.

Муҳташам бир қалъадир кўнглим, нетай, бўлмиш  
Тархини билгувчи таъмир этгали меъмор йўқ, хароб,

Ўзгалар пойига соч меҳрингни ҳеч тутмай дариг,  
Қилма миннат ҳеч қачон, бил, бунда миннатдор йўқ.

Ишқи йўқлар мулки, айтгил, бўлмасин нечун талон,  
Бор бир ўғри ҳар қадамда, битта ҳам бедор йўқ.

Дард чекиб рухсори гуллар ўз-ўзига қўйди ўт,  
Ишқ аро кўпдир азоб, оташ аро озор йўқ.





Ҳасад аҳли алам ичра кўролмасдан камолингни,  
Тикан отса — чаман, ирғитса тош — дурри яман  
бўлсин.

Саодатдан бўлак қисмат бўлиб тақиқ замини узра,  
Муҳаббатдан бўлак ҳис, Матназар, мангуга ман  
бўлсин.

## ТОНГ

Азиз бўлди менинг-чун жон қадар тонг,  
Бўлиб ҳайрон ўзига, донг қотар тонг.

Сен энди уйғотишни тонгдан ўрган,  
Сочиб нур, аста-аста уйғонар тонг.

Қоронғу кечалар ёримга менгзар,  
Ўзи ноз уйқуда ухлаб ётар тонг.

Шивирларман ёруғ бир сир самога,  
Уни ҳеч сақламасдан тарқатар тонг.

Нафи йўқдир дилинг зулматда бўлса,  
Сабо — кўрқув, саҳар — хавфдир, хатар — тонг.

Саодатни умид этган маҳалда  
Насиб гар бўлмаса, қаттиқ ботар тонг.

Фироқ оқшоми дард янглиғ узайди,  
Сабр қил, Матназар, ҳозир отар тонг.

\* \* \*

Ўртада йиллар ва йўллар мисли бир девор жим,  
Мен бу ёқда зор жимман, сен у ёқда, ёр, жим.

Ўзгалар дард чекмайин, кўп чекдилар ёлғон фигон,  
Сен эса чекдинг жудоликда фақат озор жим.

Жимлигинг ҳақдир, гулим, ёзфирма мен бийронни кўп,  
Севгининг илмин қилурлар, аслида, такрор жим.

Аҳли савдодир бу юрт, ҳеч тинмади шовқин-сурон,  
Ҳеч қачон бўлгаймиди, айтгил, ахир, бозор жим.

Ўзгалар отганда харсангтошни минг миннат билан,  
Тухфа қилдинг менга сен, жоним, дури шаҳвор жим.

Жим қолур, юлдузлара ҳолимни жим шарҳ айласам,  
Дард ёмон — жимдир табиблар, дард ёмон —  
бемор жим.

Матназар, бир лаҳзалик ғофилсану, кўп сўйладинг,  
Нур сочар осмонда офтоб мангуга бедор, жим.

### ДАРДИНДАДИР

Дилбарим бирлан юрак бир иттифоқ дардиндадир,  
Дилбарим бўлса кеча-кундуз нифоқ дардиндадир.

Талпинар тинмай чароғон кўзларига борлиғим,  
Телбавор парвоналардеқдир, чироқ дардиндадир.

Не қилиб дард иштиёқи сўнсин, айт, ишқ аҳлидан,  
Дарди доим иштиёқда, иштиёқ — дардиндадир.

Кўзларига ғофилимнинг унча қойил қолмадим,  
Фарқламай зар бирла мисни, ялтироқ дардиндадир.

Ишқ бу уммон, нечалар киргач ҳовучлаб жонини,  
Фарқ бўлиш ваҳмида зир титраб қироқ дардиндадир.

Осмон янглиғ умр гоҳ сокину, гоҳ ларзада,  
Гоҳида мовий сукут, гоҳ қалдироқ дардиндадир.

Матназар, юксақдан учган турналардек бахт қуши  
Бўлса ҳам бошимнинг устинда, йироқ дардиндадир.

### ТОҒ КАБИ

Тоғ каби юксалдим, торлар мисоли титрадим,  
Шу қадар ожизлигим бор, шу қадардир қудратим.

Ёшларим ёғду сочиб кўксимга тим-тим томдилар,  
Гоҳи юлдузларга, гоҳ шабнамга юқди иллатим.

Ям-яшил туйғуларимга сен кетиб тегди хазон,  
Қовжираб, япроқ бўлиб бир-бир тўкилди ҳасратим.

Ҳуснингга мағрур бўлиб айтдинг: «Ўзингдан  
кетма, ёр»  
То яшайсан менда, мумкинми ўзимдан ҳижратим.

Чикди ёдингдан нигоҳим, бўлди овозим унут,  
Кўзларимни чирт юмиб олдим, товушсиз ўкрадим.

Тақлид этдим қушларим — қардошларимнинг  
Кеча-кундуз нолалар қилдим, саҳарда мудрадим. феълига,

Кўкда чақмоқдек хаёл сершиддат эрди, Матназар,  
Мен уни тўмтоқ қалам бирлан қоғозда судрадим.

### НЕЧА ЙИЛЛИК АЙРИЛИҚДАН

Неча йиллик айрилиқдан жонларим ёнмоғи бор,  
Жизғанак бўлмоқ учун талвасали тўлғонмоғи бор.

Кўзларим очдир менинг ҳам ташнадир жоним ёмон,  
Кўз тўйиб жондан бу жон кўзёшима қонмоғи бор.

Гоҳи ой, гоҳи қуёшга ўхшатиблар аҳли ишқ,  
Кеча-кундуз бир-бирин авраблар алданмоғи бор.

Дилдаги ҳар бир умид йўлингда сўнмасдан бурун  
Милтираб юлдуз каби ун чекмай инграмоғи бор.

Минг йил ухлаб ётган ул тоғлар сари қўйсанг қадам,  
Ташрифингдан тебраниб даҳшатли уйғонмоғи бор.

Ҳар балонинг сўнги бордир, дилбарим, бир кун келиб,  
Борлигимнинг борлигинга телба чирманмоғи бор.

Ёр азоб бергум деди ўлгунча, лекин, Матназар,  
Тушмагил таҳликага, алдоқчининг тонмоғи бор.

### ТОВОН

Эшитдимки, Эрон ёқларда  
Ёлғон сўйлаб, ўтрик деганлар  
Оғизни сув билан уч марта  
Чайиб, ҳалол қилар эканлар.

Бизда не кўп? Кўп ёлғон ваъда,  
Бизда не мўл? Фасод — қўланса...  
Инсофданми ёлғонга бадал  
Обиҳаёт билан тўланса.

Ҳар халқда бир ўзга ибодат,  
Ҳар элнинг бор ўзгача дарди.  
Агар жорий бўлса бу одат,  
Бизга қаттиқ офир бўларди.

Қашшоқларни ҳайрон қилардик  
Яшаб баттар оч, тақчилликда.  
Ўлкамизни вайрон қилардик  
Бундан баттар қурфоқчиликда.

Гарчи бизнинг ҳар сўз — текширув,  
Гапирамиз элаб, элаклаб,  
Ташиларди минбарларга сув  
Пиёлалаб эмас, челаклаб.

Боғлар эмас, сўйласак бизлар  
Шолизорлар қақраб сўларди.  
Орол гапми, барча денгизлар  
Оғиз чаймоққа сарф бўларди...

### САЙЛОВГА ДАЪВАТ

Пахтанинг вақти йўқ,  
У иш билан банд.  
Етказолмас юрак нолаларини.  
Вакил қилиб сайланг  
Олий Кенгашга  
томларнинг  
қизғалдоқ  
лолаларини.

Ярашади улар  
муҳташам жойга,  
улар байроқдан ҳам  
алвонроқ,  
олроқ.  
Қолаверса,  
улар Московга кетса,  
бўлар  
пахта учун  
ер бемалолроқ.

## БАШОРАТ

Сен кучук эмассан, эмассан хўтик,  
Сенинг келажагинг бошқача.  
Сендан ижирғанар энг нафис гулдан  
Тортиб, хув, анави тошгача.

Сен юрган йўллардан ҳамма чиқади,  
Вужудга сесканиш соласан қуруқ.  
Хунук калтакесак, бунча гўддайма,  
Бунча кибрланма, эй қаҳратон турқ.

Ҳаз этиб юравер қуёшламада,  
Кутма ҳар йўлиққан одамдан низо.  
Кўп тараққий топсанг — эчкиэмар,  
Жуда нари борсанг, бўларсан тимсоҳ.

## ТАЖАНГ ОДАМ

Луғат-луғатларга уриб кетди сўзлар —  
Садоқат, орият, муҳаббат ва шаън.  
«Озодлик» сўзига тикилиб боқсанг,  
Нарёғидан кўзга ташланар кишан.

Бахтни ниқоб қилиб олгандир кулфат,  
«Дўстлик» сўзи зимдан пичоқ қайрайди.  
Том тешиб, уй босиб тунда ўғирлик  
Кундузи минбарда чаҳ-чаҳ сайрайди.

Жаранглардан кетиб қолган дилда ун,  
Торларим титрайди навосиз, куйсиз.  
Дейлик, фариштадек кўринган анов  
Таннознинг қилиғин айтсам — ўқчийсиз.

Бу гапларим менинг муболағамас,  
Бу гапларим менинг — нафсиламрдир.  
Одамлардан бугун кўнглим совиган,  
Одамлардан бугун ҳафсалам пирдир.

Фақат гужум қолган гужумлигича,  
Толлигича қолган фақат бу толлар.  
Бўрон тушунилар «бўрон» деганда,  
Шамоллар англанар десак шамоллар.

Қуёнлар қўрқоқдир, бўрилар қонхўр,  
Олапар — олапар, қашқа бу — қашқа...  
Кимни севиб қолай гуллардан бўлак,  
Кимга ошиқ бўлай чечақдан бошқа?!

### ИРОДА

Бир гал бошлаганди беомон  
Озод бир эзгулик жангини,  
Ногаҳон қуладим... сўнг фақат  
Қоқдим усти-бошим чангини.

Ёвуз осудалик бошланди,  
Бўлмай қўйди ёвим низоли.  
Йиллар ўтиб, мана, туғилдим,  
Хоин бир бардошнинг тимсоли.

Туққан ерга бино қўй, ўғлим,  
Бино қўйма мендек сабрга.  
Йиғилсанг, бир сиқим тупроқ олиб тур,  
Ташла бардош ётган қабрга!

### ЖАЗО

Фақат бўйсуннишни биларди,  
Фарқсиз эди унга на шайтон, на худо.  
Бу қайси бир шоҳнинг жонига тегди,  
Бошини қилдирди жонидан жудо.

— Қопқоғини очинг, — деди, — бу бошнинг,  
— Тўнтариб силкитинг, — деди қалтираб.  
... Бошдан мия эмас, сон-саноксиз кишан  
Оқиб тушаверди шалдираб.

### ДАВР

Гулдурос қарсақлар, яқдил қарорлар,  
Сайловлар — ҳамма бир овоздан.  
Зафарлар, омадлар, барорлар —  
Сиёҳдан, қаламдан, қоғоздан.

Зимдангина қилиб ташлади ўсал  
Сезилмас оғриқнинг азоби.  
Суякка етган бу пичоқ, кўп гўзал,  
На учи бор унинг, на тиг, на сопи.

### **ИМКОНИЯТ**

Ғамгинлик кам эмас қуликдан,  
Лекин маҳбусман деб нолиш — уятдир.  
Ҳар лаҳза, ҳар нафас бу тутқунликдан  
Халос бўлмоқ учун имкониятдир.

### **ҒАРОЙИБ ЮРТ**

Номи жуда улуғ — гупурадир,  
Ҳар қадамда иқбол уфурадир.  
Бу юртнинг байроғи бошқача,  
Бу юртнинг байроғи — супрадир.

### **ЖАНГНОМА**

Хотиржам бўл. Эмасмиз жаллод.  
Гарчи шафқат билмас, қотилмиз.  
Бизлар софдил, холис бир авлод,  
Ғақат зулматкашмиз. Одилмиз.

Гирифтор бўл жазога. Нур ол.  
Эй, йўқликлар ичра йўқланган.  
Кўзларимиз даҳшатли қурол  
Сўнмас умид билан ўқланган.

### **САБАБ**

Ҳамма билганлари ичида,  
Доно, тадбиркор у жуда.  
Арқонини узун ташлаган,  
Ўзи ҳам боғлиқ бир учида.

## ОДДИЙ МАНЗАРА

Уруғ тушган чексиз колхоз даласи,  
Душман босган каби ожиз бир элни —  
Қора қарғаларнинг улкан галаси  
Булутдек қоплаган отизни, челни.

Ёнғин ўтган жойдек қора ҳаммаёк,  
Зоғларнинг иши шу. Юрар донланиб.  
Телпак, пальто кийган саноқсиз таёқ —  
Қўриқчилар турар лоқайд солланиб.

## ҚЎШИҚ

Баҳор ҳақда қўшиқ куйламоқдаман,  
Жарангдор эмасдир бу сафар розим.  
Йўқотиб соҳир товланишини  
Бир вақтларги биллур овозим.

Ҳайрон қоладиган жойи йўқ бунинг,  
Овоз деган сўнар. Узилади тор.  
Лекин сен-чи? Сенга не бало бўлди?  
Бу не заъфаронлик, азизим баҳор?!

## ТОҚАТНИНГ ТАЪРИФИ

Ишинг бўлмасин ҳеч ўзгалар билан,  
Фақат ўзингга санч нишингни.  
Чида. Ўз тилингга қоровул қилиб  
Қўйгин ўттиз икки тишингни.

Миқ этма. Сўкма ҳеч давронни,  
Уни ҳўкиз бўлиб сур аввал.  
Уни бахтли деган сен ўзинг  
Ўзинг уни деган хур, аввал.

Қонунбозлик қилма. Иқбол бобида  
У танҳо, у ёлғиз, у якка.  
Энди ўзингга ур пичоқни  
То бориб етгунча суякка.

Селоб қон оқаркан жароҳатингдан,  
Ул пичоқдан ювиб то зангни —



Минг-минг сабр коса ҳозирла,  
Тўлдир минг-минг сабр косангни.

Даврингни ҳур қилган зотларни  
Таклиф қилиб келтир ёнингга...  
Шундай қилиб, бошла базмни,  
Ташналарни қондир қонингга.

### ДУДУҚ

Сармаст бўлиб кўм-кўк, ям-яшил бахтдан,  
Ўсардим пурвиқор, юксалардим чўнг.  
Синдириб олдилар мени дарахтдан,  
Бураб-бураб дудуқ чиқардилар сўнг.

Шундан бери бўлдим сукунат ёви,  
Мендан, эй, фиғонлар таратган дўстим,  
Оёқости бўлиб ётган анови  
Суягимни кўмсаб куйлайди пўстим.

### ИЗОҲ

Дийдор қувончидан ногаҳон  
Бирон-бир кори ҳол топмасин дейман.  
Қовурғамни синдириб, ўзимдан олдин  
Қошингизга чопмасин дейман.

Ахир, бу юрагим кимсасизликдан  
Зада бўлиб қаттиқ ўқинган.  
Энди билгаңдирсиз нима учун мен  
Қўлимни қўяман кўксимга.

### НАВРЎЗ

Наврўз!  
Кўк байрами!!!

Юракни  
Ям-яшил ҳаяжон қучоқлар.

... Уйғонма, бедазор,  
Пусиб ёт, майса.  
Бошингни қирқишга шайдир  
Пичоқлар.

## ПОЕЗДА БИР ҲАФТА

Гоҳ қуёш чарақлар, гоҳ осмон булут,  
Гоҳи ҳамла қилар довуллар.  
«Салом! Хайр...» Йилат-йилат қолиб кетади  
Қишлоқлар, ўрмонлар, овуллар.

Майда-майда, оппоқ-оппоқ қор,  
Оҳиста-оҳиста, элак-элаклаб  
Ёғиб-ёғиб келиб, қўққисдан  
Ёмғирга айланар челақлаб.

Қайсидир бир пана-пастқамда  
Рўй бериб қолади майсалар — тантиқ,  
Муборақбод этдинг. Бу кунлар  
Муҳаббатдек гўзал, бемантиқ.

## МАНЗАРА

Ўкинчни қўй. Баҳор келди. Нолима.  
Ловиллаб ястанар бу қийғос адир.  
Итлар қоғиб олса, хавотир олма.  
Ёмғир ёғиб ўтди. Ҳаво тозадир.

## ЭЪТИРОЗ

Сўзларинг ёғдули. Кўзларинг сернур.  
Уларга юрагим беланди неча.  
Кўзёшларинг қимматбаҳо дур  
Сен уларни асра, уларни тежа.

Висол гули жуда тансиқдир. Бироқ  
Сен иста-истама сўлади.  
Кўзёшларинг ҳали муносиброқ  
Қайғу учун керак бўлади.

Тўхтат бу аза, бу мотамни  
Сенга насиҳатим шул, гулим.  
Бунча уялтирма одамни,  
Мен учун йиғлама, кулгилим.

## ЎЗГАРИШ

Ўтлатиб бўдилар соҳилларида  
Аму, Сирдарёлар охуларини.  
Ҳар пахта пайкали, ҳар шоліпоя  
Қуймоқда уларга оғуларини.

Икки кокил эди бу икки дарё  
Товланиб, завқлар бахш этгувчи жонга...  
Дўниб бормоқдадир элни ўраб турган  
Иккита заҳарли илонга.

## МЎМИН-ҚОБИЛ

Сўл десангиз, етар — сўламан,  
Очил деб айтсангиз — очиламан.  
Йиғил десангиз — жам бўламан,  
Сочил десангиз бас — сочиламан.

Ён десангиз ёнай шу замон,  
Ўч десангиз дарров ўчайин.  
Саваладингиз кеча кўп ёмон,  
Қамчингиз оғримадими, хўжайин?!

## КОСМОПОЛИТ

Ҳамма сув ичмаган булоқ булоқмас,  
Минг жонга етади бир тиниқ чашма.  
Инсон хотираси улоқмас,  
Уни эҳтиёт қил. Ташлама.

Махтумкули — ўзбек, Фузулий — ўзбек,  
Мен уларни ўқиб туриб тирикман.  
Ошиқобод ёқларда тингладим ғазал,  
Демак, ҳеч шубҳа йўқ, Навоий — туркман.

Илмий асослардан йироқдир сўзим,  
Майли, даъволарим менинг норасмий.  
Балки одойдирман мана мен ўзим,  
Балки ёвмут бўлган Хоразмий.

Энг буюк миллий бир унвон бор — Одам,  
У қурбони бўлмас кибру ҳавонинг.  
Тонглар уйқум қочар янгроқ нидодан  
Руҳи чирқирайди Саёт Навонинг.

Отам Арастуни мутолаа қилган,  
Юнон файласуфи, демак, Урганжий  
Есенин Шерозга интилган,  
Александр Пушкин эса сал занжий.

Шоир ҳамманики. Ёдингда сақла.  
Унутма. Ҳамманики кашшофлар.  
Яхшига эга кўп. Сен ҳам ардоқла,  
Ҳеч кимники эмас фақат пашшоблар.

### **АЙРИЛИҚ**

На осмондан мадад, на ердан ёрдам,  
Келмасанг — кунларим ваҳший бир ҳолда.  
Ҳозир қулаб тушдим. Узилдим дордан,  
Бош остимда кунда. Устимда — болта.

Дийдамга ёш келмас. Тош қотган дийдам.  
Кучоғим қабрдек ҳувиллар.  
Юрагим тап-тақир. Руҳим шипшийдам.  
Борлиғимда бўри увиллар.

### **ТЎРТЛИК**

Ўғри айш сурмоқда — яна нима керак?  
Кўппаклар ҳурмоқда — яна нима керак?  
Дарёни таладилар, тоғларни гажиб,  
Денгиз қуримоқда — яна нима керак?

### **КАРАШМАЛИ ГУЛ**

Маст бўл жилваланса, ишва бошласа,  
Қўрқитмасин беҳад хушбўй экани.  
Гулнинг ҳиди жинни қилиб ташласа,  
Ақлингни киритиб қўяр тикани.

### **ДАРАХТЗОР**

Ғаройиб бир мулқдир дарахтзор,  
Ҳар бир япроқ — бебаҳо давлат.  
Бунда биров мева тўқади,  
Биров эса... тўқади савлат.

## НИШОНПАРАСТ

Эл кўнглин хуш қилмасак бўлгани,  
Ёз фаслин қиш қилмасак бўлгани.  
Гап гаплаб қаҳрамон бўлсак бас,  
Ишқилиб, иш қилмасак бўлгани.

\* \* \*

Кўпайди тармоқлар, соҳалари,  
Сўлиб қолди сўлим воҳалари.  
Бир кўйлакни кийиб олди юпун эл,  
Лекин... жуда кўпдир ёқалари.

## ГОЯ

Шўрлик! Ўз тилингга етмайди кучинг,  
Таъкидлаб менинг гап уқмаслигимни,  
Киноя қиласан, отасан пичинг,  
Истайсан чизиқдан чиқмаслигимни.

Чизиқ бўлса агар кўпга келган тўй,  
Мафкурам тузукми — бузуқми,  
Сенга чиздирмайман, билиб қўй,  
Ўзим чизаман бу чизиқни.

## СУРБЕТ

Унга дуч келганинг мудҳиш бир кунни  
Умримда энг азиз оним деб айтдинг.  
Виждоним деб айтдинг виждони йўқни,  
Шаъни йўқни, дариф, шоним деб айтдинг.

Сен осмонда эдинг. У ерда эди.  
Ютоқиб қанотларинг қасдида.  
Бошга кўтардинг, сўнг гердайиб, деди:  
«Ўралашма оёғим остида...»

## ШАЙТОН

Жуда олижаноб, кўп сермурувват,  
Чунон раҳмдилки, қиласан ҳавас.  
Фақат бир шарти бор, фақат бир шарти,  
Унинг мушутига пишт демасанг бас.

Айланиб-ўргилар қадду бўйингдан  
Ҳар сўздан таратиб зиёни...  
Мушуклари эса, мушуклар эса  
Босиб кетган бутун дунёни.

\* \* \*

Қушдек озод бўлди ҳамма қул,  
Муте турибди у анграйиб.  
Аҳволи ўзига кўп маъқул,  
Унга занжир ҳайфдир, унга кишан ҳайф.

Осонгина оёқости этади  
Йўлиққан ҳар муртад — амири.  
... Уни боғлаб қўйиш учун этади  
Лағмоннинг узун бир хамири.

### СОКИНЛИҚДА

Жуда, жуда секин ўтаётир вақт.  
Рўдапо тайсалда — юксак малака.  
Тисарилиб олиб ҳар қайсар лаҳза  
Сабрим, тоқатимни қилар калака.

Офтобга илтижо қиламан бот, деб,  
Ҳар бир шуъласига айлаб тоатлар.  
Ўзни даҳо санаб юрган тентақдек  
Асрликни даъво қилар соатлар.

Тахмондан ёстикдек қулайди харсанг,  
Гўё бошимга ҳеч таҳликаси йўқ...  
Парвоз қилиб келар пардек оҳиста  
Юрагимга қараб узилган бир ўқ.

### ЖАРРОҲЛИК БЎЛИМИ

Умид бунда ўқталар наштар  
Орзу тинмай танингни тиллар.  
Қоқилади дардманд бошингга  
Қўрқув, алам — бамисли михлар.  
Исканжага олар минг санчиқ,  
Сен сув аро ўт, ўт аро сув.  
Хаёлингга лопиллай бошлар  
Ҳаёт, ўлим — мудҳиш тарозу.

Тўшак тошдек қаттиқ ботади,  
Жонингдан тўйдиран азоблар.  
Оқ либосли халоскорларни  
Ногоҳ лаънатлайсан «Қассоблар!»  
Нарёғида — жимлик, зулумот,  
Нарёғида — сал тўй, сал аза.  
Қандайдир бир мўъжиза билан  
Аста кўзларингни очасан.  
Кета бошлар дард девори дарз,  
Кесиш, чопиш ва қирқишлардан.  
Табассумлар кўрина бошлар  
Оғриқларнинг тирқишларидан.  
Саодатдан олис бир хабар  
Келиб қарор топар вужудда.  
Лайлақларнинг қанотидамас,  
Пичоқ тиғи, игна учида.  
Сал кечикиб тушар ёдинга  
Инграмоқнинг ор эканлиги  
Ва... дунёда ўлимдан бошқа  
Нарсалар ҳам бор эканлиги.

### ЯРА

Ҳайратга тушаман юрак орзиқиб,  
Бу яра жуда ҳам ғалати.  
Дори суртсанг, баттар озиқиб,  
Малҳам қўйсанг, газак олади.

Сабабини сўйласам, бу дoston  
Қирқ кеча-кундузга узалар.  
Қон талашган сайин ором топар жон,  
Туз сепганинг сайин тузалар.

\* \* \*

Ақлим бовар қилмас. Лолман, карахтман,  
Не янглиғ ҳамла бу, бу не янглиғ аҳд.  
Илоннинг устига тикка боряпсан,  
Илоннинг устига боряпсан шахд.

«Қайт!» дейман, бўғзимда сасим қотади,  
Йўлингни тўсмоққа йўқдир иложим.  
Илон — бошдан-оёқ илон. Сенинг эса.  
Вужудинг — қалдирғоч, юрагинг — лочин!..

\* \* \*

Ҳорғин кўзларингга сен берган бир дард,  
Кундан-кун маҳкамроқ, маҳкумроқ ботар.  
Мўлтираб, жовдираб келасан ҳар кун,  
Нигоҳинг тўла хавф, таҳлика, хатар.

Минг матонат билан тўкмай турасан  
Қорачиққа қалққан қутлуғ жолангни.  
Чорасиз оҳусан, қутқаролмайсан  
Чуқур чоҳда ётган шўрлик болангни...

### ВАТАННИ ИЗЛАШ

Эмасдир фалон минг аҳоли,  
Ватан фалон фарсаҳ масофа эмас.  
Уни яша. Йўқса кечмайдир холи,  
Ватан — хўрсиниқдир, ватан бу — нафас.

Ватан бу — тоғ. Метин — мустаҳкам,  
Лекин хавотирдан юракда ғамдир.  
Ватан бу япроқдан томай-томай деб  
Милт этган омонат шабнамдир.

Шу қаршингда чақнаб қуёшдек балққан  
Қаро кўз ватандир, Ватаним.  
Юрагингни ёриб, тилингда қалққан  
Яро сўз ватандир, Ватаним.

Ватан — сен. Ўзингда бир разм солиб  
Эътибор қил, дўстим, бир замон.  
Ватаннинг мўъжаз бир тимсоли  
Бўлмасанг, бу — ёмон.

Ватандан ҳам буюк Ватан бор,  
Мақсад — шу Ватанни йўқ қилмаслиқдир.  
Бу Ватан — бошқа бир инсоннинг  
Ватанига кўзни лўқ қилмаслиқдир!



## РУБОЙЛАР

*Паҳлавон Маҳмуддан*

\* \* \*

Даштлар назаримда тору, сахро тангдир,  
Хотирам ойинаси чангу зангдир.  
Сув-ку яқин, узатсам ҳеч етмас қўл,  
Ичмакка борай десам, оёғим лангдир.

\* \* \*

Ерни бировларки бисот деб тургай,  
Ўлча, улаш, ё ол, ё сот, деб тургай.  
Оқил билади қабрдир у ебтўймас,  
Кирмаса тез-тез одам, дод деб тургай.

\* \* \*

Ишқда вужудимни совуқ ўй чақади,  
Гул очилиб, димоғни хушбўй чақади.  
Бу дарда ўзим силайман ўз бошимни,  
Мисли илон, қўлимни ҳар мўй чақади.

\* \* \*

Қўлда қалам толе эмас, доғ битар,  
Дард экаман, бир-бир униб, боғ битар.  
Бу боғда гулу, сарву суман, сунбулнинг  
Ҳар япроғида, не қилай, бир зоғ битар.

\* \* \*

Ўткинчи бу оламда киши хуррам эмас,  
Йўқки биров, кўнгли унинг беғам эмас.  
Шод бўлса бу оламда бирон одам агар,  
Бил бу иков на олам, на одам эмас.

\* \* \*

Туз тотмадим ҳеч, ишқ юрагим қон айлар,  
Ухламадим, ёр мени нолон айлар.  
Ҳолимга менинг тушсами бир дам ошиқ,  
Дарров ўзини фаришта эълон айлар.

\* \* \*

Ёрга қадаҳ мисли қуёш айланади,  
Шод бўламан ва аста бош айланади.  
Ул мени тупроққа қўяр, йўқдир ажаб,  
Сўнгра мазоримдаги тош айланади.

\* \* \*

Ишқда ёқиб, юрак, ишим ғам қилдинг,  
Ўт кавлашни қўлим билан, ахир, сан қилдинг.  
Бемор таним сомон бўлиб ётганда,  
Кўрпа-тўшакларимни гулхан қилдинг.

\* \* \*

Ишқ аҳлидан ҳеч гарчи ҳазар йўқ бизда,  
Ишқ тамасидан зарра асар йўқ бизда.  
Қон ярамиз — лола каби юз очди,,  
Шунданки чаманларга назар йўқ бизда.

\* \* \*

Бир бурда кифоя, мардга кўп нон не керак,  
Тоғдан оқар сув, ана, ризвон не керак.  
Ўз қўли бор, айт, не керак хизматкор,  
Ўз дили бор, айт, унга султон не керак.

\* \* \*

Кетмоқда шитоб... талпинади жон изидан,  
Фулғулада эл бари ҳайрон изидан.  
Дил аҳлига ўт кетди кўриб бу ҳолни,  
Бормоқда ловуллаб, ана, карвон изидан.

\* \* \*

Беилму амал равзаи ризвон бўлмас,  
Рўза, намоз бўлмаса, иймон бўлмас  
Ўтмакка илож топса-да қилқўприқдан,  
Кимки дилозор, мусулмон бўлмас.

\* \* \*

Мен кеча даргоҳинга, ёр, йўл олдим,  
Сенмиш дея, тизсамни қучоқлаб қолдим.  
Устимга ёпиб қовоқларимдан кўрпа,  
Бошимга қулоқларимдан ёстиқ солдим.


\* \* \*

Бағрим бу — кабоб. Кўзёшидан туз сепдим,  
Гўёки фалакка қанча юлдуз сепдим.  
Кўксим чокидан чибинлар кўп қон сўрди,  
Дардимга чидаб бўлмади ҳеч... сўз сепдим.

МАТНАЗАР  
АБДУЛҲАКИМ

ЖАВЗО  
ТАШРИФИ

# ЎНИМДАГИ ДАРЁЛАР



## АЙИҚ

«Шеърингиз кўп кўпол.

Шеърда ҳар бир сўз  
Жаранглаши керак дилни қитиқлаб.  
Сал нафисроқ ёзинг...»

Тинглайман маъюс.  
Омадсиз папкални қўлтиқлаб.

Сизга ҳамкасб, ўзи, шакаргуфтор тиллар,  
Жилмайиб кўясиз ҳолимдан огоҳ.  
Қайдадир ўқиганим жирканч қатлар  
Ялт этиб ёдимга тушади ногоҳ.

Қайсидир бир юртда қадим замонлар  
Шундай олий жазо кўрилган афзал.  
Тахтага чандилган барча ёмонлар,  
Сўнгра товонларга суркалган асал.

Айиққа ҳавола қилинган бари,  
У эса ялаган тўйиб ва тўйиб.  
Томоша қилганлар юрт ҳакамлари  
Маҳкумларни шундай қитиқлаб қўйиб.

Ёмонлик тус олгач чуқур ҳамда кенг,  
Қийин бўлгач фарқлаш, аниқлаш, турлаш,  
Бутун мамлакатни тутиб кетган, денг,  
Умумқитиқлаш ва умумқиқирлаш.

Қитиқнинг ҳам, ахир, чегараси бор,  
Чил-чил бўлар бежиз кулса, дейлик, тош.  
Маҳкумлар юраги ёрилган абгор  
Мудҳиш бу кулгуга беролмай бардош.

Ялпи хурсандчилик. Унутдир шафқат,  
Халқни гум қилганлар ялаб ва юлқаб.



Бу ерда барқарор  
табаррук зотлар,  
Фаришталар бордир,  
гоҳ шайтонлар ҳам.  
Оvloқ масканлар бор  
ёр васли учун,  
ва, афсуски, бордир  
жанг майдонлар ҳам.  
Талон-тарож учун  
ёприлса ёв  
дўстлар  
қалқонларим ҳимоясида.  
Кун тифида ишлаб толишса  
бирров,  
мен ясаган дарахтлар соясида  
дам олишар...

Мен-чи  
креслода жим  
чекаман.  
Тамаки эмас,  
йўқ,  
азоб.  
Қани энди  
мен яратиб қўйган дунёда  
ҳамма ҳалол бўлса,  
бўлса ҳамма соф,  
Ҳамлетга қийинмас,  
шпага санчар.  
Отабекка осон —  
қўлида ханжар.  
Отелло  
рашк,  
ёвуз маккордан панд еб,  
ёрни бўғиб,  
ўзи ўтар оламдан.  
Мен-чи доғулилар мағлуб бўлсин деб  
оламан  
аламимни мўйқаламимдан.

Бўлмасин деб ёғду  
Зулматга бахна<sup>1</sup>  
рангни жангга солдим,

---

<sup>1</sup> Бахна — муте (Хоразм шеваси).

тополмагач сўз.  
Севиб,  
нафратланиб бўядим сахна,  
бахтлиман  
ҳеч қачон

бўямадим кўз.  
Мен яратиб қўйган дунёни,  
дўстлар,  
юрақдан кечиринг,  
кечирманг кўздан.  
Менга ҳамдард бўлинг  
қутқариб ўзни  
томошабин деган  
бачкана сўздан.

Саҳна ҳам ҳаётдек  
менга муқаддас,  
Бу ердан сочади  
эътиқодим нур.  
Юрақда эзгулик ғолиб бўлса бас,  
актёр дўстларимнинг нигоҳи билан  
пардадан сўнг  
сизга боқаман  
мағрур.

## ҚАЙТИШ

*Машариф Ниёзматовга*

Чаманларга тўла бошлади  
Хаёлимда тап-тақир даштлар.  
Фарёдларим тинди ниҳоят,  
Барҳам топди алаҳсирашлар.  
Иситмам сал пасайган ўхшар,  
Келгандайман озгина ҳушга.  
Шунча кунлар ўхшамади ҳеч  
Ўнг бўлиб ўнг, туш бўлиб тушга.  
Билмам, қанча фиғонлар тортдим,  
Қай вақт қилдим ўз-ўзимни тарк.  
Даҳшатли бир муҳожирликдан  
Қайтиб келган янглиғдир юрак.  
Қараб боқсам, руҳим ақддан,  
Ақлим руҳдан мадад тиланган.  
Хасталикнинг тўшаги менгзар  
Саргардон бир учар гиламга.

Яхшиданми учиб кетганман,  
Ёмонданми учиб кетганман.  
Заминданми учиб кетганман,  
Замонданми учиб кетганман.  
Сенга қайтдим бугун, майсажон,  
Шовуллаган сой, сенга қайтдим.  
Сизга қайтдим, азиз дарахтлар,  
Осмондаги ой, сенга қайтдим.  
Равшан тортди илк бор юрагим,  
Гарчи аввал эди пора, доғ.  
Сенга қайтдим, жон Султонвайсим,  
Сенга қайтдим, азиз Қоратоғ.  
Ҳаяжоним гирдоб ва гирдоб.  
Туйғуларим игрим ва игрим.  
Сизга қайтдим, ҳазрати Кубро,  
Сизга қайтдим, Паҳлавон Пийрим.  
Сенга келдим, қуёшим, яна.  
Юлдузларим, сизларга келдим.  
Келдим эгилмаган бошларга,  
Чўкилмаган тизларга келдим.  
Она тупроқ! Меҳрсизларга  
Ҳайфлигингни билдим мен бугун.  
Изҳор этилмаган муҳаббат,  
Айблигингни билдим мен бугун.  
Азизларнинг хорликларидан  
Кўп қаттиқ лат еб эди шоним.  
Ассалому алайкум, ақлим,  
Ассалому алайкум, жоним.  
Қайлардасиз, менинг кўзларим,  
Қайлардасиз, менинг қошларим.  
Қуёш бўлиб жамланинг дилда,  
Юлдузлардек синфдошларим.  
Уқубатсиз бўлмади меҳр,  
Гул бўлмаган каби тикансиз.  
Мен соғиниб эканман сизни.  
Сиз соғиниб эканмикансиз?  
Қудратимдан шукрим сизгадир,  
Дардларимдан сизга арздорман.  
Ҳар бир олган нафасим учун  
Ўла-ўлғунимча қарздорман.  
То ҳаётман азиз тутгайман  
Ҳаммангизни ҳар лаҳза, ҳар дам...  
Ҳозиргина халос бўлгандек  
Ҳалокатли, мудҳиш бир дарддан!



\* \* \*

Тасодиф келтирар энди бизни дуч,  
Бизнинг висолимиз — энди тасодиф.  
Орзу армон бўлди, умидларим — пуч,  
Лабларимда лаъли лабларинг ёди.

Энди изтироблар етар ниётга,  
Тилкалайди фироқ — жазо дилларни.  
Илҳақ кўз тутгандек қонуниятга,  
Кутиб яшайдирман тасодифларни.

Ҳар юлдуз — бир қимтинган қуёш,  
Аяр улар кўзларимизни.  
Бизлар, ахир, нима учун, айт,  
Пеш қиламиз ўзларимизни.

Сўнсак, нега сочолмаймиз нур,  
Ҳолимизга шунчалик войми.  
Нега бизлар кўз-кўзламаймиз  
Сафдошлардан энг кичкинтойни.

## ДЎСТ

*Ўктамбойга*

Қайрилиб боқмайди шаробга, лекин  
Фазал айтсанг, кўзи ёнар чарақлаб.  
Олис Сибирдаги поёнсиз тайга  
Унинг чўнтагида юрар жарақлаб.

Бефаҳмлик қилиб ранжитсангиз гоҳ,  
На ўпка-гина бор, на дўқ-дағдаға.  
Оёғи устидан кулдириб сизни  
Бошингиз устида урар қаҳқаҳа.

Юраги эзилса, унинг уйдан  
Паноҳ топиб олар шоир, машшоқлар.  
У билан донадир қанчалаб нодон,  
У билан бадавлат қанча қашшоқлар.

Катта билан катта, кичикка кичик,  
Чол билан чол, бола билан боладир.  
Бу дўстим кўзёшга кўмилган кулгу,  
Мутойиба ичра пинҳон ноладир.

Истаса фаришта, истаса — шайтон,  
Ҳеч йўқдир бермаган, емаган панди.  
Дўстлардан бир хабар олиб келай деб,  
Жаннатдан сакраган Афанди.

Энг маккор давра ҳам у гап бошласа  
Фарқлаб оломайди не ёлғон, не рост.  
Унга Алдар кўса топқирлиғи-ю  
Темурнинг оёғи қолгандир мерос.

У дунёни ҳавас қиларми, билмам,  
Дунё қиладими ҳавас уни ё.  
У дунёга тақлид қилиб, бағри кенг,  
Унга тақлид қилиб, чайқалар дунё.

Ундан кулган одам унинг кўзи билан  
Ўзига зимдан бир боқса эди...  
Ҳаёт ўзи шундай. Кимдир оёғи,  
Кимдир боши билан оқсайди.

## ДАРСДАН СЎНГ

Кимнидир койиди чеккани учун.  
Тортиб олиб қўйди гугуртини ҳам.  
Машқ дафтарларини йиғди-да, сўнгра  
Бир-бир санаб кўрди. Етти дафтар кам.  
«Ҳар гал шундай аҳвол. Уялмайсизми?  
Келасиз ўқишмас, қилиш учун сайр.  
Бу сафар ҳам икки қўймай тураман,  
Эртага қолганлар топширсинлар. Хайр».  
Қиш куни — бир тутам. Қорайганди қош.  
Иккиланди. Ўтмак керак, ахир, қирдан.  
Эри ҳам келмади олиб кетишга  
«Кўнгли совидими...» — ваҳм этди бирдан.  
Ҳамкасб дугонаси қистовга тутиб,  
«Тунаб кетинг, — деди . — Кеч бўлиб қолди».  
Кўнмади. Қўлтиқлаб машқ дафтарларни  
Уйга ёлғиз ўзи яёв йўл олди.  
Овул тугаб, энди қирга чиққанда  
Оқшом қуюқ эди, атроф сим-сиёҳ.  
Йўлдан қайтмоқчи ҳам бўлди бир ўйи.  
«Ўғлим хасталаниб қолдимикан ё...»  
Юрагини баттар ваҳима босди,

Қамради тундан ҳам баттар бир қўрқув.  
Ўнқирми, чўнқирми, ўрми, қир демай  
Яна кетаверди, кетаверди у.  
Мудҳиш бир шарпани илғади ногоҳ,  
Разм солса қашқир. Қиларди таъқиб,  
Эслади йиртқичнинг қўрқишин ўтдан,  
Изига бир дафтар ташлади ёқиб.  
Қашқир тўхтаб қолди. Сўнг — яна, яна,  
Муаллима омон топган бу олов  
Йиртқичга берарди иложсиз сабр.  
Йўловчи — ёқарди, қашқир — тўхтарди,  
Тин оларди икков ҳар дафтарда бир.  
Йўл узок, тун қаро, қашқир эса оч,  
Оч йиртқич биларми надир садоқат.  
Уйга яқин қолган вақтда тутади  
Муаллимда дафтар, қашқирда — тоқат.  
Уввос фиғон тутди қишлоқни тонгда,  
Замин аза очди, замон йиғлади.  
Дафтар топширмаган етти ўқувчи  
Ҳаммадан ҳам ёмон йиғлади.  
Нўноқ назмим учун афв эт, халқим,  
На олим, на фозил, на сўз пириман.  
Ўз вақтида дафтар топшира олмай  
Қолган болаларнинг бириман.  
Мен яхши биладан, тумор қилмайди  
Ёзган шеърларимни ошиқлар.  
Мен яхши биладан, қўшиқларим жўн,  
Биладан, булар бир оддий машқлар.  
Лекин... кетмақдасан келажак сари  
Тап тортмай қисматнинг дашт, қирларидан.  
Ўзимча асрагим келади сени  
Ёвузлик, хиёнат қашқирларидан.  
Мен машқ бажараман, ёзаман ҳар кун  
Дараклар, сўроқлар, хитобларимни.  
... Сен йўл бўйи ёқиб ташлаб кетавер  
Қашқирлар қўрққувчи китобларимни.

\* \* \*

Сояларинг бунча қуюқ, жийдазор,  
Сояларинг бунча, жийдазор, салқин.  
Товланган баргларинг ёлғизлигимни  
Шовуллаб-шовуллаб қилади талқин.

Ҳар бир баргинг, жоним, гоҳида йиғлар,  
Ҳар бир баргинг, жоним, гоҳида кулар.  
Ҳар бир баргинг мендан айланар гоҳи,  
Ҳар бир баргинг гоҳи мендан ўргилар.

Мен сени экканим йўқ эди, ахир,  
Мен сени парвариш қилмаган эдим.  
Бугун эса бутун борлигингни, оҳ,  
Шаънимга бир ғазал қилиб ўқидим.

Бир қўшиқ — тингладим сирли, ифорли,  
«Ганжиқорабоғ»ни тинглагандек маст.  
Бундай оғочларни Аллоҳдан бўлак  
Йўқ, ҳеч ким ўтқазмас, йўқ, ҳеч ким экмас.

Меваларинг қутлуғ бунёд бўлибдир,  
Осмондан китоблар бўлгандек нозил...  
Нима яхшилигим учун бу сеҳр,  
Нима яхшилигим учун бу ҳосил.

Нима яхшилигим учун шукуҳинг  
Юрагимнинг равшан ризқу рўзлари.  
Нима яхшилигим учун, ё Аллоҳ,  
Севгилимнинг бунча қаро кўзлари.

Нима яхшилигим учун бунчалик  
Қатор-қатор нола, қатор-қатор фарёд.  
Нима яхшилигим учун — мен ўзим,  
Нима яхшилигим учун бу ҳаёт?!

... Бир-бирова бўлиб турсин ҳамиша  
Ҳар бир юрак мушток, ҳар бир дийдазор.  
Жийдазор мен сени соғинган каби,  
Мен қошинга келган каби жийдазор.

## РУБОЙЛАР

*Омонгурди Аннагурдиевган*

\* \* \*

Отам айтган: «Ўзни зўр, чаптаст тутинг,  
Баландни баланду, пастни паст тутинг»,  
Эл сизга фаррошлик мансабин берса,  
Супургини доим муқаддас тутинг.

\* \* \*

Бу гулларнинг аросида ўларман,  
Қаро кўзинг қаросида ўларман.  
Дилингни мен яро этдим ўринсиз,  
Дилингнинг мен яросида ўларман.

\* \* \*

Сенсан юрагимнинг сеҳри, фаҳри ҳам,  
Сенсан юрагимнинг меҳри, қаҳри ҳам,  
Фақат асалимас асаларининг,  
Жонга дармон, ахир, ниши, захри ҳам.

\* \* \*

Гижжак бир покланди, най бир покланди,  
Йиллар бир покланди, ой бир покланди,  
Тўйга кириб келдинг, оҳукўз дилдор,  
Давра бир покланди, тўй бир покланди.

\* \* \*

Демайман, юракнинг доғи тингланмас,  
Лек қалбнинг қалбаки оҳи тикланмас.  
Булбул наво қилган сокин маъво бу,  
Бундан ҳеч бир зоғнинг «қоғи» тикланмас.

\* \* \*

Кимлар кўрди, кимлар кўрмади, кетди,  
Хаёлга минг маъни ўрнади-кетди.  
Тоғим! Ўз қаърингдан ковланган темир  
Теша бўлиб юзинг тирнади-кетди.

\* \* \*

Шодлансам, шод бўлиб кулиб билмади,  
Ғам чексам, дардимни билиб билмади.  
Тоғ ошиб, дўст келди ҳолимни сўраб,  
Том ошиб, тукқаним келиб билмади.

\* \* \*

Тан совқотди... жонни юпун кўрмадим,  
Умр дарё. Унинг тубин кўрмадим.  
Фил обрўй қозонмас чибин ўлдириб,  
Қон сўриб фил бўлган чибин кўрмадим.

\* \* \*

Жаҳонда кўп азиз хор бўлиб ётмиш,  
Борлар йўқ, йўқларчи бор бўлиб ётмиш.  
Соҳилга сапчиган балиқдир юрак,  
Тўлқин келарми деб зор бўлиб ётмиш.

\* \* \*

Қорақурт ва чаён голиб ётдилар,  
Дилларни қўрқувга солиб ётдилар.  
Икков бир-бирин чақиб ўлдириб,  
Икков бир-бирини олиб ётдилар.

\* \* \*

Ўғлим! Елкамга чиқ, сўзим ўйинмас,  
Ўғлин эркалатса, ким ҳам суюнмас.  
... Тоғнинг юрагини тушунмак керак,  
Тепасига чиқиш унча қийинмас.

\* \* \*

Шабада қўзғалди, гул гулга тегди,  
Сунбуллар чайқалиб сунбулга тегди.  
Қоғлаган қарвага отилган тошнинг  
Каттаси, вожаб, булбулга тегди.

\* \* \*

Тентақдир, ҳаммани аҳмоқ деб ўйлар,  
Ташнадир, ҳаммани чанқоқ деб ўйлар.  
Бошига бир дона ёнғоқ тушганди,  
Энди ҳамма дарахт ёнғоқ деб ўйлар.

\* \* \*

Катхудодан мудом улги олди эл,  
Дард чекса, ўзини дарага солди эл.  
Бир ушоқ ногаҳон шоҳ бўлиб эди,  
Ғуж-ғуж майда-чуйда бўлди-қолди эл.

\* \* \*

Учмоққа кафтимда қанот йўқ, пар йўқ,  
Ҳимоя қилмоққа тўқай йўқ, шер йўқ.  
Молларим ўйнайди, даштларим чексиз,  
Ўғлим ўйнай деса, қишлоқда ер йўқ.

\* \* \*

Эртами-кеч, хуллас, тез тузалайлик,  
Ёзда тузалмасак, куз тузалайлик,  
Дунё тузалмас деб чекмайлик фигон,  
Дунё тузалмаса, биз тузалайлик.

\* \* \*

Деманг «Омон сўзи пастга оғади,  
Ушоқ бу мисралар кимга ёқади»,  
Диққат қилганмисиз, азиз дўстларим,  
Қалин қорлар майда-майда ёғади.

\* \* \*

Танҳо фасл эмасди баҳор,  
Унга танҳо меҳримни бердим.  
Бамисоли кунгайдаги қор  
Ғамлар нигоҳингда эриди.

Мен овозим бўғилгунча то,  
Ҳуснинг куйлаб куйдим жизғаниб.  
Бироқ ҳансираган саратон  
Ёнди сени меңдан қизғаниб.

Қуёш ерни оловга чайиб,  
Тиниб қолди мушфиқ эпкинлар.  
Ипак сочинг бадтар сарғайиб,  
Рухсорингга тошди сепкиллар.

Қасд қилганлар, ахир, мудом паст,  
Ёз ҳам ўтди армонда, ўсал.  
Аввалгидек мен ҳамон сармаст,  
Аввалгидек сен ҳамон гўзал.

Шодликларим ниқобланган дард,  
Сен бу дардни англайсан аранг.  
Кўзларингдан ёғилган мадад  
Аввалгидек ҳамон осмонранг.

Сен кўргач шу толени раво,  
Гурбатлардан мен нолимайман.

Мен қолмайман ҳеч вақт бенаво,  
Мен ҳеч қачон сенсиз қолмайман.

Сенга хазон тегмас. Сен асл.  
Сенга даҳл қила олмас куз.  
Фасл келиб, кетади фасл,  
Фақат меҳрим билмас танаффус.

Ишқ фаслида ҳамиша ҳамал.  
Бордир ҳаёт. Йўқдир ўнгишиқ.  
Мен учун сен мангу мукамал,  
Мангу ўн саккиз яшар қўшиқ!

## ТАКЛИФНОМА

Булбулларни қилдим мен элчи,  
Чаҳ-чаҳларин қолдирдинг ерда...  
Кеч эмас. Йўқ. Кутаман. Кел жим.  
Кутаман. Кел бутунми-эрта.

Кўниб қолдим. Мен нолимайман  
Айрилиқнинг зуғумларидан.  
Фақат... сени асрагим келар  
Пушаймоннинг қузғунларидан.

## ЭРК ҚЎШИҒИ

Шунқорим деб алқаб сен келдинг қолиб,  
Севдим, таъзимларим ҳали кам.  
Лекин мени ҳеч вақт шикорга олиб  
Чиқолмайсан, сайёд маликам.

Ҳатто сенга тутқун бўлмоқ кўп оғир  
Фалакка юксалмоқ замони.  
Айт-чи, жудо қилиш мумкинми, ахир,  
Самодан мени ва мендан самони.


Осмон — абадийдир, ошён — муваққат,  
Озодлик — шарафим, эрк эса — шоним.  
Қўлингга эмас, йўқ, «гаҳ» десанг фақат  
Юрагингга қўниб ўтаман, жоним.



МАТНАЗАР  
АБДУЛҲАКИМ

ЖАВЗО  
ТАШРИФИ

ЁЛҒИЗ  
ЯЛРОҚ



\* \* \*

Бу боғ сўлим, ям-яшил сарой,  
Севдим, сарой шоиринг бўлдим.  
Унганинга ундим мен, гулим,  
Гулим, сўлганинга мен сўлдим.

Табаррук бу кўркингни ҳозир  
Ғаниматлар билмоқ замони.  
Бундай чарақлата оларди  
Қай подшоҳ ҳам, айт, бу самони.

Қай бир соҳибқирон ҳам сени  
Бундай мумтоз қиларди бунёд.  
Бунда соҳибсалтанат ўзинг,  
Ҳар жилванга минг битга дунё.

Мовароуннаҳр ҳайратда,  
Таажжубда лолдир Хуросон.  
Ернинг қаър-қаър қатламларидан  
Чиқиб келмас сендек дур осон.

Кўркиннга чанг солар эканлар  
Ҳар дақиқа, ҳар кун, ҳар ойинг.  
Мангуликлар тилар сен учун  
Аллоҳ таолодан саройинг.

Ҳар капалак мафтун — шон топар,  
Топар, мафтун, ҳар бир қуш омад.  
Сенга шабадалар гиргиттон,  
Шахсан булбул қилар хушомад.

Ҳаётим ҳам менинг муҳташам,  
Ҳар нафасим бахт, бинобарин  
Таҳсин айтиб тиканларинга,  
Баргларинга ўқиб офарин.

\* \* \*

Келсанг, пошналаринг ўрнидан  
Мўралаб қоларди майсалар.  
Мўътабар бу йўлга санчилар  
Бегона пошналар, мисли найзалар.

Келмадинг. Саратон тафтидан  
Ер-осмон ораси қайнайди.  
Бегона пошналар бу йўлни  
Қора сақич қилиб чайнайди.

\* \* \*

Табиат! Мен сени севаман,  
Тилайман мангу бир омонлик.  
Сенда яхшиликка яхшилик,  
Сенда ёмонликка — ёмонлик.

Фақат эзгуликлар, фақат покликлар  
Мангу бўстонида ўса олади.  
... Гулга ниш урмайди асалари ҳеч,  
Асалари гулдан бўса олади.

\* \* \*

Тилга кираётир ҳар новда, ҳар чўп,  
Тинглайман баргларинг сўлмас сирини.  
Бу тупроқдан ҳали қарздорлигим кўп,  
Юзимга солмайди мингдан бирини.

Сўлим боғлар гўё мангу мулкларим,  
Ҳозир авж пардаси ғариб шонимнинг.  
Бирваракай ҳамма бергуликларим  
Ёдига тушади бир кун жонимнинг.

## ЁМҒИР

Ёмғир ёвар. Борлиқ қунишган.  
Бослиқади йўлларнинг чанги.  
Ёмғир ёвар. Шеър ёзгим келар.  
Гўё — ёмғир янги, шеър янги.

Ёмғир ёвар. Ўйлар ўйлайман,  
Тинглаб самовотнинг мунгин жим.  
Неча мингинчи ёмғирдир бу  
Ва мен шоир — неча мингинчи.

Йўқ! Йўқ! Фақат менга бу ёмғир  
Ва мен бу ёмғирга доирман.  
Илк ёмғирдир оламдаги бу  
Ва мен оламда илк шоирман.

Шаррос жалаларни куйлайман  
Дабдабасиз, ғариб шеърларда.  
Ақлим етмас, қандай севарлар  
Ёмғир ёғмайдиган ерларда.

Ёмғир ёғар ҳаёт бахш этиб  
Менинг қақроқ эътиқодимга.  
Ёмғир ёғар. Ҳеч ким сололмас  
Сени ёмғирчалик ёдимга.

Ийманмас ҳеч очилмоқдан гул,  
Майса бўлмас унмоқдан изза.  
Такрорланар ҳар гал шу ёмғир,  
Шу саодат, шу пок мўъжиза.

Эзгин-эзгин ҳалқоблар ичра  
Бедардликлар эрийди чўкиб.  
Лиммо-лим кўп паймоналарни  
Ёмғир ёғар тўкиб ва тўкиб.

Огоҳманки, тўйдирар жондан  
Бу оламда бўлса не такрор.  
Мен бетакрор такрор куйлайман,  
Ёмғир ёғар такрор бетакрор.

Сочилади ҳар бир томчидан  
Сон минг шуъла, сон мингта зар рух,  
Ёғар туйғу, ёғар эҳтирос,  
Ёғар тавба, ёғар тазарру.

Ёмғир ёғар. Фалак фўш этар  
Сирларининг тоза-тозасин.  
Тутмоқчидек менга тўлдириб  
Мангуликнинг сабр косасин.

Ёмғир ёғар, алҳамдулиллаҳ,  
Ҳар томчида минг хотиралар...  
Қутлуғ бўлсин ҳар қайси битга  
Юлдуздан нур эмган қатралар!

## ЁЛГИЗ ЯПРОҚ

Ишқига ҳар лаҳза иқроор юрагим,  
Бир уриши минг сир-асрор юрагим.  
Сен кимга, ким сенга, о, зор юрагим,  
Чекаверма бунча озор, юрагим.  
Дунё, ўзи, шундай бозор, юрагим.

Каҳқашон — йўлингда тўзғиган чанглар,  
Кўксимда жимгина урасан бонглар,  
Қоронғу руҳимда сен — отган тонглар,  
Ишқ савдосин сира англарми онглар,  
Тарозу юлдуздек бедор юрагим.

Бедардлар чектирган оҳ, юрагим, сен,  
Гоҳ гадо, гоҳида шоҳ, юрагим, сен,  
Кўёш юрагим сен, моҳ, юрагим, сен,  
Дилдорни деб юксал, тоғ юрагим, сен.  
Дилдорни деб титра, дутор юрагим.

Айтмам сенга ақлу ҳуш бўлиб яша,  
Бироқ ғамларни енг, ҳуш бўлиб яша,  
Мардга ўнг, номардга туш бўлиб яша,  
Ўзинг осмон, ўзинг қуш бўлиб яша,  
Йўқса парвоз иши душвор, юрагим.

Гарчи дардлар умрим беэтирлар,  
Ҳажру ғам сени кўп ээтирлар,  
Борлигим бир қисмат сезаэтирлар,  
Хазон шамоллари эсаэтирлар,  
Ёлғиз япроқ янглиф бемор юрагим.

Гарчи ишқ мангу бахт, боқий жамолдир,  
Умр деганлари эсан шамолдир,  
Шиддати қошида учган ўқ лолдир,  
Ўзингдан ҳамиша баҳорлар қолдир,  
Эмассан ҳамиша баҳор, юрагим.

## ҚИШЛОҚ МУАЛЛИМАСИ

*Николай Дмитриевич*

Дўкон ноёб дарпарда берди  
Ҳам кирювгич оппоқ кукунлар.  
Ўзлаштириш, кўмир гапи ҳам  
Унча ёмон эмас бу кунлар.  
Томорқа тин олар... ва шинам  
Хонага боққан кўз тўймайди...  
Қурғур, шу тирранча дафтарлар  
Эрга чиқишга ҳеч қўймайди.

### ИБОДАТ

Рад этмагил даҳрий деб мени,  
Мустажоб эт эзгу дуоим.  
Ўғил кўрсин ўғли йўқ одам,  
Қизи йўққа қиз бер, Худойим.

Умид билан дунёга келган  
Фарзандсизлик доғин тўймасин  
Ҳеч парранда, ҳеч дарранданинг,  
Қўй, илойим, пушти куймасин.

Қулунлар бер, саодатманда эт  
Ҳар бир тулпор, ҳар бир дулдулни.  
Авлодидан мосуво қилма  
Бирон тўти, бирон булбулни.

Қўраларга солади қирон,  
Уяларда қилади бузғун.  
Бўша кўрсин, барибир, бўри,  
Жўжа очсин, барибир қузғун.

Қорайса ҳам дастидан фалак  
Жунжикса ҳам дастидан боғлар,  
Зағчалар кўп сернасл бўлсин,  
Ўзларидан кўпайсин зорлар.

Узумлар кўп мева берсинлар,  
Гужумлар кенг соя берсинлар.  
Майли, печак, майли, алаф ҳам  
Илдизини ёя берсинлар.

Менга шеър бермасанг бермагил,  
Бошқаларни қилма нолонлар.  
Майлига, бошқоронғи бўлсин  
Менинг юрагимга илонлар.

Шудир сенга ўтинчим, нолам,  
Илтижо ҳам фарёдидим доим.  
Бахтимизга Ўзинг ёлғизсан,  
Шу бахт бизга басдир, Худойим.

### ЎРИК ДАРАХТИ

Менинг меваларим фарқ пишган,  
Шамоллар шовуллаб эссинлар.  
Меваларим — обрў. Тўксинлар,  
Обрўйим мевадир. Есинлар.

Шоҳларим оҳиста қайрилиб,  
Синай деб турган бир ҳолдадир...  
Бир кун... Мева бермай қоламан,  
Шу куни насибам... болтадир.

### ТУН БЎЙИ

Ёмғир юриб чиқди томда тун бўйи.  
Шуҳрат Маткарим

Руҳимда тонггача ингранди бир най,  
Бир тотлиғ тушларни толега йўйиб...  
Ўй ўйлатиб, пичир-пичирлаб тинмай,  
Ёмғир юриб чиқди томда тун бўйи.

Иблис ўлдими ё, тушди изилаб,  
Бўлмоқчими бирон фаришта тўйи.  
Суюнчига мени келдими излаб,  
Ёмғир юриб чиқди томда тун бўйи.

Эсладим яноққа жо гулларингни,  
Димоғдан кетмади сочларинг бўйи.  
Хаёлимга чирмаб кокилларингни,  
Ёмғир юриб чиқди томда тун бўйи.

Минг-минг бахт бағишлаб ҳар бир қатраси  
Ҳар қатраси дилга минг-минг нақш ўйиб.  
Ишқ сириин англамоқ бўлдимини насиб,  
Ёмғир юриб чиқди томда тун бўйи.

Тухфа этмоқ учун турфа бир гилам,  
Қизғалдоқлар экиб ташламоқ ўйи,  
Қутлуғ нам, табаррук тарадду билан  
Ёмғир юриб чиқди томда тун бўйи.

Ошиқлар тўккувчи кўзёшларми ё  
Оромим бошига минг оёқ кўйиб...  
Руҳимга таратиб маҳзун бир зиё,  
Ёмғир юриб чиқди томда тун бўйи.

Заминни изларми дарбадар, нодон,  
Осмону фалакни ногаҳон йўйиб...  
Тўйиб-тўйиб йиғлаб, ўксиниб гирён  
Ёмғир юриб чиқди томда тун бўйи...

\* \* \*

Жилва қил, жоним, жаҳон оро топар,  
Дарбадар руҳим менинг маъво топар.

Топди кўнглим зор бўлиб кўнглингни, ёр,  
Ҳар қачон тиллони, бил, тилло топар.

Кўзларинг шогирдидирми осмон,  
Чақнабон ҳар лаҳза минг иймо топар.

Минг-минг одамни табиат машқ қилиб,  
Сен каби мумтоз бир сиймо топар.

Дунёдан жоҳил тополмас зарра ҳам,  
Ошиқ ҳар бир заррадан дунё топар.

Жимлигим ҳар лаҳзасидан кўзларинг  
Жовдираб минг булбулигўё топар.

Сенга етдим минг азоб, минг дард билан,  
Тўлғаниблар денгизни дарё топар!..



\* \* \*

Қутлуғ дийдорингга етолмас  
Музтариб бир карахтингдирман.  
Сен келсанг шод, кетсанг кетолмас  
Минг илдизли дарахтингдирман.

Барқлар уриб айтиб бўлганман  
Сенга сўлмас сўзларни, гулим.  
Сўлиб гуллаб, гуллаб сўлганман  
Қолғунича бир ҳовуч кулим.

Сева бериб жим неча замон  
Сева бериб неча шовуллаб,  
Тура бердим, гарчи сен томон  
Тортқиласа ҳамки довуллар.

Яшил алангам кўп эланди,  
Бироқ кетдинг йўлингга қараб.  
Кулларимга менинг беланди  
Ва булбуллар топдилар шараф.

Чаҳчаҳлашар жабрингдан тинмай,  
Тафтларидан ловуллаб кулнинг.  
Оловидан эминлар, ёнмай,  
Сен фаҳмсиз, раҳмсиз гулнинг.

Юрагимда минг-миг тугунлар,  
Хаёлларинг билан барин еч  
... Тонг уйғониб, айна бу кунлар  
Булбулларни кўрганмисан ҳеч?!..

\* \* \*

Тиним билмай, отар устимдан  
Аждаҳодек бу фироқ ханда.  
Ўлимдан-да мудҳиш кулгуси,  
Жарангдорроқ қалдиरोқдан-да.

Тишлаганим егулик — заҳар,  
Ҳўплаганим заққум — ичимлик.  
Сақлаётир ушлаганим тор  
Сукунатдан бадтар бир жимлик.

## СИРТҚИ САБОҚ

*«Имло хатоларим бўлса кечиринг,  
ҳозир паришонроқмон...»*

Мактубдан

Мен сени севаман... о, қурсин эсим,  
Наҳотки «Мен» — эга?.. «Севаман» — кесим?..  
Қойдага маҳқуммиз бунча нега биз?  
Муҳаббат эмасми, ахир, эгамиз?

... Сен бўлсанг мактабда — машаққатдасан,  
Руҳимда хавотир ғалаён бошлар.  
Сени толиқтириб қўймадикмикин  
Ҳар хил ундалмалар, отлар, олмошлар?  
«Ни»ни эмас, сени севаман ўзим,  
Дийдоринга етмоқ умидим минг-минг,  
Сенинг кўзларингни соғиндим, кўзим,  
Кўзим йўқ кўришга турқини «нинг»нинг.  
Юрагим ким, ўзи юрагим нима?  
Юрагим занжирбанд — зулфинга боғлиқ.  
Юрагим бўм-бўш уй, файзли қилмасанг,  
Очмасанг берк уйдир, маҳкам қулфлоглиқ.  
Қулфлар синсинлар, кел, эшикларинг,  
Уйига ўт тушсин келишикларнинг.  
Қаратқичнинг ўзи сенсиз қаратқич,  
Сенсиз тушумни мен туш кўрибмидим?!  
Сен бўлсанг шу қадар келишгансанки,  
Муҳаббатдан бошқа келишигинг йўқ...  
На бир дарак гап бор мактубларингда,  
На бир эргаш гап бор мактубларингда,  
Фақат юрак гап бор мактубларингда,  
Фақат тергаш гап бор мактубларингда.  
Руҳимга ҳеч тинмас ғамдан таъқиблар,  
Мактублар ишқ дардин маҳзун иложи.  
Ўқир, конверт йиртиб, хатим рақиблар,  
Юракни олгандек кўксимни очиб.  
О, юрагим менинг — мактаб боласи!  
Таҳликага тушмай, чўкмай севади.  
Юрагим индамай севади сени.  
Қучоқламай севар, ўпмай севади.  
Мен севмоқ бахтига минг дардда етдим,  
Бироқ бу не ҳикмат, бироқ бу не сир?  
Лабларимда сенсиз бўсалар етим,  
Лабларингда менсиз бўсалар есир.

Сенинг йўқловингсиз ҳислар ҳам сағир,  
Хоҳи гар ишонма, хоҳи гар ишон.  
Мени унутмабсан, хайрият, ахир,  
Мактублар битибсан хотирпаришон.  
Бироқ сендан хат йўқ кечадан бери,  
Зор этдинг кўзларим — гадоларингни,  
Мени соғинсайдинг соғинганимдек  
Жондан азиз имло хатоларингни.  
Бахт ва кулфат билан севаман сени,  
Севаман зарарлар ва фойдаларсиз.  
Кўзларим йўлингга термула берар  
Ҳеч қандай бир имло қоидаларсиз.  
Сен эса омон бўл бош келишиқда,  
Сарвиқад ва қаламқош келишиқда.  
Мактублар битавер, майли, паришон,  
Таъна келишиқда, тош келишиқда.  
Сен фақат унутма, фақат унутма,  
Кўзларим кўп ёмон соғинди сени  
Қайғу келишиқда...

ёш...

келишиқда...

\* \* \*

*Атоийга татаббуъ*

Менинг жоним! Менга жон вақти етди,  
Юракташнангман, уммон вақти етди.

Чекарман додлар шаҳдоларингдан,  
Бу золимларга иймон вақти етди.

Қолиб ҳажрингда, бўлдим дашту саҳро,  
Буюр ташриф, гулистон вақти етди.

Етиб келди висолинг васли менга,  
Фироққа меңдан ҳижрон вақти етди.

Юрак синдирди кўксимда қафасни,  
Қушингман, менга осмон вақти етди.

Кўзингнинг ёшлари кўксимни эзди,  
Балаңд тоғларга толқон вақти етди.

Ғаминг келди қилич сермаб бошимга,  
Ўзинг бир асра, қалқон вақти етди!..

## ИСМОМУТ ОТА

Исмомут Ота — Хоразм воҳасидаги қадамжо.  
У ерда ҳар йили куз фаслида аждодларни  
хотирлаш маросими, сўнгра эса улкан халқ  
сайиллари ўтказилади. Исмомут Ота қадамжоси  
воҳанинг олис бир чеккасида бўлгани учун  
хоразмликлар саргашта одамларни  
«Исмомут Отада ис бор деса  
югурасан» деб ҳам ёзғирадилар...

Исмомут отадан бахт иси етди,  
Бўйнингда кўзимдан мунчоқлар шода.  
Сендан мумтоз ҳаёт дунёда йўқдир,  
Йўқдир сендан мумтоз ўлим дунёда.

Қўшиқлар тўқийсан мен ҳақимда сен,  
Шеърлар ёзадирсан менинг ҳақимда.  
Тушимга кирасан ярим оқшомлар,  
Қўлларинг бўйнимда. Сочинг тақимда.

Уйғонаман. Фарёд чекади руҳим,  
Ўлимдир ўткинчи, ҳаётдир абад.  
... Бу гаплар унчалик эмасдир муҳим,  
Муҳими, йўқ сендан мумтоз муҳаббат.

Қанотлар боғладим икки кифтимга  
Юрагим жимгина чеккан фарёддан.  
Қошинга келдим мен ишқдан маст-аласт,  
Ошиб ўтиб, жоним, икки дарёдан.

Юртинга юртимдан бош олиб келдим,  
Дўстга гул, душманга тош олиб келдим.  
Кўзларимдан менинг минг умид билан  
Кўзларингга сенинг ёш олиб келдим.

Исмомут отада ис бор десалар  
Қийматин йўқотар дурри Яманлар.  
Исмомут отада ис бор десалар  
Чайқала бошлайди дилда чаманлар.

Исмомут отага бир борсак, кўзим,  
Иккимизга Исо нафас қилади.  
Бир-бировни шундай севамиздирки,  
Бизга Тоҳир-Зухро ҳавас қилади.

Исмомут отада халқнинг азаси,  
Исмомут отада халқнинг бахт тўйи,  
Исмомут отада ис бор десалар,  
Димоғимга келар сочларинг бўйи.

Шоҳлар илтифотни қилмасин ҳавас,  
Сенинг таклифингдан шодланаман мен.  
Исмомут отада ис бор десалар,  
Отланаман мен.

Исмомут отадир сенинг юрагинг,  
Унга ишқдан бўлак бир сир айтмайман.  
Бораман Исмомут отага ҳар гал,  
Бир гал... қайтмайман.

Сен қайтасан менсиз, азадор, гирён,  
Қуёшлар ботади хаёлларингда.  
Исмомут отадан бошқа ҳамма ер  
Ҳувиллаб ётади хаёлларингда...

## ИККИ ТОМЧИ ЁШ

### 1

Хаёлларим сенинг дардингдан  
Тўлғанган бир ёниқ куйдалар.  
Сен бўлмасанг, саҳролар майда,  
Сан бўлмасанг тоғлар чуйдалар.

Бир кўзингда ота ватанинг,  
Она Ватан бир кўзинг, эй дил.  
Бир кўзингда тўлғанар Жайхун,  
Бир кўзингда тўлғанар Идил.

Жоҳилларинг жароҳатидан  
Юрагингда донг қотиб ғазаб.  
Билмайсанки сен ноёб насл,  
Билмайсанки сен тансиқ насаб.

Етуклигинг қошида сенинг  
Минг-минг такаббурлар — подалар.  
Билсанг эди, қандай зоти паст  
Сени билмас аслзодалар.

Маликам, бу жабринг ҳали кам,  
Истилолар ибтидосидир.  
Ҳали кам бу жабринг, маликам,  
Бу жабрингмас, жабринг нозидир.

Мустабидим, додимга етгин,  
Сенинг сазовори қаҳрингман,  
Мамлакатингдирман забт этган,  
Ишғол қилиб қўйган шаҳрингман.

Яноқларим бўрттирар сабот,  
Қонимда сабр оқар гувиллаб.  
Борлиғимда келажак имдод  
Сўрар сендан, уввос чувиллаб.

Кокилларинг турмаклаб олиб,  
Қамчилар бос учқур отингга.  
Мен шарафлар ўқийман қолиб  
Бу мўътабар истибдодингга.

Бор парилар лол қолиб сенга  
Бўлажаклар ҳайроналарим.  
Бориб етай келажакингга  
Муҳташам бир вайроналарим.

\* \* \*

Тоҳир бўлдим, дарёлар келмай қўйди,  
Мажнун бўлдим, саҳролар келмай қўйди,  
Қараб қўйгинг қиёлар келмай қўйди,  
Зулматларга зиёлар келмай қўйди.

Ишқда бўлдим гоҳ гадолар, гоҳ шоҳлар  
Бир сўз айтдинг, бўлдим минг дилсиёҳлар.  
Кўзёшимдан унган меҳригиёҳлар  
Яшнар десам, жавзолар келмай қўйди.

Борлиқ тўлди шамолгамас, оҳларга  
Ишқ дарди юк бир менмас, кўп тоғларга.  
Ташрифингдан маҳрум бўлган боғларга  
Шўх булбулигўёлар келмай қўйди.

Юрагимда очди минг-минг яро кўз,  
Кўзларингдек йўқдир кўзлар аро кўз,  
Остонамдан оёқ уздинг, қарокўз,  
Денгизларга дарёлар келмай қўйди.

Менмасмидим энг муҳтож, энг керагинг,  
Кимга айтиб, кимдан сўрай дарагинг.  
Келмай қўйди юрагимга юрагинг,  
Дунёларга дунёлар келмай қўйди.

### ЧАҚИНЛАР ФАСЛИ

Урганч билан Тошкент нақадар узоқ,  
Урганч билан Тошкент нақадар яқин.  
Сенсиз ҳар бир лаҳза — тошбақа,  
Сен ҳар мангулик — бир чақин.

Ҳозир эса, мана, чақинлар фасли,  
«Кетаман». Юзингда булутлар.  
Жуфт оламмиз. Бошқа оламлар  
Унутилар...  
Унутилар...  
Унутилар...

Ёмғирлар ёвади нигоҳларингдан.  
Жайхунни тоширар қутлуғ кўзёшлар.  
Иккимизни минг йил кутган эманлар  
Ҳар баргда минг ҳикмат шивирлай бошлар.

Тўхтаб бир маҳдиё бўлмоқни истар,  
Бироқ баҳор қўймас ҳоли-жонига.  
Жайхун тўлғанади. Ошиқар.  
Ҳар қатраси бир гул ёнига.

\* \* \*

Фанимлар шаънимга отадилар тош  
Гўё бир шунчаки, гўё бир лоқайд.  
Шунда кўзларингга, кўзим, олма ёш,  
Уларга «Мен уни севаман» деб айт.

Айту, қайрил-да кет. Жоним, сен омон.  
Айту, қайрил-да кет. Улар ер, жоним.  
У ёғига озор тортма. Бўлма қон.  
У ёғини менга қўйиб бер жоним!..

\* \* \*

Сен туфайли билдим, нимадир кулфат,  
Сен туфайли билдим, саодат надир.  
Сен туғилган кун қиш қирқ чилласимас,  
Лайлат-ул-қадр!..

Барибир тенгсиз бир қутлуғ дийдорга  
Ғамгин ҳаётимда етмаскан гал то,  
Ишона бер, жоним, мен туғилган кун  
Ял-до!..

\* \* \*

Бир қаҳрингдан минг туман лашкар  
Бўлиб пойларингда қирилдим.  
Илтифотли нигоҳларингдан  
Бир-бир, бир-бир, бир-бир тирилдим.

\* \* \*

Кундан уяласан кундуз учрашсак,  
Ийманасан, тунлар учрашсак, ойдан.  
Ўрмонда дарахтдан қиласан ҳаё,  
Соҳилларда ибо қиласан сойдан.

Ҳар япроқда бир юз кўринар сенга,  
Ҳар қатрада битта кўзнинг қароси.  
Ҳар бир хўрснишинг ишқ мулкида бир  
Маросим!

Юрагимда эса шўх-шаън, хушчақчақ  
Ўйинларга тушиб, қиласан базм.  
Менинг ҳаётимга сира келмасим,  
Менинг ҳаётимдан сира кетмасим.

\* \* \*

Ҳақ фармони шулдир, ташриф буюрдик,  
Ҳар бир нафасингдан мангулик бунёд.  
Лекин, ақлим етмас, биз келмай туриб  
Қандай яшай билди экан бу дунё?

Ҳақ фармони шулдир — бир кун кетамиз  
Шафқат қилмас бизга йиллар шамоли.  
Шунда ақлим етмас, биз кетгандан сўнг  
Нима кечар экан дунёнинг ҳоли?..

\* \* \*

Дунёнинг ярмидан ўтирасан юз,  
Ярмига термулиб бахт деган тахтдан.  
Ярим дунё ўлар рашқдан. Ярмининг  
Юраги тарс ёрилар бахтдан.

Сенга — юрагимда лочинлар қумри,  
Сенга — юрагимда шерлар жайрондир.



Сен бахтнинг бахтисан. Бахтлигидан бахт  
Ҳайрондир.

\* \* \*

Майин нафасларинг довулларида  
Чирпирак барглардек совриламан.  
Сени рашк қиларкан ҳаёт-мамотга,  
Қовриламан.

На қоврилиш тугар ва на соврилиш,  
Тамом бўлмас инжа бу довул.  
Кетаман. Шодлигимни айрилиқ,  
Қилар тановул.

\* \* \*

Дилимга сен не-не азоблар бериб,  
Жонимга сен не-не жабр қилмадинг.  
Мен бор-йўғи чорак аср шошилдим  
Ва сен чорак аср сабр қилмадинг.

Бу хатони севги тузатар,  
Ошиқмиз. Эмасмиз ёш-қари.  
Мен ҳаддан ташқари севаман сени,  
Сен мени севмайсан ҳаддан ташқари.

\* \* \*

Мен бир телба ошиқ, қарамайсан ҳеч,  
Мен бир телба ошиқ — юз ўтирасан.  
Қаҳқаҳам шу қадар қаттиқ жаранглар,  
Юрагим нақадар қаттиқ ўкраса.

Сен яйрайсан мени қийнаб мутгасил  
Жононим, жонимга раҳм айламайсан.  
Жабру жафоларинг жонбахшлигини,  
Худога минг шукр, фаҳм айламайсан.

Жоним билан дилим юксалар бир-бир  
Қаҳру хитобингни бир-бир ёдлашиб.  
Мени ҳалок этган азобларингда  
Бораман тобора барҳаётлашиб.

Билсанг эди, қандай юксалишини  
Уқубатларингдан руҳим минг дардда.  
Худо кўрсатмасин, азобларингни  
Тўхтатар қўярдинг шартта.

Ва менга минг ишва, минг меҳр билан  
Термулиб, термулиб мўлтирар эдинг.  
Озор бермаслигинг билан озорлаб,  
Ўлдирмаслик билан ўлдиран эдинг.

\* \* \*

Бир-биридан азиз бошлар кўп илҳақ,  
Бари лутфингга кўз тутади.  
Бахт қуши парпарар муаллақ,  
Сенинг ишорангни кутади.

Туйғулар толиқар — кутмоқ таҳлика,  
Бошлардаги ҳуш ҳам толиқади.  
Осмон толиқади, маликам,  
Қуш ҳам толиқади.

Турибсан — гоҳ кулиб, гоҳ тўкиб ёшлар  
Муҳаббатнинг олтин аравасида.  
Бахтли бир бош шоҳлик, бошқа бошлар  
Фуқаролик арафасида.

\* \* \*

Сендан келар бўлса қўнғироқ,  
Сендан келар бўлса гар хатлар,  
Бир лаҳзада бўлиб кетар чилпарчин  
Барча сарҳадлар.

Ва сарҳадлар бўлар бахт китобига  
Муборак сўзларинг — бир олам.  
Чирт юмаман сурудан кўзларим,  
Бошланур илоҳий мутолаа.

\* \* \*

Соғинч бир ҳамлада сабримни енгар,  
Қутлуғ дийдорингга эришмагим шарт.  
Қанотли тулпорлар элтадир сенга,  
Эй сарвиқомат андуҳ, қоши ҳилол дард.

Гоҳ осмондан тушиб, гоҳ чиқиб ердан  
Мен сенга етаман ҳорғин ва ўктам.  
«Ердан чиқдингми?» — деб ўйлайсан эркам,  
Таажжубланасан — «Тушдингми кўқдан?..»

Минг чақирим наридан бир иймо билан  
Қозонадир қаро кўзларинг зафар.

Сенга тобе бўлар ақл ҳам, дил ҳам  
Бошлана бошлайди қутлуғ бир сафар.

Юрагим юрагингни қилар зиёрат  
Яшириниб теран-теран жойларга,  
Ишққа олайган кўз бунча кўп, ё раб,  
Олиб кетсам эди сени ойларга.

«Сафарлар муборак!» — ҳаприқади дил,  
Бу қандай бир шодлик, қандай бир ғамдир.  
Чехрангда чарақлар қайсар бир сурур,  
Сенга менинг сени севмоғим камдир.

Юрагимда чиқиб олиб энг тўрга,  
Таъналар қиласан мудҳиш ва майин.  
Муҳаббатдан улуғ туйғуни ўргат,  
То шу туйғу билан сени севайин.

Сенсиз не маъно бор, айт, бу умрдан,  
Туғилгансан атай мендек зорингга.  
Саргардон бир умр йўл босдим, бир дам  
Термулай деб сенинг гул рухсорингга.

Юракни нимталаб борадир не дард.  
Не бало бир сирсан, не бало фошсан.  
Сафаримнинг сочи оқариб кетар.  
Сен бўлсанг... сен бўлсанг...  
жуда ҳам ёшсан.

\* \* \*

Хонам бўм-бўш. Жимжит. Аёлсиз.  
Кўзларимни ёшга тўлдираман.  
Гўё ўйсиз, гўё хаёлсиз  
Ўлтираман... ўлтираман... ўлтираман...

Ўлдираман умидларимни,  
Улар яна топаверар жон.  
Хотирамда май тўла қадах,  
Қўлда эса заққум тўла жом.

Келмаслигинг юракни эзар,  
Бездириб кундуздан, кечадан.  
Бир жуфт қайсар деразам эса  
Сира узилмайди кўчадан.

\* \* \*

Икки кўзинг тумор бўлиб тақилар  
Юрак-юрагимга... жон-жонимга...  
Иситмоқ ҳам гапми... бу икки тумор  
Ўт қўйиб юборар хонумонимга.

Муҳаббат олади гирибонимдан,  
На имкон, на истак халос бўлмоққа.  
Сен ҳаётим билан тўлмоққа маҳқум,  
Ҳаётим мушарраф сен билан тўлмоққа.

Йўқ! Мадад бермайди кўзларда ёмғир,  
Йўқ! Мадад бермайди бошимдаги қор.  
... Бир умрдан ва бир — сендан иборат,  
Жуда қаттиқ келди, жоним, бу баҳор.

\* \* \*

Тўтиқушлар куйлар муҳаббат ҳақда,  
куйлари ўзидек қалбаки, сохта...  
Не бахтки, сен ҳозир олис-олисда,  
не бахтки, сен ҳозир узоқ-узоқда.

Мен бўлсам мусаффо хаёлларимда  
қутлуғ умидингга бўлиб асирлар,  
бунёд этмоқдаман сенга бағишлаб қасрлар!

Сен бу қасрларда яшаяжаксан  
юрақдан бошқага бўлмасдан тутқун.  
Шарафингга сенинг чаҳчаҳланади  
булбулники янглиғ дудуқ бир нутқим.

Ва тонглар бошқача ота бошлайди  
юракка таратиб навобахш нурлар.  
Муборак маслаҳат анжуманига  
ташриф буюради тонг билан ҳурлар.

Бошланур юракда икки чаросинг,  
бошланур юракда адл бўйларинг,  
Минг наврўз бир ерга жамланиб келиб  
барқ ургани янглиғ тўйларинг.

Гулбарглар ғунчада энтикар жимжит,  
бахтга улгу бўлар жуфт ҳисларимиз...

Ҳеч бир номаҳрамсиз бошланиб, асло  
тугамас муҳаббат мажлисларимиз.

\* \* \*

Кўнгилнинг кўзлари чарақлаб кетар,  
Кўзёш хира қилар нигоҳимизни.  
Мададқордир Лайли, Мажнунлар,  
Фарҳод, Ширин қутлар никоҳимизни.

Муборакбод этар масъуд бу дамлар  
Саодатнинг мумтоз пайтлари.  
Чиқар бахтимизнинг истиқболига  
Бирлашиб жаҳоннинг бор ҳайитлари.

Қутлуғ арафадан ёдгор мўъжиза,  
Мўминликдир ишққа чин гирифторлик.  
Ҳайрат билан оғиз очамиз, жоним,  
Бўсалар бўлади бизга ифторлик.

\* \* \*

Сен туғилиб келсин деб бўлган бунёд  
куфру дин, ҳарбу зарб, сирли мозийлар.  
Бизнинг дийдор учун обод этганлар  
бу юртни бир вақтлар ғозийлар.

Сен бўлсанг қанчалаб аср берида,  
минг хирожга ҳар бир сўзинг муносиб.  
Жавоҳир кўзёшлар тўкиб йиғлайсан  
шаҳид бир бахтимни бағринга босиб!..

\* \* \*

Қўй. Алвидо дема. Бу — мудҳиш ҳукм.  
Саодатдир чекмоқ йўлга қараб оҳ.  
Ўлмакка ҳар қачон улгуриш мумкин,  
Ошиқман, Ватаним — Ганжиқорабоғ.

Жудолик истайсан. Юрак титра зир.  
Бошимни қўшмайсан бошинга.  
... Кўприкларни ёқиб кетаман бир-бир,  
Парвоз қилиб қайтиш учун қошинга.

\* \* \*

Мен бугун кетаман, алиф қаддим дол,  
Барча ёмғирларинг, осмон, ерга қуй.

Фақат сен ғам чекма, фақат сен хуш қол,  
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

Ҳар бир деразангда чақнар бир қуёш,  
Ҳар саҳифангда бир бахт кўрсатади бўй.  
Сен улуғ бир шодлик, қутлуғ бир кўзёш,  
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

Сен туфайли умрим пок бир мутолаа,  
Дардларим шарҳлари сўзга сиғмас ўй.  
Тошларни эритган оташин нолам,  
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

Ғариб юрагимнинг муҳташам шони,  
Ўқранган бир наво, титранган бир куй.  
Сенда қолаётир жонимнинг жони,  
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

Қароқларга қалқар қон бўлиб бағир,  
Не бахт, не кулфат ишқ — сўрамаёқ қўй.  
Кимга не ёмонлик қилгандим ахир,  
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

Ҳар дилдин ўзга бир ўтда қовурар,  
Ким у деган «Севги кўпга келган тўй».  
Ҳижрон шамоллари мени совурар  
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

Тола сочига ҳам бермайлик озор,  
Майлига мен ёнай, майлига, сен куй.  
Муҳаббатсиз не-не қасрлар мозор,  
Навоий кўчаси, ўттизинчи уй.

\* \* \*

*Биби Мариямга*

Мен сени жоним десам, жонон, жон кимларда йўқ,  
Оҳ-фиғон чекмак учун, оҳу фиғон кимларда йўқ.

Бир ўзинг бир мен ўзимда, минг шукур борсан фақат,  
Десаларким сарвиқад, қоши камон кимларда йўқ.

Сен бўлак бир яхшидирсан, бир ёмондирсан бўлак,  
Йўқса йўқ кимларда яхши ҳам ёмон, кимларда йўқ.

Навбаҳорим, яшасанг бас, мен хазон топгум осон,  
Бир куни бир заъфароғ фасли хазон кимларда йўқ.

Бошимизни офтоб бирлан силар парвардигор,  
Ўксимайлик зарра ҳам, эй, меҳрибон кимларда йўқ.

Бахт қушидирмиз, қўнайлик бир-бировнинг кўнглига,  
Чунки ер кимларда йўқдир, осмон кимларда йўқ.

Куйламоқ лозим муҳаббат ҳақда сал охистароқ,  
Тўхта, эй дил, булбулим, шовқин-сурон  
кимларда йўқ...

\* \* \*

Меваларин тўкиб боғлар жим,  
Ростлаётир эгик қадрларин.  
Бир сен ўзинг менинг биринчи  
Ҳамда бошқа муҳаббатларим.

Юрагингдир бахтим илинжи,  
Умидларим — жавонмардларим.  
Бир сен ўзинг менинг биринчи  
Ҳамда бошқа муҳаббатларим.

Кутганларинг ёлғон, қаҳринг — чин,  
Ёзсам қайтиб келар хатларим.  
Бир сен ўзинг менинг биринчи  
Ҳамда бошқа муҳаббатларим.

Гарчи ўтмас сенга ўтинчим,  
Гарчи сизмас сенга ҳадларим,  
Бир сен ўзинг менинг биринчи  
Ҳамда бошқа муҳаббатларим.

Сезмас, гарчи юрагинг синчи,  
Рух тулпорим еган латларин.  
Бир сен ўзинг менинг биринчи  
Ҳамда бошқа муҳаббатларим.

Юлдузларнинг йўқолар тинчи,  
Осмон қуёш қилар аҳдларин...  
Бир сен ўзинг менинг биринчи  
Ҳамда бошқа муҳаббатларим.

Мен бир қушман — осмон ўкинчи,  
Синди қанот, куйди патларим...  
Бир сен ўзинг менинг биринчи  
Ҳамда бошқа муҳаббатларим.

Ҳижрон кунчи, айрилиқ — кинчи,  
Кулфатларим сен, сен — бахтларим...  
Бир сен ўзинг менинг биринчи  
Ҳамда бошқа муҳаббатларим.

\* \* \*

Бу оқшом ҳам сени ўйладим,  
ўртаб муваққат бир фироқлар.  
Ошиқларнинг хокистарлари,  
масрурланди азиз тупроқлар.

Жилдиради сирларин жилға,  
асрорини шовуллади сой.  
Қайларгадир ўраниб ботди  
фалакларга ёш сачратиб ой.

Ишқимизни ғийбатлар қилиб  
ножоиз сўз айтаркан дўстлар,  
Дармон бўлди бефарзандларга  
доно илон ташлаган пўстлар.

Хаёл юрак, юрак хаёлни  
бир-бир, бир-бир варақлаб чиқди.  
Англаб мени ҳамдардим осмон  
оқшом билан чарақлаб чиқди.

Шеър ёзмади, япроқлар ёзди  
умидларим йўнган қаламлар  
Бу оламга ҳаваслар қилиб  
чарх урдилар ҳамма оламлар...

\* \* \*

Чаман руҳ оҳиста бўлди биёбон,  
Борлиғимни аччиқ чақади ақраб.  
Васлимизга паноҳ сўлим хиёбон  
Қовжираб боради, боради қақраб.  
Насимдан изғирин туғилар гирён,  
Ҳар новда — назмимдек урэн бир мазмун,  
Мен ҳажрингда сенинг яна саргардон,  
Маҳзун ва маҳкумман,  
Маҳкум ва маҳзун...



Чинорларнинг ўйга толишларини  
Ниқоблаб ёваркан оппоқ қорларим.  
Юрагимнинг жим-жит нолишларини  
Сенга етказгайдир унсиз зорларим.  
Хаёлларим тортиб борар заъфарон,  
Олислаб боради мафтункор мавсум.  
Мен яна ҳажрингда сенинг саргардон,  
Маҳзун ва мазлумман,  
Мазлум ва маҳзун...

Сени ўйласам, ўй фалакка етар,  
Самони сипқорар олган нафасим.  
Юрагим кўксимда парвозлар этар,  
Ўзим — чексизлигим, ўзим — қафасим.  
Юрак қушим учун ҳар бир юлдуз — дон,  
Сендан қутлуғ ёдгор ҳар серфараҳ зум...  
Мен ҳажрингда сенинг яна саргардон,  
Маҳзун ва маҳбусман,  
Маҳбус ва маҳзун...

Бағрига босганча шодлик, ғамларни,  
Чарх урар ишқпарвар, муштипар дунё.  
Таънага қўймайлик, кел, бу дамларни,  
Ҳар ишқ лаҳзасидан мангулик бунёд.  
Юрагим қуш менинг. Ишқ деган дард — дом,  
Қаърига тортади хаёлинг — маъсум..  
Мен ҳажрингда сенинг яна саргардон,  
Маҳзун ва мафтунман,  
Мафтун ва маҳзун...

Хазон муқаррардир, муқаррар баҳор,  
Бир ғунча портлаттай минг-минг кулфатни.  
Тараннум этгайман такрор ва такрор  
Сендан мерос қолган қутлуғ бу дардни.  
Баҳорлар келади, гул гулга меҳмон,  
Сен ҳам тушларимга кириб қадаҳ сун...  
Мен ҳажрингда сенинг яна саргардон,  
Маҳзун ва маҳрумман,  
Маҳрум ва маҳзун...

Ишқ шунчаки бахтмас, олий саодат,  
Заҳар-заққумларни бир кун бол этгай,  
Бийрон қилиб не-не тилларни бу дард,  
Не-не ақлларни бир кун лол этгай.

Тўкмаган ёшларим кўксимда пинҳон,  
Бахш этгай минг-минг лаб лабга табассум  
Мен ҳажрингда сенинг яна саргардон,  
Маҳзун ва мамнунман,  
Мамнун ва маҳзун...

\* \* \*

Умрдир беомон, умри дақиқа,  
Замин узра замон умри — дақиқа..

Кетар бахт мен тарафдан, умри боқий,  
Келар бахт мен томон, умри — дақиқа.

Фироқ ҳар лаҳзаси минг йил висолинг,  
Ҳамон умри, ҳамон умри — дақиқа.

Жасоратда завол билмас шараф бор,  
Агарчи қаҳрамон умри — дақиқа.

Ловуллаб бир, адо бўлдим юракда,  
Олов ичра осмон умри — дақиқа.

Кел, эй сен, яхши, мангу барқарор бўл,  
Бўлур шунда ёмон умри — дақиқа.

## **ВАҲДАТ**

Ҳақиқатни ўйлар ҳар киши,  
Ҳақиқатни ўйлайди ҳар кас.  
Биз — айлана чизгувчи қалам,  
Ҳақиқат — марказ.

Оз қолди, деб мутлақ дийдорга,  
Ҳар лаҳза минг шайланадирмиз.  
Кўзёш қилиб тўкиб вужудни,  
Гирён-гирён айланадирмиз.

Тун-кун юрагимиз гиргиттон,  
Бир лаҳза тин олмай еламиз.  
Адашамиз — олис кетамиз.  
Йўл топамиз — яқин келамиз.

Ўз ўрнида барқарор марказ,  
Тўғри юрсак, хато юрсак ҳам.  
Пинагини бузмайди асло,  
Бўлгунча то адо юрсак ҳам.

Гоҳ кундузлар сўқирлардирмиз,  
Гоҳ тун кўзга бахш этар нур шаб.  
Талпинамиз битта нуқтага  
Ўн саккиз минг оламни қуршаб.

Бу дунёнинг томошалари,  
Бу дунёнинг қизиқларимиз.  
Бир марказни орзу қилгувчи  
Айлананинг чизиқларимиз.

Ҳақ дегани даҳр уммонига  
Ташланган бир бебаҳо ёқут  
Ва биз ундан қочаётирган  
Ҳалқа-ҳалқа тўлқинми, ёҳу.

Ана шундай хаёллар билан  
Кўзларимдан юлдузлар оққан...  
Марказга тушгаймиз айлана,  
Етгаймизми экан биз Ҳаққа?

### **ФИРОҚ ШУЪЛАСИ**

Шуурим довдираб, қақшади жоним,  
Узилмас умидим, бўлдинг бир тилсим.  
Пинҳон бўлган ганжим, махфий бир шоним,  
Нотавон дил сени дафина қилсин.

Ошкор фахр этсинлар тегрангдагилар,  
Бахти кулиб меҳр — эзгу ҳуқуқдан.  
Азалий-абадий нурдан дур бўлиб  
Жоним-жаҳонимга жо бўлган нуқтам.

\* \* \*

Гардлардан форигим, мусаффогинам,  
Киприкларинг тўла марварид гамлар.  
Ложувард бўшлиқлар ичра истайди  
Ҳар тансиқ жилвангни тиниқ шабнамлар.

Оразинг офтобин балқитганингдан  
Рашк этиб, кундошлик қилиб, ҳойнаҳой,  
Аста-секин пастлаб, сеҳрланиб жим  
Менинг қучоғимга кираётир ой.

\* \* \*

Никоҳ, асли, нима? Икки қултум сув...  
Уни ишққа ташна дил ичса яхши.  
Лекин... юрагимни ўртар бу орзу,  
Нимталар бир йиртқич...  
қийнар бир ваҳший.

О, чанқаб ёввойи бўлган умидим,  
Роҳатлардан кечган, изғиб улоққан.  
Асло таслим бўлмас...  
бошлаб боргайман  
Мен уни бир куни сирли сувлоққа.

\* \* \*

Ҳиндистон — ғаройиб мамлакат,  
Ҳиндистон мумтоз бир ўлкадир.  
Диёрдир мўйсафид, нуроний,  
Донишманд, устоз бир ўлкадир.

Тўрт фасл экинлар экилиб,  
Ёмғирлар кўп шаррос ёғадилар...  
Авлиёлари — сигир, сигирлари — авлиё,  
Сифиниб-сифиниб соғадилар.

\* \* \*

*Маихаил Дугинган*

Ҳалок этмас мудҳиш жароҳат,  
Енгажакман манфур ўлимни.  
... Саҳнада бир болакай роҳат  
қилиб ўйнар менинг ролимни.

Манзилимдир, етолсам омон,  
қирмизи хоч тасвири чодир.  
... Залда эса улкан оломон  
кўргулигим кузатаётир.

Умрим бунда ялт-юлт қилади,  
қил устида қолар ҳаётим.

... Вожаб! У қайдан билади  
минг ўлимни енгган саботим.

Жанг қилгандим холис, бетама,  
қолдирмоқ-чун эмас отимни.  
... Бир бор ўйнаб, мен учун олар,  
о, буюрсин, мукофотимни.

Сўнг экрандан кўчага чиқиб,  
борар мағрур парвойи фалак.  
Мухлис қизлар эса ҳовлиқиб  
булар унга гирдикапалак.

Йўлим тўсиб ўтар у мағрур,  
сирли кулиб — бўйчан, гажаксоч,  
демоқчидек «Қани четда тур,  
ҳой, йўловчи, пўшт! Олдимдан қоч!»

Не ҳам дердим... болакай, оқ йўл,  
шошил, аммо ҳовлиқма. Чунки  
ҳали менинг хатоларим мўл,  
қулама сен шуларга мункиб.

Солма яхлит умримга яхна,  
қўй, яхшиси, берса гар тўзим,  
тентиб юрмай саҳнама-саҳна,  
бу ёғини ўйнайман ўзим.

## **АЁЗҚАЛЪА ҲИКОЯТИ**

*Неъматулла Хугойбергановга*

Бунёд қилмоқ бўлди Аёзхон қалъа,  
Тоғ сатҳидан танлаб осмонўпар жой.  
Яқин ердаги созтупроқ майдондан  
Келтирилди минг-минг аробада лой.

Тинмай кеча-кундуз заҳмат чекилди,  
Устма-уст гувала тинмай қўйилиб.  
Бора берди кам-кам юксалиб қалъа,  
Қола берди майдон кам-кам ўйилиб.

Ва бу майдон аста айланди кўлга,  
Қалъа — Аёзқалъа, кўл ҳам — Аёзкўл.

Бу кўлнинг олдида бундайроқ денгиз  
Бўлиб қолар оддий, жўн бир саёз кўл.

Бир қалъа бахш этган қутлуғ теранлик  
Бағрида минг соғинч, минг дард асради.  
Аёзқалъа бўлди Аёзкўл ғами,  
Ва Аёзкўл — Аёзқалъа ҳасрати.

Кўл ўйлайди, яна бағрим тўлса деб,  
Қалъа чуқур англар кўлнинг сирини.  
Неча минг йилдирки Қалъа билан Кўл  
Қаттиқ соғинади бири-бирини.

Кўл қалъага яқин боролмас, ожиз,  
Қалъа ўзин ташлаб кета олмайди.  
... Ҳеч умид узолмас бири биридан,  
Бири бирига ҳеч ега олмайди.

\* \* \*

Бўлмоғим қон истама,  
Жонимни қурбон истама.

Жонни олма, жоним, о,  
Жонсан, ахир, жон истама.

Сен билан дунё чаман,  
Қилмоқни зиндон истама.

Хоҳиш этма менга дард.  
Осмонга осмон истама.

Ишқсиз инсон бўлса гар,  
Бўлмоқни инсон истама.

Кўзларимдан бошқа ҳеч —  
Бир ерда жавлон истама.

Сен ва мен, бирмиз иков,  
Бизни иковлон истама.

МАТНАЗАР  
АБДУЛҲАКИМ

ЖАВЗО  
ТАШРИФИ

# ҚОРАЧИҚДАГИ ДУШЎ



\* \* \*

Хоразмни қазсанғиз агар  
Ер остидан дарёлар чиқар.  
Хоразмни қазсанғиз агар  
Ер остидан дунёлар чиқар.

Нола тортиб юборажаксиз  
Қорачиқдан чақнаб зиёлар.  
«Ер остига нега кетдингиз,  
Азиз дарё, азиз дунёлар?»

Шундай жавоб бўлгайдир сизга  
«Йўқ! Кетмакчи эмас эрдик биз.  
Сизларнинг кўп кирдикорлардан  
Ер ёрилди, ерга кирдик биз.

Ҳали бир авлодлар келгайдир  
Номингиздан тавбалар айтиб.  
Шунда, иншооллоҳ, ҳаммамиз  
Ер юзига чиқурмиз қайтиб!»

\* \* \*

Қарамайсан. Мен ҳам лоқайддек  
Гўё нигоҳ заҳмат, ишқ зарар.  
Лекин... мана, титрар қўлларим,  
Лекин, ана юзинг қизарар.

Чиндан бир-бировни билмасак,  
Тинчгина кун кўрсак қани эди.  
... Типирчилаб шўрлик юраклар  
Бир-бирини дарров танийди.

\* \* \*

Ўлган эмасдирлар ўлганлар, асли,  
Ўнгда маҳрум бўлиб илтифотингдан,  
Бедорликни кўздан абадий қувган,  
Сени туш кўришга қаттиқ инониб  
Ҳаммалари кетган уйқуга.



Сўнгсиз тушлар кўрар ҳаммаси,  
Тушларки бир наво, тушларки бир куй.  
Тушларида боқий изларлар сени  
Ва топа олмаслар абадий.

Бу уйқу ўлимдан-да ботқоқроқ,  
Бу уйқу ўлимдан-да тузоқроқ.  
Топсаларми сени ухларлар  
Мангуликдан кўра узоқроқ.

Мен кетган уйқулар бирмунча содда  
Хуш кўрмайман сени излашни дайдиб.  
Топсам, топмасам-да, ярим оқшомлар,  
Кўзларим тўла ёш, келаман қайтиб...

\* \* \*

Бугун бир орқайин тин олар Тошкент,  
Тонгда бир хотиржам керишади.  
Сен кеча Тошкентга жўнаб кетиб эдинг,  
Тошкент дийдорингга эришади.

Энди миждаларим қилт этмас  
Балки неча кунлаб, балки ҳафталаб.  
Келгунингча Урганч — вайрона,  
Келгунингча Урганч — дабдала.

Кетасан, қишлоқлар зийнатланса ҳам,  
Шаҳарлар берса ҳам ўзига оро.  
Исмингни хутбага қўшади  
Бу тун армон билан Бухоро.

Бу тун алангалар совутар  
Менинг ловулаган қонимни.  
Йўлларга ҳайратда боқар Самарқанд  
Бир лаҳза унутиб Бибихонимни.

Қайтгунингча Урганч дили ғам ўрам  
Қайтгунингча Урганч кўзлари ёш кент.  
Қайтгунингча энди, тан олмоқ керак,  
Чиндан пойтахт бўлиб туради Тошкент.

\* \* \*

Бугун келадирсан сен куй, сен наво,  
Синдириб жудолик қафасларини.  
Иккимизни кутган пинҳон ул маъво  
Ичига ютадир нафасларини.

Бугун сен келасан, не-не ғурурларинг  
Аста-аста ерга тегар юзлари.  
Бир-бирига қизғанар сен чиққан вагонни  
Темир йўлнинг пўлат излари.

Ўрмонни соғинмай қўярлар ногоҳ,  
Шпаллар тақдирдан бўлиб минг рози.  
Элни дийдорингдан этади огоҳ,  
Поезднинг чинқирган овози.

Тақвимларнинг совуқ варақларида  
Пусиб ётар неки байрам, тантана.  
Ташриф буюрасан сен ўзинг бугун,  
Қорақош, қорақўз салтанат.

Артиб қўйиб севинч ёшларимизни,  
Айланиб ўргилар бизлардан сабо.  
Қўшиб қўйиб ғариб бошларимизни  
Бугун бир тинч ухлар Тошқинжон бобо.

\* \* \*

Кузатиб қўйишга чиқаман,  
Ботаётган қуёш руҳга муштарақ.  
Исканжадек қисиб келар тўрт томон,  
Серқатнов йўл берар ҳижрондан дарак.

Рўмолинг кифтингга тушар сирғалиб,  
Қаддимни дол қилиб эгади...  
Жим турар меҳрибон жилғали  
Дўрмоннинг шафқатсиз бекати.

Гоҳ андуҳни қилиб тилка ва пора,  
Ишқнинг бахтга тиккан кўзидир бу йўл.  
Бугун эса минг-минг оғиздан иборат  
Аджаҳонинг худди ўзидир бу йўл.

Увиллар — тўлғанар дийдорхўр, бедард  
Бу йиртқич, бу ваҳший, бу ёвуз,  
Ямлаб олиб сени ютар-да кетар  
Ҳозир навбатдаги автобус.

Йўлингга минг ҳасрат билан қараб, оҳ  
Исмингни такрорлаб ҳар нафасида  
У ёқда Хоразм, Ганжиқорабоғ  
Энтикади дийдор арафасида.

Бу ёқларда эса руҳимга ҳакам,  
Мени андуҳ қилиб чекади.  
Бунёд бўлиб сендек сулув кўрмаган  
Дўрмон бекати...

\* \* \*

Сен келсанг бас, майсалар тугул  
Бу йўлларда гуллар унарлар.  
Сўнгра... сўнгра... ҳар бир унган гул  
Кўрсатади минг-минг ҳунарлар.

Чалинади алвон дардларга  
Салқинлари, ҳовурлари ҳам.  
Исминг билан тўлиб тошади  
Шовқин, вала-говурлари ҳам.

Келсанг минг хил, минг бир турланиб  
Бу йўлларнинг ҳар бир бекати  
Лолаланиб, атиргулланиб  
Фақатгина сенга тегади.

Бу йўлларда ҳар бир муюлиш  
Бу йўлларда ҳар бир чорраҳа  
Сенсиз борлиғимни тилкалар,  
Юрагимга солар жароҳат.

Ҳозир эса сенинг хаёлинг  
Мана шундай қутлуғ наводир.  
Тахминларим кечиккан бир бахт,  
Ҳаяллаган ғамгин хавотир

Гул не қилсин сенсиз бу ерда  
Онда-сонда қовжироқ ажриқ  
Айрилиқни кесатиб қўяр,  
Йўқлигимни қилар қочириқ.

Типирчилар кўксимда юрак  
Бекор қанот қоқишлар билан  
Кетгандирсан, сен, гулим, ахир,  
Йиғлаб-йиғлаб оққушлар билан...

\* \* \*

Азанинг устидан чиқиб қолдингиз,  
Дуч келди сизга бир гаройиб мотам.  
Қаердадир тинмай сукут сақлайди  
Қорақош, қорақўз гўзал бир одам.

Сирли қўнғироқлар ёдидан чиқди,  
Интиқ жирингларни унут этди сим.  
Бир ҳафта бўлди-ки телефоним ўлди,  
Бугун телефонимнинг етгиси.

\* \* \*

Жудолик юракхўр, ёвуз аждаҳо  
Мавжланди иштаҳо жирканч қонида.  
Билмай қолдик бизлар кўрганзимизни  
Ўзимизни унинг ошқозонида.  
Сал тегиб қўйгандик кўз очди дарров  
Очликка бир лаҳза билмади чидаб.  
Кўзёшлар ҳидидан топиб келди у  
Қочсак ҳамки оёқ учида.  
Ҳисларимни тафтиш қилаберди сўнг:  
«Қийналиб кетдингиз. Етар, э, бўлди!  
Лайли нима бўлди вафоли бўлиб,  
Садоқатли бўлиб Мажнун не бўлди?»  
Ахийри синдирди қайсарлигимни  
Дилда лахта қондек қотиб қолган ҳис...  
«Мен сизни севаман, жоним ёлғизлик,  
Сиз ҳаддан ташқари гўзалсиз».

\* \* \*

Тунларим тонг бўлар сени ўйланиб,  
Сени ўйлаб, менинг бўлар кеч куним.  
Сенинг мендан бошқа ҳаммаларинг бор,  
Менинг сендан бошқа йўқдир ҳеч кимим.

Дарвоқе, сеним ҳам йўқсан-ку менинг,  
Сени ҳеч меники демаслар энди.  
Юрак мавҳум бир бахт... юракдан бошқа  
Ҳеч биров меники эмаслар энди.

Оёқларим менга бош эгмас сира,  
Оёқларим мени сенга судрайди.  
Жудолик либосин устимга ўртиб  
Руҳимда садоқат мудрайди.

Юракда сайрайди мажруҳ бир булбул  
Беҳуда ахтариб қийғос ҳисларни.  
Гулим... дилим... шу ҳам ҳаёт бўлдим,  
Худо раҳмат қилган бўлсин бизларни.

## КУЗ

*Кўрдим юрар галага шу чоқ  
Отам билан хирмон совуриб.*

Отабек Исмоилов

Офтоб аҳён-аҳён мўралаб қўяр,  
Топиб унда-бунда булутлар чокин.  
Ҳансираган тупроқ салқинга тўяр,  
Хоразм ерида хазонрез ҳоким.

Сариққа чалиниб, чекиб ётар ғам  
Ҳар дарахт, ҳар майса, ҳар қир ва ҳар рош.  
Баҳор маликаси боди сабо ҳам  
Қариб шамол бўлган, бўлган бир фаррош.

Ҳурпайтирар шохга қўнган қушда пар,  
Йўлақдаги чангни кетар уфуриб.  
Гоҳ унда, гоҳ бунда юрар муштипар  
Байроқ ҳилпиратиб, кўча супуриб.

Боғларда хўрсинса — тўкилиб мева,  
Далада оҳ тортса, чаноқ чарақлар.  
Олтин япроқларни сева ва сева  
Кўҳна китоб қилиб бир-бир варақлар.

Борлиқ кўп сермаҳсул хаёлга толган  
Дард кўп ҳорғин кеча-кундузларида.  
Соғлом умид ухлар қурт тушмай қолган  
Юксак дарахтларнинг илдизларида...

## СЕРҚИБЛА ОДАМ

Мен ҳеч кимга ташвиш орттиролмайман,  
Негаким, ташвишим ўзимдан ортмас.  
Ҳеч ким қулоғимдан тортмайди менинг,  
Оёғимдан эса — бешбаттар тортмас.

Худбин бир одамман. Қилмас безовта  
Ҳеч кимни яхшими-ёмон бир ишим.  
Олти ёғим қибла. Истасам мумкин —  
Осмонга учишим, ерга киришим.

## САВДО

Сотмоқчи бўларлар сени, азизим,  
Баҳолар қўярлар юксак, қўлетмас.  
Маҳлиё бўларлар, мафтун бўларлар,  
Харидорлар сира тегрангдан кетмас.

Ниҳоят, на илож тарқайди бозор.  
Энсасини қашиб, умидин узиб.  
Шалвираб кетарлар харидорларинг  
Бир-бир қўлтиғидан тушиб тарвузи.

Қўп айёр, қўп маккор сотғувчиларга  
Шу тарвузлар керак, холос, гуллолам.  
Ғуж-ғуж уруғ эмас, улар ичидан  
Тиллолар — тўкилар, фақат тиллолар..

## МАНЗАРА

Андух қамал қилар юракни,  
Тун-кун аро йўқдек тафовут.  
Борлиқ қуюқ, қаро булутдан  
Кийиб олган омонат совут.

Осмон ёмон қаттиқ хўмрайган,  
Чек қўйилган унинг айшига.  
Ўхшаб кетар йилт этган ёғду  
Жаҳонгирнинг жилмайишига.

\* \* \*

Қоматинг оқтерақдек адл,  
Сўзинг руҳни қонга белади.  
Шундайин бир жаллод бўлсанг ҳам,  
Лабингдан сут ҳиди келади.

Келажагинг — қаср. Қулатма.  
Гарчи ҳаёт бир буз-бузалоқ.  
Бўсани ким қўйибди сенга,  
Қизалоқ!..

\* \* \*

Қайдасан. Юрагим саргардон.  
Ғойиб дийдорингга тўйайин.  
Шундай топайинки мен сени,  
Ўзимни йўқотиб қўйайин.

Шундай йўқотайки ўзимни  
Кўзингга ёш тўлиб, бўлиб лол,  
Қўймай буткул ғойиб бўлишга,  
Топиб ол... топиб ол... топиб ол...

## ЗАРДУШТ

Нималарни кечинаётир  
Тарк этаркан танимни руҳим.  
Гоҳ бадарға бўлгиси келар,  
Гоҳ бўлгиси келади қувфин.

Ёки унга осмонми қутлуғ,  
Юз ўғирмиш невчун бадандан.  
Ватанига кетмақдами руҳ,  
Кетмақдами ёки ватандан.

Қандай англай жону дилимни,  
Зирқиратган мунглиғ садони.  
Юртсеварни олқишлайми ё  
Жазолайми ватангадони.

\* \* \*

Руҳим, поксан таним қошида,  
Ожиздурман тафтиш қилурдан.  
Турибсан қутлуғ йўл бошида  
Минг бор мусаффоқ биллурдан.

Ҳаётимнинг тонги сен эдинг,  
Мана, энди умрим шомисан.  
Яратганнинг олдига етиб,  
Боргудек бир мусаффомисан?

\* \* \*

Қаламимнинг чаҳ-чаҳларидан  
Дудуқландим. Бўлдим гунг. Лол. Жим.  
Икки қатра қалқди мижжамга  
Келганида ошиғим олчи.

Куралайкўз, жингалакжун бир  
Қўзичоқни ёдлабми кўзёш?  
Юрагимга уқубат солди  
Қайси оғоч, қайси қоратош?

\* \* \*

Гарчи қорни тўқдир уларнинг,  
Оч кўзлари ўқдир уларнинг.  
Олгувчи минг қасослари бор,  
Асослари йўқдир уларнинг.

\* \* \*

Шайтонга ҳур бўлиб гап уқтир,  
Харсангга дур бўлиб гап уқтир.  
Ё — индама. Ёки, азизим,  
Зулматга нур бўлиб гап уқтир.

\* \* \*

Оловлар ҳам бир кун сўнгай,  
Юрак, кўксим қафасга кўнгай.  
Тиканларим айлангай гулга,  
Гуноҳларим савобга дўнгай.

Мукаммаллик касб этгай борлиқ,  
Эзгу якун истаб ҳар ишда.  
Итларим бор — учгай қуш бўлиб,  
Иблисларим бўлғай фаришта.

\* \* \*

Риёзат чек, майли озгина,  
Тирноқча бўл мен учун ҳалак.  
Эвазига тўлайман осмон,  
Бадалига бераман фалак.

Бир лаҳзадан кечсанг мени деб,  
Бахтдан кўзим ёшляяжакман.  
Мангуликни оёқ остингга  
Келтириблар ташляяжакман.

\* \* \*

Кўп йиллар бор ҳали мўйсафидликка,  
Сўлмоққа кўп йиллар бордир, о, қарийб.  
Лекин... сен келмаган ҳар бир кун ботса,  
Борадир бир тола сочим оқариб.



Мен ҳолига қаттиқ ачинадирман  
Чорасиз охирги тола сочимнинг.  
Урушнинг энг сўнги қатнашчисидек  
Чекадиган ёлғиз нола сочимнинг...

## ДЎСТ

Оташфёълар келган дунёга  
Юрагингни ёқмоқ учун, дўст.  
Келган янглиғ баҳор булути  
Гулдурак ва чақмоқ учун, дўст.

Нопокликдан чиққан тишлари,  
Фасодга фарқ ёзу қишлари.  
Тил учида нокас нишлари  
Юрагингни чақмоқ учун, дўст.

Макрга ёт бўлабергин сен  
Жонбахш баёт бўлабергин сен.  
Обихаёт бўлабергин сен  
Юракларда оқмоқ учун, дўст.

Бўлғил доно, бўлғил мардона,  
Жаҳл заққум, ақл — дурдона..  
Минг бир боғни ўйла, бир дона  
Данак мағзин чақмоқ учун, дўст.

Менинг Куним, менинг Қуёшим,  
Ё офтобим, нурафшон бошим,  
Равшан қилар кўзимни ёшим  
Сенга ҳар кун боқмоқ учун, дўст.

\* \* \*

Кетганингдан сўнг ҳам яшаётирман,  
Қаттиқ бўлар экан одамнинг жони.  
Ҳамон оқаётир Жайхун тўлғаниб,  
Ҳамон тип-тиниқдир Урганч осмони.

Ҳамон ғазаллар бор, қўшиқ бор ҳамон,  
Шовуллаб турибди сен тарк этган бор.  
Гуллар очилмоқда, ҳамон, ё пир-ай,  
Булбул сайраётир, астафуриллоҳ.

Барибир ишонгим келмайди сира.  
Сен ҳақда сурганим бари хаёл — хом.  
Ёки — тириклигим ёлғондир менинг,  
Ёки сенинг мени севганинг — ёлғон.

## ОДАМ

*Ҳожи Ортиқ шеъри*

Қаноат қил, нури дийдангдан  
Худо ногоҳ бир кун айирса.  
Таҳликага тушма, қўлларинг —  
Қанотингни қисмат қайирса.

Эмасдир бу мудҳиш оқибат,  
Эмасдир бу мислсиз жазо —  
Вужудингда қилса тақчиллик  
Бори-йўғи бирон-бир аъзо.

Нуқсонларга сабр бу, зотан,  
Мўминликдир, шижоат — шаҳддир.  
Фақатгина битта аъзодан  
Иборат бўлмоқ бу — даҳшатдир.

Одамлар бор — кўздир оч, қаттиқ,  
Бақрайган ва чақчайган соққа.  
Тил одам бор, алжирайвериб  
Айланган югурук оёққа.

Бурун одам бордир — осмонда,  
Бармоқ одам шай ковламакка.  
Қўл одам бор, ёқангдан олиб,  
Машгул умринг эговламакка.

Одамлар бор, ҳар бир шарпага  
Ҳар дам сергак, ҳар дақиқа — динг.  
Бу одамлар одаммас, қулоқ.  
Қулоқ бўлганда ҳам, бирмас — минг.

Бордир ияк одам — фирт қайсар,  
Нафсга бергич орин одам бор.  
Фақат томоқ одам бор, афсус,  
Афсус, фақат қорин одам бор.

Бир одам бор — тирсак. Йўл бермас.  
Унинг даҳшатлари кўпга тан.  
Безор бўлдим калла одамдан,  
Зада бўлдим одам — ўпкадан.

Яна қандай одам бор? Айтмай.  
Ўзинг зимдан пайқагандирсан.  
Фахрланиб мағрурликдан гоҳ,  
Гамдан гоҳ бош чайқагандирсан.

Мардлар билан ҳамроҳ бўлдим гоҳ,  
Қуён эдим шер одам бўлдим.  
Номардларга дуч этди Худо,  
Осмон эдим, ер одам бўлдим.

Сарғаяман гоҳида сўлиб,  
Кўз илғамас андуҳлар чекин.  
Уқубатлар мингоёқ бўлиб  
Юрагимни чангаллар секин.

Лекин... лекин... битта одам бор,  
Тасаллодир толган вақтимда.  
Умидлардан бўлиб мосуво,  
Андуҳ ичра қолган вақтимда.

Бошдан-оёқ қуёш бир одам,  
Бошдан-оёқ ой бир одам у.  
Жамолини лаҳза кўрмасам,  
Аҳволимга вой бир одам у.

Кўз чақнатса, юдузга дўниб,  
Кулса, дурри яманлар бўлдим.  
У боғ одам, у бўстон одам  
Келса, мен ҳам чаманлар бўлдим.

Уни қаттиқ соғина бериб  
Юрак ва кўзёш одамдирман.  
Ўйлайвериб ва сўйлайбериб  
Сир одам ва фош одамдирман.

Руҳинг бутун бўлсин, аё дўст,  
Руҳ — мардликдир, руҳ — жиҳод, руҳ — жанг.  
Мажруҳ бўлма ҳеч вақт, илоҳим,  
Бутун бўлсин қутлуғ тўрт мучанг.

Қўрқоқ бўлсанг, бир кун ботир бўл.  
Хасис бўлсанг, дўнгил Хотамга.  
Дардсиз бўлсанг, ҳамдардга айлан,  
Бахтсиз бўлсанг, бахтли одамга.

Тўй одам бўл тантаналарда,  
Мушибатда мотам одам бўл.  
Ўзлигингни унутма, хуллас,  
Хуллас калом, одам одам бўл.

## ҲАЗАЛЛАР

Бахш этай, жонимни ол, шул бору йўқ божим, гулим,  
Сенга муҳтожинг тикандан, менга муҳтожим гулим.

Жой олибдур кўзларингнинг устидан бир қаллавоч,  
Кўзи қиймас талпиниб учмоққа қийғочим, гулим.

Ҳеч қачон бошим эгилмас то хаёлинг бирла банд,  
Подшоҳман, бошда пинҳондир, ажаб, тожим гулим.

Навбаҳор тонг елларин кўп соғинарлар майсалар  
Қўлларингни қўмсагай васл олдидан сочим, гулим

Не учун барглар шивирлар, сой шовулар не сабаб,  
Сенга ҳайратдан нега бўлмайди дунё жим, гулим

Келмагингдан гарчи кўнглим тинч, кўзим йўлингдир,  
Бир-биридан беҳабардир тўқ билан очим, гулим

Мен-ку сақдарман сукут, чаҳчаҳлагай дил булбулим,  
Мен соқовдирман, дудуқдир ишқда тилмочим гулим.

\* \* \*

Тўйинг дийдорига, кўзлар, нигорим энди келмасмиш,  
Қошидан ҳам қорайтиб рўзигорим энди келмасмиш.

Қуёш ботган каби тонглар фироғида қоронғудир,  
Чарақлаб кулса тунлар лозорим энди келмасмиш.

Гулимни минг қучиб тўймас қўлим, сен не муаллақсан,  
Дилимни гул каби юл, гулузорим энди келмасмиш.

Менинг зорим эди шодлик, менинг зорим эди андух,  
Бу зорим энди кетмасмиш, у зорим энди келмасмиш.

Менинг устимдан, эй кулфат, бўлурму бунча ҳам  
Кулмак,  
Кўзидан ёш мени деб шашқаторим энди келмасмиш.

Нигоҳ ташлаб қиё, дилни дилига кўмдию кетди,  
Нетиб ўзни тавоф айлай, мозорим энди келмасмиш.

Нечун кўксимда саргардон, сағирдир бу яшил ҳислар,  
Увила, қаҳратоним, навбаҳорим энди келмасмиш.

\* \* \*

Ёр хиром этмак билан қалбни қилиб ларзон ўтар,  
Не қилайлик, умримиз ҳижрон аро сарсон ўтар.

Аҳли ишқ ёр васлига етмиш, бериб жон нақдини,  
Бу не бозор, бебаҳо мулк унда кўп арзон ўтар.

Макр эли мақсад — муродига етишса ошкор,  
Бу юракдан минг алам ҳар лаҳзада пинҳон ўтар.

Шул қадар юксақда маҳваш, нисбатини ўйласам,  
Кўзларимнинг олдидан, воҳ, ер билан осмон ўтар.

Чарх ураркан то фалак, айт нега ўзни ўртамак,  
Васл ўтар, сен бўлма шод, сен чекма ғам, ҳижрон ўтар.

Дилни жон, жон дилни қурбон бергуси ишқ йўлида,  
Бир-бирин баҳридан охир бу икки қурбон ўтар...

\* \* \*

Йўлида зорман, жонон кечикди,  
Юракда айланишдан қон кечикди.

Бўлурму, айтингиз, бундан зиёд ғам,  
Ки, инсон қошига инсон кечикди.

Отар вақтинда гўё отмади тонг,  
Юзин кўрмак учун осмон кечикди.

Фироқ маҳбусиман, эрк вақти етди,  
Очилмасдан бироқ зиндон кечикди.

Гулим, айб этмагил, сен журъатимни,  
Фарибингман, дедим султон кечикди.

Жудолик тортди, ох, бошимга шамшир,  
Ҳимоятга бу дам қалқон кечикди.

Ўлардим шодлигимдан, ёр, келсанг,  
Мени маъзур тут, қурбон кечикди.

\* \* \*

Соғинурман, изтиробим дил деган шайдога юк,  
Бўлмасинлар дардларим лекин сира барнога юк.

Таъна қилди минг, кўнгил кўрдим демас мингдан  
бирин,  
Бўлмагай, минг тош улоқтирсанг, азим дарёга юк.

Тушмагайдир ҳеч қачон ишқ мулкига оғирлигим,  
Бўлмагай сўз ҳеч ўзи билдиргучи маънога юк.

Ишқи йўқлар фисқидан шаҳлоларингда қалқди ёш,  
Аҳли нокас кирдикори ҳар азиз сиймога юк.

Қилгали бахтдан ишора кўз очиб юмдингми, ёр,  
Бўлдиларми ё қуюқ киприкларинг иймога юк.

Дардга солди айрилиқнинг кулфати деб ўйлама,  
Дил, ахир, сен ким бўлибсан, бу азоб дунёга юк.

\* \* \*

Оҳки, мен оҳлар истарман,  
Дилга, чун, доғлар истарман.

Сени мен соғинаман ҳар дам,  
Мени мен гоҳлар истарман.

Борлигим дашт ила саҳродир,  
Сенмисан боғлар, истарман.

Бир қиё боқдингу, қул бўлдим,  
Қулликка шоҳлар истарман.

Кулгичинг ёдида йиғларман,  
Бахтима чоҳлар истарман.

Сочларим торттилар оқ фарёд,  
Сени шундоғлар истарман.

Тунда йилт этмади бир юлдуз,  
Гарчи минг моҳлар истарман.

Энди бош ургали тошларга,  
Мен фақат тоғлар истарман.

\* \* \*

Кўнглимга кириб, санам, сафар қил,  
Саҳрода ўзингни мўътабар қил.

Эй рухсори қуёш, кўзи чўлпон,  
Осмонда не янгилик, хабар қил.

Беҳудага келмадинг, азизим,  
Дунёда ўзингни бир асар қил.

Кўксимга икки кўзинг ики доғ  
Ўрнатди, ишонмасанг, назар қил.

Ишқ йўқ эса қай бировда, ундан  
Қилмас эса ким ҳазар, ҳазар қил.

Ёр лаълини бўса бирла банд эт,  
Сўзингни узатма, мухтасар қил.

\* \* \*

Кўзларимга ташрифинг ўтлиф нигоҳлар келтирур,  
Тухфалардеқдур, гулим, шоҳларга шоҳлар келтирур.

Не учун танграмга мен қилмай ибодат, ул сени  
Хоҳламас қошимга келтирмас ё хоҳлар — келтирур.

Ҳар маҳал кўксимда ишқдур, ҳар маҳал кўксимда сен,  
Бир кўриб қўй, не жавоҳирларни тоғлар келтирур.

Йўлларимга зормисан деб сўрма кўнглимдан савол,  
Ул жавоб ўрнига тинмай оҳ-воҳлар келтирур.

Изтироб оқшомлари мен ўкраганман нечалар,  
Кечалар кўқдан сўра минг-минг гувоҳлар келтирур.

Дарди йўқлар пойида топталмасин ишқ-салтанат,  
Бахт-саодатни бу мулкка дилсиёҳлар келтирур.

Хусн учун унгаймидурлар қош билан киприкларинг,  
Ё муҳаббат сен билан меҳригиёҳлар келтирур.

Мен сени севдим деб айтсам, ўйга толдинг мунграйиб,  
Ишқ агар изҳор этилса, иштибоҳлар келтирур.

Сен қараб қийғос очилди борлигимда минг чаман,  
Бир чарақлаб навбаҳор юртимга боғлар келтирур.

## ЗАРДУШТ ХАЁЛИ

*Туркум*

Ловуллашинг — заррин бир хитоб,  
Ёритмасанг — зулумот ғаддор.  
О, барибир, мўътабар офтоб,  
Биздан-да сен бўлгил миннатдор.

Нуринг — кулфатларга қарши ҳарб,  
Шуълаларинг — муборақ сўзинг.  
Бўлмасайдинг бизлар учун сарф,  
Куйдирардинг ўзингни ўзинг.

\* \* \*

Маърифатим жуда ҳам ўжар,  
Маърифатим жуда ҳам қайсар.  
Кимки деса мени «Ўт — ўчар...»  
У алжирар, валдирар, вайсар.

Менга ақд қилинмаган ман,  
Тафаккурим — шабчароғ дурлар.  
Сенга, кулим соврилган кўқдан,  
Юборгумдир абадий нурлар.

\* \* \*

Оламан мен меҳр кучин тан,  
Одамларни севиб сен шодон.  
Севсанг чиндан... улар ичинда  
Нима қилиб юрибсан, нодон?

Эзгуликка қулоқлари кар,  
Кўзлари ҳам бўри каби оч...  
Яхшиларга меҳр қўйсанг гар,  
Ваҳшийларнинг орасидан қоч.



\* \* \*

«Азал-абад дардидан ол тин,  
Ўйлай-ўйлай сенг жим бўлурсан.  
Маймун эдинг минг-минг йил олдин,  
Қани, энди айт, ким бўлурсан?..»

«Юксалмасам, кетурман тубан,  
Унутмам, шу ҳаёт қойдаси.  
Юрагимни қилур қайғу банд,  
Пушаймоннинг бўлмас фойдаси.

Лаҳза тинмам. Бахт учун бу — жанг,  
Тортмам ўзни курашдан йироқ.  
Одамдан одамроқ бўлмасам,  
Бўлгум маймундан ҳам маймунроқ».

\* \* \*

Бекор чақдинг, эй шўрлик илон,  
Ўкинч заҳрин ютмоқдадирсан.  
Барҳаётман. Бақрайиб нолон,  
Айт, нимани кутмоқдадирсан.

Ўлганини кўрганмисан ҳеч  
Аждаҳонинг илон заҳридан?  
О, ҳалиям эмасдир ҳеч кеч,  
Кечган бўлсанг қаҳринг баҳридан.

Менга ҳужум — ўлимга тенг иш,  
Яла. Нишинг қайта тўлади.  
Заҳринг ожизроқ ёвни енгиш  
Учун ҳали керак бўлади.

\* \* \*

Оқ йўл, дўстим! Йўлинг мўътабар.  
Ишинг — ташлаш қалтис қадамлар.  
Етказсанг-да кулфатдан хабар,  
Лоқайд томошабин одамлар.

Ҳаловатдан кечадирсан воз,  
Юрагингни қилиблар қон сан.  
Сен ўзингга ўзингсан дорбоз,  
Сен ўзингга ўзинг арқонсан.

Ўзинг осмон. Ўзинг ер. Ҳақ шу.  
Энди тиним билма бир замон.

Сен ўзингдан юксалсанг, бахт шу,  
Сен ўзингдан қуласанг — ёмон.

Ҳам қуёш ҳам осмон дўстлари,  
Булутларни тўзфиттувчи қуш —  
Лочин учар... Чақнар кўзлари:  
«Тирикмикан? Қани у Зардушт?..»

«О, мана мен! Бутун тўрт мучам,  
Юрагимда минг тулпор кучи.  
Ҳаёт учун не керак, шу жам,  
Сафарбарман яшамоқ учун.

Бироқ ҳаёт ва ўлим аро  
Мавжуд экан, ўзи, қандай фарқ?  
Осмонни мен қилурманми ром?  
Парвозларда урурманми барқ?

Гарчи олов бир баёт билан  
Кимнингдир наздида улканман...  
Лочин ўйлаган ҳаёт билан,  
Ўйлаб кўрай тирикмиканман?..»

\* \* \*

Энди сендан менинг кўнглим тўқ,  
Эдим дилни сенга ишонган...  
Эҳ, собиқ дўст... янглишмадинг, йўқ,  
Уни аниқ олдинг нишонга.

Муродинга етмоғинг учун  
Сабр айлагил, тоқат қил бир оз...  
Ўқинг ўқдек келмоқда учиб,  
Ўтмаётир вақт вақтдек, холос...

\* \* \*

Мен жангга йўл оламан бу дам,  
Нақ бўғзимда ялтилар тиллар.  
Шаҳлоларинг фарқ қилмиш алам,  
Йўлимга зор термулиб йиллар.

Кўзларимда чақнаган чақин  
Юрагимда қолган доғимсан.  
Ғалабага қолди кўп яқин,  
Жангдан қайтсам оромгоҳимсан.

Гарчи менинг сочларимда оқ,  
Гарчи сен ўн саккиз ёшингда,  
Гарчи, гунчам титрайсан, бироқ  
Сал-пал чақалоқман қошингда.

\* \* \*

Йўл оламан аёл қошига,  
Шивирлайди бир кампир аста.  
Чек қўймоққа кўзда ёшига,  
Олвол, болам, битта гулдаста.

Дасталайман гулларни бир-бир,  
Сурурланиб бахтли ҳаётдан...  
Бироқ яна шивирлар кампир  
«Хипчинни ҳам чиқарма ёддан...»

Саралайман хипчинларни ҳам,  
Йўл-йўлакай қутлуғ ҳавасда.  
Яшилана бошларлар бир-бир  
Гулдастага дўнарлар аста.

\* \* \*

Рухим! Ўзинг бахт. Ўзинг кулфат.  
Ўзинг лочин. Ва ўзинг — осмон.  
Оғирлашса юкинг, чекма дард,  
Қўниб, туяга дўн шул замон.

Ва тушгил ўз қошингда чўкка,  
Тиззаларинг, майли, ўпсин ер.  
Сўнг йўлларда эврил Фирқўкка,  
Бўри ҳамла қилса, бўлғил шер.

Ўтмишдан ва ҳозирдан толсанг,  
Йиллар қилса қаддингни камон,  
Келажакка зор бўлиб қолсанг,  
Чақалоққа айлан шул замон.

Ҳаёт кечиришда — турфа ҳол,  
Ҳаёт кечиришнинг йўли минг...  
Умр бўйи яшасанг ҳалол,  
Осойишта кечар ўлиминг.

\* \* \*

Беморсизлар! Оғриқдан халос  
Бўлиш сизнинг фикрларингиз.  
Табибман. Фарқ шу бизда, холос...  
Чидайман. Йўқ шукурларингиз.

Дилингизда шукроналик бор,  
Оғриқ дилга келтирмаётган.  
Ҳақоратлаб гоҳ мени ғаддор,  
Лаънат ўқийсизлар ҳаётга.

Кўзларингиз кўрганим ҳамон  
Сиздан воқиф бўлганман, ахир.  
Билганманки, дардингиз ёмон,  
Билганманки, дардингиз оғир.

Кифоядир менга шу бир бахт,  
Сизга табибликка ноилман.  
Шу мудҳиш дард билан шунча вақт  
Ўлмаганингизга қойилман.

Сабр қилинг енгиб дардларни,  
Фарёд чекманг. Чиданглар бир зум.  
Унутгирар ҳақоратларни  
Ҳали сизнинг маъсум табассум.

\* \* \*

Мен ким, Зардушт!.. ҳақиқат отлиғ  
Чақалоқни бағримга босиб  
Келмоқдаман... қўшиқдек тотлиғ  
Унинг йиғлаётган овози.

У фаҳм этмас, жуда ёш, илло,  
Кулфатбахш бир залворли тошин.  
Ёлғон гап бу — чўнтақда тилло,  
Ҳақиқат — юракда кўрғошин.

У Ватандек қутлуғ ва дангал,  
Унингсиз ҳар дам — минг қиёмат.  
У хиёнат қилмас Ватанга,  
Ватан Унга қилмас хиёнат.

Мен ким, Зардушт!.. Болам бағримда...  
Азиз кўринг сиз жонингиздан.  
Йўқса, соврилибон қаҳримдан,  
Нишон қолмас виждонингиздан.

## ДАРАХТИМ

*Расул Ҳамзатовган*

Япроқларинг мусаффо кўқда,  
Қаро ерда сенинг илдининг.  
Дарахтгинам, серновдалиқда  
Ҳаётга энг мос тимсол ўзинг.

Уйимизнинг рўбарасида  
Бўй чўзгансан фалакка қараб.  
Умр йилларим каби шохларинг  
Тарвақайлаб кетган ҳар тараф.

Бир маҳаллар совуқ ел эсиб,  
Қиш қоқай деб турганда эшик,  
Олгандилар бир новданг кесиб  
Менга ясаб бериш чун бешик.

Ул новдага қўнмади шабнам,  
Унга булбул айтмади ҳеч роз.  
Иккимизни муштипар онам  
Аллалади эрта-кеч, холос.

Муҳаббатга бўлдим, сўнг банда,  
Қизлар куйга ташна эдилар.  
Иккинчи шохингдан ўшанда  
Менга кўмиз йўниб бердилар.

Топди бедардлигимиз барҳам,  
Гоҳ шод хандон, гоҳ ғамгин диллар.  
Қўшиқ билан ўтди ойлар ҳам,  
Қўшиқ билан йиллар кечдилар.

Гоҳ уловда, гоҳ яёв роса  
Дунё кездик ўлкама-ўлка.  
Бугун сендан бежирим ҳасса  
Йўнмоқдалар ҳорғин Расулга.

Юксалгандек сен билан бирга  
Орзуларни қилмасдан нобуд.  
Энди бир кун қуларсан ерга  
Бўлиш учун мустаҳкам тобут.

Япроқларинг мусаффо кўқда,  
Қаро ерда сенинг илдининг.  
Дарахтгинам, мусаффо кўқда  
Ҳаётга энг мос тимсол ўзинг.

## ТЎРТЛИКЛАР

\* \* \*

Бизга Орол денгиз томони етди,  
Заминларнинг «дориломони» етди.  
Мўйноқ тузин тотдик етмиш икки йил,  
Тузликқа тупурмак замони етди.

\* \* \*

Хаста руҳда меҳрим соф бўлиб ўсди,  
Бир дўст топсам кўнглим тоғ бўлиб ўсди.  
Бошимда чақилган данаклар эса  
Менинг юрагимда боғ бўлиб ўсди.

\* \* \*

Шарқ у ёқда эмас, Шарқ бу ёқда деб  
Унга танбеҳ берди соф, дадил...  
Бошига кўтариш ўрнига  
Оёқости қилди уни, топтади.

Бундай ёвуз эмас эди, аслида,  
Фақат билмас эди, Фарби, Шарқини.  
Билмас эди шўрлик фақатгина  
Бош билан оёқнинг фарқини...

## ЖАВЗО АРАФАСИ

*Лирик гостон*

«Қора кўзим, деманг, қоракўзмасман»,  
Қўй кўзлари сенинг кўзларинг.  
Қарамасанг мотам, қарасанг  
Тўй кўзлари сенинг кўзларинг.

Сенинг ўй кўзларинг илинжида  
Не бир кўзлар чақнаб жовдирар,  
Не бир, не бир арслонлар оху,  
Арслоннинг қошида каби довдирар.

Даҳшатлар пинҳон бу қўй кўзларингда,  
Бу кўзлар ҳам ёлғон, ҳам чининг.  
Ҳар бир қорачиғинг бир олов ҳалқа,  
Ҳозир қарсиллайди қамчининг.

Ва мен сакрайдирман қўй кўзларингда  
Олов ҳалқаларнинг аросидан.  
Мардумлиғ фан қилиб, ватан тутгайман  
Кўзларинг қаросида.

Илҳақ, қаър-қаъридан муштоқдир осмон  
Бор офтоби, барча юлдузи билан,  
Сени қаттиқ қўмсар Урганч боғлари  
Ҳар япроғи, ҳар бир илдизи билан.

Биз ҳам, асли, ўзи, бир жуфт дарахтмиз  
Биримиз бўлганмиз жо биримизга.  
Айрилиқ — ёлғондир. Қаттиқ чирмашган  
Томиримиз томиримизга.

Файз бахш этиб турар бири бирига  
Япроқлар — ям-яшил аъзоларимиз.  
Ҳаёт-мамотимиз муштарақдирлар,  
Муштарақдир бизнинг жавзоларимиз.

Бир четда мунғайиб ўтирибман жим,  
Сенсиз ҳар бир лаҳза минг бор фалокат.  
Минг йил бўлди — кетдинг. Нега ҳамон хўл  
Нақллардан машҳур муборақ доқа.

Минг ўлиб тирилдим мен шу минг йилда,  
Минг йил бир нуқтадан силжимади ой.  
Буғланиб турибди пиёлада сен  
Минг йил аввал дамлаб бериб кетган чой.

Минг йил бўлди... кетдинг... зор этдинг...  
Қутлуғ қадамингга шай боғларимни  
... Куйлагим малакми дазмоллаб қўйди,  
Фариштами ювди пайпоқларимни?..

Мен сукут сақлайман, бераман бардош,  
Сенинг сўзларингдан юрак-бағрим қон.  
Сенсиз ҳаёт менинг қатлимга қарор,  
Эй, рашк мактабида жажжи абжадхон.

Маломатга кўмиб ўртайсан мени,  
Мени қизғаниблар титрайсан гоҳо.  
Рашкинг — бир чувалчанг, бир илон — майда,  
Менинг рашким эса аждаҳо.

Руҳни қандай эзар, бир билсанг эди  
Аччиқ таъналарнинг тошлари.  
Ҳуснинг ортган сари кўпайиб борар  
Мудҳиш аждаҳонинг бошлари.

Пускураркан ҳар бош бетиним олов  
Маҳкум қилиб мени ўлимга,  
Кўзларинг узатар истар-истамас  
Олмос бир қилични қўлимга.

Бошларни узаман сапча-сапчадек  
Индамай... гулрухсор, бағри тош.  
Ўсиб чиқаверар бир бош ўрнига  
Икки бош... икки бош... икки бош...

Мен жануб ўғлиман. Сен — шимол қизи.  
Бир фаслга илҳақ. Ичиккан.  
Мавриддидир сенинг бахтинг, водариф,  
Менинг бахтим сенсиз... кечиккан.

Баҳорни сен ёниб яшагинг келар,  
Бергим келар менинг кузга чап.  
Сени бир ўзгача йўқлайди баҳор,  
Мени йўқлайди куз ўзгача.

Оғир меҳнат қилар ер бу жуфт фасл,  
Анқиб тутиб кетар ерни ер ҳиди.  
Очилганда маҳзун руҳимда чаман  
Юрагингда энди-и... музлар эрийди.

Сен тараф отлансам қаҳринг бир дунё,  
Отланмайин десам, меҳринг бир жаҳон.  
Тарк этиб кўзларинг муборак зиё  
Беркилиб қолмасми йўллар ногаҳон.

Борлиғимга ботдинг мисли тўлин ой,  
Ғамгин ватан бўлдим маҳзун бу моҳга.  
Сен билан кезганим ҳар бир қадам жой  
Айланди мен учун зиёратгоҳга.

Жонда қол, бергандек сафҳага зеб байт,  
Ҳар тонг дил илк севги қўшиғин айтсин.  
Садоқат қуруқ бир сўз эмас деб айт,  
Сочларим оқариш фикридан қайтсин.



Сен ўзингни афв эт. Ошиқлик шундай.  
Девонавор эдинг. Мажнунвор эдинг.  
Соддароқ айтсанг ҳам бўларди, бироқ:  
«Мен сени ўлгудек севаман», — дединг.

Яшагудек севмоқ керак, аслида,  
То бўлмасин дилда бахтга ниҳоя.  
Ишқ — ҳаёт. Гапингга омийн демоққа  
Фаришталар тили бормагай, шояд.

Ва сен яшайдирсан узоқ ва масъуд,  
Бундай саодатга ҳақ бир жазо бор.  
Айтсанг-айтмасанг ҳам, қанчалик севма,  
Жон бор ерда ахийр бир кун қазо бор.

Шунда, о, юксак ва теран англарсан  
Аршга ошиқ йўли — Сомон йўлини..  
Арвоҳ капалагинг чарх уриб кўргай  
Қандай мудҳиш ўлим ошиқ ўлими.

Лолалар келади шу кун азага,  
Чаманлар чайқалиб тутади мотам.  
Юрак-юрагининг қаъри-қаъридан  
Ўкраниб йиғлайди ёлғиз бир одам.

Кўзёш қилиб тўкар заққум рашкларин,  
Кўзёш қилиб тўкар озорларингни.  
Нозик кифтларининг силкинишидан  
Зилзила титрагай мозорларингни.

Ўрганар севгингдан муҳаббатни ишқ,  
Тоқатингдан қаноатни сабрлар.  
Титранган қабрингдан кўнгил сўрашга  
Ташриф буюради қутлуғ қабрлар.

Ҳозир эса... нурли жилмаймоқдасан,  
Ҳозир эса... бунга ҳали анча бор..  
Висол бахтин раво кўрмоқда Роҳийм,  
Маҳрум қилмай турар дийдордан Жаббор...

Узун бир уҳ тортиб олар бу лочин,  
Фигон чекиб парвоз қилар. Қоласан.  
Энди мен жимгина фарёдман,  
Энди сен жимгина ноласан.

Ҳар қатра кўзёшда бир уммон дарди,  
Ёлгон ҳижрон борар ҳақиқатланиб.  
Ой билан ўлчанмас айрилиқ,  
Айрилиқ ўлчанар дақиқаланиб.

Телефон жаранги қилади чил-чил  
Дамлардан тўқилган қафасларингни.  
Жонимга бир зумда туташтиради  
Совуқ симлар қайноқ нафасларингни.

Сўз топмай довдираб тин олишларинг  
Муҳаббатнинг мангу тилсимларими?  
Телефонингмикан бизни боғлаган  
Дил симларими?

Кўзларингдек тиниқ толалар бўйлаб  
Нолалар минг чақирим қочади.  
Руҳим симёғочлар каби донг қотиб,  
Сенинг йўлларингга қучоқ очади.

## РУБОЙЛАР

*Паҳлавон Маҳмудган*

\* \* \*

Келгил, сени, бадам, не учун рад қилгум,  
Давлат берибон, уммати Аҳмад қилгум.  
Рост йўлга равон бўл, сени раҳмат қилгум,  
Пок ниятинг айт, қабул албат қилгум.

Сен феъли бадимни халқдин пинҳон қил,  
Мушкул барини қошимда сен осон қил.  
Шодман, ки, бугун. Эрта не қилсанг ёзғут,  
Ундан-да тагин улуш бериб, шодмон қил.

\* \* \*

Ҳукминг ила бад ҳамон менинг аҳволим,  
Бермайди менга омон менинг аҳволим,  
Эй хожа, хабар олмасанг аҳволимдан,  
Тобора ёмон-ёмон менинг аҳволим.

\* \* \*

Каъба қора тоши дардларим дармони,  
Йўқ Каъбага борғон кишининг армони.

Гар қора тошингдан ўпич олсам, ёр,  
Айб этма, шудир, ахир, худо фармони.

\* \* \*

Зулму итобларингдан кеч кўнглим учун,  
Кўнглим, ки, тугун, сен ани еч кўнглим учун.  
Мен кўнглинг учун ўзгага бермам кўнглим,  
Сен ўзгага берма кўнгил ҳеч кўнглим учун.

\* \* \*

Дил ойна бўлиб етди юзи ойингга,  
Етди тароқ зулфи сумансойингга.  
Оҳ, сурма бўлиб кўзингга етган хокман,  
Ундан тўкилиб тушсам эди пойингга.

\* \* \*

Сен каби йўқ бўлак бир одил, Аллоҳ,  
Ҳеч бошқа азизни билмас, о, дил, Аллоҳ.  
Тушди бошимга ғам, қўлимни тутғил,  
Додим шуки, додимни қабул қил, Аллоҳ.

\* \* \*

Бил, барча нифоқ, чарх, кийнангда сенинг,  
Жанжал барига сабаб хазийнангда сенинг.  
Юлдуз бари қалбаки, ёриб кўксинг оч,  
Чин дурлар аён бўлғуси сийнангда сенинг.

\* \* \*

Йўлингда асо — қуруқ таёқ, айт, не керак,,  
Йўлингда юрак юрар, оёқ, айт, не керак.  
Ҳар қанча қоронғу бўлса-да ушбу йўл,  
Иймон била равшан, ки, маёқ, айт, не керак.

\* \* \*

Икки кўзингга фитна, ёр, ухлаб ётар  
Икки сочингга икки дор ухлаб ётар.  
Ноз-ишвалисан. Тилинг заҳар. Остинда  
Бўлганча шай уйғонишга мор ухлаб ётар.

\* \* \*

Чехрангни ҳусн мулкида гул-гул қилдинг,  
Сайратдингу бизни, маст булбул қилдинг.  
Сочингни тугун-тугун қилиб, эй дилдор,  
Сен парчаладинг, юракни чил-чил қилдинг.

\* \* \*

Ҳақ раҳмати деб биларман сен ойимни,  
Топмоқ тилагум дилингда ўз жойимни.  
Шод этмасин, айт, нечун мени қошинг, ёр,  
Кўнглимни биларсан, кўриб авзойимни.

\* \* \*

Хом бу нафасни дилдаги доғ пишитар,  
Хом мевани ёз бўйи, ахир, боғ пишитар.  
Пишган, ки, сафолни хом этар кўзёшим,  
Оҳим эса хом сафолни, ки, оҳ, пишитар.

\* \* \*

Тупроқни ватан тутгучи бир эр менман,  
Ўлмак нима билман ўқраган шер менман.  
Юз йил яшабон, бўлса-да бошим осмон,  
Ер менман... ер менман... ер менман...

\* \* \*

Оҳ, эрта ғамин ебон, ки, мунг мунглабмиз,  
Ҳар дамни дебон зар, жарангин тинглабмиз.  
Қилга чорани очиқ бу дунё бирлан,  
Ҳақ йўлида ҳамсафар, ки, минг минглаб биз.

\* \* \*

Ер устида юрганлар аро бахтли қани,  
Ўз нафсини тизгинлаган, оҳ, жаҳдди қани?  
Эл емак-ичмаги билан оввора,  
Оҳ, ҳамма қорин аҳди... юрак аҳди қани?

\* \* \*

Андишани сен ўзингга, дил, кор айла,  
Умрингни совурма елга, бедор айла.  
Манзур эса элга не, бари бор сенда,  
Ўз қасрингга ўзинг ўзингни меъмор айла.

\* \* \*

Тортди сени домига ишқ — дард, тушдинг,  
Банд этди дилинг зулфи муаттар, тушдинг.  
Энди қутулдингни десам ул биридан,  
Бошқасининг домига бадтар тушдинг.

\* \* \*

Эй сарвиқаду, сиймтану, гулрухсор,  
Давранга яқин келмасин ҳеч бир хасу хор.  
Гар чаман ичра юксалиб турмишдир,  
Гул шохи билан тенг бўла олғайму чинор.

\* \* \*

Бир зарб берамиз... чарх фили яксон бўлғай,  
Уфқ доираси ногораи шон бўлғай.  
Жой олса чумоли гар бизим сафлардан,  
Давлатимиз туфайли арслон бўлғай.

\* \* \*

Қумурсқа бўл, фил каби гар зўр бўлсанг,  
Кимхобда азиз бўлиб юпун, хўр бўл сен.  
Кўзингни очиб, жаҳонда бор айбларнинг  
Барчасини кўриб туриб, кўр бўл сен.

\* \* \*

Бул ҳожики Маккадан, Минодан қайтди,  
Зинҳор демангиз Каъбадан одам қайтди.  
Аждарга дўниб қайтди илон, денг, ҳаждан,  
Бир хонахароб, денгки, худодан қайтди.

\* \* \*

Дарёдаги сув кўзимдаги намдандир,  
Дунёдаги бор аланга сийнамдандир.  
Ишлайди кулол... бу кўҳна дўстлар хоки,  
Ўт, сув ила мавжуд хазинамдандир.

\* \* \*

Ҳолимни билиб кетмак учун келгайсен,  
Бунча сени қийнади ким, сўргайсен.  
Ойна бериб қўлингга дерман «Термул,  
Кўзгуда уни, эй қоракўз, кўргайсен».

\* \* \*

Йўқдир хабаринг, бошида не ҳол дунё,  
Эй хожа, хаёлингга мудом мол-дунё.  
Бир сидра кафандир улушинг, оҳ, уни ҳам  
Кўргайми раво йўқми бу қаттол дунё.

\* \* \*

Умрнинг маънисини не, менга де, — дедим,  
Ё шаъм, ё чақмоқ ёки парвона — деди.  
Дунёга умид боғласа кимки, не, — дедим,  
Ё маст, ё аҳмоқ, ёки девона, — деди.

\* \* \*

Йўқ андуҳимиз, нега хуш айём тама,  
Чошгоҳ эса, дейлик, не учун шом тама.  
Ҳар нарса келар бизга пишиб ғойибдан,  
Ҳеч кишидан бўлмадик ҳеч хомтама.

\* \* \*

Ҳақни ҳақ эт, ноҳақни малъун қил сен,  
Яхшини шод, ёмонни дилхун қил сен.  
Доно оёқ остинда-ю, нодон бошда,  
Ё раб, бу фалакни остин-устун қил сен.

\* \* \*

Сал-пал ўқидик, соҳиби дафтар бўлдик,  
Сал-палгина зеб топдигу, зейвар бўлдик.  
Билдик бу жаҳонни, ғам билан дард бўлдик,  
Кечдик баридан... энди қаландар бўлдик.

\* \* \*

Дил дафтари гул мисли очилди ҳар он,  
Еллар учириб қилди хазонларни тўзон.  
Дарду фироқ гардини қум соатидек  
Дилга тўкар бош, дил эса — бошга томон..

\* \* \*

Дил тори учун ишваларинг бармоқдир,  
Нозингдан ишим ўзимни қутқармоқдир.  
Кўнглим балиғин қочгали ҳеч чораси йўқ,  
Зулфинг ҳам ўзи ип, ҳам ўзи қармоқдир.

\* \* \*

Қайда шароб, қайда ахир, у. Келтир  
Бездирди бу шодлик мени. Қайғу келтир.  
Бир-икки қадаҳ лозим, ахир, ёқди хумор,  
Ўтни ўчир, ҳаяллама. Сув келтир.

\* \* \*

Ким сенга фидо бўлғали шай то бўлмас,  
Орифлигу ишқ кўнглида пайдо бўлмас.  
Расвоси эрурман сенга шайдоларнинг,  
Айт, қани, ой, ким сенга шайдо бўлмас?

\* \* \*

Тун бошқоронғу... тугса, шояд, кўрамиз,  
Найлайди давр айланиб ғоят кўрамиз.  
Умр аввали не, кўрган эдик, хайрият,  
Умр охири не бўлур, ниҳоят, кўрамиз.

\* \* \*

Кўп чекдимү дард, бўлмадим ҳеч шод, дариф,  
Фурбатда бу жон, қилмадилар ёд, дариф.  
Афсус, надомат юки елкамда маним,  
Дийдор қиёматгача барбод, дариф.

\* \* \*

Туз тотмадим ҳеч. Ишқ юрагим қон айлар,  
Ҳеч ухламадим. Ёр мени нолон айлар.  
Ҳолимга менинг тушсами бир дам зоҳид,  
Дарров ўзини фаришта эълон айлар.

\* \* \*

Ман-ку хазон, ваҳки, елар ел қаттиқ,  
Ҳолимга менинг фиғон қилар эл қаттиқ.  
Кўзёш бу вужудни аямай ювмоқда,  
Девор гувала, нетай, келар сел қаттиқ.

\* \* \*

Дунё елади. Тўхтаганин кам кўрдим,  
Шодлигида, оҳ, неча минг ғам кўрдим.  
Бу кўҳна работ ҳар ёғидан йўқликнинг  
Даштига йўл кетганини ҳам кўрдим.

\* \* \*

Ўткинчи бу оламда киши хуррам эмас,  
Йўққи биров, кўнгли анинг беғам эмас.  
Шод бўлса бу оламда бирон одам агар,  
Бил, бу иков на олам, на одам эмас.

\* \* \*

Қўлда қалам толе эмас, доғ битар,  
Дард экаман, бир-бир униб, боғ битар.  
Бу боғда гулу, сарву суман, сунбулнинг  
Ҳар япроғида, не қилай, бир зоғ битар.

\* \* \*

Дейман, мени асра бир нафас зор, эй дил,  
Йўқ мени бор эт, то ўзинг бор, эй дил.  
Билмаса гар ҳақни, ахийр олгай тан,  
Ҳақ таниганга бўлса ким ёр, эй дил.

\* \* \*

Тухмат бир исирға, биз уни эп кўрамиз,  
Қулоққа бир-бир тақамиз, зеб кўрамиз.  
Фам захрини ҳижрон қўлидан неча юрак  
Тотди... бу луқмани биз ҳам еб кўрамиз.

\* \* \*

Ҳеч қилма тама, азоб бериб жонингга,  
Мулкингни ярат, эришгил ўз шонингга.  
Ўз ковагингга кир, илон бўлсанг гар,  
Чун, бўлсанг агар қуш, қўн ўз ошёнингга.

\* \* \*

Ё раб, назарингни қалбима жо қилдинг,  
Афв айладингу, гуноҳни рўё қилдинг.  
Фош этдингу қошимда не-не сирларни,  
Мадҳингда тилим булбулигўё қилдинг.

\* \* \*

Сендаги туғ, сендаги байроқ тепада,  
Чақнайди саодатинг, ана, боқ, тепада.  
Тикка келиб қуёш турар бир лаҳза,  
Офтобинг эса мудом сенинг қоқ тепада.

\* \* \*

Йўлинг сенинг оқ, бил, бу қадар оқ йўл йўқ,  
Бундай зафару шонга муваффақ йўл йўқ.  
Ғофилу ожизга бу золимлар ўч,  
Ҳушёр ва кучли бўл, бўлак ҳақ йўл йўқ.



\* \* \*

Ушбу жаҳонга қош сену, кўз ҳам сен,  
Шодлигу ғам сен ва сукут, сўз ҳам сен.  
Жангу осойиш, ризқ ила рўз ҳам сен,  
Ер чехрасини очгучи Наврўз ҳам сен.

\* \* \*

Аҳди замон либоси минг тур бўлди,  
Девлар ясаниб олиб бугун ҳур бўлди.  
Бир боқди рақибларга у маҳваш турклар,  
Морлар ғужанак бўлиб олиб, мўр бўлди.

\* \* \*

То борки жаҳон, дардига тадбир бўл сен,  
Жавлон қилибон, марду жаҳонгир бўл сен.  
Қудрат ва саботинг бу — замин мазмунидир,  
Дастингда ўзинг ҳамиша шамшир бўл сен.

\* \* \*

Мақсад сари йўл Каъбадан доим бўлсин,  
Майхона бу йўл сўнгида жойим бўлсин.  
Бу йўл кўп азиз, муборагу, лекин ҳеч  
Бўлмади обод... илойим, бўлсин.

\* \* \*

Эзгуми ҳеч ниятимиз — бир биламиз,  
Борми аҳамиятимиз — бир биламиз.  
Тил тийғи билан дилни очиб ташлаймиз,  
Не, ўзи, моҳиятимиз — бир биламиз.

\* \* \*

Ҳақ дўст, дея жим тортса фиғон дўст чин дўст,  
Қилғувчи ибодатни ниҳон дўст чин дўст.  
Кўз-кўзлама ҳеч бергану олган нонинг,  
Нон дўсти эмас, аслида, жон дўст чин дўст.

\* \* \*

Дунёга ёпишган чирмовуқмиз ҳаммамиз,  
Дон тамамиз — турқи совуқмиз ҳаммамиз.  
Эртага руҳ қушлари бир-бир учади,  
Биз қоламиз, чунки товуқмиз ҳаммамиз.

\* \* \*

Мен қилдимү тавба, бўлди гоҳ ғам чил-чил,  
Чун, берди азоб, дардима барҳам чил-чил.  
Тавбамга тегиб бўлди қадаҳ чил-чил гоҳ,  
Гоҳ тегди қадаҳга, бўлди тавбам чил-чил.

\* \* \*

Лола дилим, на чора, пора-порасан,  
Ҳам ёниб, ҳам ёқиб мени, оворасан.  
Келдингу аста-аста тупроқ ичидан,  
Тупроққа сен энди аста-аста борасан.

\* \* \*

Боғларга, не бахт, баҳор келиб кетгувси,  
Тоғларга унум, барор келиб кетгувси.  
Топғилки қарор жаҳонда, чунки инсон  
Топмоққа абад қарор келиб кетгувси.

\* \* \*

Муртад била гоҳида, не тонг, обид тенг,  
Не топса камол ва бўлса не нобуд тенг.  
Дунё ишини яхши-ёмон деб айтма,  
Оқил назаринда тахт билан тобут тенг.

\* \* \*

Боғ аро тўлганиб секин сув таралар,  
Дилларга яшил умид ва орзу таралар.  
Ғунча очилмоғига зор диллардан  
Дод отилар, тарқалар оҳ, ув таралар.

\* \* \*

Қулоқларига қатрадан қон тақдим,  
Чаккасига зулф ила райҳон тақдим.  
Тухғам уни хушбўй ва хушрўй этди,  
Оҳ, сўнгра ёниб лаъл лабига... жон тақдим.

\* \* \*

Тонг пайти чекиб ғам, юраги шом бўлдинг,  
Ҳам дарду сукунат куйига ром бўлдинг.  
Сен мафтун эдинг, жойи тузоқ — дом бўлдинг,  
Яхши эдинг, ахийри бадном бўлдинг.

\* \* \*

Нутқинг каби нутқ дунёда, эй дўст, йўқдир,  
Қутлуғ бу каломда ҳеч каму кўст йўқдир.  
Ёнғоқ-ку сўзинг, керакмас арчмоқ, чақмоқ,  
Қутлуғ бу каломда ҳеч каму кўст йўқдир.

\* \* \*

Қиш гулханидан гул таратар ҳид яхши,  
Рум атласидан пок де палос, дид яхши.  
Пурёрвали айтади, бежайр кишидан  
Лўлига эргашган анов ит яхши.

\* \* \*

Оҳ, дилга бугун ҳасрату армон қўнди,  
Олмоққами ё таримдан у жон қўнди.  
Шохлари гуж тикан — дарахтдир бу ишқ,  
Кўнглим қуши унда бўлгали қон қўнди.

\* \* \*

Ёр кетди шитоб, талпинади жон изидан,  
Фулғулада эл бари ҳайрон изидан.  
Дин аҳлига ўт кетди кўриб бу ҳолни,  
Бормоқда ловуллаб, ана, карвон изидан.

\* \* \*

Ё на қаро билан, на ё оқ била мен,  
На шайх тарафинда, на мурид ёқ била мен.  
Мен паст ва баланд, жаҳлу аламдан озода,  
Олам ишидан холиману, ҳақ била мен.

\* \* \*

Эй дўст, қани, айт, жонми керак, жон берайин  
мен,  
Ҳар не энг азиз, сен сўра, шул он берайин мен.  
Эй кофири шаддода, маним қошима бир кел,  
Зунноринг олиб, ўрнига иймон берайин мен.

\* \* \*

Дўст руҳи шод... оҳ ила, айт, бор не ишим,  
Вақтни қилиш чоғ ила, айт, бор не ишим.  
Кўксимдаги янги доғни қўй, чун, сўлғин,  
Бир лола эсам, доғ ила, айт, бор не ишим.

\* \* \*

Оқшомга назар қилсанг у кундуз бўлғай,  
Қинғирга нигоҳ ташласанг, у туз бўлғай.  
Қўлмакка оёқ ташласанг, оҳ, ҳар томчи,  
Осмон сари сачрабон, ки, юлдуз бўлғай.

\* \* \*

Фаҳм этгучи қисмат юкини дил менман,  
Уммондир у бир, наҳанг эса, бил, менман.  
Жипс икки жаҳон юкига тутган елка  
Бир фил бу, фалак, сенсану, бир фил менман.

\* \* \*

Мен бир умр ишқнинг бегонасиман,  
Ақнинг ҳамроҳиман, ҳамхонасиман.  
Дейману лек... ул парирў менга томон  
Юрса тамом — мен яна девонасиман.

\* \* \*

Бўлдигу енгил бу жаҳон вазмини биз,  
Қилолмадик на завқ, на шавқ расмини биз.  
Тонгга асир ҳидламадик гул энди,  
Бошлайлик ҳалокат олди шўх базмини биз.

\* \* \*

Хайр иш этаман ҳалак — қиё боқмаслар,  
На одаму, на малак қиё боқмаслар.  
Нуроний десам буларни — ҳам кар, ҳам кўр,  
Покликка замин, фалак қиё боқмаслар.

\* \* \*

Дунёга келиб улки азиз ном топди,  
Кўп номлар унинг номидан эҳсон топди.  
Қўлга олиб қадаҳ, лабин теккизди,  
Топди шароб шараф, қадаҳ шон топди.

## ҒАЗАЛЛАР

*Мирзо Абдулқодир Бегилдан*

Очиқ бағримга ким бағрин очиб келгай дучор бу тун,  
Қочар шам шуъласидек, оҳ, каноримдан канор  
бу тун.

Дару даштларга бахш этгувчи нақш ой сут каби нури,  
Берар, дарз беркитиб, деворларга ганж виқор бу тун.

Бу майхўрларнинг истиқболу ҳолин сўрма, қўлларда  
Қадаҳ тонгда не қилсун, ёқмаса дилни хумор бу тун.

Ки ҳуру жаннат орзуси узоққа элтти васлингдан,  
Нега ухлайсан, эй рофил, қучоғингда нигор бу тун.

Ки товус патлари ҳам лолалардан минг қилиб болиш,  
Минг ухла, кирмагай тушинга жаннат зинҳор бу тун.

Сени сувдек эритганча адо қилғувсидир бу тонг,  
Оёғингни тиқиб шамдек тиканга, топ қарор бу тун.

Фақат бир сир бўлур равшан, ки, ёқсам юз  
чароғу шам  
Кеча эрди қоронғу, ҳар не бўлса ошкор бу тун.

Ўқинглар, нусха манглай хатлари субҳи қиёматдан,  
Ўқитмас ўзни зулматда, ахир, лавҳи мазор бу тун.

Ки шамнинг шуъласидек имтиҳонсиз ўтма  
кифтимдан,  
Ҳар узвимни қилиб бир бошу, ёқ девонавор бу тун.

Ёзиш шарт тонг билан, Бедил, шикоятномалар, чунки  
Сиёҳ дудин қилар туҳфа чироғи интизор бу тун.

\* \* \*

Гулим, гарчи юзида анинг ниқоб, кулар,  
Саҳар бир жилмайиб қўяр, офтоб кулар.

Фаноимиз бизим очиқ чаманороси анинг,  
Катон чокини ардоқлаб, моҳитоб кулар.

Огоҳлигу ғафлатинг ор талашар бунда,  
Ухла-ухлама бедорлигу уйқу шитоб кулар.

Ўзликдан махлас бу огоҳлик билан тўлмоқдур,  
Сифрдан, ки, хатим ичра интихоб кулар.

Ўзимизга парвоз учун ўзга бир қулай вақт йўқ,  
Денгиз мавж урар, мана, ана, ҳубоб кулар.

Илму фазл жам қилмай, кимки тўпласа не,  
Ҳар варағин очаркан, ундан китоб кулар.

Вақт карвони пайсал нима, сира билмас,  
Қай тараф юрсак ҳам, барибир шитоб кулар.

Адаб дастгоҳида сўз ва шовқин масхарадир,  
Ташласанг-да неча минг савол, бир жавоб кулар.

Ҳар бировнинг ҳусни барқида журъат мажоли йўқ,  
Кўзларингни юмғил, ки, ҳукми ҳижоб кулар.

Увол қилма тилинг лофга, шарм лаҳзаси ғанимат,  
Тўлқинлари келиб кетганига ўзи об кулар.

Бир тонглик томошодир, асли, ўзи, не бўлса ҳам,  
Сен ҳам бир кул очилиб, жаҳон, ки, хароб, кулар.

Дилинг шам киби фироқда доғ бўлди, Бедил,  
Аччиқ ашкингдан сенинг бу кабоб кулар.

\* \* \*

Лайлининг ишқи қани, то қайтадан ғавфо қилур,  
Қайс этиб ҳар зарарни, саргаштаи саҳро қилур.

Қоматининг жилвасин кўз-кўзлабон ҳар лаҳзада,  
То қиёмат сарвнинг бошин эгиб, расво қилур.

Тош дилимни эритиб, оҳ, шиша қўйган ҳар киши,  
Тўлдириб май унга, ишқ бозорида савдо қилур.

Минг туморим елга совурғусидир Мажнун бу кун,  
Чунки оҳимдан шамол саҳрода вовайло қилур.

Дард қуши парвоз учун осмон ясаб кўнглимдан, оҳ,  
Бу самони титратиб, парвозини ижро қилур.

Хоқдан тан айламиш бизни ажиб осудалик,  
Билсин ул довул, ки, биздан қайта хок барпо қилур.

Истаган ёғдуни нур топғусидир зулматдан ҳам,  
Нурга юз бурган суянчиқни ики дунё қилур.

Бу жаҳонга эътиборнинг излари қор узрадур,  
Йўқ нафи, номин узукка гарчи кимдир жо қилур.

Йўқ иложим, икки оламдан кўнгил уздим бутун,  
Бу кунимни осмон эртан ё қилмас ё қилур.

Сен ҳақиқат маънисин тил бирла англайман дема,  
Жим бўлиб юрсанг юрак бир кун забон пайдо қилур.

Мағзи тўлмайдир умидимнинг, ахир, пучдир жаҳон,  
Гар шароб қуйсам, эриб жом, таъбими расво қилур.

Ҳасратингни парвариш қилмоқда, Бедил, бу жаҳон,  
Асли расво бўлмаса не, бир кун у зебо қилур.

\* \* \*

Парда ичра бир ажиб жимлик тақаллум айлағай,  
Сурма чангиндин бир овоз кўп таваҳҳум айлағай.

Биз бу маҳфилда ҳаёт хайрат учун, кўзларга, оҳ,  
Шам киби оташ нигоҳлар кўп тараҳҳум айлағай.

Аввал олам, биз сукут сақлабки, беташвиш эди,  
Энди бу уммон бизим тилдан талотум айлағай.

Йўқлик ичра ҳам чекиб борлиқда шўхлик ишимиз,  
Худди шундай тун аро тонг ҳам табассум айлағай.

Хирс ибодатхонасидур саждагоҳлар ичра паст,  
Ер бўлиб ордан шунга одам таяммум айлағай.

Жамият ардоғидан ҳеч кимса мағрур бўлмасин,  
Қатра бўлса дур денгиз даф они шул зум айлағай.

Кимки хом бўлса замона зулмидин бўлғай омон,  
Эл, узум пишса, ани хум ичра маҳкум айлағай.

Қилса золим ғийбатинг, қошингда сўнг оғу сочар,  
Чун, чаён чақмоқни дум тиклаб, ки, маълум айлағай.

Ваҳший бир қуртни ахийр бир кун ипак айлар жаҳон,  
Чун, қўпол феълингни ҳам охирда маъсум айлағай.

Кун кўриш тугёни тилда, кўксимиз буғдой каби,  
Хокимизни ун қилиб чархи фалак гум айлагай.

Фунча кўп хушбўй бу элда хушбўю кўздан ниҳон,  
Бедилим ҳам ўз дилин шу жойда мавҳум айлагай.

\* \* \*

Дил нураб бормоқда, дўстлар оҳдин хун қилсангиз,  
Тинчитиб бу сактани бирмунча мавзун қилсангиз.

Хуш битиклар бу ҳаётни нур билан пок этдилар,  
Барҳаётдир токи дил тафсийри «Коф», «Нун»  
қилсангиз.

Қолмасин тупроқда тилло, сарфланг, эй аҳли сахо,  
Ўзларингизга шерик, йўқ эрса, Қорун қилсангиз.

Англингизларким, фалак тутқунлиги донога ор,  
Ўзни бу хумдан халос айлаб, Фалотун қилсангиз.

Қон ютар олам қилиб ичгувчи собирларга рашк,  
Сувсаганлар, қатра сувни мингта Жайхун қилсангиз.

Аҳдада собит йўлчига фарқсиз текисми йўқми йўл,  
Бурмагай у зарра юз, йўл тоғми, ҳомун қилсангиз.

Ҳаддан ошманг, эй шаробхўрлар, ахийр давр айланиб  
Тўнкарар жомларни, ўзни майга мафтун қилсангиз.

Тер ҳаётдандир ҳаё, чун, бошқа сув қон бўлмаса,  
Қайнаган ҳар не булоқни, арзигаёй, хун қилсангиз.

Беҳуда ўйларга эш бўлса, не бахт, осудалик,  
Бангни маъжунга қотиб руҳбахш, ки, мазмун  
қилсангиз.

Куйдириб бекаслигим маҳшар кунинда қўйди доғ,  
Соё Қайс соч толасин бошимга бул кун қилсангиз.

Борлигим йўқлик ҳисобиндан, ки, қоне бўлмади,  
Бошқа йўқлик сифрини бош узра афзун қилсангиз.

Эрмас инсофдан тубан бу чарх меҳмони бўлиш,  
Сиртга мен сурбатни элтиб, дилни шод, чун,  
қилсангиз.



Мен шаҳид содиқлар ичра озми кўп обрў топай,  
Тўккали қоним-ку йўқ... лошимни гулгун қилсангиз.

Шам ёниб тарк этганидан ўзни, зор йиғлар эди,  
Бедил ҳам шундай дебон, руҳимни мамнун қилсангиз.

\* \* \*

Бошинг узра шам киби иқболу чоҳ йиғлар,  
Эъзоз авжидаман дема, кулоҳ йиғлар.

Борлиқнинг якуни умидсизлик эрур,  
Кимки гадо йиғлар ва кимки шоҳ йиғлар.

Айш ичра лиммо-лим шиша кабиман,  
Қаҳқаҳам мен ханда урганим чоғ йиғлар.

Вафо синовидан манглайда тер чашмаси,  
Ботил даъводан ҳаётда гувоҳ йиғлар.

Тунда шамчироқдан бўлак халоскор йўқ,  
Ёниб куйиб толеи сим-сиёҳ йиғлар.

Мақсадга етармизму қадам ташлаб ҳеч,  
Товонларда пуфак ёрилиб, воҳ, йиғлар.

Дилда умид йўқтур, кўз очолмасман,  
Кифоядир менга, мижам гоҳ-гоҳ йиғлар.

Тонгда тинглаб эдим, ўчган шам йиғларди:  
«Нетиб кўз очайинки мен, нигоҳ йиғлар».

Раҳмингдан сенинг баҳраманд яхши-ёмон,  
Булутга ҳеч, гулми, тиканми, гиёҳ йиғлар.

Айтмоқ қийин умр раҳматхонасида  
Савобми ханда қиладур ё гуноҳ йиғлар.

На шамда кўзёш, на тонгда шабнам Бедил,  
Аҳволига оҳ ўзи чекиб оҳ йиғлар.

\* \* \*

Борлиғимнинг гардлари ичра фано беркитдилар,  
Мен яланғочман, либосимдан жудо беркитдилар.

Жунжикиб ўз салқинингдан титрама боди сабо,  
Қўрқма, кел, гуллар сени деб бир қабо беркитдилар.

Гунчалар ўт чақнатиб ёқди чароғ ўз бағрида,  
Сўнг ҳавога, тонггача кўрмай раво, беркитдилар.

Терларим тўлқинларин беркитгуси токай хубоб,  
Шунча кўпми кифтлари, ки, беридо беркитдилар.

Шон тутар мотам, ҳама анқо эсак, йиртиб яқо,  
«Фoш-ку олам, кимни мендан гўё беркитдилар?»

Ишқ сириин пинҳон тутиш осон эмас, чун, тоғлар,  
Зулмат ичра бўлди ғойиб, то садо беркитдилар.

Ҳеч билолмасман, нетиб айлай либосимни қизил,  
Тиғда қонимни, бўғизларкан қазо, беркитдилар.

Икки оламда ўзим қошимда пайдо бўлмадим,  
Англамоқ лозим, мени қайларга, о, беркитдилар.

Бениқоб кўз йўқ бирон жилвангдан огоҳ бўлмаган,  
Доғман қўлдан, ки, суркаблар хино, беркитдилар.

Эй хумо, парвоз қил шўҳ, бизлар, оҳ, қўлкангдамиз,  
Зулматистондир бу ер, соянгга жо беркитдилар.

Ҳеч кишининг кўзларинда фoшмас ёзғутларим,  
Ё оёқ излар уларни мутлақо беркитдилар.

Кечмагил сабрингдан ҳеч, чун, қанча бармоқ тоғ-тоғ,  
Ганжни, йўқлик бир узук, қоши аро беркитдилар.

Сим сиёҳ фақр ичра йўқ бўлғил ва топ мангу ҳаёт,  
Бу қаро тупроқ аро оби бақо беркитдилар.

Дўстлар бир-бирларидан айбу фазлин гизлади,  
Кўзлари эрди очиқ, ёпгач ҳаё, беркитдилар.

Бедил, оҳ, дўстлар менинг аҳволима боқмас қиё,  
Кўрмидурлар, кўзларин мендан ва ё беркитдилар?..

\* \* \*

Хожа, бу бунёдларинг охирда расвомасми ё?  
Бор узукларда битиклар номи анқомасми ё?

Панд бериб тўйдирдинг, о, махмуру мастлик қайдадир,  
Не, ўзи, қўйнингдаги, айт бизга, мийномасми ё?

Ўзларидан кетди халқ йўлинг талош айлаб, ахийр,  
Қайгача бошсиз борарлар, кифтга бош жомасми ё?

Ҳар не кўрдинг сен жунунзори адамда парпирар,  
Гардимиз қоқса қанот, ошёни саҳромасми ё?

Борлиғу йўқлик тўлибдир гафлатим бирлан менинг,  
Англаган айтсин, бу дунё ҳам, ки, уқбомасми ё?

Кечанинг ваҳминда эй кўзгуни зангор айлаган,  
Эртангиз бу кун, кеча кундан-да аълomasми ё?

Наргисистон барқ урар, не наф, агар, ки, қошида  
Кўзлари кўрмас кишининг ҳоли адномасми ё?

Сабр юзидан кўзларин ҳимматга очмас бўлди халқ,  
Берк бу эшиклар бари ибромга маъвомасми ё?

Ушбу дафтардан ҳақиқат заҳматин ахтармағил,  
Жуфт бўлиб лаблар баён қилган шу иншомасми ё?

Ўздан ўтмаклик сира ўз бурчини қилмас адо,  
Кўзни юммаклик кечув бўлган шу дарёмасми ё?

Қайдин ўт пуркабдилар имкон ҳаёт ободига,  
Ёққан ҳайратда жаҳонни шу томошомасми ё?

Ҳуши ёр эрсанг бу олам рамзидан огоҳ бўл,  
Ғунча ичра гизланиб ётган, ки, ғавғомасми ё?

Ҳийлалар ҳангомаси, Бедил, мени доғ айлади,  
Ушбу дардданким товонда хор пайдомасми ё?

\* \* \*

Садафни синдиrolмас ҳимматимдин дурру гавҳарлар,  
Урарман, ёлқин ичра дуд димиқтирган маҳал, парлар.

Берар торларга зарб асбоб каби бўлмиш қалам қўлда,  
Хатимдин тордек ҳарфлар садо бермакни истарлар.

Хато қилғай, ки, жилва чоғи, оҳ, ёр, майпараст лаъли,  
Муносибдир кўзига сурма ошно қилса соғарлар.

Бўлиб муштоқ диллар ғунчаси янглиғ саросар кон,  
Хатинг савдосида тўлғонди ёнган пайтда дафтарлар.

Ажаб, невчун томоша рақс этаркан, қарс қоқиб  
испанд,  
Мисоли сурма деб, дуд бирла кўз беркитди  
мижмарлар.

Агар толе қўлингда бўлса, ғофил қолма макриндан,  
Ичинда оғу беркитди, узук қошидек ахтарлар.

Қаноат муҳри гар эҳсон нурун қайтиб олар бўлса,  
Тўкилган обрўйим тикларнар, мисли сочиқ зарлар.

Агар осудалик истар эсанг, парвоз умид этма,  
Иситмангни олар кўрпа ва ёстиқ ичра, чун, парлар.

Юракни деб довул эстирди чарх бекор вайронфеъл,  
Бу вайронга уриб дам нетди ўтган ўпка лашкарлар.

Пуфаклар лаҳзалик умри баён этгай шу мазмунни,  
Ки, ғофил мардлар бош пўчоғи тожлар афсарлар.

Очилган гул аро шабнам каби, оҳ, кемамиз қолди,  
Қани, оҳ, бир насийм, то қолмаса ўпқонда лангарлар.

Ки маҳрамлар ҳаёси мавжидан шундай келар овоз,  
«Тўкиб тер бир пешона, ҳосил ўлди оби Кавсарлар».

Тўкиб кўзёш, ўчирмоқ бўлма сен ёзғутларинг, Бедил,  
Ювилмас бода мавжи бирла асло хатти соғарлар.

\* \* \*

Кайф-сафо аҳли ҳаёсинда наво ухлар эди,  
Қоплаганда дилни дарз, аммо садо ухлар эди.

Янграбон «ман-ман», биров кўз очмади, чун, корвон  
Қўнғироқнинг сокин овози аро ухлар эди.

Умр ўтибдир пок амаллар ажридин топмай хабар,  
Ҳар нафас ҳажрида бир субҳи жазо ухлар эди.

Биз нечун жаҳл аҳлидан бедорлик қилдик тама?  
Гарчи олам кўзларин очгач, о, ухлар эди.

Бераҳм дил ғафлатидан ўтдим уйғоқ бир умр,  
Чунки ул ҳар дамда бир меңдан жудо ухлар эди.

Дод гофилдинки, билмас ул тавозехонада  
Уйғотарму бизни деб, бир қадди ё ухлар эди.

Не қилиб афсун этибдур бу ҳаёт кўзларни, ох,  
Кимни кўрмай ёки эснар эрди, ё ухлар эди.

Топди барҳам фитна феълимдан ки, қоним мавжлари  
Ул хино япроқлари остинда, о, ухлар эди.

Ҳеч ки роҳатнинг фирибин ерми бахмалдан сабр,  
Бўрё устинда у бағримга жо ухлар эди.

Сакрабон қочсак товонларда пуфақдан, ҳар оёқ  
Остимизда қанча кўзёшга тўло ухлар эди.

Ер юзин тўфонга берди, Бедил, ох, огоҳлик,  
Бу жаҳон уйғоқ эди, ул фитна то ухлар эди.

\* \* \*

Кимки бу олам аро кайфу сафо кўргусидир,  
Бодадин нашъау, тордин, ки, садо кўргусидир.

Кўргуси пўстидаги бодом аро ёғларини,  
Кимки маст нарғисинг, айларда адо, кўргусидир.

Йўқ, хинодин қизил эрмас, ки, бу тирноқларинг, ох,  
Талъатин лола бу кўзгулар аро кўргусидир.

Ҳар нега боқса ҳасад бирла, у кўз бўлди вилай,  
Шу сабаб сарвни эгик, ўқни у ё кўргусидир.

Завқ йўқ ерда киши юмса агар кўзларини,  
Ҳеч киши англамаган маънини, о, кўргусидир.

Дилда ноёб ғурур... ойна бўлсак ҳамамиз,  
Ким уни қайда? Қачон? Қайга, ки, жо кўргусидир?

Зулфидин қочма, тароқ, кўр, қутулай деб, ўзини  
Ёрнинг энса сочи ичра фидо кўргусидир.

Шахс тимсолдин аён, гофил эмасдир ўзидан,  
Ким ўзин мен каби бир кўнгли яро кўргусидир.

Ялтираб олти жиҳат, ойинам ҳеч бўлмади соз,  
Ўз ҳаёсидин ҳусн бунча жафо кўргусидир.

Бўлак ҳеч йўқдир асар, Бедил, о, ҳақ кўзгусида,  
Ўзида бизни кўришни у раво кўргусидир.

\* \* \*

Изтиробинг бирла оқшом базми гулшан танг эрур,  
Қанча тур ҳид бўлса ошқор, шунча пинҳон ранг эрур.

Ушбу соя сирғалиб ўтгач, юз очгай офтоб,  
То ҳусн айлар тағофул, кўзгу сатҳи занг эрур.

Ўзидан кетмоқни ҳеч ким ман қилолмас ўзига,  
Гул бўлиб дил очгали, кўр, гунча иши жанг эрур.

Қайдаки куй бошласак, шу жойда кўзёш тошқини,  
Нағмамиз айшга видо айтмоққа пешонанг эрур.

Қанча кўп бўлса жаҳон асбоби, ваҳми шунча кўп,  
Қай биров не экди, у неш урса басдир, банг эрур.

Ноламиз эриб чўзилган шишадек соф ҳам узун,  
Бундан ўзга нағмамиз, э воҳ, синиқ оҳанг эрур.

Чорасизликка дучор қилмас тилисми хайратим,  
Мавжи гавҳарман, мен отган ҳар одим фарсанг эрур.

Тор-тор соққол билан чеқдинг сен оппоқ нолалар,  
Бир бошу қанча яқонинг соҳиби, чун, чанг эрур.

Бенишон бўлмасмиди, оҳ, бу чаман кенг бўлса дил,  
Сиртга чиқмишдир шароб, невчунки, хумлар танг  
эрур.

Ўз-ўзимга чулғаниб мен гунчадек гул ёдида,  
Бир қироғимдекки, Бедил, тонг гулистонранг эрур.

\* \* \*

Ташқиқ хилватсарода... кошоналиғ не бўлғай?  
Олти жиҳатда қопқа бор, хоналиғ не бўлғай?

Гардун бош-оёқсиз сарсон кезар бу даштда,  
Ё раб!.. Қююнинг ушбу, девоналиғ не бўлғай?

Бўлмиш хароба чанги халқ ҳар нима яратса,  
Маскан тиларкан эртанг, вайроналиғ не бўлғай?

Узгил ҳавас гулини ҳар олганинг нафасдан,  
Йўқ эрса сенга бир дам ҳамхоналиғ не бўлғай?

Эй ошнодан йироқ, сен, токай чекиб фиरोқ сен,  
Ким бўлса бор, десанг ёр, бегоналиғ не бўлғай?

Сочига хайрат этган ошуфталар, тароқнинг  
Ҳолин сўраб кўринглар, чун, шоналиғ не бўлғай?

Дил ғамда нола айлаб, жодир бир томчи ёшга,  
Енгмакка дардни бундан ўзга бир доналиғ не бўлғай?

Кўрқувга масту махмур халқ бу фалак ичинда,  
Ҳеч нарсага лиммо-лим паймоналиғ не бўлғай.

Ҳолим бу қанот бирлан ҳаргиз қочолмас ўздан,  
Айланмаса тегрангни, парвоналиғ не бўлғай.

Сайқал топмас экан сеҳр, Бедил, қалам учингдан,  
Қойим қилур қиёмат афсоналиғ не бўлғай?

\* \* \*

Бу мажлис аро бисёр шовқинлару суронлар,  
Лайли биру хайлар кўп, Юсуф биру — Канъонлар.

Содиқлик ҳаёси ҳеч бунданда зиёд бўлмас,  
Сочмиш, ки, юзим узра хўблар гули паймонлар.

Бермоқчи бўлар икки кўзимга фириб бекор,  
Атринг каби ақлимни олмайди гулистонлар.

Юлдузлар уриблар чарх, англатди жаҳон урфин,  
Бошдан то оёқ дунё мактуби шўх унвонлар.

Денгизчидек эрур ишқ, йўқ бўлмоққа халос имкон,  
Ўз-ўзларига занжир тўлгангувчи уммонлар.

Биз давраи таҳқиқни бебаҳра, ки, тарк этдик,  
Кўзёшлар оқиб кетди, қақроқ эди мужгонлар.

Дунё ҳаваси кўҳна, мос бўлмади таъбларга,  
Шундан, ки, юракларни ковлайди бу дандонлар.

То дилни тугун қилдик, хирсга ани ёт билдик,  
Руҳ қатраларин қилмиш гавҳар, мана, тўфонлар.

Фофил эса ким ўздин, берк бўлғуси эрк йўли,  
Синдиргучи, кўз очса, бор қулфини зиндонлар.

Мутриб дилига тушган ўтим уни додлатди,  
Най нола чекар шундай, ёнганда найистонлар.

Оҳ, шам каби қад ростлаб, Бедил, не қилар одам,  
Чун, тутма, узиб ташлар бошини гирибонлар.

\* \* \*

Ёзғутимизни қалам битмаги мубҳам эрур,  
Дардларимиз дафтарин ҳар варағи нам эрур.

Қичқириғи қушнинг ишқ дарди эмас кетса ўт,  
Дуду олов ноласи, англа, не мотам эрур.

Шарм тери тепчисин, айт, нега манманлигинг,  
Ҳар нафасим ойнаси тонг била шабнам эрур.

Маҳраминг йўқлик эт, тушма ҳилол ҳолига,  
Кўкка қилиб бошни сарф, қомати сўнг хам эрур.

Ёра юрак дон эрур, қорнинг ила кифтларинг  
Янчса уни, ушбу ун дардлара малҳам эрур.

Хирсу тама маънисин кўзгу дебо н очма фол,  
Кафтдаги ёзғут каби мужмалу мубҳам эрур.

Чиқса нафасдин сўзинг, учди ҳавас елига,  
Нағмаи созинг билан энди у маҳкам эрур.

Толиби вайроналар топди жунундан паноҳ,  
Аслида, жаннат деган хона беодам эрур.

Нақшу адаб илми бахт, қилма увол бир даминг,  
Шиша ҳар олган нафас мисли у Байрам эрур.

Ёқди димоғларни, оҳ, кибр дуди, шуъласи,  
Шам каби халқ ҳам алам, ҳам ҳама парчам эрур.

Сўрди ақлдан юрак: «Нега яширддинг сиринг?»  
Айтди юрак: «Бу йиғин, билки, беодам эрур».

Шайху бараҳман анинг ҳолини не англасин,  
Бедилимизнинг ўзи, чунки, бир олам эрур.



\* \* \*

Ҳамла қилгач ғам, юрак фарёди беоҳанг қолур,  
Дил деган гулни асир айлаб, сеҳргар ранг қолур.

Ёндиму... Қилмас тутатқи бир сиқим хошок мени,  
Шул тутаттирганча дилни, айлабон найранг, қолур.

Дил эрибдур, ийманиб сездирмагай бу бахтини,  
Тип-тиниқ сув кўзгу, не акс этса, қоплаб чанг қолур.

Тўзғитай тупроқ бўлиб йўл тошлари, охир бу кун  
Дур қилиб кўзимга қалқтирган ёшин, дил танг қолур.

То қадаҳ майхона ичра айланур, дунёда, оҳ,  
Шармисор айлаб шароб, бадномлар айлаб банг қолур.

Ўз бошингни ўз оёғинг эгдириб, сўнг охири  
Кибридан бўлгач пушаймон, бўлганингча ланг, қолур.

Бошинг офритма бериб сайқал жаҳон кўзгусига,  
Бир кун аксинг йўқ этар-да босганича занг, қолур.

Ушбу ҳорғин танда жоним, вожаб, чикмай турар,  
Гоҳида олтин-кумуш вайронада, аттанг, қолур.

Йўқлик ичра ушбу борлиқнинг мажоли йўқ, у жим,  
Мисли куй янграр ва янграр, сўнгра беоҳанг қолур.

Номимиз ўчгай, агарчи у узук қошиндадир,  
Номлар бўлмай унут дунёда, лек ҳар санг қолур.

Бир қадам ҳам ташламас Бедил мурод мақсад томон,  
То мурод мақсадгача, шунданки, минг фарсанг қолур.

\* \* \*

Акс эттириб ҳаётни, оҳ, бир нафас на қилсун,  
Оташга хас-хашақдан, айтғил, қафас на қилсун.

Шоҳлар тожларин қўрқув қилғай кукун эговлаб,  
Журъат Ҳумо қошинда пашша магас на қилсун.

Бебошвоқ бу жаҳонни ташласанг ўз ҳолига,  
Нетсун эшақда нўхта, боғ итда, бас, на қилсун.

Карвон йўлга тушаркан, ҳажр аҳли ҳолин айтиб,  
Жаранг-журинг қўнғироқ ҳеч тўхтамас, на қилсун.

Ваҳм оламин даф этмоқ қўрқувси бирла ногоҳ  
Чап мижжанг учса, унга қўйганда хас, на қилсун.

Биз ҳақ мевасин тотган боғ ичра, айтингизлар,  
Борлиқ баҳори тонги бўйи нафас на қилсун.

Фарёд қилиб чиқарган мен ўз ўнгири бўғзимдан  
Ноламда ҳадду поён бўлмай абас, на қилсун.

Чарх айланар, бу шавқдир, давр айланар, бу завқдир,  
Ўнг-терси йўқ юракнинг, тахтга ҳавас на қилсун.

Ўй нардини кам ўйна, ўзни қиморга қўйма,  
Холи бўл ишқ, ҳавасдан, санда фараз на қилсун.

Ўзинда йўқ бир дамлик дунё аҳлига, Бедил,  
Дил бермоқни, айтинглар, айлаб фараз на қилсун.

\* \* \*

Ошиқ аҳлига муҳаббатсиз ҳавас имкони йўқ,  
Пашшанинг келмоқлигин анқога бас имкони йўқ.

Кимки етса мақсадига жим бўлур, сўз сўйламас,  
Манзилига етса, жим бўлмай жарас, имкони йўқ.

Бўлдиғу ошиқ, жаҳонда қолдик, оҳ, ёлғизланиб,  
Икки одам бунда бўлмоқ ҳамнафас имкони йўқ.

Тўқлигим шўхлик қилиб оч бу кўнгилни англамас,  
Кўзёшимни фаҳм этарму ҳеч нафас, имкони йўқ.

Зорлигим дардин жунуним ўти бирла ўлчадим,  
Бўлмайин ичгучиларнинг маст-аласт, имкони йўқ.

Бил, ҳаётбахш ҳар нафасни довдиратмай гул ҳиди,  
Айламай бахт бўйига оҳим, ки, қасд, имкони йўқ.

Кўзларим чеҳрангсиз ҳеч оввора бўлмас ғам чекиб,  
Очилиб гул, бўлмайин сўнгида хас, имкони йўқ.

Йўқ бўлиш оламдан ҳар бир кимсани маҳзун қилур,  
Чун, қафас аҳлин яшашнинг беқафас имкони йўқ.

Тонг каби оқ рангда борлиқ кўйлаги то ҳилпирар,  
Ҳаприқиб Бедилнинг олмоғин нафас имкони йўқ.

\* \* \*

Кексаману соғари паймона йўқ,  
Мен сўнаман шам киби, парвона йўқ.

Икки кўзим бўлди қаро лоладан,  
Икки қулоғимга бир афсона йўқ.

Куйгучи бу шамни оёқ йиқди маст,  
Бошнинг эса бўлгиси мардона йўқ.

Ўз нафасим ўз-ўзини қилди забт,  
Ўзни тарашлашга, ки, дандона йўқ.

Ҳолга юрак ўзни бериб қўйди бой,  
Бир мўрни деб кафтда, мана, дона йўқ.

Пажмурда вужуд, сенда тўло нафсу хирс,  
Сенда хазийна сира, вайрона, йўқ.

Қолмади ишқ номасининг сирлиги,  
Қилди чопар муҳрини мастона йўқ.

Номаи ишқ ноласи умидда зор,  
Зор унга ёр, о, на бор ё на йўқ.

Ғам чекадир ғам, негаким, ғам аро  
Бир икки дам Бедили девона йўқ.

\* \* \*

Бул давра асл сўзлара махзан даҳан эрди,  
Бу давра васл. Кўзлара қийғос чаман эрди.

Бу борлиқ аро ҳар нафас, оҳ, охири йўқ дард,  
Бўғзингдаги бир ваҳмали ип, бир расан эрди.

Ваҳм бир ҳамом эдиким, пок чиқиб ундан,  
Кечмаклик ўзингдан бу либос — жомакан эрди.

Ҳар ғунчаки бу боғ аро мавжуд — очилур пок,  
Лек қилма унут, аввал ҳам у... бир чаман эрди.

Ҳар бир нафасинг баҳсдир, ўз баҳсида ғолиб,  
Бу баҳс бугун мен-ла, кеча сен билан эрди.

Ёлғизлик аро кўнгли қаро йўқ, ки, рақиб ҳеч,  
Гурбат шу сабабдан мен учун бир ватан эрди.

Тонг докаси борлиқ ярасин чирмаб азалдан,  
Ишқинг, ки, даво йўқ сира, дарди кўҳан эрди.

Зулфларда тутун бошдан-оёқ менга тузоқдир,  
Йўқликка қилиб банд мени, минг дамда шаън эрди.

Улгурмадик оҳ, дилга жило бергучи ҳар тонг —  
Сайқалдан умид дилдаги дурри яман эрди.

Мўйсафид оламдаги бор оқ сочу соққол  
Тинмай тўкилиб титкиланувчи кафан эрди.

Гар тўзғиса хоқим, шуни бил, бизни этақдан  
Чун чанг каби қоққан бир ажиб гулбадан эрди.

Юлдуз бари, Бедил, мен ўзим дебки ягона  
Сўнг-сўнг таниган бир-бирини анжуман эрди.

\* \* \*

Ёниқ матлабларим бергай оловга дostonларни,  
Бўяр қонга мурод-мақсадларим барча баёнларни.

Асл манзилга етмасдан қолиб кетдинг бўлиб манман,  
Жаранглардан топиб қиргай қароқчи карвонларни.

Шовуллаб турган ўрмон сирларинда, айт,  
не ҳикмат бор,  
Ки, қушлар кўзёши гирдобга бермиш ошёнларни.

Юрақдан гардларинг арт, то тириксан,  
интизом бахш эт,  
Ахир файзи бўлак тартибга солмоқнинг дўконларни.

Лабинг дилни олиб, мендан мийиқлар жон  
сўрайдирлар,  
Ёмон ўргатди ўғринг порага бул посбонларни.

Сен олган ҳар заиф дамдан умр бўйи сўниб келди,  
Мозорларга шам этма вақт елинда устихонларни.

Ютиб келмоқда сен турган қироқни аждаҳо тошқин,  
Қайиқни синдиру соғ кет, йўқотдинг бу маконларни.

Кўзингнинг ёшлари юдузларин янчиб кунингни кўр,  
Тегирмон айлаб айлангирди оҳинг осмонларни.

Фазаб аҳлин тийиб турғил сеҳрлаб сен одоб бирлан,  
Ки ўқлар қошида кўр таъзим этган ул камонларни.

Жаҳондир хомхаёл ошхонаси, армонни еб тўйдим,  
Нечун тишлай совуқ тандирдан оққан бошқа  
нонларни.

Мен ожизсаждаман, айлаб тавоф, сўнг манглайим  
бирлан  
Нақш қилдим шамолга хоки бирлан остонларни.

Қараб ёр тинглагай бир кун, етар, бас, жим бўл,  
эй Бедил,  
Мен ойна бағрига жо айладим фарёд, фиғонларни.

\* \* \*

Азим ўрик ўсар ҳовлимда ёлғиз  
Пишса, беҳуда ҳеч очмайди оғиз.  
«Шивир-шивир», «тўп-тўп» — видо ҳам салом,  
Бир жуфт сўзда бўлиқ мева ва мағиз.

Шундайдир бу фироқ, шундай бу васл,  
Лафзида муайян салмоқ ва маром.  
Муштоқ бўлиб кетган ҳар бир меваси  
Севгилим рухсори каби заъфарон.

Ҳар меваси тилло бир пухта асар,  
Тухфа қилар бетакрор кўркин.  
«Тўп-тўп» о, камолнинг сенинг бунча мухтасар,  
Бунчалар ҳикматли... камгап ўригим.

Гулинг ваъда, меванг мўътабар вафо,  
Шунинг чун ҳам юрак дардига даво...

## БОБУР

Қовунни кесдилар. Қирмизи мағиз.  
Таралди саройда Андижон бўйи.  
Ватан тухфасига урмасди оғиз,  
Фақат йиғлар эди тўйиб ва тўйиб.

Фақат юксакларда муҳташам руҳи,  
Бутун мулки Ҳиндни файзиёб этиб.  
Ё Аллоҳ!.. Қовуннинг ҳар бир уруғи  
Кўҳи Нур эди!..

### ТАҚВО

Рўза тутдим. Нафсим кун-кундан бадтар,  
Бекор ибодатлар қилдим саҳархез.  
Рўза тутдим. Барча савоблар  
Мендан сақлай бошлади парҳез.

Рўза тутдим. Чақиб ташладим  
Жаҳддан иборат заққум мағзимни.  
Рўза тутдим. Ўз аҳволимга  
Таажжубдан очдим оғзимни.

Сувдан қуруқ чиқа олмасанг куйма.  
Кам ўкин. Юрагинг камроқ нолисин.  
Шундай бир шўнғики, чиқаркансан, сув  
Сендан қуруқ қолсин.

Чангалзор оралаб бораётган мард  
Барча тиканларга чап бермоғинг шарт.  
Гуноҳлар оралаб бораётган дил  
Гарчи кўзларимдан менинг пинҳонсан...  
Фориғ қолдингмикан барча тикандан,  
Не учун қонсан?..

### ТАХТАҚОРАЧА

Темирлар ингранар, бошланар тоғлар,  
Йўл буралиб борар, юксалиб борар.  
Қояларга ҳайрон боқар ҳамроҳлар,  
Забтига олади довон тобора.

Юксаклик ҳасрати руҳни қилар қон,  
Увилаб-ғувиллаб куй куйлар шамол.  
Томирларни, зарур бўлса, қил арқон  
Ва содиқ дўстларни ҳамроҳ қилиб ол.

Қийин бу чўққига ўзни чоғламоқ,  
Юксалмоқ ундан-да душвор, машаққат.

Шарт минг томир билан юрак боғламоқ,  
Йўқса тоғ ҳеч кимга қилмайди шафқат.

Чўққилар фалакка тутар динг қулоқ,  
Еласан, шиддатдан очмай кўзингни.  
Кўзгуга айланиб шу пайт Мингбулоқ,  
Сенга аён айлаб қўяр ўзингни.

Бахтгалаб диллардир шерлар, охулар,  
Ҳисор кўзёшлари ичра кўмилган.  
Одамлар қошига келарди тоғлар,  
Афсус, оёқлари ерга кўмилган.

Бизнинг қисматимиз ё чоҳ ёки тоғ,  
Бошқа йўл бошқалар учун ҳақиқат.  
Тахтақорачадир бизлар учун, оҳ,  
Бахтга талпинтирган ҳар бир дақиқа.

Юксаклик энг юксақ бахту даража,  
Бахту даражаси бўлсин ҳар кимнинг.  
Меҳрим қабул айла, Тахтақорача,  
Тахтақорачаси бўлсин ҳар кимнинг.

Ватаннинг тоғлардек ғамин еганмиз,  
Бунда бўлак бир бахт ахтарилмайди.  
Токи бахт васлига етмас эканмиз,  
Елкамиздан тоғлар ағдарилмайди.

Тутсалар-да гарчи осмонга елка,  
Чексиз водийларга ташлаб соялар,  
Муштдек бир маъдан бахш этай деб элга,  
Қулаб-қулаб кетар не бир қоялар.

Толмас лочинларнинг ўлкасидамиз,  
Довулдан кўзларда ёшлар қурибди.  
Бизларми тоғларнинг елкасидамиз  
Ёки елкамизда тоғлар турибди.

Юксақда мўътабар нур порлаётир,  
Бўғизда отилмай турган наъра жам...  
Кетдик, дўст!.. бизларни жим чорлаётир  
Тахтақорача!..

## АЖОЙИБ ПЕДАГОГ ЗАРИФБОЙ ҚЎЧҚОРОВНИНГ ТАЛАБАЛАРГА ЎТИТИ

Кўзикмайди, қўрқманг, данғиллама уй,  
Кўзикмас гиламлар, паркувларингиз.  
Кўзикади қўшиқ, кўзикади куй,  
Кўзикар нурафшон туйғуларингиз.

Туморлар тақасиз машинангизга,  
Туморлар тақасиз мулқингизга сиз.  
Тумор тақинг, асли, кўзёшингизга,  
Тумор тақинг, асли, кулгунгизга сиз.

Менда бир данак бор. Пўчоғи олтин,  
Мағзи ёқут унинг. Чақиб қўйинглар.  
Севинг. Бироқ севиб қолишдан олдин  
Кўнглингизга тумор тақиб қўйинглар.

Муҳаббат шиддатли, беғараз хуруж,  
Бад гумон келмасин хаёлингизга.  
О, барибир, лекин шода-шода мурч  
Совға қилиб қўйинг аёлингизга.

Гарчи совға қилинг жаҳоннинг барча  
Атрлари, мушку анбарларини,  
Неча минглаб қизга неча мингларча  
Кийгизинг қалампир чамбарларини.

Садоқат бир дунё, меҳр бир жаҳон,  
Чек қўйгай камлару кўстларингизга.  
Душманга дўнмасин бир кун ногаҳон,  
Тумор тақиб қўйинг дўстларингизга.

Ана, юлдуз сўнди. Қолмангиз карахт.  
Юлдузларга тумор тақиб қўйинглар.  
Бир барг ҳам сўлмасин, дарахт-ку дарахт,  
Илдизларига тумор тақиб қўйинглар.

Ҳасаддан жирканинг, ҳасаддан қайтинг,  
Туморлар тақинглар гужум — чин орға.  
Кимнинг кўзи тегди Оролга, айтинг,  
Кимнинг кўзи тегди Калта Минорга?!

Қораяр. Қизармас ҳасаднинг бети.  
Кўнгли йўқ. Бўлса ҳам бўлмагайдир тўқ.



Нокас бахилларнинг кўзлари эди  
Комил Девонийга бориб теккан ўқ.

Бахилликдан, айтинг, ким топгай самар  
Юрак мевасини егизмай заха.  
Тутатқига зое қанчалаб камар,  
Тутатқига увол қанча бўсаға.

Оғзи ола бўла кўрманг ҳеч қачон  
Бўлинглар бир ёқа, бўлинглар бир енг.  
Иккиланмай ҳозир берар эдим жон  
Шу билан бўлсайди бизга жаҳон кенг.

Шодликдан кўзимга қалқади ёшлар,  
Сурурланиб қутлуғ аъмолингиздан.  
Юрагим парвозга шайлана бошлар,  
Лочинларим, сизнинг камолингиздан.

Ҳар қадамни ташланг эзгулик томон,  
Худбинлик ёт бўлсин кўзларингизга.  
Ўз кўзингиз тегар ўқдан ҳам ёмон,  
Маҳлиё бўлманглар ўзларингизга!

\* \* \*

«Дўстларга салом айт мендан», дединг сен,  
Сўнгра қўшиб қўйдинг: «Душманларга ҳам...»  
Билмадим, қандай бир одам эдинг сен,  
Омонатинг берди оромга барҳам.

Саломинг айтай деб излаб толмадим,  
Ҳақ баргараф қилсин каму кўстингни.  
Саломинг қайтиб ол... учратолмадим  
На бир душманингни, на бир дўстингни...

\* \* \*

Фироқ зулматда поён бўлса бўлди,  
Ахийр меҳринг намоён бўлса бўлди.

Хаёлинг бирла ҳар дам битта Зухро,  
Ҳаётим кавкабистон бўлса бўлди.

Висол дил қушларимни сайратур шўх,  
Мисол булбулга бўстон бўлса бўлди.

Мудом кўнглим бир истақдан фаровон,  
Мудом кўнглинг фаровон бўлса бўлди.

Юзингнинг тонгларидан тонг қолурман,  
Сочинг қўйнимда райҳон бўлса бўлди.

Қаёқдан дил бўлур ҳажрингда лола,  
Уқубатлар чекиб қон бўлса бўлди.

Муҳаммаддан назардир бир умидим,  
Насийбим дурри иймон бўлса бўлди.

\* \* \*

Отлангирди тақдир — подшоҳ,  
Олмай юрак деган халқ тин.  
Кутмабди эдингиз, эй моҳ,  
Кўзингизга ёшлар қалқди.

Сув сепиб кулфат тафтига,  
Фамга қарши кирдим жангга.  
Тирноқлар ботқизиби, забтига  
Олди айрилиқ — чангал.

Йўқотган эканман ёмон,  
Оловли йўлимдан елдим.  
Ҳамширам, бормисиз омон,  
Йиғламанг... мана, мен келдим.

Бедор. Ухламаган асло  
Юракда минг нафар эран.  
Кўзларингиз бунча шахло,  
Сўзларингиз бунча теран.

Сўз билан айласанг гар фош,  
Файзини йўқотар ҳар сир.  
Меҳри йўқ лочин бир хуффош,  
Дард чексам меҳрим деб арзир.

Ишонинг. Ишончни оқлай.  
Ишондим. Ишончим оқланг.  
Мен сизни йўлимдан сақлай,  
Сиз мени ўлимдан сақланг.

Дард бахтдир, чексам-да заҳмат,  
Юрак севмас, бўлса у соғ.  
... О, табассум учун раҳмат.  
Энди ажалгача узоқ.

Сиймоб янглиғ оғир қалққувчи кўзга,  
 Осон туғилмайди юракдан бу ёш...  
 Менинг кимим ҳам бор, айт, сендан ўзга,  
 Сен ҳақда ўйимдан балқади қуёш.  
 Борлиғим нуруннга масъуд беланар,  
 Руҳим ёришади сўнмас зиёдан.  
 Юрагим юрагингга эланар,  
 Бир каминг бўлмасин бир кам дунёда.  
 Юксак қаватларга жилмаяр офтоб,  
 Табассуми янглиғ мушфиқ онанинг.  
 Ҳикматларга тўла нурафшон китоб  
 Мунис деразаси касалхонанинг.  
 Мутолаа қиламан ўткинчиларни,  
 Бу китоб ичра, о, азиздир ёт ҳам.  
 Сен ҳам фаромуш қил ғам, ўкинчиларни,  
 Бир каминг бўлмасин бир кам дунёда.  
 Тунлар мазмунини тонглар қилар шарқ,  
 Гуллар қийғос қоплар саҳро, қирларин...  
 Манглайимда қушлар ураётир чарх  
 Англатмоқчи бўлиб парвоз сирларин.  
 Юрагим сен тараф елдиранар тулпор,  
 Гоҳ сомон йўл узра кезар пиёда.  
 Лаъл лабингда пинҳон минг чаман гул бор,  
 Бир каминг бўлмасин бир кам дунёда.  
 Ҳаётнинг золидан ишвалар зоҳир,  
 Неча Қайсни кўргай неча минг саҳро,  
 Сандиқларда оқар неча минг Тоҳир,  
 Қулон овлар ҳали неча минг Баҳром.  
 Бироқ такрорланмас оху кўзларинг,  
 Теранлиги кундан-кунга каму кўстларинг.  
 Баргарафлар бўлсин зиёда.  
 Бир каминг бўлмасин бир кам дунёда.  
 Дунё ишларига термулдим ҳайрон,  
 Гоҳ дилни юксалтди илоҳий хулқлар.  
 Гоҳ дил салтанатим қилдилар вайрон  
 Дўст бахтидан кулфат чеккан махлуқлар.  
 Одам оҳиста бир топади камол,  
 Одам шаҳар янглиғ келар бунёда.  
 Шамолдек шошқалоқ жаҳонда жамол,  
 Бир каминг бўлмасин бир кам дунёда...

\* \* \*

Ишқи йўқ азизлар хорлар кўринди,  
Аҳли ишқ қаторда норлар кўринди,  
Юрагимга боқсам, зорлар кўринди,  
Томирлар ўрнида торлар кўринди.

Фалақда юлдузлар толедан қомус,  
Ким ёрга илҳақмас, ё тошдир, ё муз.  
Мен тараф келмасанг кўринди номус,  
Сен тараф бормасам, орлар кўринди.

Ҳар сўзда музларга ўт бўлиб тегдим,  
Борлигим боғ, меҳрим ниҳолин экдим.  
Кўзёш ёмғирларинг гамини чеқдим,  
Бошимда шул сабаб қорлар кўринди.

Ҳар юлдуз зулматга нурдан ўқ ўқлар,  
Кўринмади кўнгли дийдордан тўқлар,  
Кўринди бор бўлиб кўринган йўқлар,  
Йўқ бўлиб туюлган борлар кўринди.

Бийрон-бийрон ўйлар ўйлаб, лол бўлдим.  
Уқубатлар чиқиб, ғарибҳол бўлдим.  
Севиб сен сарвимни, мажнунтол бўлдим,  
Ўзимдан ўзимга дорлар кўринди...

\* \* \*

Бир вақтлар Хоразм тўқайларида  
Ўқриги тоғларга солганча дарзлар,  
Момик қадам ташлаб юрган пурвиқор  
Ҳар тиши бир ханжар йўлбарслар.

... Ана, келмоқда у ҳовлимизга зор,  
Бошламоққа эмас қонлиғ бир жангни.  
У оқсар. Демакки жароҳати бор,  
«Кел, йўлбарс, дўстгинам, узат панжангни».

Жароҳати жиддий. Панжада чўкир.  
Ҳамдардман. Манглайда тер маржон-маржон.  
«Бир дақиқа чида. Секинроқ ўкир.  
Тамом. Тўрт томонинг қибла, йўлбарсжон».

Халос бўлиб кетар йўлбарс миннатдор,  
Мен билан минг йиллик қадрдон гўё.  
...О, замон! Бўлмасанг бунчалар ғаддор,  
Бу бир ривоятми ва ё бир гўё?

Шип-шийдамдир бугун тўқайзор тараф,  
Бемалол сайр этгил хоҳ тун, хоҳи шом.  
Ит, мушуклар эса зотига қараб  
Кўрикларда тақар бўйнига нишон.

Тўқайларни бизмас, кесганми ёвлар,  
Тузтўзон тўзгитар фақат довуллар.  
Қайлардадир энди мушук миёвлар,  
Энди қайлардадир итлар вовуллар.

Сичқон овлашга ҳам эриниб ҳатто  
Сандирақлар улар, бамисли қолиб.  
Йўлбарслар дуч келиб қолса мабодо,  
Биз энгил тортамыз, қафасга солиб.

Ақлим етмай қолар тақдир ўйнига,  
Ҳикматлар мағзини чақиб бўлмайди.  
Дейлик, нима учун йўлбарс бўйнига  
Танловларда нишон тақиб бўлмайди.

Ўрмонларга эснаб очамиз аза,  
Мудраб ўтиб денгиз мотамларини...  
Хоразм хўрсиниб соғинар баъзан  
Йўлбарсларнинг мағрур қадамларини.

\* \* \*

Бир кунмас бир куни этасан вафот,  
Мушукларинг қолар лоқайд миёвлаб.  
Фақат ўз нафсига этганча вафо,  
Таскин топар улар сичқонлар овлаб.

Арвоҳингни эзиб ташламайди ғам,  
Поёнсиз куч берар Аллоҳ сабрингга.  
Зиёрат қилмоққа, бошин қилиб хам,  
Йўлбарслар келади бир кун қабрингга.

\* \* \*

Шоирлардек мусича маъсум,  
Шоирлардек лочинлар абжир.  
Шоирлардек охулар елар,  
Шоирлардек арслонлар сапчир.

Шоирлардек осмон сайрига  
Шоирлардек замин талабгор.  
Шоирлардек қасрлар юксак,  
Шоирлардек кулбалар абгор.

Шоирлардек пурвиқор тоғлар,  
Шоирлардек водийлар сокин.  
Шоирлардек фақир дилларга  
Шоирлардек шоҳлардир ҳоким.

Шоирлардек дарё терандир,  
Шоирлардек жилға сухандон.  
Шоирлардек мажнунтол ғамгин,  
Шоирлардек тераклар хоңдон.

Шоирлардек менинг соғинчим,  
Шоирлардек шодлигим, нолам.  
Шоирлардек ҳар кичик зарра,  
Шоирлардек бутун бир олам.

Шоирлардек севдим мен сени,  
Шоирлардек ғам чекдим шодон.  
Шоирлардек мен ҳам бир доно,  
Шоирлардек мен ҳам бир нодон...

\* \* \*

Сен ўзинг шодликсан, шодлигим,  
Ўзинг изтиробсан шахсан.  
Сен билан келмас бахт. Билиб қўй,  
Сен ўзинг бахтсан.

Кўзларинг тўла ўй, севгилим,  
Ўйлама мени, қўй, севгилим.  
Сен билан юрагим тўла ғам,  
Юрагим тўла тўй, севгилим.

Лайлидан қолғон бу муҳаббат,  
Мажнундан қолғон бу муҳаббат.

Сен кетдинг. Ўлмадим. Афв эт.  
Нақадар ёлғон бу муҳаббат.

Гапим кўн, гулим, жоним,  
Сен билан, кўнглим, жоним  
Илтижо қиламан. Очил.  
Бир ўзинг ўн гулим, жоним!..

\* \* \*

Ёғишинг кам эмас эди ҳайитдан,  
Минг мўъжиза эдинг, минг бир тантана.  
Бу гал... руҳ қоронғу, дил хира пайтда  
Илк бор ёғмоқдасан бўралаб, мана.

Дил ойнаси чил-чил дард деган сангдан,  
Борлигим чекмоқда зарқираб заҳмат.  
Шундай бир мажҳул пайт ёғаётсанг-да,  
Барибир бор бўл, қор, барибир... раҳмат!

## **ХАЁЛИМДА ЧАҚНАР ЧАҚИНЛАР**

*Туркум*

Кўнглинг осмон каби кенг бўлса  
Юрак чақнар бамисли чақин.  
Ҳаёт билан ўлим ораси  
Чақин янглиғ келади яқин.

Юрагингга қул бўл — у телба,  
Ақлингга султон бўл — у соғроқ.  
Ҳаёт кечар, не бўлганда ҳам,  
Сен ўзингдан ўзинг узоқроқ.

\* \* \*

Ҳурматим кўп баланд сенга, қиш,  
Сендан бошқа фаслар хато.  
Оппоқ момиқ меҳрингга олқиш,  
Менинг қадрдоним, қаҳратон.

Қаҳрингга ҳеч йўқдир эътироз,  
Изилайсан менсиз қисиниб.  
Фақат... сиртда кутиб тур бир оз,  
Баҳоргача олай исиниб.

\* \* \*

Курашади нур билан зулмат,  
Рухиятингнинг аҳволи шу.  
Курашлардан на бир толишар,  
Олишмас тин. Тинмас олишув.

Бу тўқнашув билса танаффус,  
Вужудинг лош, вужудинг жасад.  
Чекмас ҳеч вақт бахт бахтдан афсус,  
Қилар нурга зулумот ҳасад.

Ёвузликлар эмас тим қаро,  
Эзгуликлар доғсиз оймаслар.  
Бир-бирига игво, можаро,  
Фисқу фужуурлардан тоймаслар.

Эзгуликларнинг фариштаси,  
Ёвузликларнинг шайтонисан.  
Ёмонликлар, яхшиликларнинг  
Даҳшатли бир жанг майдонисан.

\* \* \*

Сен бу қадар бийрон бўлмасанг,  
Сен бўлмасанг бу қадар чечан.  
Айтган сўзинг жуда жарангдор,  
Овоз чиқмас ишингдан ҳеч ҳам.

Мажбур бўлган тақдирдагида  
Сўзингга, дўст, очил аранг лаб...  
Ишинг бўлса гулдуриб турсин,  
Ишинг бўлса турсин жаранглаб!

\* \* \*

Уя, ахир. Сен — осмон. Биз — ер,  
Бераверма бунчалик малол.  
Айтган гапингнинг устидан чиқ,  
Лафзинг бўлсин ҳамиша ҳалол.

Бир титрадинг, борлиқ ёришди,  
Хабар беринг нурли, ялтироқ...  
Гулдурадинг. Ёрмади ёмғир.  
Ҳей... алдоқчи момақалдироқ.



\* \* \*

Бу гулзорни ўзим яратдим,  
Бу чаман деб терлар тўқдим мен.  
Ер ҳайдай деб гоҳ қўшдим қўшлар,  
Гоҳ чел чекдим, экин экдим мен.

Гарчи бўлмас бу гулистонсиз  
Ёруғ олам зимистон сизга,  
Бу чаман бир беғараз тухфа,  
Холис тортиқ бу бўстон сизга.

Гарчи уқувсизроқ гулчиман,  
Нуқсонларим гарчи бир талай...  
Бироқ... келганим йўқ дунёга  
Капалак тутмоққа, ҳарқалай...

\* \* \*

Гарчи гала-гала қузгун, зоғлар кўп,  
Бир булбули билан бахтли боғлар кўп.  
Кулгичлари юракларга чоҳ қазган  
Қоши ҳилол, чехралари моҳлар кўп.

Умид сўнмас юлдуз чархи ишқ аро  
Ишқ бирла манглай оқ, йўқдир у қаро,  
Муҳаббат мулкида йўқса фуқаро,  
Лекин унда... лекин унда... шоҳлар кўп.

Кафтимдадир юрак, уни ёлмадим,  
Итлар қопди, мен итларни қопмадим.  
Юрак!.. сендан сулув дилдор топмадим  
Адашсам ҳам йўлларида гоҳлар кўп.

Шоирлар бор, минг йил олдда кўзлари,  
Минг йил ўтмиш ҳақда айтган сўзлари.  
Шоирлар бор, уриб туриб ўзлари,  
Бошга кийиб осмонни, воҳ-воҳлар кўп.

Ҳар мазмун ҳам шеърларга юк бўлолмас,  
Ҳар оқин ҳам мумтоз, буюк бўлмас  
Ҳар жонивор марол, кийик бўлолмас,  
Бошларида гарчи узун шоҳлар кўп.

Руҳ оламин қаърида гулдурақдир,  
Бу шеърият Наврўзидан дарақдир.

Шоир чексиз йўлда, манзил юракдир,  
Гарчи унда томирлардан роҳлар кўп.

Биз бир шоир кўп қайсар, кўп ўжармиз,  
Ўч денг ёниб, ён денг, дарров ўчармиз.  
Патқаламдан қанот боғлаб учармиз,  
Ночор қолгай пойимизда чоҳлар кўп.

Шеърятда бут ушатган Халилсиз,  
Зўр билан зўр, залил билан залилсиз  
Ҳам ҳазрати Яъқублардан далилсиз,  
Йўл кўрсатинг, ҳали ҳам гумроҳлар кўп.

Дунё шундай, шамоллар ғув-ғувлайди,  
Дунё шундай, қашқирлар ув-увлайди.  
Дунё шундай, қумрилар қу-қувлайди,  
Дунё шундай, қарғалар қоғ-қоғлар кўп.

Тафаккур бир майдон... кетар жим пойга,  
Ким шоирга мухлис, мухлис ким бойга.  
Шеър деб мажнун бўлиб келдик Чимбойга,  
Урганч ёқда қолиб кетди соғлар кўп.

Ҳар бир юрак минг навога шайланар,  
Қўшиқ куйга, куй қўшиққа бойланар.  
Жўн бир, жўн бир сўзлар шеърга айланар,  
Сур, қамардир, Тўрткўлда янтоғлар кўп.

Байтларингиз гоҳ гулдирлар, гоҳ ханжар,  
Гоҳ палахмон, душман бошларин янчар.  
Ёв мард бўлса, кўксингга шарт тиф санчар,  
Номардлар оқ юзингни чантоғлар кўп.

Қутлуғ бўлсин шеърятнинг камоли,  
Эзгуликдир, муҳаббатдир аъмоли.  
Эсиб турсин мангу Жайхун шамоли,  
Иброҳим Юсуф бир! Қорақалпоқлар кўп.

Еллар кетсин хазонларни супуриб,  
Чаманларда толе эссин уфуриб,  
Юрагимда дулдуларнинг дупури  
Жаранглаган баланд-баланд тоғлар кўп.

\* \* \*

Қиш. Тун. Кўча совуқ. Қорним оч.  
Изғирин еб жунжиккан руҳим.  
Хотин чақди кунжут мойига  
Олтитами — еттита тухум.

Унут бўлди совуқ. Хушбўй ҳид  
Аста таралмоқда ҳаводан.  
Ботган қуёш бир тўда бўлиб  
Ҳозир чиқиб келар товадан.

\* \* \*

Нафасингни тий. Сев. Ён ловуллаб,  
Муҳаббатсиз одаммас одам.  
Ошқозонинг тупроқдан чиққан,  
Юрагинг, бил, тушган самодан.

Севгилингни ардоқла доим,  
Эркалардан бўлсин у эрка.  
Ишонмагин уни осмонга,  
Ишонмагин сен уни ерга.

Қаттиқ қизған. Рашк қил... агарчи  
Қилурман мен бир сирни аён.  
Сени бўғар илондир бир рашк,  
Рашкинг сени чақар минг чаён.

Гарчи сўнгра бўлади бекор  
Васвасадан ақл ҳам, дил ҳам.  
Яшайсан сўнг, гарчи, бир умр  
Бир илон ва минг чаён билан.

## ДАРЁ

Ким тош улоқдирди, ким отди кесак,  
Мағзава тўқдилар, қилдилар талон.  
Йиллар ўтаверади самумдек эса,  
Телбалик тугади, тинди тўпалон.

Толиқиб қолди у чорасиз, беҳол,  
Ҳолидан тойдирди қақроқ бир ҳолат.  
Бу қандай кўргулик, ўзи, бу не ҳол,  
Дарёни дашт қилди сўқир жаҳолат.

Ахир тинч қўйдилар... бало бўлди даф,  
Юртни бахтдан тагин қилганча воқиф.  
Таҳлика солмаган каби ҳеч вақт хавф,  
Вазмин ва улуғвор турибди оқиб.

### ИККИ АРЧА

«Суюк-суюгимдан ўтар қаҳратон,  
Изғирин санчилар жон-жонимга.  
Изтиробим оғир. Ёлғизлик ёмон,  
Қилг этган жон яқин келмас ёнимга.

Ин инига урган ҳатто бўрилар,  
Ёзда қолиб кетди соз ҳам, сайр ҳам.  
Шохларим беҳуда фалакка ўралар,  
Сунъий арча, энди сеники байрам.

Шаҳарга боролмам, бозорим касод,  
Кўндаланг чиқдинг-а, номард, йўлимдан».  
«... Фаҳмсиз дўстгинам, ўсавер озод,  
Сақлаб турибман-ку сени ўлимдан!»

### ТҶРТЛИКЛАР

Сен борсанки, замин, замон чарақлар,  
Ҳам қибла, ҳам... ҳамма томон чарақлар.  
Сенга муҳаббатим сўнган бир юлдуз,  
Ҳамон чақнаб турар, ҳамон чарақлар.

\* \* \*

Мард бўл мудом, кураш, меҳнат қил, толма,  
Бахтли бўл, камол топ, қатордан қолма.  
Илоҳо, мушукка ўхшама ҳеч ҳам,  
Итнинг қасосини сичқондан олма.

\* \* \*

Мўътабар кўзларни ёш қилиб қўйдик,  
Юлдузларни оддий тош қилиб қўйдик.  
Муҳаббат сўнармиш ошкор қилинса,  
Бу қутлуғ сирни биз фош қилиб қўйдик.

## ҚҰРИҚХОНАДА

Фуломжон Жумаевга

Эришмак-чун юксак бир авжига  
Руҳимдадир кеча-кундуз жанг.  
Менинг учун йўлбарслар мушук,  
Аждаҳолар эса — чувалчанг.

Лекин хаёл, лекин тафаккур  
Саволларга тўқинар таққа.  
Қандай сичқон овлар у мушук,  
Қандай балиқ тушар қармоққа?

Қандай ит қувлар у мушукни,  
Довдирайди ақл, гангир ҳуш.  
Қармоқ қочса, у балиққа  
Човут солар экан қандй қуш?

Ўлжасини тортиб олмоқ-чун  
У қушга қай лочин солар чанг?  
Имконларнинг ҳудуди излаб  
Руҳимдадир кеча-кундуз жанг.

\* \* \*

Сўнгги қоплон ўлди қўриқхонада,  
Икки оёғини қўйганча бошин.  
Ҳеч ким кўрмай қолди, энг сўнгги дамда  
Бир жуфт лахча чўғдек кўзёшин.

У ўлди олис бир ўрмонда юрган  
Мўътабар жуфтнинг айрилигидан.  
Теграсин буркаган маҳдуд борлиқнинг  
Ғайрилигидан.

Шу куни қуёшни булутлар тўсди,  
Шу оқшом мутлақо кўринмади ой.  
Сўнгги қоплон ўлди. Унинг билан бирга  
Бизларнинг хислатлар ўлди, ҳойнаҳой.

Олисдаги қоплон сезар бу ўлимни,  
Фарёди унинг-да бошига етар.  
Сўнгги қоплон ўлди. Энди бу мотамдан  
«Қизил китоб» баттар қизариб кетар.

Дастимиздан бизнинг ошиқ қоплон ўлди,  
Тоқай ўзимизлан кетиб яшаймиз.  
Тоқайгача мушуклар бошини силаб,  
Қоплонлар бошига етиб яшаймиз?!

\* \* \*

Сен борсан, ҳар лаҳза муқаддас оним,  
Исминг билан қутлуғ ҳар бир азоним.  
Иккиланмай ҳозир қовжирар эдим,  
Яшнатар бўлса гар сени хозоним.

\* \* \*

Муҳаббат дарди жондин жонга тушди,  
Бўлиб қатра гуҳар, мужгонга тушди.

Фалаклардан балаңд эрди қуёшим,  
Қилиб ерга ҳавас, осмонга тушди.

Абад оввора олам бирла одам,  
Не тонг, нодон иши нодонга тушди.

Кўриб мингдан бирин ишқнинг самовот  
Қоқиб қарс қалди роқ, ларзонга тушди.

Ширин жондан кечибдим боз висол деб,  
Деди гулюз: «Бу бахт арзонга тушди».

Бўлиш-чун дур керак денгиз каби сабр,  
Шунинг-чун ҳам садаф уммонга тушди.

Кўнги — қуш, истади ёр холларини,  
Кабутар оч эди, хирмонга тушди.

Менинг, эй, кулфатим аҳволина вой,  
Қалам қоғоз деган майлонга тушди.

\* \* \*

Нафаси ўликка бахш этади жон,  
Барҳам топсин дер у адоват, низо.  
... Жазавага тушиб қавми ногаҳон,  
Хочга парчинланар ҳазрати Исо.

... Мусога жон таслим этар жаҳолат,  
Зовларга лочинлар солади човут.  
... Бу ҳам кифоямас. Оҳ, бу на ҳолат,  
Дунёга келади ҳазрати Довуд.  
... Нажот йўли аён бўлар ниҳоят,  
Ташриф буюради юракка калом...  
... Адашганлар ҳақ йўл топсин деб, оят  
Пичирлар Муҳаммад алайҳиссалом.

«Сизнинг нафсингизмас ҳокими мутлақ,  
Ҳокими мутлақ бир Аллоҳдир якка».  
Кимдир исён қилар, кимдир дейди «Ҳақ!»  
Ари уясидек гувиллар Макка.

... О, дунё! Курашди куфру диёнат,  
Ёмон яхши, яхши ёмон атаниб.  
... Кимдир Ватанига қилар хиёнат,  
Кимгадир хиёнат қилар ватани.

## МУНДАРИЖА

<b>«Фасллар кўшиғи»</b>			
Ирода.....	6	Ҳайкал.....	27
Тасалли.....	6	Эврилиш.....	28
Хабаринг йўқ.....	7	Сен, жоним, мана шу	
Дийдор.....	8	боғларникисан.....	28
Отажон оға дийдори.....	8	Таъбирсиз туш.....	33
Гужумлар кўшиғи.....	10	Тулпор дейдики.....	33
Сафар таассуроти.....	11	Баҳор, ёз барқ уриб.....	34
Армон.....	11	Тошлар ҳақида шеър.....	34
Эртак.....	12	Ҳазал.....	35
Бедорлик.....	12	Рашк.....	36
Пушаймон.....	12	Сарупо.....	36
Туриалар ҳақида баллада.....	13	Йўловчи қиз.....	37
Ҳазил эмас.....	13	Бу уй.....	38
Висол кўшиғи.....	13	Шоҳсупадаги лочин.....	39
Поезда.....	14	Чайир қанотингиз.....	40
Мажнунтоллар.....	14		
Дийдор.....	14	<b>«Ойдинлик»</b>	
Баҳорга сафар.....	15	Агава дарахти.....	42
Этюд.....	17	Макрни касб қилиб.....	43
Бир сўз.....	17	Армуғон.....	44
Висол.....	18	Беҳи.....	45
Сир.....	19	Кабутардек учиб келдинг сен	45
Даъват.....	20	Лабингдаги кулгудан келсам.	46
Тоғ соғинчи.....	21	На Мажнун бўлмоқдик.....	46
Ветеран.....	21	Севгилим .....	46
Тўртликлар.....	22	Йўлингга кўз тутиб.....	47
Қор кўшиғи.....	22	Кун ҳам ботиб бўлди.....	47
Ҳикмат.....	23	Қачон .....	48
Жасоратнинг изи.....	23	Мева.....	48
Дунёнинг ишлари.....	24	Айрилиқ.....	48
Жалолиддин.....	24	Севги.....	49
Ўлчовлар.....	25	Ўйин тамом бўлди.....	49
Оғриқ.....	26	Сен ёнимга тушдинг.....	49
Ўспиринлигим афсонаси.....	26	Маъсума.....	50
Сайрибоғ.....	27	Алла айт.....	51
Англашилмовчилик.....	27	Неча йил бўлди.....	51
		Ёғар ёмғир.....	51
		Кетар бўлдинг.....	52





Қўрқоқнинг қўшиғи.....	153	Эльдарадо.....	183
Тоғ манзараси.....	154	Навойни ўқиб.....	184
Қайроқчи қиз.....	154	Одоб ҳақида.....	184
Феврал осмони.....	154	Уйқучи.....	185
Ўргатилган қуш.....	156	Менинг Лайлию Ширин	
Баҳорга деганим.....	156	ўрнида.....	185
Фаросат.....	157	Сирлашиб гижжағу сетор.....	185
Тўртлик.....	158	Ўт чақнади ногаҳон.....	186
Энди.....	158	Минг тикан ўқталади.....	186
Бугунги одам.....	158	Қимтиниб қумри каби.....	187
Хотира.....	159	Кулиб лоқайдгина.....	187
Қарз.....	160	Ловиллар лолалар.....	188
Осмонга хат.....	160	Сенинг мадҳингта машғул....	188
Тарқалиши бунчалар қийин.	161	Биладинг... сенга ёмон зор.	189
Тараддуа.....	162	Орол қўшиғи.....	189
Элэгия.....	162	Бездим аччиқ сўзидан.....	190
Гиря.....	162	Кўнглим... чарчадинг-	
Туш кўрдим.....	164	толдинг.....	190
Сабоқ.....	164	Муҳаббат бир ғариблиқдир..	191
1930-йиллар.....	164	Бўлиб қадди ниҳолга.....	191
Юзга айтсанг.....	164	Бўлган янглиғ.....	192
Мунорага мактуб.....	164	Айладим ҳар лаҳза	
Рўё.....	166	васлингни.....	192
Ўринли таънага жавобим.....	166	Қилар гоҳи юракни қон.....	193
Бир ўлкаки.....	167	Куйласам, қўлимда соз.....	193
Сунбула.....	167	Гарчи ошиқлар ададсиз.....	194
Илон.....	168	Элим ичра мусофирман.....	194
Хўжа Насриддиннинг		Тонг.....	195
ёдномаси.....	169	Ўртада йиллар ва йўллар.....	195
Атиргул.....	170	Дардиндадир.....	196
Таржимаи ҳол.....	171	Тоғ каби.....	196
Ажал минораси.....	172	Неча йиллик айрилиқдан.....	197
Кўшиқ.....	173	Товон.....	197
Хаста.....	174	Сайловга даъват.....	198
Буларнинг даври.....	175	Башорат.....	199
Пўстин.....	176	Тажанг одам.....	199
Тушунтириш хати.....	176	Ирода.....	200
Итдан хафа бўлганим.....	177	Жазо.....	200
Баҳор.....	177	Давр.....	200
Хива йўли.....	178	Имконият.....	201
Тазарру.....	180	Ғаройиб юрт.....	201
Кўрик.....	180	Жангнома.....	201
Истара.....	181	Сабаб.....	201
Кекса ари.....	181	Одий манзара.....	202
Биз.....	181	Кўшиқ.....	202
Сукунат.....	182	Тоқатнинг таърифи.....	202
Бу туйғу.....	183	Дуауқ.....	203
Меҳмон.....	183	Изоҳ.....	203

Наврӯз.....	203	Ўрик дарахти.....	233
Поезда бир ҳафта.....	204	Тун бўйи.....	233
Манзара.....	204	Жилва қил.....	234
Эътироз.....	204	Қутлуғ дийдорингта.....	235
Ўзгариш.....	205	Тиним билмай.....	235
Мўмин-қобил.....	205	Сиртқи сабоқ.....	236
Космополит.....	205	Атойига татаббуъ.....	237
Айрилик.....	206	Исмолут ота.....	238
Тўртлик.....	206	Икки томчи ёш.....	239
Карашмали гул.....	206	Тоҳир бўлдим.....	240
Дарахтзор.....	206	Чақинлар фасли.....	241
Нишонпараст.....	207	Биби Марямга.....	248
Кўпайди тармоқлар.....	207	Меваларин тўкиб боғлар жим.....	249
Ғоя.....	207	Бу оқшом ҳам.....	250
Сурбет.....	207	Чаман руҳ.....	250
Шайтон.....	207	Умрдир беомон.....	252
Сокиниликда.....	208	Ваҳдат.....	252
Жарроҳлик бўлими.....	208	Фироқ шуъласи.....	253
Яра.....	209	Гардлардан форигим.....	253
Ақлим бовар қилмас.....	209	Никоҳ, асли нима.....	254
Ҳорғин кўзларингта.....	210	Ҳиндистон, ғаройиб мамлакат.....	254
Ватанни излаш.....	210	Михайил Дудиндан.....	254
Рубойлар (Паҳлавон Маҳмуддан).....	211	Аёзқалъа ҳикояти.....	255
<b>«Ёнимдаги дарёлар»</b>		Бўлмоғим қон.....	256
Айиқ.....	214	<b>«Қорачиқдаги дунё»</b>	
Мен яратган дунё.....	215	Хоразмни қазсангиз агар.....	258
Қайтиш.....	217	Қарамайсан.....	258
Дўст.....	218	Ўлган эмасдирлар.....	258
Дардан сўнг.....	220	Бутун бир.....	259
Сояларинг бунча қуюқ.....	222	Бутун келадирсан.....	259
Рубойлар (Омондурди Аннадурдиев)дан.....	222	Кузатиб қўйишга.....	260
Танҳо фасл эмасди баҳор.....	225	Сен келсанг бас.....	261
Таклифнома.....	226	Азанинг устидан.....	261
Эрк қўшиғи.....	226	Жудолик юракхўр.....	262
<b>«Ёлғиз япроқ»</b>		Тунларим тонг бўлар.....	262
Бу боғ сўлим.....	228	Куз.....	263
Келсанг, пошнларинг ўрнидан.....	229	Серқибла одам.....	263
Табиат! Мен сени севаман.....	229	Савдо.....	264
Тилга кираётир.....	229	Манзара.....	264
Ёмғир.....	229	Қоматинг.....	264
Ёлғиз япроқ.....	231	Қайдасан.....	265
Қишлоқ муаллимаси.....	232	Зардушт.....	265
Ибодат.....	232	Дўст.....	267
		Кетганингдан сўнг ҳам.....	267
		Одам.....	268

Фазаллар.....	270	Шоирлардек мусича маъсум.	320
Зардушт хаёли.....	274	Сен ўзинг шодликсан.....	320
Дарахтим (Расул Ҳамзатовдан).....	279	Ёғишинг кам эмас.....	321
Тўртликлар.....	280	Хаёлимда чақнар чақинлар (Туркум).....	321
Жавзо арафаси.....	280	Ҳурматим кўп баданд.....	322
Рубойлар (Пахлавон Маҳмуддан).....	284	Курашади нур билан зулмат	322
Фазаллар (Мирзо Абдулқодир Бедилдан).....	294	Сен бу қадар бийрон бўлмасанг.....	322
Азим ўрик ўсар.....	311	Уял, ахир.....	322
Бобур.....	311	Бу гулзорни.....	323
Тақво.....	312	Гарчи гула-гала қузғун.....	323
Тахтақорача.....	312	Қиш. Тун. Кўча совуқ.....	325
Ажойиб педагог Зарифбой Қўчқоровнинг талабаларга ўгити.....	314	Нафсингни тий.....	325
Дўстларга салом айт.....	315	Дарё.....	325
Фироқ зулматда.....	315	Икки арча.....	326
Отлангирди тақдир подшоҳ..	316	Тўртликлар.....	326
Сиймоб янглиф оғир.....	317	Муҳаббат дарди.....	327
Ишқи йўқ хорлар.....	318	Қўриқхонада.....	327
Бир воқийлар.....	318	Сўнгги қоплон ўлди.....	327
Бир кунмас бир кун.....	319	Сен борсан.....	328
		Муҳаббат дарди.....	328
		Нафаси ўликка бахш.....	329

**МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ**

**ЖАВЗО ТАШРИФИ**

*Шеърлар, гостонлар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2008

Муҳаррир: *Барнобек Эшпўлатов*  
Мусаввир: *Музаффар Аъламов*  
Техник муҳаррир: *Раъно Бобохонова*  
Саҳифаловчи: *Лидия Цой*  
Мусахҳихлар: *Маъмура Зиямуҳамедова, Жамила Тоирова*